

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИГА
ШАРҲ**

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИГА
ШАРҲ**

ТОШКЕНТ
"ЎЗБЕКИСТОН"
1995

Бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар томонидан ёзилган ушбу китобда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳар бир моддаси содда шаклда шарҳлаб берилган. Бундан ташқари, Конституциянинг ҳар бир бобиغا ёзилган изоҳларда конституцион тузум, давлат тузилишининг умумий тамойиллари, инсон ва фуқаро ҳуқуқи масалалари ёритилган. Асарда қонуний ҳужжатлардан, Президент фармонларидан, Ҳукумат қарорларидан фойдаланилган, Конституциянинг айрим қоидалари конкретлаштирилган.

Китоб кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган. Шунингдек, у юристларга, ҳокимият вакилик органларининг депутатларига, давлат аппаратининг хизматчиларига, илмий ходимларга, талабаларга ҳам фойдали қўлланма бўлади.

Муаллифлар таркиби:

Ю.ф.д. проф. А. А. Абдумажидов, ю.ф.д. проф. С. Қ. Абдураззоқов, ю.ф.д. проф. А. А. Азизхўжаев, ю.ф.д. проф. Ҳ. Бобоев, ю.ф.н. доц. А. Р. Болтаев, ю.ф.н. доц. М. Ю. Гасанов, ю.ф.н. доц. А. Ж. Давлетов, ю.ф.н. доц. А. С. Ёқубов, ю.ф.д. проф. З. С. Зарипов, ю.ф.н. доц. А. А. Иноятлов, ю.ф.д. проф. З. М. Исломов, У. Қ. Мингбоев, ю.ф.н. доц. М. М. Мирҳамидов, Б. М. Мустафоев, ю.ф.н. доц. О. З. Муҳаммаджонов, ю.ф.д. С. Д. Ниетуллаев, ю.ф.д. доц. Ҳ. Т. Одилқориев, ю.ф.н. О. Ҳ. Олимжонов, ю.ф.н. доц. Х. Р. Олимов, ю.ф.н. доц. Ф. М. Отаҳўжаев, ю.ф.д. Л. М. Охунжонов, ю.ф.н. доц. А. А. Раҳимова, ю.ф.д. проф. М. Х. Рустамбоев, ю.ф.н. Ш. З. Рустамов, ю.ф.д. проф. Г. П. Саркисянц, ю.ф.н. доц. Г. М. Тансиқбоева, ю.ф.н. У. Т. Тожихонов, ю.ф.д. проф. А. Тўлаганов, ф.ф.н. У. М. Уватов, Р. А. Хачатуров, ю.ф.н. А. Худойбердиев, проф. Ш. Ш. Шораҳметов, ю.ф.н. доц. О. Э. Эрназаров, З. А. Юлдашева, ю.ф.д. проф. Ш. З. Ўразаев, ю.ф.н. проф. Р. Қ. Қаюмов, ю.ф.д. Б. Қосимов, ю.ф.н. С. А. Ҳакимова, ю.ф.н. доц. О. Т. Ҳусанов.

Таҳририят кенгаши:

Ш. З. ЎРАЗАЕВ — (раҳбар), З. АЛМАТОВ, М. АМИНОВА, А. МАРДИЕВ,
У. Қ. МИНГЪОЕВ, Б. М. МУСТАФОЕВ, У. Т. ТОЖИХОНОВ.

Муҳаррир — Н. УМАРОВ

ISBN 5-640-02013-x

У 0503020904-154 95
М 351 (04) 95

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1995.



ШАРҲ МУАЛЛИФЛАРИ

Абдумажидов А. А., ю.ф.д. проф.	XXII боб, 112—116-моддалар (Г.П. Саркисянц билан биргаликда)
Абдураззоқов С. Қ., ю.ф.д. проф.	XVI боб, 68,69-моддалар
Азизхўжаев А. А., ю.ф.д. проф.	XIX боб, 89—97-моддалар
Бобоев Ҳ., ю.ф.д. проф.	2-бўлим, V боб, 18—20-моддалар
Болтаев А. Р., ю.ф.н. доц.	XVIII боб, 76—88-моддалар (О. З. Муҳаммаджонов билан биргаликда)
Гасанов М. Ю., ю.ф.н. доц.	IX боб, 36—42-моддалар (А.А. Иноятов билан биргаликда)
Давлетов А. Ж., ю.ф.н. доц.	XXIV боб, 118—121-моддалар (Б.М. Мустафоев билан биргаликда)
Ёқубов А. С., ю.ф.н. доц.	VII боб, 27—29-моддалар
Зарипов З. С., ю.ф.д. проф.	VII боб, 30-модда
Иноятов А. А., ю.ф.н. доц.	IX боб, 36—42-моддалар (М.Ю. Гасанов билан биргаликда)
Исломов З. М., ю.ф.д. проф.	XIII боб, 56—60,62-моддалар
Мингбоев У. Қ.	XXII боб, 106,110-моддалар
Мирҳамидов М. М., ю.ф.н. доц.	XX боб, 98-модда
Мустафоев Б. М.	XXIV боб, 118 — 121-моддалар (А.Ж. Давлетов билан биргаликда)
Муҳаммаджонов О. З., ю.ф.н. доц.	XVIII боб, 76—88-моддалар (А.Р. Болтаев билан биргаликда)
Ниетуллаев С. Д., ю.ф.д.	XVII боб, 70—75-моддалар (Л.М. Оқунжонов ва З. А. Юлдашевлар билан биргаликда)
Одилқориев Ҳ. Т., ю.ф.д. доц.	VI боб, 21—23-моддалар (Р.Қ. Қаюмов билан биргаликда)
Олимжонов О. Ҳ., ю.ф.н.	XXIII боб, 117-модда
Олимов Х. Р., ю.ф.н. доц.	XXVI боб, 125,126-моддалар (Б.Қосимов билан биргаликда)
Отахўжаев Ф. М., ю.ф.н. доц.	XIV боб, 63—66-моддалар

Охунжонов Л. М., ю.ф.д. доц.	XVII боб, 70—75-моддалар (С.Д.Ниетуллаев ва З. А. Юлдашева билан биргаликда)
Раҳимова А. А., ю.ф.н. доц.	XXV боб, 122—124-моддалар
Рустамбоев М. Ҳ., ю.ф.д. проф.	VII боб, 24—26-моддалар
Рустамов Ш. З., ю.ф.н.	VIII боб, 32—35-моддалар (А.Худойбердиев билан биргаликда)
Саркисянц Г. П., ю.ф.д. проф.	XXII боб, 112—116-моддалар (А.А. Абдумажидов билан биргаликда)
Тансиқбоева Г. М., ю.ф.н. доц.	XV боб, 67-модда
Тожиқонов У. Т., ю.ф.н.	Муқаддима, I—IV боблар
Тўлаганов А., ю.ф.д. проф.	XXI боб, 99—105-моддалар (О. Ҳусанов билан биргаликда)
Уватов У. М., ф.ф.н.	VII боб, 31-модда, XIII боб, 61-модда
Хачатуров Р. А.,	XXII боб, 111-модда
Худойбердиев А., ю.ф.н. доц.	VIII боб, 32—35-моддалар (Ш.З. Рустамов билан биргаликда)
Шораҳметов Ш. Ш., проф.	XI боб, 47—52-моддалар
Эрназаров О. Э., ю.ф.н. доц.	XII боб, 53—55-моддалар
Юлдашева З. А.	XVII боб, 70—75-моддалар (Л.М.Охунжонов, С. Д. Ниетуллаев билан биргаликда)
Ўразаев Ш. З., ю.ф.д. проф.	Кириш, 127,128-моддалар
Қаюмов Р. Қ., ю.ф.н. проф.	VI боб, 21—23-моддалар (Ҳ.Т. Одиқориев билан биргаликда)
Қосимов Б., ю.ф.д.	XXVI боб, 125,126-моддалар (Х.Р. Олимов билан биргаликда)
Ҳақимова С. А., ю.ф.н.	XXII боб, 107—109-моддалар
Ҳусанов О. Т., ю.ф.н. доц.	X боб, 43—46-моддалар, 99—105-моддалар (А. Тўлаганов билан биргаликда)

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси XII чақириқ Олий Кенгашининг XI сессиясида 1992 йил 8 декабрда моддама-модда овоз бериш йўли билан мустақил Ўзбекистон давлатининг Конституцияси қабул қилинди. Бу республика тарихидаги буюк воқеадир. Ўзбекистон халқи илк бор ўз давлат мустақиллигига эга бўлди ва бу тарихий факт унинг Конституциясида тантанавор тарзда мустақамлаб қўйилди.

Мазкур ҳужжат дунё сиёсий харитасида янги демократик давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлиги фактини акс эттиради. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ўз Конституциясини қабул қилди. Ўзбекистондан кейин Қозоғистон (1995 йил 30 август); Қирғизистон (1993 йил 5 май); Россия Федерацияси (1993 йил 12 декабрь); Беларусь Республикаси (1994 йил 15 март); Тожикистон (1994 йил ноябрь) ва бошқалар ўз конституцияларини қабул қилишди.

Ўзбекистон Конституцияси халқнинг ўзини ўзи бошқариш, эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар демократик давлат барпо этиш тўғрисидаги азалий орзусини ифодалади. Конституцияда давлатнинг қиёфаси, унинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизимининг демократик табиати, унинг умуминсоний қадриятларга нақадар содиқлиги, фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада юридик жиҳатдан ҳимояланганлиги кўзгудагидек акс этиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига Президент И. Каримов қисқа, лекин сермазмун ва ифодали таъриф берган.

"...Бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир, — деб таъкидлади у. — Унда

коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда "фуқаро — жамият — давлат" ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик"¹.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси дунёга келишига асосан иккита омил сабаб бўлди. Шулардан бири жамиятнинг бозор муносабатлари томон тутган йўли, яъни тараққиётдаги умумий қонуниятлар ва йўналишларга мувофиқ равишда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши бўлди. Айни пайтда Ўзбекистон аввал бошданоқ бозорга бирдан-бир мақсад сифатида эмас, балки жамиятнинг жадал ривожини таъминловчи восита тарзида қаради. Бозор муносабатлари қонунларига таянган ҳолда республика ва халқнинг бутун бор имкониятларини ишга солиб, замонавий маданиятли маърифатли мамлакатлар сафидан ўз муносиб ўрнига эришиш кўзда тутилди. Мулкнинг турли шаклларига муносабатни ўзгартирмасдан, иқтисодий ва сиёсий муносабатларни демократиялаштирмасдан, Конституция ва қонунларни қайта кўриб чиқмасдан туриб, бозор иқтисодига ўтишни амалга ошириб бўлмасди. Конституция бутун қонунчиликнинг умуртқа суяги бўлиб хизмат қилмоғи лозим эди. Давр хусусиятларини, тараққиётнинг янги шароитларини ҳисобга олган Конституция негизидагина бозор иқтисодиётидан келиб чиқувчи ижтимоий муносабатларга ўтишни амалга ошириб бўларди. Шундай қилиб, Конституция демократик ҳуқуқий давлатни муваффақиятли бунёд этиш учун ҳуқуқий пойдевор яратарди. Конституция фуқаролар жамияти барқарорлигининг, инсон ҳуқуқларининг кафолоти бўлиши, одатда янги, ҳали таниш бўлмаган ижтимоий муносабатларга ўтиш шароитида жамиятга ҳамроҳ бўладиган тартибсизлик ва бошбошдоқлик, ҳуқуқий нигилизм ва бедодликнинг олдини олиши лозим эди. Конституция Асосий Қонун шаклида ҳаётда вужудга келадиган кўпгина саволларга жавоб берарди, жамиятнинг келажакдаги аҳволига умид ва ишонч уйғотарди, ижтимоий тараққиётда мўлжал олувчи компас, йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қиларди. Конституция,

1

И. А. Каримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992, 37-бет.

шунингдек давлатнинг ойдин, аниқ-равшан, муайян дастури мавжудлигидан, унинг аниқ белгиланган йўлдан боришга тайёр эканлиги ва бунга қатъий қарор берганлигидан, ҳаётий йўналишлари пухта ҳисоб-китоб қилиб чиқилганлигидан гувоҳлик берарди. Ўзбекистон шароитида Республика Президенти И. А. Каримовнинг 1992 йил ёзида нашр этилган "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" китоби ана шундай йўл кўрсатувчи дастур бўлди. Бу китобдаги фикрлар унинг "Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" асарида, бошқа мақолалари, рисоалари, суҳбатлари ва нутқларида янада ривожлантирилди. И. А. Каримовнинг хулосалари ва фикр-мулоҳазалари ҳаётда давом этаётган жараёнларни, Ўзбекистон тараққиётидаги аниқ тарихий шарт-шароитларни узоқ давр мобайнида ўрганиш, таҳлил қилиш ва уйғунлаштириш, республиканинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлини, бутун бор имкониятларини ўрганиб, таҳлил қилиш натижаларига асослангандир. И. А. Каримов асарларида назария билан тажрибанинг ҳаётий жараёнларни билиш билан фаннинг тағ-заминли асослари уйғунлиги ўз ифодасини топган. Улар бой амалиётни умумлаштирган, ҳаётни чуқур ўрганиш асосида назарий хулосалар чиқарган ва шу хулосаларни ҳаётга татбиқ этаётган буюк иқтисодчи олим қаламига мансубдир.

Тарих Ўзбекистон Президенти зиммасига режалаштирилган иқтисодиётни ижтимоий йўналишли бозор муносабатларига айлантиришдек юксак вазифани юклади. Бундай вазифа жаҳон тажрибасида илк бор ҳал этилаётганди. Аксинча, бозор иқтисодиётини режали иқтисодиётга айлантириш тажрибаси, куч ишлатиб, мулкни экспроприация қилиш, яъни мажбурий равишда давлат ихтиёрига ўтказиш билан боғлиқ шафқатсиз қонли тажриба башариятга яхши маълум. Республика иш бошлаётган маррада иқтисодий имкониятлар, жуғрофий-сиёсий аҳвол оғир ва мураккаб эди.

Гап, албатта, ривожланишнинг қулай шарт-шароитлари хусусида эмас, балки ишни қай йўсинда олиб боришни биладиган ва жамият тараққиётини олдиндан белгилаб бера оладиган Президентнинг аниқ мақсадни кўзлаган, нуфузли, чуқур идрок қилинган, илмий жиҳатдан асосланган, босиқ-вазмин стратегияси тўғрисида бораяпти.

Ўзбекистон Президенти, Республика ўз тараққиёт йўлини Конституцияга асосан белгилаб олиши лозимли-

гини қайта-қайта таъкидлаган эди. "Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири,— деган эди у,— кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ"¹.

Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш конституциявий нормалар ва қоидаларни тубдан қайта қўриб чиқишни талаб қиларди. Илгариги Конституция янги муносабатлар ривожига ёрдам беролмас эди. Устига-устак у ўзига йўл очиб келаятган ижобий жараёнларга тўсқинлик қилаётганди. Конституцияга ҳадеб киритилаётган қурок-қурок ўзгартишлар эса эскириб адо бўлган қийимга солинган ямоқларни эслатарди. Бозор иқтисодига ўтиш кишиларнинг тадбиркорлигини, ташаббускорлигини, қулф урдиришга кўмаклашадиган янги юридик нормалар бўлишини талаб қилаётган эди. Мулкнинг турли хил шакллари, биржалар, банк иши, инвестиция жараёнлари, эркин бозор муносабатлари ривожланишига тўғаноқ бўлаётган тўсиқларни бартараф этиш лозим бўлиб қолди. Вужудга келаятган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг қонуний манфаатларини Конституцияга биноан муҳофаза қилиш, фуқароларга демократик жараёнларда иштирок этишлари учун баравар ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериш, инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга, энг аввало Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясига таяниб иш қўриш зарурияти юзага келганди.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилинганлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тақозо этган иккинчи омил бўлди. Ўзбекистон ҳудудида илгари амал қилиб келган барча конституциялар (Туркистон АССРнинг 1918 ва 1920 йиллардаги конституциялари, Хоразм ва Бухоро Халқ Республикаларининг 1920—1921 йиллардаги конституциялари, Ўзбекистон ССР нинг 1927, 1937, 1978 йиллардаги конституциялари) ўз халқи ва ҳудудини эркин ва демократик асосда бошқарадиган мустақил, эгамен давлат конституциялари эмасди.

Бошқа масалаларда ҳам аҳвол шундай эди. Ўзбекистон собиқ СССР таркибига федерация субъекти сифатида кирарди, аммо амалда бу федерация бошқаришнинг бир бутун маъмурий-буйруқбозлик тизимини ўзида гавдалан-

¹

И. А. Каримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. 36-бет.

тирарди, кадрлар марказдан туриб тайинланарди, қасрда ва нима қуришни марказ ҳал қиларди, қандай маҳсулотларни ва қанча ҳажмда четдан олиб келиш ҳамда четга чиқаришни марказ белгилаб берарди. Конституция ана шундай идора усулини белгилаб, мустақамлар эди ва у бошқаришнинг тоталитар, авторитар тизимига мослаштирилганди.

Республика ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгач, табиий равишда, шу давлат мустақиллигини Конституция асосида мустақамлаб қўйиш муаммоси бутун бўй-басти ва кучи билан кўндаланг бўлди. Конституцияда янги давлатнинг табиати, унинг ички ва ташқи сиёсати таъминлари, инсон ҳуқуқларига, давлат суверенлигига, демократиянинг ва ижтимоий адолатнинг олий мақсадларига содиқлиги мустақамлаб қўйилмоғи лозим эди. Конституция ўзбек давлатчилиги ривожланишидаги тарихий тажрибани ҳисобга олиши, халқаро ҳуқуқнинг умум томонидан эътироф этилган нормалари устуворлигига таъйини, фуқаролар учун муносиб ҳаётни таъминлашга асос бўлиши, барқарор маданий бозор иқтисодига асосланган демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти бунёд этиши керак эди.

Республиканинг янги Конституциясини ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги ғоя XII чақириқ Олий Кенгашнинг 1990 йил мартида бўлиб ўтган биринчи сессиясидаёқ янграганди. Конституция устида олиб бориладиган иш принцип жиҳатдан мутлақо янги, моҳият-эътибори билан мустақил давлатнинг дастлабки Конституцияси устида ишлашга айланиб кетишини камдан-кам киши хаёлига келтирган эди. *

Олий Кенгашнинг 1990 йил июнида бўлиб ўтган иккинчи сессияси республика Президенти И. А. Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституция комиссиясини ташкил этди. Комиссия таркибига вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари, хўжалиқлар, корхоналарнинг раҳбарлари, давлат ва жамоат арбоблари, олимлар ва халқ хўжалиги мутахассислари кирди. Олий Кенгашнинг ўнинчи сессиясида Конституция комиссияси қисман янгиланди. Хўш, лойиҳа устида қандай иш олиб борилди, у қандай яратилди ва ҳозирги шаклига келди?

Тақдир И. А. Каримов зиммасига жамиятнинг мураккаб ички ва ташқи сиёсий шароитларида ижтимоий-иқтисо-

дий, сиёсий ва давлат-ҳуқуқ масалаларини ҳал қилишга даъват этилган жамиятнинг қайта ўзгартирувчиси бўлишдек ниҳоятда оғир вазифани юклади. Бошқа муаммолар қатори у давлат арбоби ҳаётининг мазмуни ҳисобланган энг муҳим иккита муаммони ҳал қилди. Бу — республиканинг давлат мустақиллигини таъминлаш ва унинг Конституциясини қабул қилишдир. Мазкур вазифалар доимо кечиктириб бўлмас, биринчи даражали мазмун касб этиб турган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга эътиборни сусайтирмаган ҳолда амалга оширилмоғи лозим эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси устида ишлаш амалда Конституция комиссиясини ташкил этишдан анча илгари бошланиб кетган эди. Республика XII чақириқ Олий Кенгашининг биринчи сессиясида унинг ташаббуси билан Президент лавозимининг таъсис этилиши, бу лавозимнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб олинганлиги конституциявий ислоҳотлар йўлидаги дастлабки йирик қадам бўлди. Шундан кейин ижро этувчи ва бошқарув ҳокимиятининг тузилиши такомиллаштирилди. Республика Министрлар Совети Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда вакиллик ҳамда ижро этувчи бошқарув ҳокимиятига бошчилик қилувчи ҳокимлар вазифаси таъсис этилди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон этилиб, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида Конституциявий қонун қабул қилинди. Шу масалаларнинг барчаси юзасидан конституциявий мазмундаги қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди ва улар амалда синовдан ўтиб, сўнгра бутун-бутун қатлам бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасига кирди. Бу Конституция лойиҳаси ўзининг барча қисмлари билан тўлалигича Республика Президентининг жуда катта ислоҳотчилик фаолияти натижаси эканлигидан далолатдир.

Конституция комиссияси 1991 йил апрелда бевосита Конституция лойиҳаси устида ишлай бошлади. 12 апрелда И. А. Каримов бошчилигида Конституция комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишга тайёргарлик соҳасидаги бутун ишни марказлаштириб туриш мақсадида Конституция комиссияси аъзолари ҳамда таниқли олимлар ва мутахассислар

қатнашган 32 кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Унинг таркибига Олий Кенгаш қатор қўмиталарининг, вазирликлар, прокуратура, суд органларининг раҳбарлари, олимлар, Республика Президенти девони ва Олий Кенгаш идорасининг масъул ходимлари кирдилар. Шунингдек, Конституция лойиҳасининг кўзда тутилаётган бўлимларини тайёрлаш учун 6 та кичик гуруҳ ташкил этилди. Кичик гуруҳлар таркибига 50 нафар илмий ходим ва мутахассис жалб қилинди.

Конституция комиссиясининг Раиси аввал бошданоқ ишчи гуруҳи олдига аниқ вазифа қўйди: жаҳон тажрибаси ўрганилсин, бошқа мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари борасида, демократия ва қонунчилик соҳасида қўлга киритган ютуқлари ҳисобга олинсин, миллион-миллион кишилар дилига яқин ҳамда уларга тушунарли бўлган сиёсий ва юридик ҳужжат яратилсин. Конституция комиссиясининг Раиси комиссия ишининг дастлабки кунларидан то Конституция қабул қилингунга қадар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасини тайёрлаш ишига бевосита раҳбарлик қилиб турди.

Конституция комиссияси Раисининг топшириғига биноан ишчи гуруҳи энг аввало бўлажак Конституциянинг концепциясини ишлаб чиқишга киришди. Учта концепция тайёрланди. Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг концепцияси (у Фанлар академияси Раёсати томонидан муҳокама қилинди ва тасдиқланди), Сиёсатшунослик институти концепцияси ва Президент девонининг ҳуқуқдавлат шўъбаси тайёрлаган концепция. Ишчи комиссиясининг бир гуруҳ аъзолари бу концепциянинг ғояларини умумлаштириб, улардан битта асос ишлаб чиқдилар. Сўнгра Конституция комиссияси раис томонидан тасдиқланган ана шу концепция асосида иш бошлаб юборди.

Лойиҳанинг 158 моддадан иборат дастлабки варианты 1991 йил октябрь-ноябргача тайёрлаб бўлинди. И. А. Каримов бу вариант билан танишиб чиқиб, тўғриси, қойил қолмади: лойиҳада қайтариқлар, мужмал қоидалар талайгина. Қисқаси, бу ҳали устида энг шимариб кўп ишлаш лозим бўлган хом ашё эди. Афтидан, шундай босқич муқаррар бўлиб, у ишчи гуруҳига жуда катта фойда берди. Бўлғуси лойиҳанинг шакл-шамойили тобора ойдинлаша борди.

Лойиҳанинг иккинчи ишчи варианты 149 моддадан иборат бўлди. Республика Президенти яна қўлига қалам олиб, маттни яхшилаб кўриб чиқди. Шу тариқа Конституция комиссияси Раисининг нигоҳидан ўтгач, лойиҳа лўнда ва ифодали бўла борди.

Учинчи вариант 137 моддани ташкил қилди. Конституция матнидаги сўзлару ҳарфлар янгича куч, вазн ва маъно касб этди. Матбуотда эълон қилиш олдидан лойиҳа яна бир бор диққат билан ўрганиб чиқилди. У энди 127 моддага келтирилганди. Конституция комиссиясининг қарори билан лойиҳа 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг ишлаб чиқилиши тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Бу воқеанинг қадрига етадиган барча билмоғи лозимки, Конституция комиссиясининг раиси нафақат бутун ишни бошқариб, ташкил этиб турди, шу билан бирга халқимиз тақдиридаги бу буюк ҳужжатни бевосита ярата борди, унинг ҳар бир қондасини ақли ва қалбидан ўтказиб, сайқаллаб, такомилга етказди.

Хулласи калом, энг муҳими — бу мустақил давлат эълон қилинганлиги, унинг оёққа туриб, мустақамланиб бораётганлигидир. Ислон Абдуғаниевич буюк иқтисодчи олим эканлигини ҳамма очиқ-ойдин кўриб турибди. Президентнинг фаол ва ижобий ташқи сиёсий фаолияти жуда катта мамнуният билан маъқулланмоқда. Ўзбекистон Республикаси жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг равишда тан олинаётганлиги энг аввало давлат раҳбарининг хизматидир.

Қатъий айтиш лозимки, Конституция лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ҳам Президентимиз саъй-ҳаракатлари меваси. Конституция комиссияси Раиси раҳбарлигида иш олиб борган комиссия ва унинг ишчи гуруҳи аъзолари Президентнинг ҳуқуқ соҳасидаги юксак нуфузлилигига, билими ва ақл-заковатига қойил қолдилар. Тўла масъулият билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Президенти иқтисод, сиёсат соҳасидагина эмас, балки ҳуқуқ жабҳасида ҳам буюк олимдир. Лойиҳани матбуотда эълон қилишга тайёрлаш жараёнида ҳам И. А. Каримов қўлига қалам олиб, уни тўрт бора ўқиб чиқди. Лойиҳанинг матбуотда биринчи эълон қилиниши билан иккинчи марта чоп этилиши орасида ўтган вақт ичида у фуқароларнинг аниқ фикрлари ва таклиф-мулоҳазаларини ўрганган ҳолда

яна икки маротаба, сессия арафасида тагин бир бор қўлига қалам олиб, лойиҳани кўриб чиқди. Шундай қилиб, халқимиз айтганидек, Президентимиз томонидан етти марта ўлчаб кўрилган лойиҳа энди бир марта кесиш учун сессия ҳукмига ҳавола қиладиган аҳволга келган эди.

Конституция қонунлар мажмуи эмас, у ягона ғоя, маътиқ, ўзак йўналиш билан йўғрилган яхлит, буткул бир ҳужжат ҳисобланади. Ана шундай ҳужжатни яратиш устида ҳормай-толмай меҳнат қилган Республика Президенти том маънода унинг бунёдкори бўлди. И. А. Каримовнинг моҳир, ўткир қалами туфайли кўпгина моддалар жило топиб, тўлиқроқ мазмун, аниқ-равшанлик касб этди, янада тушунарлироқ бўлиб қолди. Буларни ҳикоя қилишдан мақсад Конституция лойиҳаси устида қандай иш олиб борилганлигига доир тарихий ҳақиқатни таъкидлашдир. Ҳамонки, халқимиз ва депутатлар мазкур лойиҳани маъқуллаган экан, Олий Кенгашнинг бўлиб ўтган мажлиси ҳамда вилоятлар фаолларининг йиғилишлари буни тўлиқ тасдиқлаган экан, Республика Президенти уни қандай бунёдга келтирганлигини барча билиб қўйгани яхши.

Ўзбекистон Конституциясининг дунёга келишида унинг лойиҳаси умумхалқ томонидан муҳокама этилиши муҳим босқич бўлди. Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, лойиҳа 1992 йил 26 сентябрда матбуот орқали умумхалқ муҳокамасига чиқарилди. Бу республикамиз Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги комиссия катта ижодий ишининг натижаси бўлди. Республика Олий Кенгаши лойиҳа устида олиб борилаётган ишни доимий эътиборида тутиб турди. Олий Кенгашнинг X сессияси 1992 йил 2 июлда ишчи гуруҳининг лойиҳани тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги ахборотини тинглади. Ўша сессияда Конституция комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди. Конституция комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси устида ишларни якунлаб, уни умумхалқ муҳокамасига чиқариш топширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Конституция комиссияси аъзолари ва халқ ноиблари билан ҳамкорликда меҳнат жамоаларида, ўқув муассасаларида, фуқароларнинг истиқомат жойларида Конституция лойиҳасининг муҳокамасини ташкил қилиш вазифаси юклатилди. Муҳокама жараёнида билдирилган фикрлар

ва таклиф-мулоҳазалар умумлаштирилиб, 1992 йил 1 декабрга қадар Конституция комиссиясида қараб чиқилиши учун тақдим этилиши лозим эди. Конституция комиссиясига эса муҳокама давомида тушган фикрлар ва таклиф-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Конституция лойиҳасини Олий Кенгашнинг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритиш топширилди.

Давлат телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририятлари, бошқа оммавий ахборот воситалари олдида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасига бағишланган рукнлар очиш ҳамда туркум кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этиш, муқобил лойиҳалар ва Конституция лойиҳасига алоқадор бошқа материаллар келган ҳолда уларни Конституция комиссияси тавсияларини ҳисобга олиб, эълон қилиш вазифаси қўйилди. (Қ а р а н г: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992, 9-сон, 14-бет.)

Конституция комиссиясининг 1992 йил 8 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида бажарилган иш асосан маъқулланиб, Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилиш тўғрисидаги қарорга келинди. Шу мажлисда лойиҳа таҳририни якунига етказувчи комиссия (ишчи гуруҳи) ташкил этилди. Юқорида айтганимиздек, 1992 йил 26 сентябрда лойиҳа матбуотда эълон қилинди. Муҳокама давомида унинг асосий бўлимлари, боблари, моддалари ва қоидалари умумхалқ синовига дош бера олди. Бу Конституция комиссияси қанчалик самарали ишлаганлиги, у ишлаб чиққан қоидалар нечоғлик маъқул эканлигига берилган юксак баҳо эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Конституцияни "демократик қомус" деб атади. "Унинг лойиҳаси устида икки йил давомида ишладик,— деди Президент.— У икки ярим ой мобайнида халқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди"¹.

Конституция лойиҳаси эълон қилингач, фикрлар, таклиф-мулоҳазалар баён этилган хатлар Конституция комиссиясига оқиб кела бошлади. Комиссияда ёши ва ижтимоий мавқеи, эътиқоди ва фикрлари, қарашлари ва

¹ И. Каримов. Ўзбекистон келажаги бу юк давлат. 36—37-бетлар.

тасаввурлари чурлича бўлган кишилар нуқтаи назарларини таққослаш борасида гоят катта таҳлилий иш давом этди. Лойиҳадаги ҳар бир сўз тарозига солиниб, ҳар томонлама ўлчаниб, бир-бирига таққосланиб, ўз муносиб ўрнига қўйиларди. Шунини айтиб ўтиш жоизки, Конституция комиссиясига келган хатлар, таклиф ва мулоҳазалардан бирортасида лойиҳа тўлиқ инкор этилмади, унинг тузилиши ва йўналишини қайта кўриб чиқиш талаб қилинмади. Барча мулоҳаза ва таклифлар самимий мазмунда бўлиб, уларда лойиҳа умуман маъқулланган ҳолда айрим моддалар ва қоидаларга доир асосли фикрлар баён этилган эди. Лойиҳа муҳокамасида бутун халқ, барча фуқаролар фаол, манфаатдорлик билан қатнашганлиги жуда катта қониқиш ҳосил қилади. Қарийб икки ярим ой давом этган муҳокама лойиҳага ҳеч кимни бепарқ қолдирмади. Конституция лойиҳаси тўғрисидаги мактубларда республика раҳбарияти энг аввало Президент И. А. Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни қизғин қўллаб-қувватлаш ифодаланган эди.

Конституция комиссиясига олимлар ва ёзувчилар, талабалар ва нафақахўрлар, ишчи ва деҳқонлар, дин арбоблари ва ҳарбий хизматчилар, ўқитувчилар ва табиблар, аҳоли турли қатламларининг вакиллари, ёши ва мавқеи ҳар хил кишилар ўз хатлари, фикрлари, таклиф ва мулоҳазаларини йўлладилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг муҳокамаси барча меҳнат жамоаларида, корхоналар, ўқув юртларида, идоралар ва вазирликларда, туманлар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг йиғилишларида, матбуотда, телевидение ва радиода, Халқ демократик партиясининг, "Эрк" партиясининг Марказий Кенгашлари ва маҳаллий ташкилотларида, касаба уюшмалари ҳамда хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотларида, ижодий уюшмаларда, олимларнинг бирлашмаларида ва бошқа ташкилотларда бўлиб ўтди.

Муҳокама ижодий кўтаринкилик, амалий ва манфаатдорлик вазиятида ўтдики, бунини албатта республикамиз давлат мустақиллигига эришганлиги тақозо қилди. Зеро, Ўзбекистон ўз тарихида биринчи бор дунё ҳамжамиятининг эътироф этилган аъзоси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлди. Муҳокама мазмуни ва оҳангини белгилаб берган ҳам айна шу воқеалар эди.

Конституция комиссиясига келган фикрлар, таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда муҳокамани давом эттириш учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси 1992 йил 21 ноябрда яна бир бор матбуотда эълон қилинди. Республика фуқаролари лойиҳага киритилган ўзгартишлар ва аниқликлар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Лойиҳанинг янги-ланган вариантини эълон қилишнинг аҳамияти беқиёс катта эди. Бу энг аввало Конституция комиссияси лойиҳа устида ишлашга ниҳоятда жиддий ёндашаётганлигидан гувоҳлик берарди. Иккинчидан, бу муҳокама жараёнига янги бир жонланиш бағишлади. Дастлабки эълон қилинган вариантнинг қарийб икки ой давом этган муҳокамасидан кейин ушбу жараён сўна бориши ва умуман тўхтаб қолиши ҳам мумкин эди. Лойиҳанинг янги варианты эълон қилиниши унга бўлак акс-садо тўлқинини кучайтириб юборди. Янги истаклар ва таклифлар битилган хатлар кела бошлади. Баъзи мактубларнинг муаллифлари лойиҳанинг янги вариантини ишлаш пайтида ўзлари билдирган истаклар эътиборга олинганлиги учун Конституция комиссиясига миннатдорчилик изҳор этгандилар.

Шундай қилиб, Конституция комиссияси лойиҳанинг янгиланган вариантини эълон қилиш туфайли кенг халқ оммаси билан алоқасини мустаҳкамлади. Бундай ҳолат Конституция комиссияси ишининг муваффақиятли илдамлашида муҳим омил бўлди. Лойиҳанинг иккинчи варианты эълон қилинганидан кейин барча вилоятларда, Қорақалпоғистон Республикасида халқ ноиблари иштирокида фаолларнинг йиғилиши бўлиб ўтганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Улар Конституция комиссияси амалга оширган ишни яқдиллик билан маъқуллаб, умуман лойиҳани қўллаб-қувватлаганлари ҳолда айрим истакларини ҳам билдирдилар. Лойиҳанинг жойларда муҳокама этилганлиги ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XI сессиясининг муваффақиятли ишини олдиндан белгилаб берди.

Республика Олий Кенгаши муҳокамасига қўйилган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси лойиҳасига ҳаммаси бўлиб 80 га яқин ўзгартиш, қўшимча ва аниқликлар киритилдики, уларнинг айримлари принципиал муҳим аҳамиятга эгадир. Лойиҳани Олий Кенгаш сессиясида муҳокама қилиш пайтида бир қатор

Ўзгартишлар киритилди. Хусусан, депутатлар таклифи билан Олий Кенгаш Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди ваколатларини беш йил қилиб чегаралаб қўйди. Лойиҳада эса уларнинг ваколат муддати ўн йил қилиб белгиланган эди. Олий Кенгаш, шунингдек, 84-моддани Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари Олий Мажлис олдида ҳисоб бериб туришлари тўғрисидаги хатбоши-қоида билан тўлдирди. 78-модданинг 8-бандини эса қўйидаги таҳрирда ифодалади: "Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш". Ҳатто бундоқ қараганда муҳокама давомида том маънода қабул қилинмагандек кўринадиган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ҳам лойиҳани сайқаллашга, асос-исботларни кучайтиришга, ибораларни аниқлаштиришга билвосита ёрдам берди. Шу боис Конституция комиссиясининг Раиси Республика Президенти И.А. Каримов Конституция лойиҳасини муҳокама қилишда иштирок этган фуқароларга тўлиқ асос билан чуқур миннатдорчилик билдирди.

Конституция матнида ишлатилган барча атамалар мутахассислар Республика Ҳукумати ҳузуридаги Атамалар қўмитасининг аъзолари томонидан ҳар томонлама муҳокама қилиниб, маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзининг тузилиши, йўналиши, мазмуни жиҳатидан Ўзбекистон ҳудудида шу вақтга қадар амал қилиб келган конституциялардан принципиал равишда фарқ қилади. 1991 йил августда ер курраси харитасида янги мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинган Конституция янги мустақил демократик суверен Ўзбекистон давлатининг биринчи Конституцияси бўлди. Мустақил давлат мавжудлиги фактидан келиб чиқиб яратилганлигини бу Конституциянинг ўзига хос хусусияти деб ҳисоблаш лозим. Дастлабки моддасидан тортиб то охириги 128-моддасига қадар у мустақиллик гоёси билан суғорилган.

Жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқларига, демократия ғалабаларига таянганлиги ҳам Конституциянинг хусусияти саналади. Конституцияда

Ўзбекистон Республикаси
NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI
2-702 resurs markazi

ҳоказоларга қараб инсон ҳуқуқларини муайян даражада камситадиган бирорта ҳам модда йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси чинакам халқчиллигидан, демократик табиатидан далолат беради. Халқ, халқ ҳокимияти ғояси бутун Конституцияга сингиб кетган, мазкур ғоя унинг моҳиятини ташкил қилади.

Бош қонуннинг фазилатини, моҳияти ҳамда табиатини унинг нормалари ва тартиб-қоидалари, Конституциянинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, унда инсон ҳуқуқлари нечоғлик ҳимояга олинганлиги билан ўлчаш одат бўлиб қолган. Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган қоидаларни демократия тошу тарозисида тортиб кўриб, ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси дунёдаги энг демократик конституциялардан биридир.

Конституцияда ҳокимият ва муҳолафат муаммосининг хал этилганлиги бунга ёрқин мисол бўла олади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганга қадар бу масала бирорта қонунчилик ҳужжатида ва энг аввало Конституцияда жавобини топмаган эди. Конституция демократиянинг халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир деган асосий қоидасини мустаҳкамлаб берди. Халқнинг мавжудлигидан мақсад ҳукуматга хизмат қилиш бўлмасдан, аксинча, ҳукумат халққа хизмат қилиш учун мавжуддир. Демократиянинг асосий ақидаси шундан иборатдирки, Президент ва ҳукумат бунга содиқ қолмоқдалар. Сўз эркинлиги, ўз фикрларини баён этиш ва матбуот эркинлиги, диний эътиқод эркинлиги, йиғилишлар ўтказиш ва бирлашмаларга уюшиш эркинлиги, қонундан ҳаммининг баб-баравар ҳимоя топиш ҳуқуқи, қонунларга риоя этиш ва адолатли судловни амалга ошириш ҳуқуқлари — демократиянинг энг муҳим тартиб-қоидалари бўлган бу масалалар ҳам Конституцияда аниқ-равшан мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳокимият фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, тартиб сақлашга ва халқ манфаатларини кўзлаб жинойий хатти-ҳаракатларга чек қўйишга даъват этилган. Давлатга унинг ўз қонунларини амалга оширишда ёрдам берадиган ҳуқуқий нормалар ва чора-тадбирлар ошкора мазмунга эга. Бу конституциявий нормалар ва улар асосида қабул қилинган қонунлар воситасида таъминланади. "Қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг матбуотда

эълон қилиниши улар қўлланишининг мажбурий шартидир", — дейилади Конституциянинг 83-моддасида.

Демократик давлатда истиқомат қилувчи фуқаролар, жумладан мухолафат ўзлари яшаётган жамият тақдири учун масъулият ҳис қилмоқлари лозим. Ўзини жамиятдан устун қўядиган, жамият манфаатларини назар-писанд қилмайдиган мухолафат бўлиши мумкин эмас ва бўлмаслиги ҳам керак. Бу кечаётган жараёнларни теран идрок қилишни ўз дастурлари, қарашларини пухта ўйлаб ва тарозига солиб кўришни тақозо этади. Конституциядаги "фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт" (20 модда) деган сўзлар тўла-тўқис мухолафатга ҳам тааллуқлидир.

Демократия — бу Конституция ва қонунлар доирасида эркинлик демакдир. Ушбу ҳақиқатни шу важдан ҳам доимо ёдда тутмоқ керакки, у ҳуқуқий давлатнинг асосини, пойдеворини ташкил қилади. Конституция фуқароларнинг, жумладан, мухолифларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини мустақамлаб беради. Шу билан мухолафатнинг амалий фаолият кўрсатиши учун ишончли конституциявий кафолат яратиб берилган.

Мухолифий фаолият — бу фикрлар ва эътиқодларни эркин ифодалашнинг аниқ шаклидир. Мухолафатнинг обрўси унинг мавжуд ҳокимиятга нисбатан қанчалик холис муносабатда бўлишига боғлиқ бўлади. Ҳар қандай жамиятда ҳокимият билан мухолафатнинг ёнма-ён мавжуд бўлиб туриши мутлақо одатий ҳодиса. Демократия жараёнлари ривожланиши ва чуқурлашиб бориши, кўп партиявийлик, сиёсий кўп фикрлилик, ягона мафкура ҳукмронлигига чек қўйилганлиги муносабати билан бу муқаррар бўла боради. Демократик йўл билан вужудга келтириладиган ҳокимият аҳолининг кенг қатламларига таянади. Бундай ҳокимият омма манфаатларининг қонуний ифодачиси ҳисобланади. Халқнинг бахт-саодати учун давлат ҳокимияти кучли, таъсирли, албатта обрўли бўлиши керак. Кучли ва таъсирчан демократик давлат ҳокимияти билан тоталитаризм, авторитаризм, диктатура ўртасида ҳеч қандай муштараклик йўқ. Суиистеъмоллар бўлмаслиги учун назария ва амалиёт ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишдан иборат тизимни вужудга келтирдик, бу шундай салбий

майларга монелик қилиш ва қарама-қарши мувозанатни сақлаш механизмига эгадир. Ушбу шохобчаларнинг ҳеч бири мутлақ ҳокимиятга даъвогарлик қилолмайди, демакки, назоратдан ташқарида ҳам бўлолмайди. Қонун ижтимоий муносабатларнинг, жумладан ҳокимият ва мухолафат билан боғлиқ муносабатларнинг қудратли тартибга солувчиси, бошқарувчиси бўлмоғи даркор. Ҳуқуқий давлатда фақат ва фақат қонун ҳакам, қози ва ҳукмдор бўла олади.

Конституция ва қонунлар асосида вужудга келадиган, кўпчилик аҳолига таянадиган давлат ҳокимияти бугунги кунда инсоният жамиятида мумкин бўлган барча шакллардан энг мақбули ва халқчилдир.

Фақат халқ сайлаган Парламент ва Президент халқ номидан иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг ҳеч бир бўлаги, ҳеч қайси сиёсий партия, жамоатчилик бирлашмаси, ҳаракати ёки алоҳида бир шахс халқ номидан иш кўриши мумкин эмас. (Қаранг: ЎзР Конституцияси, 10-модда.) Конституция халқнинг қонуний вакиллари бўлган Парламент билан Президент ваколатларини аниқ чегаралаб беради. Жамиятнинг мўътадил ҳаёт кечирishi учун бу жуда муҳимдир. Бирорта шахс, ҳатто Парламент депутаты, ҳеч бир гуруҳ, жумладан, мухолафат халқ номидан сўзлаши ва иш кўриши, ўз зиммасига халқнинг ваколатли вакили вазифасини олиши ёки ҳокимият тузилмаларининг ваколатларини ўзлаштириши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳокимият билан мухолафат ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосида келиб чиқиши эҳтимол бўлган барча масалаларни биринчи марта жой-жойига қўйиб берди. Конституциянинг 7-моддасида шундай дейилади: "Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда кўзда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият органлари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади".

Конституциявий тузум — инсоният ижтимоий турмушининг буюк ғалабаси, умум эътироф этган ҳаёт шакли

ҳисобланади. Уни заифлаштиришга, унинг барқарорлигига путур етказишга, конституциявий тузилмалар обрўсини тўкишга қаратилган ҳар қандай уриниш ҳуқуқий давлат руҳи ва моҳиятига зид келади. Конституция мавжуд тузумга қарши қаратилган ҳаракатларга йўл қўймайди. (Қаранг: ЎзР Конституцияси, 7, 29-моддалар.) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси конституциявий тузум тушунчасининг ўзини ҳам бойитади. У Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни, яъни Конституцияни ўзгартириш учун куч ишлатишни мақсад қилиб қўйган сиёсий партиялар, шунингдек бошқа ижтимоий бирлашмалар ташкил этилишини ва улар фаолиятини тақиқлайди. Фуқаролар Конституцияга риоя этишга, бинобарин унга асосланган тузумга итоат қилишга мажбурдирлар. (Конституциянинг 48-моддасига қаранг.)

Конституция моҳиятидан конституциявий тузумга ҳар қандай тажовуз ғайритабиий ва Конституцияга зиддир, деган фикр келиб чиқади.

Конституциявий тузум — бу энг муқаддас нарса, бу миллионларнинг ҳаётий фаолиятини ташкил қилиш негизидирки, ҳеч кимнинг уни қоралашга ва унга тажовуз қилишига йўл берилмайди. Бошқа мамлакатларда ҳам худди шундай иш тутилади. АҚШда ҳатто шу мамлакатнинг давлат байроғини рамзий маънода ёқиш ҳаракатида қатнашганлик учун қамоққа олишади. Зеро, бу конституциявий тузумга ҳурматсизлик деб баҳоланади. ГФР асосий қонунда ҳам шахснинг эркин камол топиши конституциявий тартибга, конституциявий тузумга қарши қаратилмаслиги кераклиги ёзиб қўйилган.

Шиддатли ривожланаётган воқелигимиз ўзларини демократлар деб ҳисобловчи кучлар ҳар доим ҳам амалий таклиф билан чиқавермасликларини кўрсатмоқда. Масалан, мухолафат ичида ҳар қандай усул билан бўлса-да қонуний ҳокимият обрўсини тўкиш ва фақат мухолафатнинг ўзи учун йўл очишга интилиш очиқ-ойдин кўзга ташланиб турган ҳоллар кўп бўлди. Ўз юрти аҳолисининг хайрихоҳлигига эришолмаган мухолафат кўп ҳолларда нопок усуллардан фойдаланишга, республикадан ташқаридан мадад излашга, керак бўлса, ҳатто моддий ёрдам олишга ҳаракат қилди. Ва, аксинча, Ўзбекистондаги барқарорлик ҳамда фаровонликни хуш кўрмаган кучлар мухолафат деб аталувчилар сиймосида ўзларига таянч топдилар. Ташқи кучларга суйанган ҳолда мухолифлик

курашини олиб бориш қўпурувчилик фаолиятдан бошқа нарса эмас ва бу республикамиз фуқароси учун нопокликнинг ўзгинасидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси шуни назарда тутиб, сиёсий партиялар белгиланган тартибда ўз фаолиятларини молиявий таъминлаш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб туришларига доир қондани қайд этди. Кези келганда айтиб ўтиш керакки, хорижий мамлакатларнинг конституциялари ҳам бу масалага жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиб, партиялар бюджетини ҳосил қилувчи манбаларни қатъий кузатиб борадилар. "Сиёсий партиялар ўз маблағларининг манбалари тўғрисида очиқ-ошкора ҳисоботлар бериб турмоқлари лозим", дейилади ГФР Асосий Қонунда (шу Қонуннинг 21-моддасига қаранг). Ҳокимият учун курашда бошқа мамлакатлардан моддий ёрдам олиш сиёсий кўп фикрлилик доирасидан чиқиб кетади ва бу мухолафат учун номуносибдир. Бошқа давлатлар матбуоти орқали ифвогарлик баёнотлари билан чиқишлар ҳам суверен давлатнинг ички ишларига аралашув сифатида баҳоланмоғи лозим.

Газеталар ўз вақтида қуролланган мухолифлар Президент саройига бостириб кирганлиги (Озарбайжонда), Президент саройини ўққа тутганлиги (Гуржистонда), майдонлар ва кўчаларни ойлаб ишғол қилиб ётиб, шаҳар ҳаётини тўхтатиб қўйганлиги (Тожикистонда) ҳақида ёздилар. Тожикистондаги воқеалар кейинчалик фуқароларнинг қонли урушига айланиб кетганлигида мухолафат ва унинг бошқа мамлакатлар билан алоқаси катта роль ўйнади. Мухолиф кучларнинг хатти-ҳаракатларини матбуот кўп ҳолларда демократиянинг намоён бўлиши, халқ иродасининг ифодаси сифатида баҳолаб, қонуний тарзда сайланган давлат тузилмаларини эса халққа қарши идоралар сифатида тасвирладиларки, бу нақ демократия иши умуртқа суягига зарба бўлиб тушаверди. Мухолафатнинг қонуний ҳокимиятга қарши ғайриконституциявий, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ўз вақтида умум жамоатчилик томонидан қораланмади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат тузилмалари ва мухолафат оқилона фаолият кўрсатиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаб беради. Конституциянинг кучи, демократиянинг куч-қудрати шунда ўз ифодасини топадики, у эркин фикрлашув, мухолафат

фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий негиз вужудга келти-
ради, унинг манфаатларини ҳимоя қилади, бироқ шундай
қатъий шарт биланки, муҳолафат Конституция ва қонун-
ларнинг талабларига оғишмай риоя этмоғи лозим.

Муҳолафат аниқ амалий дастурига эга бўлса, жамият
ва давлатга ҳаётий масалаларни ҳал қилишга ёрдам
берсагина унинг фаолияти ўзини оқлайди. Охир-оқибатда
муҳолафатнинг моҳияти қандай бўлмасин, албатта муҳо-
лифлик мавқеини эгаллаб туришда эмас, балки бирга-
ликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли арзигулик, энг мақбул
ечимлар топишдадир.

Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган тартиб-қоида-
лар умуминсоний қадриятларни рўёбга чиқаришга ёрдам
бериши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини
кафолатлаши ва бошқа фуқароларнинг ҳуқуқларига, жа-
мият ва давлатга зарар етказмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси илк бор
қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларини
аниқ ажратиб қўйди, бу келажакда бутун давлат
ҳокимиятининг битта орган ва бир шахс қўлида мужассам
бўлишининг олдини олади.

Конституциянинг энг муҳим ўзига хос хусусияти унинг
ижтимоий мақсадни кўзлаган бозор муносабатларини
шакллантиришга йўналтирилганлигидир. Мулкчиликнинг
барча шакллари, жумладан, хусусий мулк тенг ҳуқуққа
эга ва бир хил ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси таркибига Қорақалпоғистон
Республикаси киради. Конституциянинг махсус боби су-
верен, ўз Конституциясига эга бўлган ва ўз ички
масалаларини мустақил ҳал қиладиган Қорақалпоғистон
Республикасининг ҳуқуқий мавқеига бағишланган.
Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Респуб-
ликасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республика-
си Конституцияси доирасида — улар ўртасида тузилган
шартномалар ва битимлар билан белгиланади. МДҲ мам-
лакатларининг конституциявий қонунлари тарихида
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси биринчи марта
Қорақалпоғистон Республикасининг умумхалқ референду-
ми асосида Ўзбекистон Республикаси таркибидан ажралиб
чиқиш ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйди.

Конституциямиз республиканинг миллий хусусият-
ларини кенг акс эттирди. Бу ўзбек тили давлат тили
сифатида мустаҳкамланганлигида ҳам, ҳокимият ва

бошқарув органлари тузилмаларида (Олий Мажлис, ҳокимлар, раислар, оқсоқоллар) ҳам, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг номланишида (вилоятлар, туманлар, қишлоқлар, овуллар) ҳам ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лўнда, ифодали, аниқ жумлалари билан фарқ қилади. Бу ўринда яна бир бор мужмал, мубҳам, кўп сўзли ва кам маъно ташийдиган ифодаларни асло ёқтирмайдиган Конституция комиссияси Раисининг ролини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Буларнинг ҳаммаси Конституцияни эсда қоладиган, равон тилда ёзилган, тушунарли ҳужжатга айлангирди. Бу сифатлар ва фазилатлар Конституцияга узоқ умр бағишлайди деб умид қиламиз.

*Ш. ҲРАЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар Академиясининг
академиги*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА
1992 ЙИЛ 8 ДЕКАБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини таътанали равишда эълон қилиб,

ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда,

Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,

демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,

республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,

фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида,

Ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади.

Муқаддимада Ўзбекистон халқи ўзининг ваколатли намояндалари бўлмиш миллий парламентимиз аъзолари — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутатлари томонидан ушбу Конституция қабул қилинганлиги таъкидланади.

Табиийки, мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият ва давлат бунёд этишда ўз андасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Ўзбекистон ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини ишлаб чиқди. Миллий хусусиятлар ва анъаналарни инobatга олган ҳолда фуқаро жамияти ва демократик ҳуқуқий

давлат қуриш, бозор муносабатларига ўтиш, мустақил давлат манфаатлари устуворлигига ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатнинг аниқ принципларини ва йўналишларини белгилаб олди.

Мустақил Ўзбекистон биринчи Конституциясининг қабул қилиниши айни шу эзгу мақсадларнинг ҳуқуқий кафолатидир. У мустақил ҳуқуқий йўлимизнинг ва миллий ҳуқуқларимиз тизимининг таянч пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек: "Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир"¹.

Муқаддимада Ўзбекистон халқининг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлида қайси сиёсий ва ҳуқуқий негиз ва принципларга таяниши аниқ кўрсатиб берилган. Бу негиз ва принциплар:

биринчидан, жаҳоннинг маърифий ривожланган мамлакатлари эътироф этган инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғоялари ва принципларига содиқлик;

иккинчидан, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш;

учинчидан, ўзбек давлатчилигининг бой тарихий тажрибасига таяниш;

тўртинчидан, демократия ва ижтимоий адолат идеалларига садоқат;

бешинчидан, халқаро ҳуқуқнинг бутун жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш;

олтинчидан, Ўзбекистон фуқароларининг фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлаш;

еттинчидан, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш;

1

И. А. Каримов. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. Тошкент, "Шарқ" 1993. 6-бет.

саккизинчидан, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатлигини кафолатлаш.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси чинакам демократик Конституциядир, у тарихда синалган умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган. Ҳақиқатан ҳам, "Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун шарт-шароит яратишдир"¹.

Инсон ҳуқуқларига оғишмай амал қилиш ва демократия каби умумбашарий қадриятлар Ўзбекистон давлатчилиги манфаатларига, халқининг ўзига хослигига, унинг анъана ва урф-одатларига тўла мос келади. Инсон ҳуқуқлари бизнинг жамиятимизда Конституция ва қонунлар билангина эмас, балки халқнинг ўз онги, унинг маънавий-ахлоқий дунёқараши ва тажрибаси, меҳр-шафқати ва сезгирлиги билан мустаҳкамланади.

Ўзбекистон Конституцияси энг ривожланган, тараққий топган демократик давлатларнинг тарихий тажрибаси ва жаҳон Конституциявий амалиётига таянган ҳолда яратилган. Конституциямиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидаларига асосланган. Шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Канада, Германия, Франция, Португалия, Италия, Швеция, Туркия, Испаниянинг ҳамда Шарқ мамлакатларидан — Ҳиндистон, Покистон, Миср давлатларининг Конституциявий тажрибасидан ижобий фойдаланган.

Асосий Қонунимизни баҳолашда халқаро холис экспертлар, жумладан, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши каби нуфузли

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, миққура. Тошкент, 1993, 74-бет.

давлат ва халқаро ташкилотларнинг сиёсатшунос олимлари ва вакиллари фаол қатнашдилар. Ҳеч ким, ҳаттоки муҳолифларимиз ҳам Конституциямизнинг демократик моҳиятини ва афзалликларини инкор эта олмади.

"Бизнинг Қомус, демократик конституцияларга қўйиладиган юксак талабларга жавоб беради, инсон ҳамда фуқаронинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини кафолатлайди"¹. Шу маънода у ҳар қандай илғор давлат Конституцияси билан бемалол куч синашмоқда. Шунинг учун ҳам Конституциямиз энг илғор ғояларни ўзида мужассамлаштирганлиги, унинг энг демократик анъаналар асосида яратилганини бутун жаҳон эътироф этмоқда.

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг маънавий, маданий мерос, миллий тафаккур, муқаддас исломий қадриятлар ва кўп асрлик ўзбек давлатчилиги тажрибаси ҳамда ҳуқуқий анъаналарига асосланган ва уларнинг бой ижобий тажрибасини ўзида акс эттиради.

Ўзбекистон халқининг тарихи ўз илдизлари билан асрлар қаърига бориб тақалади. Мазкур тарих уч минг йилдан зиёд даврни ўз ичига олади. "Қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган"².

Маънавий, ахлоқий, илмий, диний ва ҳуқуқий қадриятлар халқимизнинг узоқ асрлик турмуш тарзида, анъанавий маданиятида муҳим ўрин олган. Муқаддас она заминимизда одамлар кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тангилик, саховатпешалик каби улуғвор хислатлар Конституциямиздан муносиб ўрин олган.

Қомусимизнинг маънавий, тарихий асослари сифатида жаҳон маданияти ривожига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимиз — Шарқнинг мутафаккирлари Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур ва бошқа даҳоларнинг қолдирган маъна-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузаси. Тошкент, "Ўзбекистон" 1993. 7-б.

²

Ўша жойда, 6-б.

вий-ахлоқий мероси намоён бўлмоқда. Уларнинг инсонни маънавий комилликка чорловчи диний-ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматлари Конституциямизга руҳ бағишлаган.

Конституциямиз халқимизга хос бўлган хусусиятлар: меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга ҳурмат, ақл-заковатга интилиш, ор-номус, иффат ва ҳаё каби эзгу фазилатларга асосланган.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси келажаги буюк давлатнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлайди. У бизга инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик ва тараққиёт тамойиллари мажмуини ифодалайдиган ҳуқуқий ва адолатли давлат қуриш йўлларини аниқ ифода этган.

АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР

I боб

ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ

1-модда V

Ўзбекистон — суверен демократик республика. Давлатнинг "Ўзбекистон Республикаси" ва "Ўзбекистон" деган номлари бир маънони англатади.

Мазкур моддада ўзбек давлатининг туб моҳияти берилган. Авваламбор ўзбекистон суверен давлатдир: "Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир"¹. Ўзбекистоннинг халқимиз орзу қилган чинакам мустақилликни қўлга киритиши, унинг гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган давлатлар халқаро жамиятда муносиб ўринни эгаллаши биз кўзлаётган энг олий мақсаддир.

Юртимизда суверен ўзбек давлатчилиги асослари изчиллик билан барпо этилмоқда. Биз мустақилликка бир тарихий тасодиф оқибатида осонгина, ҳеч қандай курашсиз, табиатнинг гўёки бир эҳсони сифатида эришганимиз йўқ. Тарихимизнинг ёрқин кунлари билан оғир ва машаққатли саҳифаларини, турли тарихий босқичдаги мустамлакачилик, чет эл босқинчилигининг ҳукмронлик йилларини унутмаслик керак. Аммо ўзининг ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти тўғрисида халқимиз ҳеч қачон эрксизликка, мустабидликка кўнмаган, доимо ҳуррият ва эрк сари интилган. Мустақил Ўзбекистон давлатчилиги пойдеворида буюк бобокалонларимиз, авлоду аждодларимиз, гуноҳсиз қурбон бўлган минглаб забардаст, унутилмас халқ фарзандлари тамал тошларини қўйган. Шу боисдан ҳам мустақиллик, ҳуррият халқимизга қимматга тушган. Бинобарин, истиқлолимиз қадрига етиб,

1

И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, "Ўзбекистон" 1992. 23-б.

уни ҳамжиҳатлик билан, бор кучимиз ва иймонимиз билан асраб-авайлаб келажаги буюк Ўзбекистон давлатини қуриш керак.

1991 йилнинг 31 августида халқнинг азалий орзуси, яъни ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Ўзбекистон тинч парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий миллий давлатчилигига эришди. "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Конституциявий қонунда Республикадаги кўп миллатли аҳолининг хоҳиш - иродаси мустақамлаб қўйилди ва умумхалқ референдуми бунга тасдиқлади. Мустақилликка эришиш ўзбек халқининг ҳаётида буюк ҳодисадир. Бу тарихий воқеа давлатимиз йилномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни бўлиб халқимизнинг энг табаррук байрами сифатида нишонланади.

Суверенитет — ҳар қандай давлатнинг энг муҳим ажралмас белгиларидан биридир. Шу боис ҳам янги туғилган ўзбек давлатининг мустақиллиги, суверенитети Конституциянинг 1-моддасидаёқ қонуний мустақамланган.

Ўзбекистон — демократик давлат. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

Республикамизда Ўзбекистон халқининг турли бой тажрибасига республика аҳолисининг ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия принциплари қарор топмоқда.

Маъмурий буйруқбозликка асосланган собиқ яккаҳокимлик тизимининг иллатлари қатъиян тугатилмоқда. Кўп партиявийлик, ғоялар ва фикрларнинг хилма-хиллигига тоқат қилиш воқеликка айланмоқда. Собиқ Иттифоқ республикалари ичида биринчи бўлиб 1991 йил 30 декабрида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президентини И. А. Каримов кўп партиявийликка асосланган сайловларда муқобил номзодлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланди.

Ўзбекистонда давлатнинг бошқариш шакли Республикадир. Республика — халқ ҳокимияти демакдир. Республика — энг асосий умуминсоний ҳуқуқий бойликлардан биридир. Бошқарувнинг республика шакли давлат идоралари ваколатларини аниқ белгилаб беришни, қонун чиқарувчи ва ижроия органларининг сайланиб қўйилишини англатади.

Ҳар бир инсоннинг бошқалардан фарқланувчи муҳим жиҳатларидан бири унинг исми шарифи бўлганидек, ҳар қандай давлатнинг ҳам номи унинг ажралмас белгиларидан ҳисобланади. Давлатимизнинг номи "Ўзбекистон" ва "Ўзбекистон Республикаси" бўлиб, мазкур атамалар айнан бир маънони англатади ва улар муқобил тушунчалар сифатида қабул қилинган. Ўзбекистон давлатининг номи ва унинг рамзлари (герби, байроғи, миллий валютаси ва шу кабилар) халқаро шартномаларда, давлат идораларининг муҳрларида, хизмат ҳужжатлари ва гувоҳномаларида ифодаланади.

2-модда ✓

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Мазкур моддада Қомусимизнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ўз ифодасини топган. Унда фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган. Собиқ тоталитаризм даврида бундай фикрни ҳеч ким хаёлига ҳам келтиролмас эди.

Истиқлол шарофати билан ҳар бир инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясидадир. Булар ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик ҳуқуқий ютуқлардан ҳисобланади. Чунки сўнгги 70 йил мобайнида биз советларга қарамлик ва сифиниш ҳолатида яшадик. Ҳар бир фуқаро давлат маҳкамаси мурватининг кичик, аҳамиятсиз қисмига айланиб қолганди. Энди эса барча давлат идоралари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар.

Давлатнинг фуқаролар олдидagi масъулиятининг мавжудлиги демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Давлат қонун доирасида инсонлар учун зарур шарт-шароитларни яратиб бeрмоғи керак. Шунинг учун ҳам давлат халқ иродасини ифодаламоғи, унинг манфаатлари, хоҳиш-истакларига хизмат қилмоғи лозим.

Ўзбекистон давлати халқ манфаатларини ўзининг айниқса ислохотчилик фаолиятида ҳимоя қилмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш даврида мураккаб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий жараёнларни бошқаришда бебошликка йўл қўймаслик, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган қатламларини қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон давлати томонидан амалга оширилмоқда.

3-модда

✓

Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

Республикаимиз истиқлолга эришган давлат сифатида ўзининг мустақил сиёсатини юргизиши лозим. Бу мустақил сиёсатнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

Биринчидан, миллий-давлат ва маъмурий-ҳуқуқий тузилишни аниқлаш. Мазкур қоидалар Конституциянинг тўртинчи бўлимида батафсил баён этилган.

Иккинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини белгилаш. Конституциянинг бешинчи бўлими тўла мазкур масалаларга бағишланган.

Учинчидан, ўз ички ва ташқи сиёсатини юргизиш. Конституциянинг 17-моддасида ташқи сиёсатнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини амалда намоён қиладиган ташкилий давлат тузилмаларини шакллантириш давом этмоқда. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини тақсимлаш принципи изчиллик билан амалга оширилмоқда. Давлат бошқаруви-нинг янги замонавий тизими шаклланмоқда. Мазкур тизимнинг ўзагини Президентлик бошқаруви ташкил эта-

ди. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлик лавозими таъсис этилди.

Ўзбекистон миллий давлати ижтимоий, иқтисодий ва маънавий камолот, истиқлол ва тараққиёт йўлини ишлаб чиқди. Мазкур йўл мустақил Ўзбекистоннинг ички ва ташқи ривожланиш стратегиясини белгилаб берди. Ўзбекистон танлаб олган тараққиёт йўлининг моҳияти ва хусусиятлари Президентимиз И. А. Каримовнинг асарларида, мақолалари ва нутқларида, мамлакатимиз парламенти қабул қилган қонунларда ўз аксини топган. Бу йўл республикамизнинг ўзига хослиги ва манфаатларига, унинг шароити ва имкониятларига, ўзбек халқи турмуш тарзи, урф-одати ва анъаналарига, унинг тарихига, миллий-руҳий, демографик, табиат-иқлим, ижтимоий-иқтисодий шароитларига мувофиқ келади.

Ушбу танланган йўлнинг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг беш асосий тамойилларида чуқур таърифлаб берилган. Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг беш тамойили фақат бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки бошқа давлатларда ҳам эътироф этилмоқда.

Мазкур тамойиллар қуйидагилар:

Биринчидан, иқтисодиётнинг сиёсатдан устувор бўлиши ва бунинг учун, иқтисодиёт мафкурадан холи этилиши;

Иккинчидан, давлат асосий ислоҳотчи бўлиши;

Учинчидан, қонуннинг ҳамма нарсадан устун бўлиши;

Тўртинчидан, кучли ижтимоий сиёсат юргизилиши;

Бешинчидан, янги ижтимоий жамият қуриш босқич-ма-босқич амалга оширилиши керак.¹

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва иқтисодий қудрати бўлинмас, унинг чегаралари эса дахлсиз бўлиб давлат ҳимоясидадир. Мамлакат ҳудудининг яхлитлиги ва чегараларининг дахлсизлиги ҳар қандай давлатнинг муҳим белгиси ва ҳозирги замон халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидандир.

1

Қаранг: *И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, 1992; И. А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, 1993; И. А. Каримов. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, 1994; И. А. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, 1994.*



Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

Мазкур моддада Ўзбекистонда давлат тили ўзбек тили эканлиги баён этилган. 1989 йилнинг 21 октябрида она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши истиқлолимиз сари қўйилган энг муҳим қадамлардан бири бўлди. Бу эса собиқ совет салтанати давридаги "руслаштириш" сиёсатининг марказий ғояларидан бўлган "она тилимиздан маҳрум этиш" мақсадларига қонуний равишда тўсиқ қўйишдан иборат эди.

Асосий Қонунда ўзбек тили қонун билан давлат ҳимоясига олинган. Бугун салкам унутилаёзган тилимизни фаол тикламоқдамиз. Мазкур йўлда қатор ижобий саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Ўзбек тилида қонунларимиз ёзилмоқда, давлат ҳужжатлари, илмий асарлар, дарсликлар, адабиёт, шеърият намуналари пайдо бўлмоқда.

Тил — ҳар бир миллат ўзлигининг ажралмас белгисидир. Халқимизда "Тилга эътибор — элга эътибор" ҳикматининг пайдо бўлиши бежиз эмас. Бу борада яна бир муҳим қонуний қадам ташланди. Икки минг бешинчи йилга қадар ўзбек ёзуви латин алифбосига кўчади. Бу билан бизга жаҳон маданияти ва ахбороти маконига тўлиқ кириш учун кенг имкониятлар очилади. Ўзбек халқининг, унинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, мазкур тилнинг давлат тили мақомидек салоҳиятини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш — умумхалқ вазифасидир.

Ўзбекистонда юздан ортиқ миллатлар ва элатлар яшайди. Республикада истиқомат қилувчи барча миллатларнинг миллий маданиятлари, урф-одатлари, анъаналари ва тилларига ўзаро ҳурмат муносабатида бўлиш конституциявий талаблардандир. Бунинг учун кенг ва етарли шарт-шароитлар яратилган. Мисол сифатида мамлакатимизда етмишдан ортиқ ишлаб турган турли халқларнинг миллий маданий марказларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

Мазкур моддада давлатимиз байроғи, герби ва мадҳиясига ҳуқуқий асос ифодаланган.

"Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш — ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустақамлаш демакдир"¹.

Ҳар бир мустақил давлат ўз рамзларига эга бўлганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳам давлат мустақиллигининг рамзларига эга ва улар тўғрисида махсус қонунлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи 1991 йил 18 ноябрда Олий Кенгаш томонидан тасдиқланган. Ўзбекистоннинг давлат байроғи мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байроғига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда Республиканинг бугунги табиатига мувофиқ келадиган хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий соҳалардаги ўзлигини ҳам акс эттиради.

Байроқдаги ҳаворанг бўёқ — зангори осмон ва мусаффо сувнинг, шунингдек, ер ва осмондаги ҳаёт манбаларининг рамзидир. Маълумки, буюк Амир Темур давлатининг байроғи ҳам ҳаворанг бўлган.

Оқ ранг эса — тинчлик ва поклик тимсолидир. Байроғимиздаги оқ ранг ёш мустақил давлатимиз ошиб ўтиши лозим бўлган довлардаги йўлнинг ёрқин ва чароғон бўлиши учун эзгу ният тимсоли сифатида қўйилган.

Байроқнинг қизил рангдаги йўллари — ҳар бир тирик жон қон томирида жўшиб турган ҳаётий кучнинг, барҳаётликнинг рамзидир.

1

И. А. Каримов Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент. 1993, 81-б.

Яшил ранг эса — табиатнинг тимсоли, гуркираб яш-наётган ҳаёт ва ҳосилдорликнинг рамзидир. Байроқдаги ярим ой — ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналарига мувофиқ келади. Чунончи, ярим ой ва юлдузлар мусаффо осмоннинг, тинчликнинг рамзидир. 12 рақами — қадимдан халқларимиз орасида мукамаллик тимсоли бўлиб келган. Шу боисдан ҳам байроғимизга ўн икки юлдузнинг тасвири туширилган. Давлат байроғи бизнинг кўҳна ўтмишимиз, бугунги кунимиз ва буюк келажагимизнинг рамзидир.

Ўзбекистоннинг Давлат герби Республика Олий Кенгаши ўнинчи сессиясида 1992 йилнинг 2 июлида тасдиқланган.

Гербимиз марказида қанотларини кенг ёйиб турган Ҳумо қуши тасвирланган. Бу бахт-саодат ва эрксеварлик рамзидир. Ҳумо қуши ўзбек халқи орасида одамларни бахт-саодатга етакловчи илоҳий қушнинг рамзи сифатида эъзозланиб келинган. Жумладан, Алишер Навоий Ҳумо қушини тирик мавжудотлар ичида энг саховатлиси деб таърифлаган.

Гербнинг юқори қисмида Ўзбекистоннинг собит ва барқарорлиги рамзи бўлган саккиз қиррали юлдуз тасвирланган бўлиб, унинг ичида ярим ой ва беш қиррали юлдуз ифодаланган.

Қуёш тасвири — ўзбек давлати ва халқининг ҳаёт йўли ҳамиша нурли бўлиши учун билдирилган эзгу ниятдир. Бундан ташқари, Қуёш мамлакатимиздаги ниҳоятда гўзал, табиий иқлим шароитини ҳам кўрсатиб туради.

Гербдаги бошоқлар — ризқ-рўзимиз бўлмиш ғалланинг тимсоли, оппоқ бўлиб очилаётган пахта чаноқлари тасвирланган ғўза шохлари серқуёш Ўзбекистоннинг донғини дунёга таратган асосий бойлигимиз рамзидир. Бугдой бошоқлари ва пахта чаноқларининг давлат байроғига ўхшаган лента билан ўраб қўйилганлиги — бу мамлакатимизда яшаётган халқлар яқдиллигининг тимсолидир.

Гербимиз рангли тасвирда бўлиб, Ҳумо қуши кумуш рангда; қуёш, пахта чаноғи ва "Ўзбекистон" ёзуви тилла рангда; тоғлар ҳаворанг бўёқда; чаноқдаги пахта, дарёлар ярим ой ва юлдуз оқ рангда; давлат байроғи тасвирланган тасма тўрт хил рангда берилган.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси 1992 йилнинг 10 декабрида Республика Олий Кенгаши томо-

нидан тасдиқланган. Давлат мадҳиясининг шеърини машҳур ўзбек шоири Абдулла Орипов ёзган, муסיқасини эса таниқли санъат арбоби Мутал Бурхонов басталаган.

Мадҳия матнида Ўзбекистоннинг гўзал табиати, унинг серқуёш ўлка эканлиги, водийларининг олтинга монандлиги, элга бахт, нажотлиги, дўстларига йўлдош ва меҳрибонлиги, халқсеварлиги, бағрида илму фан, ижод сингари ўлкамизга шон-шуҳрат келтирадиган қадриятлар юқори пардаларда тараннум этилади. Шунингдек, мадҳияда Ўзбекистонда яшайдиган халқларнинг доимо унинг тинчлиги, осойишталиги, мустақиллиги учун курашганликлари ҳақидаги тарихий ҳақиқатлар ҳам ўзининг бадий ифодасини топган.

Мадҳиянинг муסיқасида ҳам элимизга жуда манзур келадиган истиқболдаги фаровон ҳаётнинг нашъу намози оҳангларига монанд ғоят кўтаринки руҳ, жанговарликка, ғайратга, ижодга, истиқлолга давватдек мағрур жаранглайди.

6 - модда

Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри.

Азим ва навқирон Тошкент Ўзбекистон Республикасининг пойтахтидир. Ҳар бир давлат ўз пойтахтига эга бўлади. Пойтахт шаҳар бир қатор ўзига муносиб муҳим хусусиятларга моликдир. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат: давлат идоралари ва жамоат бирлашмаларининг марказий идоралари, давлат бошлиғи қароргоҳи, давлатнинг асосий сиёсий ва иқтисодий тадбирлари амалга ошириладиган, чет эл дипломатик ваколатхоналари жойлашадиган шаҳар бўлади.

Тошкент — қадимий, икки минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган йирик шаҳар. Унинг икки миллиондан зиёд аҳолиси, замонавий, салобатли бинолари, А. Навоий номидаги миллий боғ, улуғ бобомиз Амир Темур номидаги хиёбон, "Туркистон" ва "Халқлар дўстлиги" саройлари, Амир Темур ва Мирзо Улуғбек ҳайкаллари, масжиду мадрасалар, кўҳна Шарқ услубида қурилган ва безанган расталар, қад ростлаётган меҳмонхоналар ва бошқа маҳобатли обидалар, ер ости метроси унинг кўрк ва шукуҳини орттиради.

Тошкент — дўстлик ва тинчлик шаҳри. У дунёга ўзининг сулҳпарварлиги, "Тошкент руҳи" билан машҳур. Тошкентда кўплаб халқаро сиёсий, иқтисодий, маданий анжуманлар ўтказилмоқда.

II боб

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ

7-модда

Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқ иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат сиёсатини халқнинг хоҳиш-иродаси белгилаб беради. Мазкур сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистондаги барча фуқароларнинг фаровон турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини фақат Конституцияда, қонунларда кўзда тутилган тартибда ва улар асосида тузилган идораларгина амалга оширади. Давлат идоралари фақат қонунда кўрсатилган ваколатлари доирасидагина фаолият кўрсатади. Давлат идораларининг Конституция ва қонунга сўзсиз итоат этиши ва шу асосда фаолият кўрсатиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгисидир.

Конституцияда кўзда тутилмаган ҳолларда эса давлат ҳокимияти ваколатини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиш ёки тугатиб қўйиш, давлат

ҳокимияти органларига параллель равишда янги тизилмалар ташкил этиш Конституцияга хилоф ҳисобланиб, қонунга биноан жавобгар қилишга сабаб бўлади.

8 - модда

Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.

Мазкур моддада қайд этилган қоида жаҳондаги бирор-бир Конституцияда учрамайди. Унда Конституция даражасида "Ўзбекистон халқи" тушунчасининг таърифи баён этилган. Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида истиқомат ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий ва ирқий мансублигидан, эътиқодидан қатъи назар, республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир.

Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл-насаби, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, Ўзбекистон халқини ташкил этади. Конституция Ўзбекистон халқини ташкил этувчи барча миллат ва элатларнинг урф-одатлари ва миллий анъаналарини ҳурмат қилишни кафолатлайди.

Мазкур моддада мустаҳкамланган Ўзбекистон фуқароларининг миллий тенглиги принципи барча инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларга, жумладан, Ўзбекистон Республикаси номидан унинг Президенти имзолаган Париж Хартияси талабларига тўла мос келади. Мазкур принцип мамлакатимиздаги тинчлик, сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг ҳуқуқий кафолатидир.

9 - модда

Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

Демократик талаблар асосида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига қўйилади, умумхалқ овози — референдумга чиқарилади. Умумхалқ муҳокамаси — референдумга иқтисодий, сиё-

сий, маданий соҳаларга тааллуқли муҳим аҳамиятга молик масалаларнинг қўйилиши кўзда тутилади. Чунончи, 1991 йилнинг 30 декабрида ўтказилган референдумда Ўзбекистон халқи давлат мустақиллиги эълон қилинганлигини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб овоз берди. Энг муҳим қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига ҳавола этиш анъанага айланди. Масалан, Конституция лойиҳаси рўзномаларда эълон қилиниб, икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди. Халқнинг фикр хазинаси дурдоналар билан бойитилди, сайқал топди.

Референдум ўтказиш тартиби батафсил, атрафлича 1991 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг референдум тўғрисидаги Қонун"и билан тартибга солинади.

10 - модда

Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

Мазкур модда Ўзбекистон Конституциясининг ўзига хослигини ифодаловчи моддалардан бўлиб, унда Ўзбекистон халқи номидан фақат икки давлат органи баҳс юрита олиши изоҳланади. Булар, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — олий вакиллик давлат органи; иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижроия ҳокимияти бошлиғи.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳам, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳам халқ томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Халқ худди шу йўл билан Олий Мажлисга ва Президентга ҳам ўзининг ваколатини беради.

Конституцияда кўрсатилган мазкур икки давлат органидан ташқари жамиятдаги ҳеч бир гуруҳ, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқининг ваколатига эга эмас.

11 - модда

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

Мазкур моддада давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ваколатларнинг тақсимланиши принципи негизида амалга оширилиши кўрсатилган. "Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти — давлатнинг учта асосий таянчидир"¹.

Ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципи ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан биридир.

Қонун чиқарув ҳокимияти Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан, ижроия ҳокимияти эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади. Суд ҳокимияти Конституциявий Суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилиб, улар биргаликда Ўзбекистоннинг ягона суд тизимини ташкил этади.

Конституциянинг бешинчи бўлимида уччала ҳокимият идораларининг ўзаро уйғунликдаги фаолият воситалари, шунингдек, мазкур идораларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туриш тизимини вужудга келтирувчи қоидалар мустаҳкамланган.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти идоралари давлат ҳокимиятининг ягона тизимини ташкил этади. Худди ана шу асосда ўзбек демократик ҳуқуқий давлатчилиги барпо этилмоқда.

12 - модда

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаёти ва сиёсий тизимлари мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Бир мафкуранинг, бир дунёқарашнинг яққа ҳокимлигидан қатъиян воз кечиш, сиёсий пар-

1

Қаранг: *И. А. Каримов*. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. Тошкент, 1993. 11-б.

тиялар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги Конституциявий йўл билан эътироф этилган.

Истиқлолнинг илк йилларидаёқ собитқадамлик билан, етмиш йилдан ортиқроқ ҳукм сурган коммунистик мафкура, синфийлик, яккапартиявийлик иллатлари тугатилди.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси бирор-бир мафкура мутлақ ҳақиқатни фақат у билишига, унинг номидан сўзлашга даъво қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Мазкур Конституциявий қоида олдимизга миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини долзарб қилиб қўяди. Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, мурувват, маърифат туйғуларини онгимизга сингдиришга хизмат қилиши лозимлигини ҳеч қачон унутмаслик даркор. Унда жамиятимиздаги барча кучлар, ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари, аҳоли турли табақаларининг ўй-фикрлари, орзу-умидлари ўз ифодасини топмоғи лозим. У давлатимиз фуқароларини улуғ мақсад йўлида қалбан бирлаштиришга кўмаклашиши лозим¹.

13-модда

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қурилмоқда. Чинакам демократиянинг зарурий ва қонуний таркиби сифатида кўп партиявийлик принципи амалда шаклланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисига сайловлар кўп партиявийлик принципи асосида ўтказилади.

Ўзбекистон — умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

1

Қаранг: *И. А. Каримов*. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, 1994, 190—191-б.

Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддасдир.

Демократия ва инсон ҳуқуқлари сингари умумбашарий қадриятлар Ўзбекистоннинг миллий давлатчилик манфаатларига тўла мос келади. Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири — бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи мазкур ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлашдир. Мазкур ҳуқуқни амалга ошириш — давлат ва жамиятнинг демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги ана шу билан белгиланади.

Ўзбекистонда фуқароликнинг демократик ва ҳуқуқий эркинликлари Конституция ва амалдаги барча қонунлар тизими ҳамда давлат идоралари томонидан ҳимоя қилинади.

Ҳокимиятни зўравонлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган, Республиканинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, Конституциявий тузумлар, халқнинг демократик эркинликлари ва маънавий негизларига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқаридадир.

14-модда

Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

Ўзбекистон ижтимоий адолат жамиятидир. Шу боис ҳам Ўзбекистон давлати бош ислоҳотчи сифатида ишга лаёқатсиз, ногиронларни, қўп болали оилаларни, қаровсиз қолган гўдакларни моддий ва ижтимоий жиҳатдан ҳар тарафлама қўллаб-қувватламоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтишда, жамиятни тубдан янгилашда халқнинг туб манфаатларини кўзлаб, энг устувор ва муҳим йўналишларни давлатнинг ўзи танлаб, уларни амалга оширишда ўзи етакчилик қилмоқда. Ҳар қандай ижтимоий-адолатли жамият ва давлатнинг ўлчов мезони

1

Қаранг: *И. А. Каримов*. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, 1993, 76-б.

жамиятнинг энг ночор ижтимоий табақаларига муносабатлари билан белгиланади.

Давлат ва жамият фуқарони ўз паноҳига олмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир фуқаронинг кўнгли тинч бўлиши керак. Хотиржам одамгина унумли меҳнат қила олади. Давлат ҳалол меҳнат учун ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит яратмоғи лозим.

Кучли ижтимоий сиёсат адолатли жамият ва демократик давлат барпо этишнинг асосий мезонидир. "Давлатнинг фаол ислохотчилик мавқеида бутун диққат-эътиборни иқтисодиётни соғломлаштириш муаммоларини биринчи навбатда ҳал этишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилишга, эски иқтисодий муносабатларни бозор муносабатларига айлантиришга қаратиш ижтимоий барқарорлик учун мустаҳкам негизни вужудга келтиради"¹.

Ўзбекистонда ижтимоий адолат принциплари авваламбор оиладан бошланади. Чунки оила жамиятнинг негизидир. Оила, турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади. У ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эгадир. Оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Шу боис ҳам бизнинг давлатимизни катта бир оила деб тушуниш лозим. Бу эса бизни ана шу оиланинг аҳил фарзандлари бўлишимизга даъват қилади.

III боб

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ

15-модда

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари қатъий инти-

1

И. А. Каримов. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, 1994. 73-б.

зом, ички уюшқоқлик ва масъулият жиҳатидан устувор бўлмаса, қонунлар ва миллий анъаналар, урф-одатлар, умуминсоний қадриятлар ҳурмат қилинмаса, демократик ҳуқуқий давлатни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис ушбу Конституциявий қоида Ўзбекистон тараққиёт йўлининг энг муҳим принципларидан бири бўлади.

Конституциядаги қонун устуворлигининг моҳияти ва маъноси шундаки, Конституция ва қонун олдида барча бирдай масъулдир. Мамлакат қонунларига жами фуқаро, ёшидан, мансабидан, миллати, ирқи ва динидан қатъи назар, баравар бўйсунмоғи ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Қай бир жамиятда қонун бажарилмай қоғозда қолиб кетса, ундай жамият асло равнақ топмайди, адолатга эриша олмайди. Қонун амалда бўлиши лозим. Қонун қабул қилиндими, унинг ижроси ҳам қатъий бўлмоғи зарур.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири — бу барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашдир. Конституция ва қонун устуворлиги бу, биринчидан, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини англатади, ҳеч ким, ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, тадбиркор ёки бошқа бирор фуқаро қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан холи бўлиши мумкин эмас. Иккинчидан, Конституция ва қонун устуворлиги шуни ифодалайдики, асосий ижтимоий, энг аввало иқтисодий ва сиёсий муносабатлар фақат қонун йўли билан тартибга солинади, унинг барча иштирокчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун ҳуқуқий жавобгарликка тортилади.

16 - модда

Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

Ҳар қандай давлатнинг Конституция ва қонунлари унда яшовчи халқларнинг иродасини, руҳиятини, хоҳиш-истакларини ифода этмоғи лозим: "Инсонлар қонунлар учун" эмас, балки аксинча, "қонунлар инсонлар учун"

деган ҳикматли ибора айни демократик давлатдаги қонунларга тааллуқлидир. Маъмурий буйруқбозликка асосланган советлар тузуми даврида ҳар бир тарихий босқичга, ҳатто айрим шахсларга ҳам мослаштириб Конституциялар ва қонунлар ижод қилинар эди. Улар бир мақсадга — қотиб қолган мафкурага асосланган мустабид тузумни ҳимоя қилишга ва унинг ҳукмронлигини таъминлашга хизмат қилар эди.

Конституция ва қонунларнинг лировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўлмоғи лозим. Зотан улуғ бобомиз Амир Темур айтганидек, "Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади".

Конституция — ўзбек миллий - ҳуқуқий тизимининг ўзагини ташкил этади. Барча жорий қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва унга тўла мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилмоғи зарур. Ижроия органлари қонунларга қўшимчалар эмас, балки мазкур қонунларнинг ижросига оид ҳужжатларни қабул қилмоқлари лозим бўлади.

Конституциямизни махсус тарзда муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон тарихида илк марта Конституциявий суд жорий қилинди. Бу ҳақда Конституциянинг 108—109-моддаларида баён қилинган.

Конституциямиз қабул қилинганидан сўнг олтмишдан ортиқ янги қонунлар қабул қилинди. Ўзгариб бораётган шарт-шароитларни инобатга олиб, илгари қабул қилинган қонун ҳужжатларига тузатишлар киритилди. Қабул қилинган мазкур қонунлар миллий ўзбек давлатчилигини барпо этишга, эркин бозор иқтисодиётини ривожлантиришга, жаҳон ҳамжамиятидаги мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилишга қаратилгандир.

IV боб

ТАШҚИ СИЁСАТ

17-модда

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги,

низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

Мазкур моддада мустақил Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг конституциявий асослари берилган. Ўзбекистоннинг ўз миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама ташқи сиёсат юритиши ва бунда ҳуқуқнинг тенг ваколатли субъекти сифатида ҳаракат қилиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Бу моддадаги асосий принциплар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига, уни амалга ошириш йўллариини белгилашга Конституциявий негиз бўлиб хизмат қилади.

Биринчиси — давлатларнинг суверен тенглиги. Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик қоидалари заминиде олиб боради. Бизнинг ширимиз "тенглар орасиде тенг бўлиш"дир. Ўзбекистон тагин кимга ёки кимларгадир бўйсунитиш учун мустақил бўлган эмас.

Иккинчиси — куч ишлатмаслик ёхуд куч билан таҳдид қилмаслик. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларациянинг ҳужум қилмаслик, низоли муаммоларни ҳал этишда куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларни тан олади ва уларга оғишмай риоё қилади.

Учинчиси — ўзга давлатларнинг ҳудудлари яхлитлиги, чегараларининг дахлсизлигини тан олади.

Тўртинчиси — низоларни тинч, сиёсий воситалар йўли билан ҳал этишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон фуқаролар ва давлатлар орасидеги ўзаро муносабатларда умумбашарий қадриятларни устун қўйиб, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш учун курашади. Ўзбекистон ядросиз минтақа бўлиб қолади. Унинг тажовузкор ҳарбий иттифоқлар ва уюшмаларга кириш нияти йўқ.

Бешинчиси — бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига оғишмай риоя қилади.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқнинг барча маърифий мамлакатлар эътироф этган қоидалари ва нормаларига амал қилиш заминига қурилган.

Ўзбекистон, мафкуравий қарашларидан қатъи назар, ташқи сиёсатда очиқ-ойдинлик принципини рўёбга чиқаришга ва барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқалар ўрнатишга интилмоқда. Ўзбекистон Конституцияси умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ қоидалари ва принципларини ҳамда уларнинг ички ҳуқуқий нормалари устуворлигини тан олади.

Мустақил давлатимиз бошқа мамлакатлар билан тўла ишонч принципи негизида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи сиёсий ҳамда иқтисодий муносабатлар ўрнатмоқда.

Ички иқтисодий муомала ва уларнинг ечимларида Ўзбекистоннинг ташқи дунёдан ажралиб қолган ҳолда сиёсат юритишини тасаввур этиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари — халқнинг фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдўстлик уюшмаларига ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини жаҳондаги барча нуфузли мамлакатлар тан оладилар. Бугунги кунда Ўзбекистонни жаҳоннинг 125 мамлакати тан олди. 84 мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди.¹ Республиканинг пойтахти Тошкентда ва бошқа вилоятлар марказларида чет мамлакатларнинг эл-чихоналари, ваколатхоналари ва консуллик идоралари очилган.

Ўзбекистон Республикасининг чет эл дипломатик ваколатхоналари Америка Қўшма Штатларида, Германияда, Францияда, Туркияда, Россияда, Ҳиндистонда, Покистонда, Мисрда фаолият кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон етакчи мамлакатларнинг барчаси билан иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамда ҳуқуқий соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги муҳим ҳужжатларни имзолади:

1

И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, "Ўзбекистон" 1995, 65-бет.

Ўзбекистон Республикаси ўз тарихида биринчи дафъа 1992 йилнинг 2 мартида халқаро ҳуқуқнинг тўла ваколатли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзоликка қабул қилинди ва парламентлараро иттифоқнинг аъзоси бўлди: Республикамиз 20 дан ортиқ халқаро иқтисодий ва молиявий бирлашмаларнинг аъзосидир.

Ўзбекистон Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик бўйича Кенгашнинг Якунловчи ҳужжати ва Париж Хартиясига имзо чекиб, Хельсинки шартномаси мажбуриятларига қўшилди.

Мазкур ҳужжатларнинг барчаси Ўзбекистон тараққиётида янги мазмунга эга бўлган муҳим босқични бошлаб берди ва халқаро сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий соҳаларда тенг ҳуқуқлилиқ асосларида фаол ҳамкорлик қилиш имкониятларини вужудга келтирди.

Шундай қилиб, Конституциямиз Ўзбекистонда барча инсон ва фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлайди, уларнинг мустақиллигимизнинг чинакам тамал тошини қўйишлари учун муҳим шарт-шароитлар яратади.

Конституция — истиқлолимизнинг ҳуқуқий негизидир.

ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

V боб

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

18-модда

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Ушбу қоиданинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ёзиб қўйилиши Ўзбекистонни давлат сифатида дунёдаги энг демократик мамлакатлар даражасига кўтарди. Чунки инсонни улуғлаш, уни ким бўлишидан қатъи назар қонун олдида тенглигини таъминлаш ҳамда унинг ҳақ ва ҳуқуқини қўриқлаш фақат демократик давлатларгагина хосдир. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиш қоидаси инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация моддаларига тўла-тўқис мос келади. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг I-моддасида қуйидаги сўзлар битилган:

"Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилдилар. Улар ақл ва виждон соҳибидирлар ва бир-бирларига биродарларча муомала қилишлари зарур." Дарҳақиқат, мамлакатда барча фуқаролар бир-бирлари билан дўстона муносабатда бўлишликлари ва тинч-тотув яшашликларининг заминида инсон ҳуқуқлари, биринчи навбатда, конституцион ҳуқуқда ҳимоя қилиниши зарур.

Ушбу қоиданинг нақадар тўғри ва ҳаётан зарурлиги айрим давлатларда ҳозирги кунларда ҳам инсон ҳуқуқлари, эркинликларини менсимаслик ва оёғости қилиш оқиба-тида бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилаётганлиги ҳамда бутун бир мамлакат ва халқларнинг миллий озодлик

ҳаракатлари ваҳшийларча бостирилаётгани тўғрисидаги фактларни эътиборга олганда яна ҳам аён бўлади.

Яқин ўтмишда, собиқ иттифоқ шароитида қонунларда инсонларни, миллатларни, халқларни тенгликлари қайд қилинган бўлса-да, амалда улар ўзларининг синфий, партиявий каби белгиларига қараб фарқланар эдилар. Оқибат натижада миллатлар, халқлар ўртасида ишончсизлик, тенгсизликлар келиб чиқди. Марказлашган давлатнинг парчаланиб кетишига сабаб бўлди. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ушбу моддасида аниқ ва равшан қилиб инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тенглигини белгилаб қўйилиши мамлакатда одамлар ўртасида бирор бир айирмачиликка, яъни улар ўртасида ирқий, миллий, жинсий, диний низоларнинг келиб чиқишига йўл қўйилмайди.

Ушбу моддага биноан қабул қилинган жорий қонунларда эса ҳар қандай кўринишдаги ирқий, миллий, диний низолар, тенгсизликларга олиб келувчи ҳаракатлар қораланади ва зарур ҳолларда жиноий жавобгарликка тортилади.

Шу модданинг иккинчи бандида қонунда белгиланганидан муҳим қоидалардан бири — имтиёзларни фақат қонун билан белгиланиши ҳамда уни ижтимоий адолат принципларига мос бўлишидир. Албатта, ҳар қандай давлатда ҳам айрим шахслар имтиёзларга эга бўлишлари мумкин. Масалан, халқ вакиллари — депутатлар, дипломатик хизматдаги фуқаролар ёки давлат олдида кўп йиллар давомида ўзларининг самарали меҳнатлари билан алоҳида хизмат кўрсатган шахслар у ёки бу иқтисодий, сиёсий имтиёзларга, унвонларга эга бўлишлари мумкин. Бу имтиёзлар қонунлар, фармонларда аниқ ифодаланган ва ижтимоий адолат принципи талабларига жавоб бериши шартдир. Ана шундай бўлгандагина фуқаролар ўртасида имтиёзлар масаласида тафовутлар бўлмайди.

19-модда

Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бири-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Ушбу моддада белгилаб қўйилган қонданинг муҳимлиги, биринчидан, фуқаролар ва давлат бир-бирлари билан узвий боғлиқдирлар, деган ғоянинг маъноси шундаки, миллат, халқлар давлат иттифоқига бирлашмасдан туриб тинч-тотув яшай олмайдилар. Фақат давлат шаклида, аниқроғи, давлат иттифоқига бирлашган эркин фуқаролар ўзларининг умумий фаровон ҳаётларини таъминлашлари мумкин. Шу маънода давлат — олий даражадаги эркин фуқароларнинг иттифоқи. Буюк француз мутафаккири Жан Жак Руссонинг таъбири билан айтганда, фуқаролар ижтимоий шартнома асосида давлатни ташкил этадилар. Улар ўзларининг бир қисм ҳуқуқларини, эркинликларини давлат ихтиёрига топширадилар. Давлат эса ўз навбатида қонунлар асосида мамлакатни идора қилади. Демак, фуқаролар ва давлат ўртасидаги боғлиқлик табиий бўлиб, улар ўртасидаги ҳуқуқий муносабат қанчалик илмий, тўғри, адолатли бўлишига қараб, мамлакатда тинчлик, ободончилик ишлари ривож топади.

Яна энг муҳим ҳаётий масалалардан бири бу фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этиш ёки чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслигидир. Ушбу қонданинг муҳимлиги шундаки, биринчидан, қонунда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари белгилаб қўйилган бўлиши керак. Қонунда белгиланган ҳуқуқлар, эркинликлар, бурчларнинг дахлсизлиги таъминланган бўлиши керак. Бу дегани — ҳеч ким ҳеч қачон бошқа бир шахснинг ҳуқуқини бузишига давлат асло йўл қўймайди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари ҳуқуқнинг ҳамма соҳаларида ўз ифодасини топган бўлиши керак. Масалан, Гражданлик кодекси, Меҳнат кодекси, Оила ва никоҳ кодекси, Жиноят кодекси ва бошқа ҳужжатлардаги мулк ҳуқуқи, ота-оналарни ўз фарзандларига нисбатан ҳуқуқи, меҳнат қилиш, дам олиш, касб танлаш каби иқтисодий, сиёсий ҳуқуқлар шулар жумласидандир.

Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқларни бирор бир шахс ёки ташкилот томонидан бузилишига, чеклаб қўйилишига йўл қўйилмайди. Уларнинг дахлсизлиги қонунда қўриқланади. Масалан, жиноят ҳуқуқида фуқароларнинг мулкига, соғлигига, шаънига таъсир қиладиган ҳаракатлар учун тегишли тартибда

тегишли моддаларда жиноий жавобгарликлар белгиланган. Бу ерда шуни айтиш керакки, фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилганда қонунга биноан фақат суд органлари кўришга, қарор қабул қилишга ҳақлидир. Конституциянинг ушбу моддасига ва суд ҳақидаги қонунга мувофиқ фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ёки уларни озодликдан маҳрум қилиш фақат суд органининг вазифасига киради. Суднинг қарорисиз ҳеч ким озодликдан маҳрум этилмаслиги ва айрим ҳуқуқлари чеклаб қўйилмаслиги принципили фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини муқаддаслиги ва дахлсизлигининг кафолатидир. Мустақил Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг тикланиши ва унинг тизимларида инсон ҳуқуқларини қўриқлаш бош масала этиб қўйилиши демократик давлат томонидан амалга оширилган улкан ютуқ ҳисобланади.

20-модда

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Ушбу моддани ўрнатилишидан кўзланган мақсад шундан иборатки, ҳуқуқий давлатни ташкил этишда, жамиятда қонунчиликни таъминлашда республика фуқароларининг сиёсий ва ҳуқуқий онглирига, маданиятларига кўп нарса боғлиқдир. Гап шундаки, жамиятда қонун, қоидаларнинг бузилиши ёки бузилмаслиги, жамиятда фуқароларнинг маданияти, қонунларни билишлари ва уларга нисбатан юксак эътиқодли бўлишликлари даражасига боғлиқ бўлади. Бу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишда фуқаролар бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқларига путур етказмасликлари керак. Чунки жамиятда яшаётган фуқароларнинг ҳуқуқлари бир-бирлари билан узвий боғлиқдир. Агарда фуқаро фақат ўз ҳуқуқларини кўзласа, талаб қилса-ю, бурчини эсдан чиқарса ёки бошқа ўзига ўхшаш фуқароларнинг ҳуқуқларига путур етказса, бу қонунсизликка олиб келади. Шунинг учун ҳам ягона давлат иттифоқига бирлашган фуқаролар бир-бирларининг ҳуқуқларини ҳурматлаб иш юритсалар, сўзсиз, жамиятда барқарорлик, тинчлик, юксалиш юз беради ва, аксинча,

жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий онглари паст бўлса, бири иккинчисининг ҳуқуқларини поймол қилса, бундай давлатларда тартиб, интизом, тинчлик тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас.

VI боб

ФУҚАРОЛИК

21-модда

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айтилган вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиши билан фуқаролик институти мазмунан тубдан янги маъно ва мустақил аҳамият касб этди. Эндиликда фуқаролик давлатчилигимизнинг муҳим ажралмас белгисидир. У шахснинг давлатга мансублигини, унга дахлдорлигини юридик жиҳатдан мустаҳкамлайди, шунингдек давлат ўз ҳокимиятини бу шахсга ўтказди ва уни Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ҳамда бурчлар билан таъминлайди.

Фуқаролик — бу шахс билан давлат ўртасидаги барқарор ва доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқа бўлиб, бунда уларнинг ўзаро ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлари ўз ифодасини топади. Бундай алоқалар инсон ва фуқароларнинг қадр-қиммати, асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ҳамда ҳурматлашга асосланади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, фуқаро билан давлатнинг ўзаро мажбуриятга эгаллиги принципи республика конституциявий қонунчилигида биринчи маротаба мустаҳкамлаб қўйилди. Бу сиёсий тизим демократиклиги ва халқчиллигининг ўта муҳим кўрсаткичидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси деганда, фақатгина унинг ҳудудида яшаши ёки унинг ҳокимиятига

бўйсуниси, ҳуқуқ ва бурчлар билан таъминланишигина эмас, балки шахс билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида ўрнатилган алоҳида сиёсий-ҳуқуқий алоқалар ва муносабатлар тушунилади. Умуман олганда, у шахснинг давлат билан муносабатларини юридик жиҳатдан белгилаб қўяди. Фуқаролик — бу шахснинг ҳуқуқий ҳолатидир.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллиги муносабати билан қилган маърузасида шундай деган эди: "Шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилар экан, бу билан у Конституциямиз ва қонунларимизда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Шунингдек, у маълум бурчларни ҳам бажаришга мажбурдир. Табиийки, Ўзбекистон давлати ҳам фуқароларнинг манфаатлари ва эркинликларини республика ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади."¹

Конституция Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқароликни ўрнатади. Бунинг маъноси: биринчидан, давлатнинг ягоналиги, мустақкамлиги ва яхлитлигидир; иккинчидан, барча фуқаролар, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролари, бирдек сиёсий-ҳуқуқий мақомга эга, қонун олдида тенг ва давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг тўлақонли субъекти ҳисобланадилар; учинчидан, жумҳуриятнинг бутун ҳудудида Ўзбекистон фуқароларига уларнинг конституциявий ва бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг давлат-ҳуқуқий муҳофазаси таъминланади. Ўзбекистон фуқароларига берилган имтиёз ва афзалликлар қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланиб, улар ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Президент И. А. Каримов ягона фуқаролик ҳақида тўхталиб, "икки давлат фуқаролигига мансублик ачинарли ҳолдир. Бу беватанлик билан баробардир"² — деб таъкидлаган эди.

1

И. А. Каримов. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. — Т.: "Шарқ", 1993, 9-бет.

2

Кўрсатилган асар, 10-бет.

Фуқароликка эга бўлиш асосларидан қатъи назар республикада барча учун тенг фуқаролик жорий этилади. Мазкур конституциявий қоида шуни англатадики, бунда келиб чиқишдан, шахсий, ижтимоий ва мулкӣ ҳолатидан, миллати, тили, дини, эътиқоди, жинси ва ирқидан, ёши ва фуқароликни олиш асосларидан қатъи назар барча фуқароларнинг ҳуқуқий мавқеи бир хил ва тенг бўлади.

Республика фуқаролари ҳар қандай вазиятда ҳам қонун ва суд олдида тенгдирлар. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги дунёда умумий эътироф этилган демократик принципдир. Ушбу принцип жамиятда ижтимоий муносабатларни шакллантиришнинг ўзагини ташкил этади, зеро бусиз қатъий қонунийликни, демократик ҳуқуқий-тартиботни таъминлаш мумкин эмас. Юридик жиҳатдан тенгликнинг асосий талаби — қонуннинг ҳамма учун бир хилда бўлиши ва ҳар бир кимсага нисбатан айнан бир хил кучга эга бўлишидир. Қонун айрим кишиларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга ололмайди. Жамиятда қонун фуқароларга ҳуқуқ соҳасида алоҳида мавқе яратиб бермаслиги ва ўз навбатида фуқаролар ҳам бунга даъво қилмасликлари лозим. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципини ҳаётга жорий қилиш бутун жамият аъзолари ягона қонунлар тизимига итоат этишлари, ҳуқуқий қоидаларга сўзсиз риоя қилишлари ва уларни бажаришлари, ҳар бир фуқаро қонунни бузишдан ўзини тийиши шартлигини англатади.

Одил судлов алоҳида давлат фаолияти сифатида, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ўта муҳим юридик кафолати ҳисобланади. Суднинг мустақиллиги, ошкоралиги, бевоситалиги, далилларни текширишдаги оғзакилик, кенг процессуал кафолатларнинг мавжудлиги фуқароларнинг суд олдида тенглигини таъминлайди. Суд конкрет жараёнда иштирок этаётган томонларнинг тенглигидан ва кўрилайётган материаллар мазмунидан келиб чиққан ҳолда томонлар учун бир хилда мажбурий бўлган юридик қарор чиқаради.

Модданинг учинчи қисмида Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг ҳам фуқароси эканлиги мустаҳкамланган. Маълумки, Қорақалпоғистон Республикаси суверен давлат сифатида Ўзбекистон Республикаси таркибига киради. Шу сабабли Қорақалпоғистон фуқароларига Ўзбекистоннинг

суверенитети дахл қилиб, уларга давлат ҳомийлигини таъминлайди. Ўзбекистоннинг қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир. Шу билан бирга бу қонунлар Қорақалпоғистон фуқароларининг ҳуқуқий мавқеини Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мавқеига тенглаштиради. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини нафақат Ўзбекистон ҳудудида, балки хорижий давлатларда ҳам ҳимоя қилади.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик тўғрисидаги қонуни (1992 йил 2 июлда қабул қилинган) амал қилаётир. У фуқароликка қабул қилиш асослари, унга эга бўлиш ва фуқароликни йўқотиш тартибини белгилайди. Қонунга мувофиқ қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўладилар:

1) келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ ҳолатидан, ирқӣ ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, машғулотининг тури ва сажиясидан қатъи назар, ушбу Қонун кучга кирган вақтда (1992 йил 7 июль) Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар;

2) давлат йўлланмаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўқиётган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида туғилган бўлсалар ёки доимий яшаганликларини исбот қилган бўлсалар, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмасалар ва ушбу Қонун кучга кирганидан кейин кечи билан бир йил ичида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган бўлсалар;

3) Ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган шахслар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги қонунга асосан (13-модда) Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан туғилган болалар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки унинг ташқарисида туғилган бўлишидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Агар ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган қуйидаги ҳолларда, Фуқаролик қонунига асосан, бола Ўзбекистон Республикасининг фуқароси

ҳисобланади: 1) агар у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган бўлса; 2) агар у Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида туғилган бўлса-ю, ота-онаси ёки уларнинг бири шу вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлса.

Ота-онасидан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлган, ёхуд номаълум бўлган тақдирда, бола қаерда туғилган бўлишидан қатъи назар, у Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Фуқаролиги бўлмаган, Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган боласи Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Ота-онаси номаълум бўлган ва Ўзбекистон ҳудудида яшаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлишнинг қуйидаги асосларини кўрсатади:

- 1) туғилганда;
- 2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши натижасида;
- 3) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асослар бўйича;
- 4) ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз илтимосномаларига кўра келиб чиқишидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши мумкин.

Лекин, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига кириш учун қонун томонидан айрим шартлар қўйилган, чунончи бундай шахс: 1) чет эл фуқаролигидан воз кечиши; 2) сўнги беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаганлик (ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларга башарти улар шу ерда туғилган ва ҳеч бўлмаса ота-онасидан бири, буваси ёки бувиси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилганлигини ва бошқа давлатларнинг фуқароси эмаслигини исботласа, тааллуқли бўлмайди); 3) қонуний тирикчилик манбаларининг мавжудлиги;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тан олиши ва бажариши шартдир.

Бундан ташқари бу қонунда чет элик шахсларни Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилишда, республикадаги осойишталикни, тинчликни таъминлаш мақсадида бир неча тўсиқлар қўйилган. Чунончи, фуқароликка киришга даъвогар шахс:

— Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумини зўрлик ишлатиб ўзгартиришни ёқлаб чиқаётган бўлса;

— фаолияти Ўзбекистон Республикасининг конституциявий принципларига зид бўлган партиялар ва ўзга ташкилотларга аъзо бўлса;

— Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жазоланадиган хатти-ҳаракатлар учун озодликдан маҳрум этилган ва жазони ўтаётган бўлса, ундай шахсни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномаси рад этилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги қуйидаги асосларга кўра тугатилиши мумкин:

1) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш оқибатида;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш оқибатида;

3) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асосларга биноан;

4) Ушбу Қонунда кўзда тутилган бошқа асосларга биноан.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилиши Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилишига сабаб бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик тўғрисидаги Қонунида фуқароликдан маҳрум этиш чоралари кўзда тутилмаган. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини фуқароликдан маҳрум этиш ва уни Ўзбекистон ҳудудидан чиқариб юбориш мумкин эмас. Агар қонунларда ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида кўрсатилмаган бўлса, Ўзбекистон фуқароларини бошқа давлатлар ихтиёрига ҳам топшириш мумкин эмас.

Фуқаролик тўғрисидаги қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш асослари ҳам белгилаб

қўйилган. Ўзбекистон фуқаролигини йўқотишга қуйидагилар сабаб бўлади:

1. Шахс чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирганлиги аниқланса;

2. Агар чет элда доимий яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобида турмаган бўлса;

3. Агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлгонлиги шак-шубҳасиз маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса.

Шу сабабларга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги йўқотилади. Фуқаролик тўғрисидаги Қонунда ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарганда болаларининг фуқаролиги масалалари ҳам кенг ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи асосий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг янги паспорти ва туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномадир. 1994 йил 23 декабридаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан "Ўзбекистон Республикаси паспорт тизими тўғрисидаги Низом" тасдиқланди. Унда Ўзбекистон фуқароларига паспорт бериш ва ундан фойдаланиш, қайд қилиш, рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш, шунингдек паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тартиби белгиланган.

22 - модда

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

Давлатимизнинг энг муҳим мақсадларидан бири, республика сиёсий тизимининг моҳияти — давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабатларда инсон олий ижтимоий қадрият эканлиги принципининг жорий этилишидадир. Ўзбекистон давлатининг, унинг барча идораларининг фаолияти юқорида зикр этилган принципни имкон қадар тўлароқ ва кенг кўламда амалга оширишга бўйсундирилган.

Давлат, бир томондан, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини конституциявий асосда мустаҳкамлайди, иккинчи томондан эса, давлат ўз

фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шунингдек уларга мамлакат ичкарасида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ҳомийлик кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошишини кафолатловчи шароитларни яратади, барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга уларга риоя этиш, зарур ҳолларда эса тазйиқлардан муҳофаза этиш мажбуриятини юклайди. Ўзбекистон фуқароси ўз манфаатларини нафақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, балки унинг ташқарисида ҳам ҳимоя этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Ҳукумати хорижий давлатлар билан фуқароларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини чет элларда ҳам таъминлашга қаратилган шартнома ва битимлар тузади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда дипломатик йўллар билан ушбу ҳуқуқларни тиклаш мақсадида норозилик хатлари (ноталар) юборилади. Ўзбекистон фуқароларига хориждаги ҳимоя ва ҳомийлик республика Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда унинг тизимига кирувчи чет давлатлардаги дипломатик ва консуллик муассасалари томонидан, шунингдек ўзбек давлати ваколат берган махсус идоралар томонидан амалга оширилади. Уларнинг барчаси зарур бўлган ҳолларда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини қайта тиклашни Ўзбекистон Республикаси номидан талаб қиладилар ёки бошқа тегишли чора-тадбирлар кўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил сентябридаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси "Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена Конвенциясига" қўшилди. Бу ҳужжатга асосан Ўзбекистон Республикаси консуллик ташкилотлари чет давлатларда Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлгандан сўнг жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди. Республикани жаҳондаги 150 га яқин мамлакат тан олди. 80 дан кўп давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистон ўзининг фаол ташқи сиёсатини ўтказмоқда. Бу сиёсатни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистоннинг жуда кўп фуқаролари чет давлатларда Ўзбекистон манфаатларини ёқлаб иш олиб бормоқдалар. Ўзбекистон фуқароларининг бу соҳалардаги ҳуқуқларини ҳимоя

қилишга республикамизнинг ташқи ташкилотларигина эмас, балки Ўзбекистон тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирган нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам ёрдам беради.

23-модда

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

Ўзбекистон Республикаси гражданлигига мансуб бўлмаган шахсларни тавсифлаш учун қонунчиликда "муҳожирлар", "чет эллик фуқаролар", "фуқаролиги бўлмаган шахслар" деган қатор иборалар қўлланилади. Муҳожир деганда бошқа мамлакатдан келган киши тушунилади. Бу тушунча "чет эллик фуқаро" иборасидан кенгроқ бўлиб, уни ҳам қамраб олади. Қонунчиликка мувофиқ, чет эллик фуқаролар деб, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигини исботловчи далиллари бўлган шахслар тан олинадилар. Бундай далиллар қаторига миллий паспортлар ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатлар киради.

Чет эл фуқаролари икки тоифага бўлинадилар: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий истиқомат қилувчи ва вақтинча яшаб турувчилар. Бу икки тоифага мансуб бўлган чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатида айрим фарқлар бор.

Фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳуқуқий таърифи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик тўғрисидаги Қонунининг 11-моддасида баён этилган: "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб тургани ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслар деб ҳисобланади."

Ўзбекистондаги чет эллик фуқаролар, агар қонунда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида ўзгача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан бир хилда ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўладилар ҳамда бирдек мажбуриятлар ўтайдилар.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартномалари ва бошқа халқаро ҳуқуқ нормалари асосида белгиланади. Буларга асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Конституция ва қонунларда назарда тутилган ҳуқуқлар ва эркинликлардан, шунингдек ўзларига тегишли шахсий, мулкӣ, оилавий ва бошқа ҳуқуқлардан фойдаланадилар ҳамда уларни ҳимоя қилиш учун судларга мурожаат этишга ҳақлидирлар.

Чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Конституциямизнинг умумий руҳидан келиб чиққан ҳолда уларнинг миллати, ирқи, жинси, диний эътиқоди ва ҳ.к. жиҳатларига қараб таъқиб этилмаслиги синғари инсон ҳуқуқларининг кафолатлари берилади. Айни чоғда чет эллик фуқаролар томонидан ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишлари бизнинг давлатимиз манфаатларига, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасидаги чет элликларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўлами бу шахслар жумҳуриятимизда муқим ёки вақтли истиқомат қилишларига боғлиқ. Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қилувчи чет эллик шахслар, Ўзбекистон фуқаролари синғари қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланадилар. Масалан, улар ишчи ва хизматчи бўлиб ишлашлари ёки бошқа фаолият билан шуғулланишлари мумкин. Улар дам олиш, соғлиқни сақлаш, нафақа олиш, уй-жойдан фойдаланиш, шахсий мулк сифатида уй-жойга эга бўлиш, илм олиш ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан никоҳда бўлишлари ва уни бекор қилишлари мумкин. Бу тоифадаги чет эл фуқаролари касаба уюшмаси, кооператив ташкилотлари, илмий, маданий, жисмоний тарбия ва жамоат уюшмалари аъзолари бўлиши мумкин, агар булар Ўзбекистон Республикаси қонунларида тақиқланган бўлмаса ва бу жамоат уюшмалари низомларига қарши бўлмаса. Қонунчиликда Ўзбекистондаги чет элликларни бундай фарқланиши амалий аҳамиятга эга. Ўзбекистонда доимий яшовчи чет элликлар тоифасига ички ишлар органлари томонидан

бериладиган махсус рухсатнома ёки яшаш учун гувоҳнома олган шахслар киради.

Ўзбекистонда доимий ва вақтинча яшовчи чет элликлар Ўзбекистон юрисдикцияси (тасарруфи) га итоат этишига қараб, Ўзбекистон Республикаси тасарруфига тўла итоат этувчи (масалан, сайёҳлар, талабалар, стажерлар, мутахассислар ва ҳ.к.) шахслар: ЎЗР тасарруфига муайян чегараларда итоат этувчи (яъни, консуллик иммунитетига эга шахслар, чет эл ҳарбий ва ҳаво ксмалари экипажи, ҳарбий қисм хизматчилари) шахслар ва давлат идораларининг тасарруф доирасидан аслида озод этилган (дипломатик ходимлар ва дипломатик иммунитетдан фойдаланувчи бошқа кимсалар) шахсларга ажраладилар.

Ўзбекистондаги чет эллик фуқароларга ЎЗР фуқаролари билан бир қаторда виждон эркинлиги, шахсий ва уй-жой дахлсизлиги ҳамда бошқа шахсий ҳуқуқлар кафолатланади. Чет эллик фуқаролар жумҳурият ҳудудида эркин ҳаракат қилишлари ва яшаш учун жой танлашлари мумкин. Агар чет эллик фуқаронинг фаолияти (ҳаракатлари) Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартибини сақлаш манфаатларига зид келса; аҳолининг соғлиғи ва маънавиятига зарар етказса; божхона, молия қоидаларини ва бошқа қонунчиликни қўпол равишда бузса, у давлат ҳудудидан мажбуран чиқариб юборилиши мумкин.

Ўзбекистондаги муҳожирларнинг айрим ҳуқуқлари чегаралаб қўйилади, жумладан: сайловларда иштирок этиш ва вакиллик ҳамда бошқа давлат органларига сайланиш ҳуқуқи; умумхалқ овоз бериши (референдум) да қатнашиш ҳуқуқи ва ҳ.к. Чет эллик фуқаролар айрим лавозимларни эгаллашлари ва қонун томонидан ман этилган баъзи меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас. Муҳожирларга ЎЗР Қуролли Кучлари сафида хизмат ўташ мажбурияти юклатилмайди. Чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон ҳудудида қилган жиноий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқбузарлик ишлари учун, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан бир хил асосда жавоб берадилар. Улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир қилсалар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан жиноий жавобгарликка тортиладилар. Баъзи бир жиноий ҳаракатлари учун ёки давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ҳудудидан чиқариб юборилишлари мумкин. Чет эл

фуқароларини ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон ҳудудида хоҳлаган яшаш жойини танлаш ва бемалол кўчиб юриш ҳуқуқлари чегараланган, бундай чегаралаш давлатнинг миллий хавфсизлиги, жамоат тартибини сақлаш, аҳолининг соғлиғи ва ахлоқи, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ.

Ўзбекистондаги чет эллик фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашдаги муҳим жиҳатлардан бири Конституциямизнинг қуйидаги қонундир, яъни: уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ қоидалари асосида таъминланади. Бунинг маъноси, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси муҳожирларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини халқаро эталон ва мезонлар даражасида таъминлайди; иккинчидан, республика ҳукумати иккиёқлама халқаро шартнома ва битимлар асосида конкрет мамлакатдан келган фуқаролар ҳуқуқларини чеклаши ёки уларга айрим имтиёзлар бериши мумкин. Бундай чеклов ва имтиёзлар шерик мамлакатнинг тегишли хатти-ҳаракатларига айнан мувофиқ бўлади.

Чет эл фуқароларининг алоҳида тоифасини чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ва консуллик ваколатхоналари ва халқаро ташкилотлар хизматчилари ташкил қилади. Улар ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва бошқа ҳуқуқий нормаларини ҳурмат қилиши ва уларга итоат этиши керак, лекин улар дипломатик ва консуллик имтиёзларидан ва дахлсизлик (иммунитет) дан фойдаланадилар (шахсий дахлсизлик, жиноий, фуқаролик ва маъмурий иммунитет ва бошқа имтиёзлар). Бундай тоифадаги чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатлари Ўзбекистон Республикаси дипломатик ва консуллик вакилликлари тўғрисидаги ҳужжатларида, Ўзбекистон иштирок этган халқаро шартномаларда кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасида яшовчи муҳожирларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга уларнинг шахсини ва яшаш ҳуқуқларини билдирадиган махсус ҳужжатлар — гувоҳномалар берилади. Бундай ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти 1994 йил 23 декабрда тасдиқлаган "Хорижий шахсларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга бериладиган Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги Низом" асосида берилади.

Чет эллик фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини ҳурмат қилишлари ҳамда уларга риоя этишлари шарт. Улар Конституция, қонунлар ва ЎзР нинг халқаро шартномалари билан юклатиладиган мажбуриятларни ўташлари лозим. Чет элликлар бошқа кимсаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари, шунингдек ўзбек халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросига самимий муносабатда бўлишлари шарт.

VII боб

ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

24-модда

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Конституциянинг мазкур моддаси халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга, аниқроғи: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига; Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактга ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга тўла мос келади ва мана шу ҳужжатлардан келиб чиқади.

Шахсни ҳимоя қилиш, шунингдек унинг ҳаётини ижтимоий хавфли тажовузлардан муҳофаза қилиш давлатнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Бизнинг давлатимиз инсон ҳаётининг дахлсизлиги учун реал кафолатлар яратмоқда.

Яшаш ҳуқуқи инсоннинг табиий ҳуқуқидир, унга ҳар бир инсон жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, фикрлаши, шахсий ва ижтимоий аҳволидан қатъи назар эга.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида: "Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир", дейилган бўлса, Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 6-моддаси 1-бандида: "Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди", деб белгиланган.

Яшаш ҳуқуқи — олий қадрият бўлиб, ҳар бир киши ёши, жисмоний кучи, соғлиғидан қатъи назар, унга эга бўлади.

Шифокорларга, беморларнинг илтимоси билан ҳам, ўлимни тезлаштириш қандай йўллар билан бўлмасин тақиқланади. Шундай ҳоллар содир этилгудек бўлса, бу ҳаракатни содир этганлар Ўзбекистон Жиноят кодексига асосан жавобгарликка тортилади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг болалар ўлимининг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлари, автотранспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган ишлар, турли шикастланишларнинг олдини олиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган давлатнинг ва давлат органларининг фаолияти яшаш ҳуқуқининг кафолатларидандир, чунки ана шу ҳодисалар кўплаб кишиларни ҳаётдан маҳрум қилади ёки соғлиғига путур етказди.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқи турли қонунлар билан муҳофаза қилинади. Бунда Жиноят кодекси муҳим ўрин тутиб, у махсус воситалар орқали инсон ҳаётини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилади.

Республиканинг Жиноят кодексига, шахсни, аниқроғи унинг ҳаётини муҳофаза қилишга, ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилишга устуворлик берилган.

Республика Жиноят кодексининг бир қанча моддаларида (97—103) инсон ҳаётига тажовуз қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Жиноят кодексининг махсус қисми бошланадиган 97-моддасида қасдан одам ўлдирганлик учун жавобгарлик ўрнатилиб, жазо сифатида 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси белгиланган.

Республика жиноят қонунчилигида ўлим жазосининг мавжудлиги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга асло зид эмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 6-моддаси 2-бандига асосан, "Ўлим жазосини бекор қилмаган мамлакатларда жиноят содир этилганда амалда бўлган ва мазкур Пакт ҳамда геноцид жиноятларнинг олдини олиш ва геноцид учун жазо тўғрисидаги оғир жиноятлар учун ўлим ҳақида ҳукм чиқарилиши мумкин. Бундай жазо нуфузли суд томонидан чиқарилган узил-кесил ҳукмни ижро этибгина амалга оширилиши мумкин". Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги эса ана шу ҳолатга тўла мос келади.

Янги жиноят қонунчилигида, ўлим жазоси кўзда тутилган жиноят турлари анча қисқартирилиб, фақат қуйидаги оғир жиноятлар учун ўлим жазоси сақлаб

қолинди: айбни оғирлаштирувчи ҳолларда қасддан одам ўлдириш (97-модда, II қисм); номусга тегиш (118-модда, IV қисм); жинсий эҳтиёжини зўрлик ишлатиб гайритабiiй усулда қондириш (119-модда, IV қисм); агрессия учун (151-модда, II қисм); урушнинг қонун ва удумларини бузиш (152-модда); давлатга хоинлик қилиш (157-модда, I қисм); Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш (158-модда, I қисм); жосуслик (160-модда, I қисм); жиноий уюшма ташкил қилиш (242-модда, I қисм); контрабанда (246-модда, I қисм); гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш (272-модда, II қисм).

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунлари аёлларга ва 18 ёшга етмаганларга нисбатан ўлим жазосини қўллашни назарда тутмаган бўлиб, бу ҳам Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пактнинг 6-моддаси 5- бандидаги "Ҳали 18 ёшга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун ўлим ҳукми чиқарилмайди ва ҳомиладор аёлларга нисбатан ана шундай ҳукм ижро этилмайди", деган халқаро нормага тўла мос келади.

Шахснинг яшаш ҳуқуқини салмоқли кафолатларидан бири, республика қонунчилигида афв этиш институтининг ўрнатилганлигидир. Ўлим жазосига ҳукм қилинган ҳар бир кимса, ким бўлишидан қатъи назар, Республика Президентига ўзининг афв этилишини сўраб мурожаат этиш ҳуқуқига эга. (Бу масала Конституциянинг 93-моддасига шарҳларда кенгроқ ёритилади.) Ўлим жазосига ҳукм қилинганлар афв этилгудек бўлса, ўлим жазоси 20 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилади.

25 - модда

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Ўзбекистонда туғилган ҳар бир кимса, жинси, миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, туғилиши билан шахсий дахлсизликка эга бўлиб, эркин ҳаёт кечиради, яъни бу дегани ҳар бир киши эркин равишда, ўз ихтиёри бўйича ҳаракат қилиши мумкин, фақат шахснинг ҳаракатлари қонунга зид

бўлмаслиги керак. Ўзбекистонда яшовчиларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқи конституциявий даражада мустақамланган.

Ҳеч ким инсонга қонунсиз таъсир ўтказиш, уни баъзи ҳаракатларни қилишга мажбурлаш ёки баъзи ҳуқуқлардан чеклаш ҳуқуқига эга эмас.

Инсон туғилиши билан унга тааллуқли бўлган қийматлар (ҳам моддий, ҳам маънавий): ҳаёти, соғлиғи, ор-номуси, қадр-қиммати дахлсиз ҳисобланади.

Шахсий дахлсизлик ва эркинлик ҳуқуқи ҳуқуқнинг турли соҳалари билан, шунингдек жиноят ҳуқуқи билан муҳофаза қилинади, унда бу ҳуқуқларга тажовуз қилганлик учун жавобгарлик ўрнатилиб, турли жазо чоралари белгиланган.

Республика Конституциясига асосан ҳеч ким қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Бу Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пактнинг талабларига тўла мос тушади, унинг 9-моддаси 1-бандига асосан: "Ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамоққа олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас, қонунда белгилаб қўйилган асосларда ва қонун-қоида таомилига биноангина озодликдан маҳрум қилиш мумкин". Бу талаблар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 9-моддасидаги: "Ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамалиши, ушланиши ва қувғун қилиниши мумкин эмас", деган қоидадан келиб чиқади.

Амалдаги қонунларга биноан шахсни ҳибсга олиш ва уни ҳибсда ушлаб туриш ҳақидаги масалани прокурор ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига асосан, қонунда бир йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган жиноий ишларни содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан ҳибсда ушлаб туриш чораси қўлланилиши мумкин. Истисно тариқасида, алоҳида ҳоллардагина қонунда бир йилдан ортиқ бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган жиноий ҳаракатлар учун ҳам эҳтиёт чораси сифатида ҳибсда ушлаб туриш қўлланилиши мумкин.

Ушлаб туриш, ҳибсда сақлаш кўп ҳолларда дастлабки тергов даврида амалга оширилади.

Қонунда кўзда тутилган асослар бўлгандагина гумондор ёки айбланувчини ҳибсга олиш ҳақида санкция бериш мумкинлиги, бу ҳуқуқнинг салмоқли кафолатидир. Бунда прокурор ҳамма материаллардаги ҳибсда ушлаб туришга асос бўладиган ҳолатларни синчиклаб ўрганиши, зарур ҳолларда айбланувчини, айбланувчи вояга етмаган бўлса, ҳамма вақт шахсан сўроқ қилиши шарт, бундай тартибнинг ўрнатилиши республикада яшовчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини муҳофаза қилиш даражасини кучайтиради, қонунийликни, қабул қилинаётган қарорларнинг асосли бўлишини кучайтиради ва оқибат-натижада дастлабки терговнинг сифатли бўлишини таъминлайди.

Жиноят-процессуал қонунчиликда гумондорни, айбланувчини ҳибсда ушлаб туриш муддатлари, уни узайтириш тартиблари белгилаб қўйилган бўлиб, уни бузишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

26-модда

Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

Конституциянинг мазкур моддаси, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 11-модда 1-бандидаги "Жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир инсон унга ҳимоя учун барча имкониятлар яратиб берилиб, суд мажлисида ошкора тартибда қонуний йўл билан унинг айбдорлиги аниқланмагунча, беайб деб ҳисобланиш ҳуқуқига эгадир" ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пактнинг 14-моддаси 2-бандидаги "Жиноят қилишда айбланаётган ҳар бир одам, унинг айби қонунга биноан исботлаб берилмагунча айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқига эгадир", деган сўзларга тўла мос тушади.

Айбсизлик презумпцияси (айб исбот қилинганда шахснинг айбсиз деб фараз қилиш) биринчи марта ўз ифодасини 1789 йилги инсон ва граждандар ҳуқуқи Декларациясида топган эди.

Айбсизлик презумпцияси, бу — айби қонунда белгиланган тартибда ва тегишли органлар томонидан тасдиқланмагунча шахснинг айбсиз ҳисобланишидир.

Айбсизлик презумпцияси, Ўзбекистон мустақил бўлиб, ўз Конституциясини қабул қилгач, одил судловнинг асосий принципи ҳисобланади.

Бу принципга амал қилинганда, жазо тайинловчи органлар (суд) жазо тайинлашдан аввал жиноятни айнан шу шахс содир этганлигини аниқлашга мажбур.

Жиноятни тергов қилишда прокурор, дастлабки тергов ва суриштирув органлари фақат ЖПК нормаларига асосланиши керак.

Далиллар тўплаш вақтида белгиланган тартиб-қоидалар бузилган бўлса, яъни далиллар қалбакилаштирилса, бундай далиллар юридик кучга эга эмас деб топилади ва ўз-ўзидан улар айблов учун асос бўла олмайди. Тергов органлари етарли далиллар бўлгандагина шахсни айбдор сифатида ишга тортиш учун қарор қабул қилади.

Дастлабки текшириш органи жиноят содир этган шахсга айб эълон қилишда, унинг ушбу жиноятни содир қилишдаги айбдорлигини (айбсизлигини) албатта исбот қилиб беришга мажбурдир, чунки айбланувчи айбсизлик презумпциясига кўра суднинг чиқарган айблов ҳукми қонуний кучга кирмагунга қадар айбдор деб ҳисобланмайди.

Агарда жиноят иши бўйича чиқарилган айблов ҳукмига кассацион шикоят ва кассацион протест келтирилган бўлса, у ҳолда бу жиноий ишни юқори суд кўриб, ҳукми ўз кучида қолдирса, шундан сўнг у кучга киради. Кассацион шикоят берилиши мумкин бўлмаган ҳукм эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

Айбланувчи ўзини айбсизлигини исбот қилиб беришга мажбур эмасдир. Жиноят содир қилган шахсни айбдорлигини исботлаш мажбурияти терговчи, суриштирувчи шахс, прокурор ва судга юклатилгандир.

Лекин айбланувчи ўзининг ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиб, ўзининг айбсизлигини исботлашга ҳақлидир, аммо бу унинг мажбурияти эмас.

Жиноят содир қилишда айбланаётган шахс кўрсатма бериш ҳуқуқига эга, кўрсатма бермасликка ҳам ҳақлидир. Бу ҳолат унинг устидан айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олмайди.

Айбланувчи ўзининг айбсизлиги тўғрисида далиллар тақдим қила олмаслиги, уни айбдор дейишликка асос бўла олмайди.

Айбланувчини ўз айбига иқрорлиги бошқа далиллар билан ҳақиқатдан тасдиқланган тақдирдагина, уни айб-лашлик учун асос бўлади.

Айбсизлик презумпциясига, далиллардаги ҳар қандай гумонларни айбланувчи фойдасига фойдаланиш ҳолатининг кириши муҳим ҳисобланади. Айблов назарда тутиладиган фактларга эмас, аниқ далилларга асосланиши керак.

Конституцияда ҳар бир кишини ҳимояга ҳуқуқи ка-фолатланади. Қоидага кўра шахснинг бу ҳуқуқи адвокат-лар орқали амалга оширилади, адвокат ҳар қандай ҳуқуқий масалалар юзасидан малакали ёрдам бериб, жиний ва гражданлик суд ишларида иштирок этади ва уларга мурожаат қилган шахсларнинг манфаатини ҳимоя қилади.

Шуни қайд қилиш керакки, айбланувчи ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланмаслиги жиний ишларни терговга қайта-риш ёки ҳукми бекор қилиш учун асос бўлади. Шунингдек гражданлик ишларида ҳам даъвогар ёки жавоб-гарни ҳимоя ҳуқуқидан маҳрум қилиш қарорни бекор бўлишига асос бўлади.

Айрим шахслар юридик хизматга ҳақ тўлай олмаган-ларида, уларга давлат томонидан бундай ёрдамни бепул берилиши ҳимояга бўлган ҳуқуқнинг кафолатларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар каби, қийноқ, зўрлик ва бошқача тарзда инсон қадр-қимматини камситувчи ҳаракатларни тақиқлайди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси-нинг 5-моддасида: "Ҳеч ким азоб-уқубатга ёки ваҳшийларча, инсонликка иснод бўлган ёки қадр-қиммат-ни хўрлайдиган муомала ва жазога мустаҳиқ бўлмаслиги керак", дейилган бўлса, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пактнинг 7-моддасида: "Ҳеч ким азоб-уқубатга солинмаслиги ёки зolimлик билан, инсонликка иснод бир тарзда ёки унинг қадр-қимматини хўрлаб

муомала қилинмаслиги ё жазога мустаҳиқ этилмаслиги керак. Жумладан, ҳеч қандай шахс, унинг розилигисиз, тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказишга мубтало қилинмаслиги керак", деб бу қоида янада ривожлантирилган.

Ҳар икки халқаро ҳужжатнинг ҳолатлари ўз ўрнини Ўзбекистон Республикаси Конституциясида тўла топган.

Қийноқ ва бошқа даҳшатли ноинсоний, унинг қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар ва жазолар турларига қарши конвенциянинг 1-моддасида бу ҳаракатларга таъриф берилган бўлиб, унга асосан кўрсатма олиш мақсадида қийнаш, бирон-бир шахсга қаттиқ оғриқ етказувчи, азоб-уқубат берувчи, жисмоний ва руҳий таъсир кўрсатувчи ҳаракатдир.

Ана шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддаси 2-қисмида бундай ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Кўрсатув беришга мажбур қилиш, яъни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан кўрсатув беришга мажбур қилиш мақсадида гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи ёки экспертга нисбатан кўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш, баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш — ўша ҳаракат оғир оқибатларга сабаб бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Кишиларда уларнинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказишни тақиқланиши ҳам халқаро ҳужжатлар асосида Республика Конституциясида ўз ўрнини топган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси шундай ҳаракатлар учун шахснинг ўлиmidан кейин ҳам жиноий жавобгарлик белгилаган. ЖК нинг 133-моддасига асосан, шахс тириклигида унинг розилигини олмасдан туриб ёки ўлганидан кейин яқин қариндошларининг розилигисиз илмий ишлар ёхуд таълим ишлари учун трансплантация қилиш ёки бузилмайдиган ҳолда сақлаш (консервация) мақсадида мурданинг аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш — ўша ҳаракатлар: а) ғаразғўйлик ёки бошқа паст ниятларда; б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва тураржойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг тураржойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши. ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

Ушбу шарҳланаётган модда шахсий номулкий ҳуқуқларни: шахснинг шаъни ва кадр-қиммати; шахсий ҳаёт ва уй-жой дахлсизлигини қўриқлаш ва ҳимоя қилишга йўналтирилган. Бу ҳуқуқлар умуман мутлақ характерга эга бўлиб, улардан фойдаланиш учун махсус рухсатнома талаб қилинмайди.

Шахснинг шаъни ва кадр-қиммати бу инсонга тегишли хусусиятдир. Сиёсий-ҳуқуқий нуқтаи назардан фуқароларнинг шаъни ва кадр-қиммати, унинг ҳаёти ва соғлиғи ёки шахсий эркинлиги сингари такрорланмайдиган бойликдир.

Шаън — бу жамиятнинг шахсга баҳоси, жамият аъзоси сифатида фуқаро ижтимоий ва маънавий хусусиятларининг ўлчовидир. Жамиятнинг шахсга баҳоси тўғридан-тўғри фуқаронинг ўзига боғлиқдир, чунки унинг шахси давлатга ва жамиятга, ўзини ўраб турган инсонларга муносабати ҳамда баъзи бир ҳаракатлари ва умумий фаолияти асосида шаклланади. У инсон фаолиятининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва самарали фаолияти фойдалигига боғлиқ, чунки бу сифат унинг барча мавжуд хизматларини акс эттиради. Инсон — шахснинг хулқи асосида унинг маънавий-ахлоқий тимсоли ҳақидаги қарашлардан шаклланади, шулар асосида жамоатчилик, жамоалар, бошқа шахс-индивидлар томонидан аниқ шахснинг хусусиятларига баҳо берилади. Ҳар бир инсон доимий бўлмаган ўзининг ижтимоий баҳосига эга, чунки шахснинг ижтимоий мавқеи ва мақоми унинг содир этилган ҳаракатларига қараб ўзгариши мумкин.

Қадр-қиммат — ўзининг жамоатдаги ўрнига, шахсий хусусиятларига, қобилиятига, дунёқарашига қараб ўз-ўзини ички баҳолашидир. Ҳар бир инсон ўзининг жамиятда тутган ўрнини англаб етади. Унга ўз-ўзини

ҳурматлаш ва бошқа одамлар уни ҳурматлашини ҳис қилиш хусусиятлари хосдир. Инсоннинг жамиятда тутган ўрнини ўзи англаб етиши умуман унинг ҳаракат ва хулқини аниқлаб беради.

Шахсий хусусиятларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан этик баҳолаш, ўз-ўзини баҳолаш ҳар доим хусусий индивидуалдир. У жамоатчилик баҳоси билан тўғри келиши ёки келмаслиги мумкин. Шу билан бирга, шаън ҳам қадр-қиммат ва жамоатчилик баҳоси сифатида, ҳам ички шахсий баҳо сифатида ўзаро боғлиқ ҳодисалардир. Улар жамоатчилик ва шахс ўртасидаги маълум бир ижтимоий алоқани акс эттиради. Шу муносабат билан шаън ва қадр-қиммат катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, унинг бузилмаслиги қонун билан қўриқланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси шаън ва қадр-қимматни қўриқлар экан, уларни, биринчи навбатда, фуқаровий, маъмурий, жиноий-ҳуқуқий воситалар билан қўриқлашга кафолат беради.

Ҳаракатдаги фуқаро қонунчиликка асосан фуқаро агар ёлғон ахборотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, ўзининг шаъни ва қадр-қимматини қораловчи ахборотларни олиб ташлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шундан келиб чиқадики, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя этиш ҳақидаги талабларини қондириш учун учта шартнинг мавжудлигини аниқлаш зарурдир. Жумладан: 1. Ахборот бадном қилувчи бўлиши керак, 2. Ахборот ёлғон бўлиши керак, 3. Ахборот тарқатилган бўлиши керак.

Бадном қилувчи — бундай ғаразли ахборотларда фуқаронинг шаъни ва қадр-қиммати жамоатчилик фикри асосида ёки алоҳида фуқароларнинг фикрлари жамиятда ва маънавиятда қабул қилинган хулқ қоидаларига, қонунчиликка риоя қилиш нуқтаи назаридан қасдан қораланади. Шундай экан, бадном этувчи, шарманда қилувчи ахборотлар қаторига ҳамма ахборотлар ҳам киравермайди, балки фақатгина фуқарони ҳуқуқий ёки маънавий томондан қораловчи далилларни мужассамлаштирган ахборотларгина киради. Ахборотларни бадном этувчи сифатида тан олиш учун қуйидагилар шартдир: биринчидан, у шахснинг муайян хулқига ёки баъзи бир далилларга, унинг ҳаётидаги муайян вазиятга тегишли бўлиши зарур; иккинчидан, тарқатилаётган ғаразли ахборот фуқарони фаолиятининг турли қирраларига тегишли бўлиши мумкин.

Тарқатилаётган ахборотнинг ёлғонлиги шундан иборатки, у, аввало, ҳақиқатга тўғри келмайди, яъни ундаги ахборот умуман рўй бермаган ёки рўй берган бўлса ҳам, вазиятни холис ҳақиқатга мос тарзда акс эттирмайди. Иш судда кўриб чиқиляётганда ахборотнинг ишончли (холис) ёки ишончсиз (ғаразли) эканлиги аниқланади ва унинг ҳақиқат эканлигини исботлаш мажбурияти уларни тарқатган шахсга юклатилади.

Тарқатиш деганда, ахборотни учинчи шахсга ё шахсларга ёки маълум доирадаги гуруҳга етказишни тушуниш керак. Ахборотларни тарқатиш шакллари турли-туман бўлиши мумкин (оммавий ахборот воситаларида чоп этилиши, телевидение ёки радио орқали, мажлис ва йиғинларда оғзаки чиқишлар, қўшнилар, қариндошлар, касбдошлар билан суҳбатда ёки мулоқотда). Ахборотни тарқатиш шакли эмас, балки жавобгарликнинг тегишли чораларини қўллаш учун бошқа асослар қаторида бўлган ушбу тарқатиш факти ҳуқуқий аҳамиятга эгадир.

Шахсга нисбатан ҳақиқатга тўғри келмайдиган, шаъни ва қадр-қимматини таҳқирловчи ахборотлар тарқатилса, у суд орқали ҳимояланишни талаб қилиш ҳуқуқини олади. Бу эса тарқатувчига агар, у бундай ахборотларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, уларни рад этиш мажбуриятини юклайди.

Фуқаролик қонунчилиги қораловчи ахборотларни олиб ташлашнинг икки йўлини аниқлаб беради. **Биринчиси**, агар қораловчи ахборот матбуотда босилган бўлса, у матбуот орқали рад этилади. **Иккинчиси**, фуқаронинг шаънини ва қадр-қимматини таҳқирловчи ахборотлар ташкилотлар тақдим этган ҳужжатларда жамланган бўлса, бундай ҳужжатлар, албатта, алмаштириб берилади. Бошқа ҳолатларда эса ахборот тарқатилиш усулига қараб у суд томонидан аниқланади.

Фуқаровий-ҳуқуқий тартибда шахснинг шаъни ва қадр-қиммати ҳимоясини ҳар бир киши амалга ошириши мумкин, бунда бадном этувчи ёлғон хабарларни тарқатишнинг ғаразли ёки беғараз амалга оширилганлиги аҳамиятга эга эмас.

Фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини қасдан ерга уриш ҳаракатдаги қонун бўйича маъмурий-ҳуқуқбузарлик ёки жиноят сифатида тан олинади. Бундай ҳолатларда айбдор туҳмат ёки ҳақорат учун маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Тухмат деганда бошқа бир шахсни шарманда қилувчи ғаразли ва ёлғон уйдирма хабарлар тарқатишни тушуниш керак. Тухматни бундай тушуниш маъмурий жавобгарлик ҳақидаги кодексда (40-модда) ва Жиноят кодексига (139-модда) кўрсатилган. Фуқаровий ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар таркиби ўзининг холис таърифига кўра жиноят таркиби билан ўхшашдир. Ҳар қайси ҳолатда ҳам ҳуқуқий эҳтиёж (объект) фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматидир ва у воқелик сифатида бошқа шахсни таҳқирловчи (қораловчи) ёлғон хабарларни тарқатишда намоён бўлади. Бир томондан, маъмурий-ҳуқуқбузарлик билан жиноят, иккинчи томондан, фуқаровий ҳуқуқбузарлик ўртасидаги асосий фарқ шахсий (субъектив) жиҳатидир. Чунки маъмурий ва жиноий жавобгарликнинг асосий шarti бу бевосита қасд қилишнинг мавжудлигидир.

Агар шахс бошқа шахсни бадном этувчи хабарларни биринчи марта тарқатган бўлса, тухмат учун маъмурий жавобгарлик юзага келади. Айни пайтда, шуни эътиборга олиш керакки, тухмат биринчи марта амалга оширилса, лекин қуйидаги белгилардан бири мавжуд бўлса, маъмурий жавобгарлик бўлмайди: 1) оммавий ахборот воситаларида ёки матбуотда ёхуд бошқа усулларда кўпайтирилган матнларда била туриб ёлғон хабарларни тарқатиш; 2) тухмат, оғир ёки жуда оғир жиноят содир этишда айбланиш билан боғлиқ бўлганда; 3) тухмат орқасида оғир оқибатлар келиб чиққанда; 4) тухмат хавфли рецидивист, яъни илгари тухмат қилгани учун судланган шахс томонидан содир этилган; 5) тухмат асосан ғаразли ёки бошқа тубан ниятларда содир этилганда. Ушбу ҳолатларнинг ҳар бирида тухматчи ЖКнинг 139-моддаси 2-қисми ёки 3-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилиши зарурдир.

ЖКнинг 139-моддаси 1-қисми талабига асосан тухмат учун жиноий жавобгарлик фақат шундай ҳаракатлар учун шахс маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнггина тортилади.

Ҳақорат қилиш деганда, шахсинг шаъни ва қадр-қимматини беҳаё тарзда қасддан ерга уришни тушуниш керак. Беҳаё тарз деганда умумқабул қилинган, одамлар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар меъёрига тўғри келмайдиган, жабрланувчининг шахсига салбий баҳо бериш тасаввурини туғдириш ҳаракатини тушуниш керак. Бун-

дай беҳаё тарз турли хил таърифдаги фаол хатти-ҳаракатларда намоён бўлиши мумкин: жабрланувчига қарата уятли, ҳақоратли (цензурасиз) сўзларни айтиш, бино деворларига беҳаё суратларни чизиш ёки таҳқиқ-ловчи сўзларни ёзиш, юзига тарсаки тушириш ва ҳ.к. Ҳақорат қилиш турли шароитларда содир этилади, жабрланувчи ва бошқа шахслар иштирокида ёки жабрланувчининг йўқлигида ҳам содир этилиши мумкин, лекин айбдор содир этган ҳақоратининг жабрланувчига етказилишини англаган ҳолда ҳаракат қилган бўлади.

Жиноий жиҳатдан жазога лойиқ ҳақорат шахсининг кадр-қимматини қасддан ерга урганлик учун маъмурий жазо чораси қўлланилгандан сўнг ушбу ғаразли ҳаракатларни қайта содир этишни ташкил этади (140-модданин 1-қисми). Шу билан биргаликда жиноий жавобгарлик зудлик билан юзага келади, агар ҳақорат қуйидагича амалга оширилган бўлса: 1) матбуотда ёки бошқа усулда кўпайтирилган матнда ёки оммавий ахборот воситаларида (140-модданин 2-қисми); 2) жабрланувчи ўз хизмат ёки фуқаролик мажбуриятини бажариш муносабати билан (140-модданин 3-қисми); 3) хавfli рецидивист, яъни илгари ҳақорат қилганлиги учун судланган шахс томонидан (140-модданин 3-қисми); 4) илгари туҳмат қилганлиги учун (ЖКнинг 139-моддаси ва 140-моддасининг 3-қисми билан) судланган шахс томонидан.

Маъмурий жавобгарликка ҳақоратни биринчи бор содир этганлар, агар у жиноий жавобгарликка олиб келмаса тортилади.

Шахсий ҳаётни ҳимоялаш ҳуқуқи бу фуқаронинг ўз шахсий ҳаёти ва фаолиятида ўз хоҳиши билан ўзининг ҳуқуқини аниқлаш эркинлиги билан боғлиқ субъектив ҳуқуқдир. Шахсий ҳаётга бошқа шахсларнинг қонунда тўғридан-тўғри кўзда тутилган аралашishi ҳолатлари бундан мустасно.

Шахсий ҳаётни ҳимоялашга қаратилган субъектив ҳуқуқ қурилиши ўзаро алоқадор ҳуқуқларнинг икки гуруҳини ўз ичига олади. Биринчиси, ўз вазифаси бўйича шахсий ҳаётнинг дахлсизлигини таъминлайди, иккинчиси эса унинг сир сақланиш ҳуқуқларини таъминлайди. Демак, биринчи гуруҳ уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини, шахсий ҳужжатларнинг дахлсизлиги, ташқи қиёфанин дахлсизлиги ҳуқуқини ўз ичига олади. Иккинчи гуруҳ эса фуқаролар шахсий ҳаётининг сир сақланиши билан боғлиқ.

Шахсий ҳаёт доирасини юридик мезонлар билан аниқлаш ўта мураккабдир, чунки унда вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар маънавият маромлари билан тартибга солинади. Ўз навбатида, ушбу муносабатларнинг баъзи бирлари ҳуқуқий тартибга солишни ва муҳофаза қилишни тақозо этади. Чунки бу фуқаролар ва умуман бутун жамият манфаатларига мос келади. Шунинг учун ҳам шахсий дахлсизлиги ва унинг сир сақланиши муҳофазаси амалга оширилади, чунки буларсиз ижтимоий муносабатларнинг амалга ошиши қийин. Конституциянинг шарҳланаётган моддаси бу масалада асосий аҳамиятга эга, у фуқаровий, маъмурий, жиноий ва қонунчиликнинг бошқа тармоқларидаги ҳуқуқий маромларнинг юридик асосини ўз ичига олади.

Фуқароларнинг шахсий муносабат усулларининг дахлсизлиги ҳуқуқи шундан иборатки, қонунда тўғридан-тўғри кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари ҳеч кимнинг шахс йродасига зид ҳолда унинг ёзишмалари, телефон сўзлашувлари, телеграф маълумотлари билан танишишга ҳаққи йўқ. Фуқароларнинг ҳаётини қуриқлаш учун у ҳақидаги ахборотларнинг тарқалмаслигини таъминлаш учун ахборотлар алмашишининг маълум тартиби ўрнатилган. Шу мақсадга эришиш учун шахсий мулоқот воситаларининг маромий-ҳуқуқий дахлсизлигини таъминлаш керак. У ўз ичига почта хат ёзишмалари, телефон сўзлашуви ва телеграф йўли билан ахборот алмашиш соҳаларини ўз ичига олади. Хат ёзишмалари, телефон сўзлашувлари, телеграф маълумотларини сир сақлашнинг манбаи (объекти) телефон сўзлашувлари, почта-телеграф ахборотларининг мазмуни ёки уларнинг борлиги ёки йўқлиги ёхуд ким-ким билан гаплашгани, ким кимни чақиргани ҳақидаги маълумотлардир.

Шахсий ахборотнома (корреспонденция) билан танишни тегишли ваколоти бор тор доирадаги шахслар қонунда кўзда тутилган мезонлар ва тартиблар асосида амалга оширадилар.

Жиноят-процессуал қонунчилиги почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ёки мусодара қилишини ҳужжатлаштириш, уларни кўздан кечириш ва олиб кетиш тартибини ва асосларини, шунингдек, телефон ва бошқа сўзлашув воситалари ёрдамида олиб борилаётган мулоқотлар тартиби ва асосларини аниқлаб беради.

Шундай қилиб терговчининг, суриштирувчининг ва суднинг гумондор, айбдор ёки судланувчи юборган ёки уларга жўнатилган ҳамма почта-телеграф жўнатмаларни агар бундай жўнатмалар жиноят ҳақида ёки иш аҳамиятга эга бўлган ҳужжат ашё ҳақида ахборотга эга деб ўйлаш учун етарли асослар мавжуд бўлгандагина хатлашга (арест солишга) ҳаққи бор. Бундай ҳолатларда терговчи ва суриштирувчи қарор чиқаради ва прокурор санкцияси олинади, суд эса ажрим чиқаради. Жиноят-процессуал қонуни бундай вазиятлардаги почта-телеграф жўнатмаларига қуйидагиларни киритади: ҳамма турдаги хатлар, телеграммалар, радиogrammалар, бандероллар, посылкалар, почта қутилари. Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш (арестга солиш) ҳақидаги қарор ёки ажрим тегишли алоқа муассасаси бошлиғига юборилади ва у буларни бажаришга мажбурдир ва бунинг ошкор этилиши мумкин эмас.

Почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш ёки олиб кетиш алоқа муассасасида холислар иштирокида ўтказилади, зарур бўлган ҳолларда эса тегишли мутахассис, терговчи ва суриштирувчи иштирокида ўтказилади. Кўздан кечириш тегишли почта-телеграф жўнатмаларини очиш ва танишиш йўли билан ўтказилади. Агарда уларда ишга аҳамиятли бўлган ашёлар, ҳужжатлар ва ахборотлар аниқланса, у ҳолда олиб кетиш ўтказилади. Олиб кетиш шундан иборатки, ё асл нусха олинади ёки ундан нусха кўчириб олинади. Ҳар доим кўздан кечириш ва олиб кетиш ҳақида қайднома (протокол) тузилади.

Телефон ёки бошқа мулоқот воситаларидан олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш учун асос бўлиб иш бўйича тўпланилган далиллар, агар уларда иш учун аҳамиятли ахборотларни олиш учун зарур маълумотлар бўлса, хизмат қилади. Бундай ҳолларда терговчи ёки суриштирувчи қарор чиқариб, прокурордан санкция олади. Гумондор, айбланувчи ёки судланувчининг телефон ёки бошқа мулоқот воситаларидан олиб бораётган сўзлашувларини суд ажрими бўйича ҳам эшитиш мумкин.

Қолдириб бўлмайдиган вазиятларда терговчи ёки суриштирувчи прокурор санкциясиз ҳам қарор чиқаришга ҳақлидир, лекин ундан сўнг зудлик билан прокурорга ёзма хабар беришга мажбурдир. Эшитишни миллий хавфсизлик хизмати бўлимлари амалга ошираётган бўлсалар, прокурор санкция бермаган ҳолларда, эшитиш бир кеча-

кундуз мобайнида қонуний деб тан олинади. Ҳамма ҳолатларда сўзлашувларни эшитиш давомида овоз ёзилмалари қўлланиши лозим, чунки магнит тасма тергов ҳаракати қайдномасига (протоколига) илова қилинади.

Жабрланувчига, гувоҳга ёхуд уларнинг яқин қариндошларига нисбатан куч ишлатиш билан, тамагирлик ёки бошқа ноқонуний ҳаракатлар содир этиш билан қўрқитсалар, уларнинг аризалари ёки ёзма рухсатномалари ва прокурор санкцияси билан ёки суднинг ажрими асосида уларнинг телефонлари бошқа мулоқот воситалари орқали олиб борилаётган сўзлашувларини эшитишга қонун йўл қўяди.

Хат ёзишмалари, телефон сўзлашувлари ва телеграф маълумотларини сир сақлашни қасддан биринчи марта бузган шахс маъмурий жавобгарликка тортилади. Агар бир йил мобайнида, маъмурий чора кўрилгандан сўнг, шахс қайта ҳуқуқбузарликка йўл қўйса, у қонунга (ЖКнинг 143-моддаси) мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилади ва энг кам иш ҳақининг йигирма беш бара-варигача миқдорда жарима билан ёки муайян ҳуқуқдан уч йилгача маҳрум қилиш билан ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан ёхуд олти ойгача қамоқ жазоси билан жазоланиши мумкин.

Уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига асосан ҳеч кимнинг одамларнинг доимий ёки вақтинча яшаши учун мўлжалланган уйига, уларнинг иродасига қарши, агар бунга қонуний асос бўлмаса, киришга ҳаққи йўқдир. Бу ҳуқуқ мулк шаклидан қатъи назар ҳамма уй-жойларга, ҳамма қурилмаларга тегишлидир. Бу ҳуқуққа уй-жойда, тегишли ётоқхоналарда, меҳмонхоналарда яшовчилар, бўлак уйларни, квартираларни, хоналарни ижарага олиб яшаб турган фуқаролар эгадирлар.

Уй-жойга рухсатсиз кириш фақат қонун билан тайин этилган ҳолларда ва белгиланган тартибдагина йўл қўйилади. Жиноий-процессуал қонуни эса уйни кўздан кечириш ва тинтув ўтказиш шартлари ва асосларини аниқлаб беради.

Иш учун аҳамиятга эга бўлган воқеа ҳолатини аниқлаш, далилий ашёлар ва жиноят изларини аниқлаш учун кўздан кечириш ўтказилади. Уй-жойни кўздан кечириш зарурати туғилса терговчи, суриштирувчи бу ҳақда қарор чиқаради, суд эса ажрим чиқаради, улар билан кимнинг уйида кўздан кечириш ўтказилаётган

бўлса, у бу қарор ёки ажрим билан таништирилиши лозим. Кўздан кечириш қайдномасининг нусхаси кўздан кечириш яқунланган пайтдан бошлаб 24 соат давомида прокурорга юборилиши керак. Уйни кўздан кечириш, агар у дастлабки тергов ёки суриштирув жараёнида олиб борилаётган бўлса, холислар иштирокида амалга оширилади. Агар иш кўриб чиқиляётганда кўздан кечириш учун эҳтиёж туғилса, суд ажрим чиқаради ва кўздан кечириш томонлар иштирокида ўтказилади.

Бирон-бир уй-жойда иш учун аҳамиятли бўлган ҳужжатлар ёки ашёлар бор деб ўйлашга етарли ахборотлар бўлганда, далилланган қарор асосида ва фақат прокурорнинг санкцияси билан терговчи, суриштирувчи тинтув ўтказиш учун уй-жойга киришлари мумкин. Қолдириб бўлмайдиган вазиятларда тинтув прокурорнинг санкциясиз ҳам ўтказилиши мумкин, лекин кейинги 24 соат ичида ўтказилган тинтув ҳақида хабар бериш зарурдир. Қолдириб бўлмайдиган вазият шароитлари прокурорга юборилган хабарда асослаб берилган бўлиши керак.

Тинтув ўтказиш мобайнида тинтув ўтказилаётган уй-жойнинг эгаси ёки унинг оиласига мансуб бирон-бир вояга етган аъзоси иштирокини таъминлаш зарур. Агар уларнинг иштирокини таъминлаш имкони бўлмаса, у ҳолда тегишли ҳокимият ёки фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш бўлимлари вакиллари таклиф этиш керак.

Фуқароларнинг уй-жойларига уларнинг рухсатсиз киришга фақат ёнғин, газ ёки сув тизимининг бузилиши каби фавқулодда вазиятда йўл қўйилади. Бироқ бундай ҳаракатга фақат фалокатнинг олдини олиш, одамларнинг мулкани қутқариш учун рухсат этилади.

Уй-жойда яшовчи шахсларнинг иродасига қарши унга ноқонуний киришда намоён бўлган фуқароларнинг уй-жой дахлсизлиги, мансабдор бўлмаган шахс томонидан бузилса, унга маъмурий тартибда энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир фоизидан бир фоизигача жарима солинади.

Уй-жойга у ерда яшовчиларнинг эркига қарши, зўрлик ишлатиб ноқонуний кириш ҳолларида жиноий жавобгарлик келиб чиқади ва бундай ҳолларда ЖКнинг 142-моддасига мувофиқ уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан ёки беш йилгача озодликдан маҳрум этиш жазolari қўлланиши мумкин.

Фуқароларнинг уй-жой дахлсизлигининг бузилиши мансабдор шахслар томонидан содир этилса, Жиноят Кодекси Махсус қисмининг XV бобида кўрсатилган моддаларга асосан жазоланувчи мансабдорлик жиноятларини ташкил этиши мумкин.

28 - модда

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

Давлатимиз ҳудудида фуқароларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳақидаги конституциявий норма мутлақ характерга эга бўлиб, номулкӣ шахсий ҳуқуқни ташкил қилади. Шу ҳуқуқга мувофиқ шахс ўз хоҳиши билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, ундан чиқиб кетиши ва қайтиб келиши мумкин. Қонунда кўрсатилган чеклаш ҳоллари бундан мустаснодир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чегара ҳудудларига кириш ҳолларидан ташқари, республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши мумкин. Чегара ҳудудларида бўлишни алоҳида ҳуқуқий тартибга солиш ва фақат фуқароларнинг келиб-кетишини алоҳида назорат қилиш тартиблари давлат чегараларини қўриқлашдаги давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, халқаро жиноятчилик ва давлат манфаатларига қарши жиноятлар билан курашга ҳамжиҳатлик қилиш манфаатларидан келиб чиқади.

Чегара ҳудудларида доимий яшамайдиган шахсларга, у ерга кириш ҳақидаги рухсатнома яшаш жойидаги ички ишлар идоралари томонидан ўрнатилган тартибда берилади. Чегара чизиғи ҳудудига кириш ва унда яшашга чегара қўшинлари рухсати билан йўл қўйилади.

Чегара ҳудудларига кириш қоидалари бузилган ҳолларда шахсга энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солиш билан маъмурий жавобгарликка тортилади.

Чегара ҳудудларига кириш қоидаларини бузиш қуйидагича бўлиши мумкин: а) ҳудудга рухсатномасиз кириш; б) муддати тугаган рухсатнома билан кириш; в) рухсатномадаги муддат бошланмасдан олдин кириш; г) қонунга хилоф, қалбаки ёки ўзганинг рухсатномаси билан кириш.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чиқиб кетиш қоидалари Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги қарори билан тасдиқланган. Бу қарорга қўшимчада Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет элга шахсий, жамоат ишлари билан, доимий яшашга, сайёҳ сифатида, ўқишга, ишга, даволанишга ва командировкага чиқиши унинг эркин ҳуқуқи эканлиги таъкидланган. Қўшимчадаги қоида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқишига тааллуқлидир. Чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш талаб қилинмайдиган МДҲ бу тоифага кирмайди.

Чиқиб кетиш ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини ҳамда белгиланган шаклдаги анкета-аризани чет элга чиқувчи тақдим этган тақдирда, яшаш жойидаги ички ишлар идоралари томонидан расмийлаштирилади. Фуқароларнинг анкета-аризаларини кўриб чиқишга умумий 15 кунлик муҳлат ўрнатилган, бундан мустасно тарзида чет элга доимий яшаш учун чиқаётган фуқаролар ва уларнинг ҳужжатларини кўришни 30 кунгача чўзиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элга чиқиш қоидалари, алоҳида тоифадаги фуқароларнинг чет элга чиқишида маълум миқдордаги асосланган чеклашларни ўзида мужассамлаштирган. Ички ишлар идоралари қуйидаги тоифадаги шахсларнинг чет элга чиқиш ҳуқуқини рад этиши мумкин: а) давлат сири бўлган маълумотлардан хабардор бўлган шахсларга — бу ҳолат бекор бўлгунга қадар; б) шартнома, контракт мажбуриятлари амал қилаётган шахсларга нисбатан — бу ҳолатлар тугагунга қадар; в) жиноий иш қўзғатилган шахсларга нисбатан — кўриб чиқиш тугагунга қадар; г) ўта хавфли рецидивист деб танилган шахсларга нисбатан — судланганлиги олиб ташлангунга қадар; д) устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахсларга нисбатан — маъмурий назорат тугагунга қадар; е) суд томонидан юклатилган мажбуриятни бажармасдан юрган шахсларга — мажбуриятни бажариш тугагунга қадар; ж) ўзи ҳақида ёлғон

маълумотлар берган шахсларга; 3) суд томонидан фуқаролик даъвоси эълон қилинган шахслар — иш якунлангунга қадар; и) чақирув бўлинмасига ёзилган ва ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириладиган шахслар — муддатли ҳарбий хизматни ўтагунга қадар ёки ундан қонунига мувофиқ озод этилгунга қадар.

Чиқиш ҳуқуқининг рад этилганлиги ҳақида юқори идораларга шикоят қилиниши мумкин ва улар бу шикоятга бир ой мобайнида жавоб беришга мажбур, агарда унинг қароридан норози бўлса, судга шикоят қилиниши мумкин. Фуқароларнинг анкета-аризаларини кўриб чиқиш муҳлатлари бузилганда ҳам, шу тартибда шикоят билан муурожаат қилиш назарда тутилган.

Жиноий иш қўзғатилган ҳамда чақирув бўлинмасига ёзилган ва ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилган шахсларга нисбатан чиқиш ҳуқуқи рад этилганда шикоят қилинмайди.

29 - модда

Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

Ҳар ким ўзининг ишончига асосланиб, жамият, давлат ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий муаммоларга доир фикри ва қарашларини эркин баён қилиш ҳуқуқига эга. У маълум ҳодиса ва ҳужжатларга ўзининг шахсий баҳосини бериши, ҳокимият ва бошқарув, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш муассасалари ҳамда алоҳида шахслар ва мансабдор шахсларнинг фаолиятидаги мавжуд камчиликларни ва етишмовчиликларни танқид қилиш ҳуқуқига эга.

Фикрлаш, сўз ва ишонч эркинлиги, барча маълумотларни қидириш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи фуқароларга давлат идораларига, жамоат бирлашмаларига, корхона, ташкилот ва муассасаларга таклиф ва ариза ёки шикоят

билан мурожаат қилиш йўли билан жамоат ва давлат ишларини бошқаришда фаол қатнашиш имконини беради. Фуқароларнинг мурожаат қилиш тўғрисидаги ҳуқуқларининг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаати тўғрисида"ги қонунда кўрсатилган.

Сўз эркинлиги қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда, референдумлар ўтказишда, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлашда, Олий Мажлис ва маҳаллий ташкилотларни сайлашда ўзининг мулоҳазаларини баён қилиш ва қатнашиш имконини беради.

Барча маълумотларни олиш ва тарқатиш, агарда улар мавжуд конституцион тузумга қарши йўналтирилган бўлса, шунингдек, улардан инсониятнинг тинчлиги ва хавфсизлигига, демократияга путур етказиш ва жамиятнинг манфаатларига қарши мақсадларда фойдаланмоқчи бўлган тақдирда ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш учун амалга оширилмоқчи бўлган тақдирда тақиқланади. Ўзбекистон Республикасида жинсий-ҳуқуқий тартибда жазога лойиқ бўлган урушни тарғиб қилиш (ЖКнинг 150-моддаси), миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш (ЖКнинг 156-моддаси), амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очиқдан-очиқ даъват қилиш (ЖКнинг 159-моддаси) ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатлар тақиқланган.

Давлат манфаатига дахлдор ёки бошқа сирларни сақлаш ниятида сўз эркинлиги ва уларни баён қилиш ҳуқуқи чегараланган. Бундай чегаралашнинг шарт эканлиги давлат сирларини ошкор қилиш, сиёсий ва иқтисодий мустақилликка, давлатнинг муҳофаа қудратига, давлат ва жамиятнинг бошқа ўта муҳим манфаатларига зарар етказиши мумкинлиги билан асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"ги қонунда давлат сирлари тоифалари аниқланган ва улар ҳақидаги маълумотларни олиш ва тарқатиш чегараланган. Давлат сирларини ташкил қилувчи бундай маълумотлар ҳарбий ва хизмат сирларидан иборат. Давлат сирлари ошкор қилиниши республи-

лика ҳарбий-иқтисодий қувватининг сифатли ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи ёки Ўзбекистон Республикаси мудофаа қудратига, давлат хавфсизлигига зарар етказувчи, унинг иқтисодий ва сиёсий манфаатлари учун оғир оқибатларни олиб келиши мумкин бўлган маълумотлардан иборат. Ҳарбий сирлар эса ошкор қилиниши давлат хавфсизлигининг мудофаа қудратига ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига оғир оқибатлар олиб келиши мумкин бўлган ҳарбий аҳамиятга молик маълумотлардан ташкил топади. Хизмат сирларини фан, техника, ишлаб чиқариш ва бошқариш соҳаларидаги, ошкор қилиш Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зарар келтириши мумкин бўлган маълумотлар ташкил қилади.

Давлат сирларини сақлаш бундай сирларга эга бўлган барча давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ҳамда мансабдор шахслар ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мажбуриятидир. Шундай қилиб, давлатимиз фуқаролари ўзининг маълумотларини қидириш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан фойдаланаётган пайтда жамият ва бошқа шахсларнинг манфаатларига зарар етказмаслиги керак. Агар Ўзбекистон Республикаси фуқароси давлат сири бўлган маълумотларни йиғиб, уни хорижий давлатларга берса, унинг жиноий ҳаракати таркибини давлатга хоинлик ташкил қилади, бу жиноятга жазо тариқасида унинг мол-мулкани мусодара қилиш билан ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси белгиланган. Ўзбекистон Республикасига қарши давлат сирларини ошкор қилиш (ЖКнинг 162-моддаси) ва давлат сири ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш (ЖКнинг 163-моддаси) ҳаракатлари жиноят ҳисобланади.

Бу жиноятлар учун жавобгарликка фақат шу маълумотлар ишониб топширилган ёки хизмат ёхуд касб фаолияти юзасидан улардан хабардор бўлган шахслар тортилади.

30-модда

Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор

бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Шахсни ҳурмат қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш Ўзбекистон Республикаси барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг бурчидир. Республикада ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари тизими мавжуд. Ушбу тизимга прокуратура, суд, милиция органлари киради ва улар фуқаро ҳуқуқларини муҳофаза этади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳар бир фуқарога уларнинг ҳаётига, соғлиғига, шахсий эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига ва мол-мулкига ҳар хил тажовузлардан суд ҳимоясини кафолатлайди.

Барча ишларни судларда кўриб чиқаётганда фуқароларнинг ўзлари тўғрисидаги ҳужжатлар билан танишиш ҳуқуқлари суд мажлисини очиқ тарзда ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ барча судларда ишларни кўриб чиқиш очиқ тарзда ўтказилади. Судларда ишнинг ёпиқ тарзда кўрилишига фақат қонун билан белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд мажлислари фақат очиқ тарзда ўтказилади. Мажлис ўтказиладиган бинога раис рухсати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари қўйилиши мумкин.

Ушбу тамойилнинг Конституциявий суд фаолиятида татбиқ этилиши фуқароларга ҳужжат ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини беради.

Кўриб чиқиладиган ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикаси бошқа қонунчилик актлари ёрдамида ҳам амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКси асосий қонунлардан бири ҳисобланади. Ушбу кодекснинг 19-моддаси жиноят ишларининг очиқ кўриб чиқилишини белгилайди, бу эса суд жараёни қатнашчиларининг барчасига ўз ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган ҳужжатлар билан танишиб чиқиш имкониятини беради.

Бундан ташқари жиноят иши жараёни қатнашчиларининг барчаси, агар қандайдир ҳужжатларни тузишда қатнашган бўлсалар, улар билан танишиш ҳуқуқига эгадирлар.

ЖПК 18-моддасига асосан барча давлат органлари, мансабдор шахслар, агар улар жиноят иши бўйича иш юргизиш учун масъул бўлсалар, жараён қатнашчиларига тегишли ҳужжатлар билан танишиш имкониятини яратиб беришлари лозим.

Фуқароларнинг ҳужжатлар билан танишиб чиқиш ҳуқуқлари бошқа, масалан, фуқаролик, хўжалик, меҳнат қонунчилигида ҳам бор.

Агар фуқаронинг юқоридаги ҳуқуқлари поймол этилаётган бўлса, ҳар бир фуқаро арз қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу аризалар қонун билан белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқилиши шарт.

31-модда

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Мустақил Ўзбекистонимизда юздан ортиқ миллат ва элатлар вакиллари яшайдилар. Шу боисдан Ўзбекистонимиз нафақат кўп миллатли давлат бўлиб қолмай, балки унда ўн бешдан ортиқ диний конфессиялар вакиллари ҳам истиқомат қиладилар. Мустақил давлатимизнинг қомуси — Конституциясига, шунингдек "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида"ги қонунга биноан булар эътиқод масалаларида ҳаммалари қонуний тенг ва баб-баравар ҳуқуққа эгадирлар. Шу сабабли мустақиллигимиз самараларидан республикамизда истиқомат қилувчи диний эътиқодидан қатъи назар, барча дин вакиллари баб-баравар фойдаланмоқдалар.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги инсоннинг ҳам, у яшаётган жамиятнинг ҳам маънавий жиҳатдан бойиб бориши учун кенг йўл очди. Маънавий йўриқлар ўзгарди. Айниқса, виждон эркинлиги масаласи билан боглиқ йўриқномалар ўзгарди. Давлатнинг пухта ўйлаб ўтказаётган оқилона сиёсати жамиятнинг динга муносабатини анча ўзгартириб юборди. Диндорларнинг қонуний ҳуқуқлари тикланиши ва қонунларга қатъий риоя этилиши, диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш халқнинг барча табақаларини жипслаштиришга ёрдам берди. Дин арбоблари ва диндорлар республиканинг иж-

тимой-сиёсий ва маданий ҳаётида, тинчликни сақлаш ва хайрия фаолиятида, умумбашарий қадриятларни қарор топтиришда иштирок этишлари учун ҳамма имкониятлар яратиб берилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда тўртта диний марказ — Мовароуннаҳр Муслмонлари бошқармаси, Ўрта Осиё Рус Православ Черкови бошқармаси, Ўрта Осиё Инжил Насроний-Баптистлари маркази ва Ўрта Осиё Еттинчи кун Адвентистлари Черкови конфессиялари ягона ҳуқуқий мақом асосида иш олиб бормоқда.

Республика ҳукумати билан диний ташкилотлар ўрта-сида, таъбир жоиз бўлса, амалий муносабат ўрнатилган. Давлатнинг Муслмонлар марказий идорасига муносабати бунга мисол бўла олади. Ислом динининг энг муқаддас китоби — Халифа Усмоннинг Қуръони Мовароуннаҳр Муслмонлари идорасига топширилди. Диний адабиётларни чиқаришда ёрдам берилмоқда. Тарихда биринчи марта бундан бир неча йил муқаддам Қуръони Карим ўзбек тилида нашр этилди. "Ислом нури" газетаси ҳозирги пайтда ҳар ҳафтада чиқиб турибди. Диндорлар йилнинг ҳар чорагида "Мовароуннаҳр муслмонлари" журналини оладилар. Президентимиз Фармони билан Рўза ва Қурбон ҳайитларининг биринчи кунлари умумхалқ байрами сифатида дам олиш куни деб эълон қилинди.

Мустақиллигимиз шарофати билан Ҳаж ва Умра (кичик Ҳаж) ибодатларини адо этишда давлат томонидан кўрсатилган ёрдамни алоҳида таъкидлаш лозим. Ўтган 1994 йили уч мингга яқин киши муборак Ҳаж, уч мингдан ортиқ мустақил Ўзбекистоннинг мўмин-муслмонлари Умрага бориб, Маккаи мукаррамани, Мадинаи мунавварани зиёрат қилишдек буюк неъматдан баҳраманд бўлиб қайтдилар. Бу деганимиз бир йил мобайнида олти мингдан ортиқ муслмонларимизга Каъбатуллоҳ ёнида ибодат қилишдек буюк илоҳий неъмат насиб этганини мамнуният билан қайд этиш лозим.

Республикада ижтимоий адолат қоидаларининг қарор топиши, жамиятнинг ва ундаги барча ижтимоий жараёнларнинг демократик тус олиши диндорларга инқилобга қадар уларга қарашли бўлган масжидлар, черковлар, монастирлар, храмлар, синагогалар, ибодатхоналар ва бошқа муқаддас жойларнинг қайтариб берилишига кўмаклашди. Шу туфайли республикада масжидлар қисқа

муддатда кескин кўпайди. Янги масжидлар қурилди, эскилари таъмирланди. Ҳозирги пайтда дастлабки ҳисобларга кўра, Ўзбекистонда беш мингга яқин масжид мавжуд. Шу муносабат билан республикада малакали ходимларни тайёрлашга, Тошкентдаги Ислом илмгоҳида ва Бухородаги Мир Араб мадрасасида талабаларни кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ана шу йирик ўқув юртларидан ташқари республикада диний ходимлар тайёрлаш билан шуғулланадиган ўндан ортиқ мадрасалар ишлаб турибди.

Маълумки, ҳар қандай диний эътиқод соф диний ақидалардан ташқари эзгулик, ишонч, қалоллик, меҳр-шафқат, олижаноблик, меҳнатсеварлик, халқлар ўртасидаги дўстлик, Ватанга муҳаббат каби маънавий ва ахлоқий тушунчаларни ўзига синдириб, асрлар оша бизгача сақланиб келган. Бу маънавий бойликни биз умумбашарий қадриятлар деб биламиз.

Лекин бошқа нарса ҳам маълум. Сўнгги ўн йилликларда бизда жамиятнинг барча табақалари ахлоқий таназзул ва маънавий қашшоқликни бошидан кечирди. Шу сабабли инсон руҳини поклаш муаммоларини, ахлоқий муаммоларни ҳал қилмай туриб, биз дунёвий, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этишдек асосий вазифани ҳал қила олмаймиз, чинакам мустақиллика эриша олмаймиз. Бу ишда диний ташкилотларнинг, дин арбобларининг ҳиссаси катта бўлмоғи керак. Шу боисдан жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий ва маданий ҳаётида дин арбобларининг фаол иштироки мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги кунгача сақланиб қолган динлардан бири — иудаизм-яҳудийлик бўлиб, у энг қадимий динлардан ҳисобланади. Иудаизм динининг асослари эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликда Фаластин ҳудудида яшайдиган яҳудийлар орасида пайдо бўлган. Ҳозирги вақтда Тошкентнинг ўзидагина яҳудийларнинг тўртта синагогаси бор. Шулардан бири Европа яҳудийлариники, учтаси эса Бухоро яҳудийлариникидир. Республикадаги Европа жамоалари (ҳаммаси бўлиб 18 та жамоа, 15 та руҳоний) барча миллий байрамларини кенг ва тантанали нишонламоқда. Масалан, яҳудийлар яқинда Руш гашан (янги йил), Иом Кипур (ҳамма гуноҳлардан кечиш куни), Саккот ва бошқа байрамларни нишонладилар. Тошкентдаги динга ишонувчи яҳудийлар иккита марказ ташкил

этдилар. Бу марказлар маърифий ва хайрия фаолиятини олиб бормоқда — одамларга, жумладан болаларга яхудий тили ва анъаналарини ўргатмоқда, болалар лагерлари ташкил этмоқда, одамийлик ёрдами бермоқда.

Рус Православ Черкови (РПЧ) республикадаги энг йирик диний ташкилотлардан биридир. У ўттиздан ортиқ диний бирлашма (уларда қирққа яқин руҳонийлар бор) дан иборат. Аёлларнинг чоғроғ монастири мавжуд. Ҳар йили уч миллион сўмга яқин иона ва садақа тушмоқда, шундан 100—120 минг сўми хайрия ишларига сарфланмоқда.

Епархия-Черков округи бошқармаси ҳузурида руҳонийларни тайёрлайдиган диний мактаб очилган. Бу мактабни уч гуруҳ битириб чиқди. Ҳозир мактабда 15 киши таълим олмоқда. Православ дини аҳли орасида "Пасха", "Исо Масихнинг туғилган куни", "Троица" ва бошқа кўп байрамлар кенг нишонланмоқда. Православ календари мазмун жиҳатидан жуда хилма-хилдир. Рус Православ Черкови ҳозирги пайтда епархиянинг янги биносини, текин таомлар ошхонасини қуришга тайёргарлик кўрмоқда, ўзи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ташкил этишини режалаштирмоқда.

Православлар учун "Слово жизни" ("Ҳаёт сўзи") газетаси чиқарилмоқда. Бу газетани барча матбуот дўконларидан сотиб олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида насронийларнинг бошқа жамоалари ҳам бор. Биргина Инжил Христиан-Баптистлари Черкови иттифоқида 16 та жамоа бўлиб, уларда 40 га яқин киши диний маросимларни ўтказиш билан шуғулланади. Иттифоқ ўз тузилишини анча ўзгартириб, Москва баптистлари раҳбарларидан мустақил бўлди. Немис миллатига мансуб кўп баптистлар Германияга жўнаб кетгани сабабли Иттифоқ янги қавмга муҳтож бўлиш қолди. Баптистлар жамоасининг раҳбарлари ўз сафларини тўлдириш учун русийзабон аҳоли билан ишлашнинг замонавий усулларидан фойдаланмоқда, таврот билан боғлиқ тадбирларни ташкил этмоқда, савол ва жавоб кечалари ўтказмоқда, диний кутубхонага таклиф этмоқда, диний мазмундаги фильмларни намойиш қилмоқда.

Сентябрь ойида баптистлар "Жатва" ("Ўрим") байрамини нишонладилар. Улар насронийларнинг бошқа байрамларини ҳам кенг нишонламоқдалар. СССР парчала-

ниб кетгандан сўнг баптистлар "Бирлик куни"ни нишонламай қўйдилар.

10 та ташкилот (12 руҳоний)ни бирлаштирган адвентистлар маркази ҳозир янги ном билан иш олиб бормоқда. Эндиликда у Ўрта Осиё Еттинчи куни Адвентистлари Черкови консессияси деб юритилади. Бу ватанпарварлик руҳидаги холис диндорлар жамияти бўлиб, республика Президенти ва ҳукуматининг сиёсатини қўллаб-қувватламоқда.

Адвентистлар Черкови консессияси ислоҳотчи адвентистлар деб аталган мазҳабни ошкора иш олиб боришга ва рўйхатдан ўтишга даъват этаётганлигини таъкидлаш муҳимдир. Адвентистларнинг диний ўқув юрти Тула шаҳрида жойлашган. У ерга Ўзбекистондан ҳар йили 3—5 киши юборилади. Тулада "Яраш сўзи", "Дуолар" нашр этилмоқда. Улар Республикамизда ҳам тарқатилмоқда.

Юқорида зикр этилган диний ташкилотлардан ташқари республикада диндорларнинг нисбатан янги бирлашмалари — Рим католиклари — бутпараствлар, баҳойлар, кришначилар, баптист-пресвитерианлари ва пятидесятник йўналишидаги корейс жамоалари расмий равишда рўйхатга олинган. Корейс жамоалари хайрия фаолияти билан шуғулланмоқда. Матбуотимиздаги кўпгина хабарлар шундан далолат беради. Улар поликлиникалар, болалар боғчалари, қариялар уйлари қурилишига ёрдам бермоқдалар.

VIII боб

СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

32-модда

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи демократик давлатнинг ажралмас хусусиятидир.

Бу модданинг ҳолатлари Конституциянинг II бобида мустақамланган халқ ҳокимиятчилиги принципининг ўз-вий, мантиқан ривожланишидир.

Бу бобнинг 7-моддасида: "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир",— дейилади. Биз таҳлил этаётган 32-моддада эса ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи ҳисобланган халқ томонидан жамият ва давлат ишларини бошқаришнинг йўллари тўғрисида фикр юритилади.

Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиши уларнинг ўз хоҳиш-иродаларини билдириш усулига қараб, икки турга ажратилади: вакиллик демократияси ва бевосита демократия.

Бевосита демократия орқали барча вакиллик органлари шакллантирилади ва вакиллик демократияси вужудга келади. Вакиллик органларига асосан сайлаб қўйиладиган қонунчилик муассасаси, давлат бошлиғи, маҳаллий ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органлари киритилади. .

Ўзбекистон фуқаролари давлат ҳокимиятини ўзлари сайлаб қўйган вакиллари орқали, вакиллик органлари бўлган халқ депутатлари тегишли Кенгашлари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали амалга оширади. Конституцияга кўра, Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқининг яна бир муҳим кафолати вужудга келтирилган мукамал сайлов тизими, ҳурфикрлик, ошкоралик каби тамойиллар ҳамда қонун доирасида амал қилаётган жамоат бирлашмаларига кириш эркинлиги таъминланганлигидир.

Конституцияга кўра Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Ўзбекистон Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. 18 ёшга тўлган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Юқоридаги фикрдан кўриниб турибдики, республика фуқаролари муҳим сиёсий ҳуқуқ — фаол сайлов ҳуқуқига, овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Аввал таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари суств (пассив) сайлов ҳуқуқига, бошқача айтсак, сайланиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. 25 ёшга тўлган Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси Олий давлат вакиллик органи — Олий Мажлисга депутатликка, ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган республика фуқаролари Ўзбекистон Президенти лавозимига сайланиши мумкин.

Шунингдек, фуқаролар вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб ҳисобланувчи — Халқ депутатлари Кенгашларига депутатликка сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Фуқаролар сайлов жараёнида сайлов ўтказувчи органларни шакллантиришда иштирок этиш, номзодлар кўрсатиш, шу жумладан, ўз номзодини ҳам киритиш, номзодларнинг ишончли вакили, ташвиқотчиси бўлиш, рад этиш, сайловларнинг қонунларга асосан ўтишини назорат қилиш мақсадида назоратчи бўлиш сингари ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

Кўриниб турибдики, давлат органларини демократик тарзда ташкил этишда фуқаролар бевосита ёки билвосита, албатта, иштирок этишади.

Таҳлил этаётган моддамиз ҳолатларига кўра фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида ҳамда референдумлар ўтказишда иштирок этиш йўли билан қатнашишади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига кўра шаҳар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб ҳисобланади. Фуқаролар ушбу йиғин раисини (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини икки ярим йил муддатга сайлайдилар ҳамда бу орган фаолиятида фаол иштирок этадилар.

Бевосита демократиянинг яна бир муҳим шакли — давлат ва жамият ҳаётига тегишли муҳим масалаларни халқнинг кенг муҳокамасига ва умумий овозига (референдумга) қўйиш ҳисобланади (Конституциянинг 9-моддаси).

Референдум орқали фуқаролар ўзларининг хоҳиш-иродаларини бевосита билдиришлари орқали унга мажбурий тус берадилар. Халқ муҳокамасига қўйилган масала юзасидан халқнинг овози ҳал қилувчи овоз бўлиб ҳисобланади ва бирон-бир бошқа орган томонидан тасдиқланишига йўл қўйилмайди.

Деярли барчамиз Ўзбекистон Республикаси Халқ Референдумининг қатнашчиси бўлганмиз. 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисида 1991 йил 29 декабрда референдум ўтказилиши ҳақида қарор қабул қилди. Олий Кенгаш фуқароларга "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?" — деган саволни референдумда овоз бериш учун (бюллетенга) киритди. Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Референдуми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги умумхалқ томонидан маъқулланади деб топди.

• Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқариш ҳуқуқларининг бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш шаклларида амалга оширадилар.

33-модда

Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Республика фуқаролари ижтимоий фаолликларини митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгаллигини эътироф этади ва кафолатлайди.

Митинг — инглизча ибора бўлиб, ўзбекчага ўғирганда — бирор муҳим воқеа, сиёсий масалаларга бағишлаб ўтказиладиган оммавий йиғилиш демакдир. Одатда митингда унинг ташкилотчилари ҳамда қатнашчиларининг нутқлари тинглангач, у ёки бу талабни кўзда

тутувчи, ҳокимият органларига тегишли ёхуд барча фуқароларга қаратилган мурожаатнома сифатидаги қарор қабул қилинади.

Йиғилиш — у ёки бу масалани муҳокама қилиш ва тегишли қарорни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадида ёпиқ бино ёхуд хонага сиғишининг имкони бор бўлиб, йиғилган кишилар мажлиси. Принципга кўра йиғилишнинг ташкилотчилари томонидан белгиланган хона кириш имкониятини чеклаш мақсадида ҳам танланиши мумкин. Лекин бу йиғилишнинг асосий хусусияти эмас.

Намойиш — бу ижтимоий-сиёсий кайфиятни очиқ ифодалаш, шу намойишда иштирок этаётган кишиларнинг у ёки бу масала юзасидан ўз қарашларини ифодалаш учун кўча ва йўллар бўйлаб оммавий тарзда юриши, бирон нарсани кенг оммага очиқ кўрсатишдир. Намойиш кўпинча митинг билан бошланиб, митинг билан тугайди.

Давлат фуқароларнинг бу ҳуқуқини амалга ошириш мақсадини кўзда тутиб, уларга биноларни, майдонларни ва кўчаларни бериш, ахборотларини кенг тарқатиш, телевидение ва радиодан фойдаланиш имконияти билан таъминлайди.

Митинглар, йиғилишлар ва намойишлар эркинлигининг маъноси шундан иборатки, уларни ўтказиш учун ҳокимият органларининг олдиндан рухсат беришлиги талаб қилинмайди ва уларнинг жойи ва вақти чегараланмайди. Бундай эркинликлар ҳеч бир мамлакатда амалда йўқ.

Ҳокимият органлари митинг, йиғилиш ва намойишларнинг йўналишларини белгилашади ҳамда уларнинг бошланиш ва тугаш вақтини назорат қилишади.

Бу тадбирлар ҳокимият органларининг ўзбошимчалиги эмас, балки улар ҳуқуқий манбаларда қатъий белгилаб қўйилган. Масалан: АҚШнинг Олий Суди жамоат тартибини сақлаш мақсадида жамоат жойларида намойишларни ўтказиш жойи, вақти ва шаклини белгилаш тартиби тўғрисида қарор қабул қилган. Австралия ва Бельгияда очиқ ҳавода (кўчалар, майдонлар ва истироҳат боғларида) йиғилишлар ўтказиш учун рухсат берувчи тартиб кўзда тутилган. Францияда қонун "Жамоат йўли билан, яъни кўча ва майдонларда йиғилишлар ўтказишни, умуман, тақиқлайди".

ГФР, Дания, Исландия, Испания, Грецияда очиқ ҳавода ўтказиладиган йиғилишлар полиция томонидан

"тартибсизликлар келтириб чиқаради" ёки "хавфсизликка таҳдид солади" деб тақиқлаб қўйилиши мумкин.

Ана шунинг учун фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар халқаро Пактида кўрсатилишича, тинч йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқи давлат ёки жамоат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳолининг соғлиги ва маънавиятини ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун томонидан чегаралаб қўйилиши мумкин (21-модда). Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридан митинг, йиғилиш ва намойишларни ўтказишни тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқи белгиланган ва бундай тартиб жаҳон тажрибасига мос тушади ва у ҳозирги вақтда ўзини батамом оқламоқда.

Йиғилишлар, митинг ёки намойишлар уюштириш ёхуд ўтказиш тартиблари уларнинг ташкилотчиси томонидан бузилса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги маъмурий ва жинойят қонунчилигида тегишли жавобгарлик масалалари кўзда тутилган.

34-модда

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қиммати ни ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

Конституциянинг 34-моддасида қатъий белгилаб қўйилган фуқароларнинг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга, жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда қатнашиш ҳуқуқлари: биринчидан, ўзларининг аниқ мақсадлари ва вазифаларини кўзлаб, фуқароларнинг сиёсий фаолиятларини ривожлантириш ва уларнинг кўп қиррали манфаатларини қондиришга мувофиқ келувчи ташкилот ва бирлашмалар тузишда; иккинчидан, ихтиёрий ва бошқа фуқаролар билан тенг асосларда ҳаракатдаги жамоат бирлашмалари ва оммавий ҳаракатларга кириш ва аъзо бўлишда; учинчидан, жамоат

бирлашмаларининг мақсади ва низомдаги вазифаларини ҳеч қандай тўсиқсиз амалга ошириш, унинг ҳимоясидан ва аъзоликдан келиб чиқувчи ҳуқуқларидан фойдаланишда; тўртинчидан, жамоат бирлашмалари орқали жамият ва давлатни бошқариш ишларида қатнашиш кабиларда ифодаланади.

Конституция жамоат бирлашмаларига ўз низомларида белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришлари имконини кафолатлайди, бу кафолат фуқароларнинг уюшишга бўлган ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари учун далилий ва ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имконият яратиб беради (58-модда).

Давлат фақат қатъий белгилаб қўйилган масалаларни: ташкил этиш тартиби, меҳнат қилиш шароити, бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлари кабиларни тартибга солади.

Жамоат ташкилотлари шаклланишнинг ички таркиби ва фаолияти масалаларида мустақилдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўпгина хорижий давлатларнинг Конституциялари сингари фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқини эътироф этган ҳолда, яна битта асосий шартни илгари суради, у ҳам бўлса жамоат бирлашмалари мақсади ва фаолиятининг Конституция ва амалдаги қонунларга зид келмаслигини таъкидлашдир.

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий, диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади (57-модда).

Италия, Испания ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг Конституцияларида ҳам шу каби ҳолатлар мавжуд.

Энди мухолифатчилик масаласига тўхтаб ўтсак, мухолифатчилик фаолияти — фикрлар, эътиқодларни эркин ифодалашнинг аниқ-равшан шаклидир.

Мухолифатни ҳокимият билан келишиб, муросада яшаши ҳар қандай демократик жамиятда оддий бир ҳолдир. Ватанимизда демократик жараёнларнинг чуқурлашиши, бир мафкура якка ҳокимлигининг тугатилиши натижасида кўп партиялилик, сиёсий фикрлар хилма-хиллигининг юзига келиши муносабати билан бундай ҳолат муқаррар бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳокимият билан мухолифатнинг ўзаро муносабатлари заминида вужудга келиши мумкин бўлган ҳамма масалалар аниқ тартибга солиб қўйилган.

Ҳокимият ҳам, мухолифат ҳам Асосий Қонуннинг 7-моддасида қатъий белгилаб қўйилган "Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда у асосда қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади", — деган қоидага риоя қилишлари шарт.

Кўриниб турибдики, Конституциямиз давлат тузилмалари ва мухолифат бемалол фаолият кўрсатиши учун пишиқ, пухта ҳуқуқий асосларни яратиб берган.

■ Ҳокимият билан мухолифат бир-бирларининг фикр-мулоҳазаларига, таклифларига сабр-бардош билан қараши, ўзаро бир-бирларини тинглаши, келишув йўлини қидириши, қандай қилиб бўлса ҳам, бир тарафга — тинчлик, осойишталик ва равнақ тарафига қараб боришлари керак.

35-модда

Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқирилиши шарт.

Ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш фуқароларнинг жамоат ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокининг амалий шаклидан биридир.

Фуқаролар ушбу ҳуқуқининг моҳиятини очишда қуйидагиларни назарда тутиш керак: биринчидан, ариза, таклиф ва шикоятлар барча ваколатли давлат органларига берилиши мумкин. Уларнинг раҳбарлари ушбу таклиф ва аризаларни қабул қилишдан бош торта олмайдилар; иккинчидан, ариза, таклиф ва шикоятларда нафақат ташкилот ва муассасаларнинг фаолиятини яхшиловчи таклифлар, балки уларнинг ишларидаги камчиликларни кўрсатувчи, шунингдек, кенг доирадаги ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-маданий ва давлат ҳаётидаги масалалар бўйича таклифлар ҳам бўлиши мумкин; учинчидан, ушбу ҳуқуқ фуқароларнинг давлат ва жамоатчиликка оид манфаатлар учун курашишларининг самарали воситаси ҳисобланади; тўртинчидан, фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари ёзма шаклда юборилиши, шунингдек, халқ вакиллари ва мансабдор шахсларнинг қабули вақтида оғзаки тушунтирилиши мумкин.

Бундан ташқари, матбуот, радио, телевидение орқали ҳам мурожаат этилиши мумкин. Газета, журнал, радио ва телевидение редакцияларидан юборилган барча мурожаатлар ҳам бирдек кўриб чиқилиши шарт бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, фуқаролар ариза ва шикоятларида танқид қилинган давлат, жамоат бирлашмалари идораларига ҳамда мансабдор шахсларга шу ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун юбориш мантиқан тўғри бўлмайди.

Кўриб чиқиладиган ҳуқуқ биринчи навбатда ваколатли давлат органлари хизматчилари бошқарув маданиятининг даражаси, уларнинг онглилиги ва топширилган ишга нисбатан масъулияти билан кафолатланади.

Мансабдор шахслар ва халқ вакиллари ариза, таклиф ва шикоятларни кўриб чиқишда уларнинг моҳиятига диққат билан эътибор беришлари, зарур ҳолларда керакли ҳужжатларни талаб қилишлари, ходимларни жойларга текшириш учун юборишлари ва ушбу масалани холис ҳал қилиш учун бошқа чораларни қўллашлари лозимдир; шикоятларни ўз вақтида кўриб чиқишлари, уларга асосли жавоб беришлари ва маълум бўлган камчиликларни бартараф қилиш учун зарур чораларни қўллашлари керак.

Конституциянинг 35-моддасида кўрсатилган фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари амалдаги қонунчиликда тўла очиб берилади. Шу билан бир вақтда, фуқаролар ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилганларида қасддан далил-

ларни бузиб кўрсатишга йўл қўйишлари, ҳақиқатга мувофиқ келмайдиган ёлғон маълумотларни тарқатишлари, танқид қабилида туҳмат қилишлари мумкин эмас.

Фуқаро томонидан туҳмат қилиш мақсадида ариза ёки шикоят берилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра жавобгарликни келтириб чиқаради.

Фуқаролар томонидан йўлланган аризалар, таклифлар ва шикоятларнинг ўз вақтида тўғри кўриб ҳал қилинишини барча давлат органлари назорат қиладилар. Жумладан, Олий Мажлисда, Президент девонида, Вазирлар Маҳкамасида, кўпгина вазирликларда, суд органларининг барча бўғинларида ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси қошида фуқароларнинг хатлари, таклиф ва шикоятлари билан шуғулланувчи алоҳида маҳкамалар ва маъмурий бўлимлар мавжуддир. Масалан: Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи барча прокурорлар фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари билан боғлиқ масалаларга доир қонунларнинг оғишмай тўғри татбиқ қилиниши устидан текширув-назорат ишларини олиб бориши мумкин. Ариза, таклиф ва шикоятларда маълум қилинган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини кўриб чиқишлари ва бузилган ҳуқуқларнинг қайта тикланиш чораларини таъминлашлари лозимдир. *

Ўз навбатида ариза, таклиф ва шикоятларнинг кўриб чиқилишини ғайриқонуний рад этиш, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилиш ёхуд фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни ошкор этиш, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар етказадиган ҳолда бузиш учун Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик ва жиноят қонунчилигида тегишли жавобгарлик белгиланган.

* Шунингдек, фуқарони давлат органига, корхона, муассаса, ташкилот ёки жамоат бирлашмасига мурожаат қилганлиги ёки мурожаатда баён этилган танқид, бошқача шаклда танқид қилинганлиги учун мансабдор шахс томонидан таъқиб қилиш учун ҳам қонунчилик ҳужжатларида тегишли жавобгарлик кўзда тутилган. ,

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР

36 - модда

Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

Ижтимоий жиҳатдан одамларни ҳимоя қилишга йўналтирилган бозор иқтисодига ўтиш хўжалик тизимида қарор топадиган бутун муносабатлар мажмуининг туб ўзгаришлари билан боғлиқдир. Давлатнинг мулкчиликни монополия қилиб олиши муқаррар равишда мулкнинг жонли, аниқ одамлардан бегоналашишига, унинг "ҳеч кимники" бўлмай қолишига олиб келди. Илгари амал қилиб келган Конституцияда фуқароларнинг мулкка бўлган ҳуқуқи умуман мустаҳкамланмаганлиги ҳам тасо-дифий бўлмаган. Унда фуқароларнинг шахсий мулки манбаи меҳнат даромадлари эканлигигина кўзда тутилган ва фуқаролар мулки бўлиши мумкин бўлган объектлар санаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда қабул қилинган Конституциясининг 36-моддасида биринчи марта фуқароларнинг мулкка бўлган ҳуқуқи конституцион даражага кўтарилди. Бу ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасининг "Мулкчилик тўғрисида", "Корхоналар тўғрисида", "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида", "Ишбилармонлик тўғрисида"ги ва бошқа Қонунларида аниқлаштирилди.

Илгари фуқаролар мулки объекти фақат шахсий мулки (уй-рўзғор, шахсий истеъмол моллари, ёрдамчи хўжалик асбоб-ускуналари, турар жой, меҳнат жамғармаси ва бошқалар) бўлиши мумкин эди.

Ишбилармонлик орқасида топилган даромадлар меҳнатсиз даромад ҳисобланиб, фуқаролар қўлидан тортиб олинар ва шахсий ишбилармонлик фаолияти эса жиноят деб топилар эди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг "Мулкчилик тўғрисида"ги Қонуни билан фуқароларнинг наинки шахсий мулкка, балки хусусий мулкка бўлган ҳуқуқи ҳам мустаҳкамланган. Фуқароларнинг мулки ижтимоий ишлаб

чиқаришда қатнашишдан, ўз хўжалигини юритишдан олинган даромадлар, кредит ташкилотлари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга сарфланган маблағлардан келадиган даромадлар, меросхўрлик йўли билан ва қонунда йўл қўйиладиган бошқа асосларда мулкка эгалик қилишдан келадиган даромадлардан вужудга келади. Хусусий мулкчилик мулк эгасининг ҳам ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашишига, ҳам бошқа фуқароларнинг меҳнатга ёллашга асосланиши мумкин. Фуқаролар ёки уларнинг бирлашмалари жамоа (ширкат) мулки субъекти бўлиши мумкин. Мулк эгаси ўзига тегишли мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини ўз хоҳишига биноан амалга оширади, мулкидан хоҳлаган хўжалик фаолиятини ёки қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга оширишда фойдаланиши мумкин.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси қонунларида фуқаролар мулки бўлиши мумкин бўлмаган объектлар ҳам белгилаб қўйилган. Чунончи, "Мулкчилик тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасида фақат давлат мулки бўлиши лозим бўлган объектлар санаб ўтилган (ер ва унинг бағри, ички сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, республика ҳудудидаги ҳаво ҳавзаси, ҳокимият ва бошқарув органларининг мулки, республика бюджети маблағлари ва бошқалар).

Ўзбекистон Республикасининг "Банк ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддасига мувофиқ мамлакат банклари ўз мижозлари ва гумашталарининг молиявий олди-бердиси, ҳисобдаги пули ва омонат жамғармалари бўйича маълумотлар сир сақланишини кафолатлайди. Фуқароларнинг ҳисобдаги ва омонатга қўйилган пуллари бўйича маълумотномалар мижозлар ва уларнинг вакилларидан ташқари, шунингдек ўрганиб суриштирилаётган иш тақозо этган ҳолларда суд ва тергов органларига ҳам берилади. Амалдаги қонунларга мувофиқ мижозлар ҳисобдаги ва омонат банкидаги ўз пул маблағлари ва бошқа бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқидан вақтинча маҳрум этилган, жаримага ҳукм қилинган ёки мулк мусодара қилинган ҳолларда суд ва тергов органларига шундай маълумотномалар берилади.

Фуқаролар мулки бўлган мол-мулк васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам меросхўрга қолдирилиши, берилиши мумкин.

Ҳисобдаги ва омонат банкидаги маблағ эгаси вафот этган тақдирда шу шахс банкка қилган васият кўрсатмасида тилга олинган шахсга вафот этган одамнинг омонат жамғармаси бўйича меросхўрлик масаласи кўриб чиқиладиган ҳолатда давлат нотариал идорасига, шунингдек хорижий консуллик муассасаларига ўша маблағ тўғрисида маълумотнома берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролар, ташкилотлар ва бошқа мулк эгаларига мулкка эгалик қилиш ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тенг шароитларни таъминлайди. Қонунда кўзда тутилмаган ҳоллар (мулк эгасининг мажбуриятига кўра жаримага ҳукм қилиш, мажбурий равишда давлат ихтиёрига олиш, мусодара қилиш ва бошқалар)дан ташқари мулкдордан мол-мулки тортиб олинишига йўл қўйилмайди.

37-модда

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

Умум Инсон ҳуқуқлари декларациясида, Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро битимда кўзда тутилган ҳар кимнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясида ўз ифодасини топган.

Ишга жойлашиш даврида, ишлаш жараёнида ва меҳнат муносабатлари тўхтатиладиганда меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланади.

Ҳар бир одам қандай фаолият билан шуғулланиши, қандай касб ва мутахассисликни эгаллаши, қандай ишни танлаши масалаларини ўз манфаатлари ва эҳтиёжларига кўра ўзи ҳал этади. Тўғри келадиган ишни танлаш ва ишга жойлашишда фуқароларга ҳақ олмай кўмаклашиш таъминланади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодексига мувофиқ ишга қабул қилишни асоссиз рад этиш тақиқланади; жинси, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, динга муноса-

баги, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимнинг ишчанлик сифати билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолларга қараб ҳеч қанақанги бевосита ёки билвосита афзалликлар белгилашга йўл қўйилмайди.

Адолатли меҳнат шартларига бўлган ҳуқуқ фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг таркибий қисмидир. Меҳнат шартлари бевосита қонун билан, маҳаллий тартибда (корхонанинг ўзида) ва маъмурият билан ходим ўртасидаги келишувга кўра белгиланиши мумкин.

Бозор муносабатларига ўтиш, бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларида воз кечиш меҳнат муносабатларини маҳаллий шароитда ва шахсий шартнома бўйича тартибга солиш доираси анча кенгайди. Аммо фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг асосий кафолатлари (меҳнатга давлат томонидан белгиланган энг кам миқдордан паст ҳақ тўламаслик, иш вақтининг энг кўп муддати, меҳнат таътилининг энг кам муддати, меҳнат қилишнинг хавфсиз шароитларини таъминлаш) бевосита қонунлар билан мустаҳкамлангандир. Бу кафолатлар қаерда ишлаши ва қандай ишни бажаришларидан қатъи назар, барча ходимлар учун таъминланади. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодексининг 6-моддасига мувофиқ меҳнат тўғрисидаги шартноманинг қонунда кўзда тутилганига нисбатан ходимнинг аҳволини ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий деб ҳисобланмайди. Шундай қилиб, корхоналарда қабул қилинадиган ҳужжатлар, ходим билан корхона ўртасидаги шартнома (контрактлар)га меҳнат шароитларини яхшилаш кафолатлари берилиши мумкин. Бу жиҳатларнинг қонунларда кўзда тутилган даражадаги нисбати пасайиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди.

Ходимларни ишдан бўшатиш фақат қонунда кўзда тутилган тартибдагина амалга оширилиши мумкинлиги фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг энг муҳим кафолатидир. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ маъмурият ташаббуси бўйича ходимни ишдан бўшатиш фақат касаба уюшмаси комитети розилиги билан йўл қўйилади. Ҳозирда Ўзбекистонда амал қилаётган қонунчиликни 1992 йилги Конституцияга ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ амалга оширишга қаратилган катта ва сермеҳнат иш олиб

борилаётир. Ўзбекистон Конституциявий назорат комитети 1993 йил июлида Ўзбекистон Республикаси меҳнат тўғрисидаги кодексининг 11-бандидаги 41-модда Конституция ва халқаро ҳуқуқ талабларига мувофиқ эмаслигини қайд этди. Ҳақ моддада ходим пенсия ёшига етганлигини асос қилиб олиб, уни ишдан бўшатиш мумкинлиги кўзда тутилган эди. Ҳозирги вақтда бу норма Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодексига назарда тутилмаган.

Ҳар бир фуқарога меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, жумладан суд орқали ҳимоя қилиш имкони берилади. Суднинг қонуний кучга кирган — ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги қарори маъмурият учун мажбурий бўлиб, у дарҳол ижро этилиши шарт. Бунда ходимнинг бузилган ҳуқуқи тикланибгина қолмай, мажбуран ишга чиқмаган кунлари учун ҳақ ҳам тўланади.

Меҳнат тўғрисидаги қонунларни бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар интизомий, моддий, маъмурий жавобгарликка, муайян ҳолларда эса, жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясида фуқароларнинг ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи илк бор қонун билан мустаҳкамланди. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 13 январда қабул қилган Қонун маъқул келадиган ишни танлаш ва ишга жойлашишда ҳақ олмай кўмаклашишни, ҳақ олмай янги касб (мутахассислик)га ўргатишни, иш билан таъмин этиш тизимида ёки шу тизим йўлланмаси билан стипендия тўлаб, бошқа ўқув юртларига ўқишга юборишни, фуқароларнинг ёши ва хусусиятларини ҳисобга олиб, ташкил этиладиган ҳақ тўланувчи ижтимоий ишларда қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномаларини тузиш имкониятини; ишсизлик бўйича нафақа тўлашни, ишдан маҳрум бўлганларга бериладиган бошқа кафолатларни кўзда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси 1978 йилги Конституциядан фарқли ўлароқ, ҳар кимнинг меҳнат қилишга бурчли эканлигини кўзда тутмайди. Мазкур бурчнинг Асосий қонунда мустаҳкамлаб қўйилиши фуқароларни албатта меҳнат қилишга мажбур этишни тақиқловчи фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро битимга зид бўлур эди. Бу тақиқлаш янги Конституция 37-моддасининг иккинчи қисмида ўз ифодасини топган.

Ҳали яқиндагина ишга жойлашишдан бош тортган фуқарони маъмурий ва ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эди. Ҳаммаси аксинча эди; фуқаро ишга жойлашишда кўмак сўраб давлатга мурожаат қилмасдан, ўзининг меҳнатга бўлган қобилиятини ўзи мустақил тасарруф этишни хоҳлагани учун давлат уни жавобгарликка тортарди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг "Мулкчилик тўғрисида"ги ва "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонунларида ҳар бир одам ўзининг меҳнатга бўлган қобилиятини тасарруф этишда ниҳоятда муҳим ҳуқуққа эга эканлиги кўзда тутилган. Ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслик фуқарони маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

1993 йил 2 сентябрда "Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим қадам бўлди. Бу Қонун ўша Қонунлар Кодексининг 158-моддасида илгари кўзда тутилган ходимга интизомий жазо бериш тартибида уни малакасииз ишга ўтказишни бекор қилди. Бу тузатишнинг киритилиши меҳнат тўғрисидаги қонунларни 1992 йилги Конституцияга, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга, жумладан, Халқаро меҳнат ташкилотининг 1957 йил 25 июнидаги "Мажбурий меҳнатни бекор қилиш тўғрисида"ги конвенцияга мувофиқлаштириш тақозоси билан изоҳланади. Шу конвенцияда меҳнат интизомини сақлаш воситаси сифатида мажбурий меҳнатни қўллашга йўл қўйиш мумкин эмаслиги кўзда тутилган.

38 - модда

Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.

1992 йилги Конституциянинг ана шу моддасида мустақамланган дам олиш ҳуқуқидан меҳнат шартномаси (контракт) асосида, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, бирон-бир корхонада ишлаётган ходим, шунингдек айрим кишига ёлланиб ишлаётган шахслар фойдаланадилар. Шунини таъкидлаш зарурки, юқорида тилга олинган ходимлар меҳнат тўғрисидаги

қонунларга биноан нафақат ҳақ тўланадиган, балки ҳақ тўланмайдиган дам олиш (тушлик ва сменалар орасидаги танаффус, дам олиш ва байрам кунлари ва бошқалар) ҳуқуқидан ҳам фойдаланадилар.

Иш вақтининг энг кўп муддати ва таътилнинг энг кам муддати Қонунда мустаҳкамлаб қўйилганлиги фуқаролар дам олиш ҳуқуқининг энг муҳим кафолатидир. Қонун билан белгиланган нормаларга риоя этиш корхоналар, муассасалар, ташкилотлар учун мажбурийдир.

Иш вақтининг энг кўп муддати ва дам олишнинг энг кам муддати ҳамма вақт Халқаро меҳнат ташкилотининг диққат марказида бўлган. Шу ташкилотнинг 1935 йил 22 июндаги конвенциясида иш ҳафтасининг 40 соатлик муҳлати, қонун-қоидаси мустаҳкамлаб қўйилган. "Ҳақ тўланадиган таътиллار тўғрисида"ги 132-сонли конвенцияга мувофиқ бир йил ишлагандан кейин бериладиган таътил ҳеч бир ҳолда уч иш ҳафтасидан кам бўлмаслиги керак.

Собиқ Совет Иттифоқи Халқаро меҳнат ташкилоти аъзоси бўлишига қарамай, конвенция талабларига риоя қилмас эди.

Меҳнат тўғрисидаги қонунларда ҳафталик иш вақти 41 соатдан ошмаслиги, таътилнинг энг кам давом этиши 15 кунни ташкил этиши кўзда тутилганди. Гарчи Иттифоқдош республикаларнинг 70-йиллар бошларида қабул қилинган меҳнат тўғрисида қонунлар кодексларида иқтисодий ва бошқа зарур шарт-шароитлар яратила боргани сари анча қисқарган иш ҳафтасига ўтиш амалга оширилиши, таътилнинг изчил равишда кўпайтирилиши эълон қилинган бўлса ҳам, 20 йилдан зиёд вақт мобайнида энг кам таътилни кўпайтириш ва иш вақтининг энг кўп муддатини камайтириш бўйича ҳеч қандай ижобий қадам қўйилмади.

1992 йилда Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзосига айланди. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун кодексига ҳафталик иш вақтининг муддати 40 соатдан ошмаслиги, таътилнинг энг кам муддати 15 иш кунидан кам бўлмаслиги кўзда тутилган. Шундай қилиб Республика қонунлари халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштирилди.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар иш вақти ва дам олиш вақти борасида ҳам имтиёзлар жорий қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодекси ходимларнинг айрим тоифалари учун

қисқартирилган иш кунини кўзда тутати. Ҳозирги вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, зарарли меҳнат шароитларида ишлайдиганлар, мактаб ўқитувчилари, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари, врачлар, ўрта малакали медицина ходимлари ва баъзи бир бошқа ходимлар қисқартирилган иш кунини ҳуқуқидан фойдаланмоқдалар.

Иш жойи ва ўртача маоши сақлангани ҳолда ҳар йили таътилга чиқиш ҳуқуқидан бажараётган ишининг жойи ва хусусияти, меҳнат шартномаси (контракт) нинг муддатидан қатъи назар, барча ходимлар фойдаланадилар. Таътил вақтида меҳнаткаш ўзининг розилигисиз бошқа ишга ўтказилиши ёки маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатилиши мумкин эмас. Йилнинг календарь бўйича таътил кунларига тўғри келадиган барча иш кунлари учун ўртача маош тўланади.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёши 18 дан кам бўлган шахсларга, илмий-тадқиқот, ўқув ва маданий-маърифий муассасалар, театрлар, ходимлар ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотлар ходимларига узайтирилган таътил берилишини кўзда тутати. Чунончи, вояга етмаганларнинг таутили I календарь ойни ташкил этади. Мактабларнинг ўқитувчилари, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг муаллимлари 48 кунлик таътилдан фойдаланадилар.

Шароити зарарли бўлган ишда банд бўлган шахслар, халқ хўжалиги айрим тармоқларининг бир корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимлари, 12 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлган аёллар ва бошқа тоифадаги ходимлар турли муддат давом этадиган қўшимча таътилдан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шундай қилиб, ишлаб турганларнинг анчагина қисми қонунларга мувофиқ, 24 иш кунидан анча ортиқ бўлган узайтирилган таътилдан фойдаланадилар. Аммо, қолган барча ходимларга фақат энг кам кунлик таътил берилиши мумкин, деган маънони билдирмайди. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодексига мувофиқ корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўз маблағлари ҳисобидан қонунларда кўзда тутилганига қўшимча тариқасида меҳнат ва ижтимоий имтиёзлар, шу жумладан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил беришлари мумкин.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳар бир ходим таътилнинг асли ўзидан фойдаланишини кўзда тутди. Таътилни товон пули билан алмаштиришга йўл қўйилмайди. Таътилидан фойдаланмай ишдан бўшаган ишчи ёки ходим бундан мустаснодир.

39 - модда

Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

Давлатнинг инсонпарварлиги ва ривожланганлигига биринчи навбатда у ўтказаяётган ижтимоий сиёсатга қараб баҳо бериш мумкин.

И. Каримовнинг "Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли" китобида: "Аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялаш... энг устувор вазифа, амалий ҳаракатларнинг энг асосий қонидаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади"¹, деб таъкидланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси биринчи марта фуқароларнинг ижтимоий (илгари бўлганидек фақат моддий эмас) таъминот олиш ҳуқуқини мустақкамлади. Бундан ташқари, Конституцияда илк бор пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

1992 йилги Конституция қабул қилиниши муносабати билан кучли ижтимоий сиёсат қондаларига йўналтирилган янги қонунларни яратиш заруратини ўртага қўйди.

Собиқ Иттифоқнинг 1990 йил 15 майда чиқарилган "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунга асосланиб, республикада қарор топган пенсия тизимини ўзгарган ижтимоий-иқтисодий вазиятга мувофиқ ҳолатга келтириш талаб қилинади.

1

И. А. Каримов. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. Тошкент, "Ўзбекистон", 1993, 74-бет.

Собиқ ССР Иттифоқининг пенсия таъминотини тубдан ислоҳ қилиш қонуни аслида бозор иқтисодиёти муносабатларига ўта бошланганини ҳисобга олмай тайёрланган эди. Унда, баъзан бир-бирини инкор қиладиган, фуқароларнинг пенсия олиш ҳуқуқини камситадиган нормалар бор эди.

1993 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш бўйича конституцион ҳуқуқи кафолатини анча мустаҳкамлади.

Илгари амалда бўлган пенсия тўғрисидаги қонунлар бир қатор камситувчи нормаларга эга эди. Масалан, ишлаётган пенсионерлар қарилик пенсияси умумий қоидага мувофиқ улар билан муддатли меҳнат шартномаси тузилгандан кейингина тўланарди. Узоқ йиллар ишлаганлик учун пенсия олиш ҳуқуқидан фойдаланаётган ва ишни давом эттиришни хоҳлаган пенсионерлар бошқа касб бўйича ишга жойлашишга мажбур эдилар. Ваҳоланки, ёши бир жойга бориб қолган кишига касбини узгартириш оддий бир нарса эмаслиги ҳаммага аёндыр. Ҳозир амал қиладиган пенсия тўғрисидаги қонунга мувофиқ барча ишлаётган пенсионерларга олаётган иш ҳақи ва бошқа даромадларига қарамай, пенсия тўла миқдорда тўланади.

Фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган конституциявий ҳуқуқларини асоссиз чегаралашни бартараф этиш билан барча пенсия тўғрисидаги янги қонун илгари қарор топган ижобий, оқилона жиҳатларини сақлаб қолди. Чунончи, умумий пенсия ёши (эркаклар учун 60, аёллар учун 55 ёш) ўзгармай қолди. Бу Халқаро Меҳнат ташкилотининг "Ногиронлик, қарилик ва боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар тўғрисида"ги (1967 йил) конвенциясида кўзда тутилганидан пенсия ёшидан 5 ва 10 йил камдир. Бунинг устига иш шароити зарарли ва оғир бўлган ходимлар, театр, цирк ва бошқа томоша муассасаларининг артистлари, авиация, темир йўл, автомобиль транспорти, маориф, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот ходимлари, уруш ногиронлари, кўп болали оналар, ёшлигидан ногиронларнинг оналари ва бошқа баъзи бир фуқаролар қарилик пенсиясини бундан ҳам барвақтроқ ола бошлашга ҳақлидирлар.

Ижтимоий таъминот ислоҳоти "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қили-

ниши билан поёнига етгани йўқ. Нафақалар тўғрисидаги қонунларни янгилаш навбатдаги қадам бўлади. Нафақаларни белгилаш ва тўлашдаги қарор топган текисчиликдан воз кечиш даркор. "Ижтимоий ҳимоялаш аниқ мақсадни кўзлаган ва ўз эгасига йўналтирилган бўлиши керак¹". Болаларга нафақа бериш тўғрисидаги янги қонун айти шундай ёндашувга асосланиши керак. Ҳақиқатан муҳтож бўлган одамга ёрдам кўрсатиш зарур. Ана шунга қараб, бундай ёрдамнинг миқдори табақалаштирилган бўлиши лозим.

Қариганда меҳнат қобилиятини, боқувчисини йўқотганда ва бошқа ҳолларда қонунда кўзда тутилган моддий таъминотдан ташқари ижтимоий таъминот ҳуқуқи фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатилишини ҳам ўз ичига олади. Пенсиялар ва ногиронларнинг турли ижтимоий хизматга бўлган ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасини "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида", "Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида"ги Қонунларида ва бошқа норматив ҳужжатларда мустақамланган. Масалан, "Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида"ги Қонунда, жумладан, ногиронларни текин ёки имтиёзли шартларда техникавий воситалар (автомобиль, арғамчи кресло, протез-ортопедия моллари, махсус ҳарфли нашр маҳсулотлари ҳам шунга кирази) билан таъминлаш, тиббиёт, ижтимоий касб билан шуғулланиш учун саломатликни тиклаш, маиший ва транспорт хизмати кўрсатиш кўзда тутилган.

40 - модда

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Мазкур конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш, биринчидан, республикада малакали тиббиёт ходимлари, замонавий тиббиёт ускуналари, самарали дори-дармонлар ва иккинчидан, ҳар бир фуқаро тиббиёт хизматидан баҳраманд бўла олишига муайян даражада боғлиқдир.

Илгари соғлиқни сақлашни ривожлантиришга эътибор берилмас эди, деб бўлмайти. Аммо маъмурий-буйруқбоз-

1

И. А. Каримов. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, "Ўзбекистон", 1993, 83-бет.

лик услуги мавжуд шароитларда республиканинг демо-
график, ижтимоий, табиий ва бошқа хусусиятларини
ҳисобга олмай, ҳамма масалаларни марказдан туриб ҳал
этиш, хўжа кўрсин қабалида ишлаш тиббиёт хизматига
анчагина зарар etkази.

Ўзбекистон кўп йиллар мобайнида аҳоли жон бошига
тўғри келадиган шифокорлар миқдори жиҳатидан дунёда
олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келган эди. Чунончи,
1980 йилда Ўзбекистонда ҳар 10 минг кишига 28,6
шифокор тўғри келган, айна вақтда бу кўрсаткич Буюк
Британияда — 16,4, Японияда — 16,2, Францияда — 15,3
бўлган. Аммо шифокорларни тайёрлаш сифатига эътибор
бермай, уларнинг сонини оширавериш шунга олиб кел-
дики, беморлар сони бўйича ҳам республика дунёда
биринчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичида касалликларга
қарши кураш ва касалликларнинг олдини олиш миллий
дастури ишлаб чиқилган ҳамда бу дастур давлат мақоми
даражасига кўтарилган биринчи давлат бўлди. Ана шу
дастурда кўзда тутилган соғлиқни сақлаш соҳаси учун
мутахассислар тайёрлашни тубдан ўзгартириш вазифаси
ҳозир амалга оширилмоқда.

Илгари кенг тарқалган шифохоналардаги ўринлар со-
нини муттасил асосиз равишда кўпайтириш тадбири ҳам
самарасиз бўлиб чиқди. Ривожланган мамлакатларда тиб-
биёт ёрдамига муҳтож бўлган одамларнинг 80 фоизи
бундай ёрдамни амбулаторияда ва даволашнинг кундузги
шаклларида оладилар, фақат 20 фоизгина одам стацио-
нарларда даволанади. Ўзбекистонда эса бунинг акси, 20
фоиз одам поликлиника ва даволашнинг кундузги шакл-
ларидан фойдаланади, 80 фоиз одам эса стационарларда
даволанади. Бундай ҳолат стационарларда дори-дармонлар
воситалари, тиббиёт техникаси билан таъминлаш даража-
си анча юқори, малакали мутахассислар мавжудлиги
билан изоҳланади.

Касалликларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш
миллий дастур поликлиникаларда ва кундузги стационар-
ларда беморларга малакали хизмат кўрсатишни таъмин-
лашга қаратилган тадбирлар мажмуини амалга оширишни
кўзда тутди.

Ўзбекистонда соғлом авлоднинг туғилиши ва тарбия-
сига жиддий эътибор берилмоқда. Жаҳон амалиётида
биринчи марта "Соғлом авлод учун" ордени таъсис

этилди, шу номда халқаро жамғарма ташкил этилди. Кейинги йилларда республикада туғруқхона, болалар тиббиёт муассасалари сон жиҳатдан кўпайтирилиши билан бирга, улар кўрсатадиган хизмат сифати ҳам яхшиланди. Шунинг натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридагига қараганда оналар ўлими қарийб учдан бирга камайди.

Республикада тиббиёт хизматини такомиллаштиришга қаратилган тadbирлар тизимида касалликларнинг олдини олиш муҳим ўринда туради.

Амалдаги қонунлар аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахсларни оғир меҳнатда ва меҳнат шароити хавфли бўлган жойларда ишлатишни тақиқлайди. 18 ёшдан кичик бўлган барча шахслар фақат олдин тиббиёт кўригидан ўтганларидан сўнг ишга қабул қилинадилар, кейинчалик эса 18 ёшга тўлгунча ҳар йили албатта тиббиёт кўригидан ўтказиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофазалаш тўғрисида"ги Қонун фуқароларни соғлиғига тўғри келмайдиган ишга қабул қилишни тақиқлашни кўзда тутди. Корхоналар меҳнат шартномаси (контракт) тузар эканлар, касб касаллиги орттириш даражаси юқори бўлган ишларда банд бўлган ходимларни шартнома амал қилиб турган давр ичида вақти-вақти билан тиббиёт кўригидан ўтказиб туришлари зарур.

Агар ходим соғлиғининг ёмонлашуви меҳнат шароитлари билан боғлиқ деб ўйласа, унинг ўзи навбатдан ташқари тиббиёт кўригидан ўтказишни талаб қилишга ҳақлидир.

Тиббиёт кўригидан ўтилаётган вақтда ходимнинг иш жойи (мансаби) ва ўртача маоши сақланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда чиқарилган "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонунда касалликларнинг олдини олиш тadbирларининг устуворлиги ўз ифодасини топган. Бу қонунда ҳар бир фуқаронинг қулай атроф-муҳитда яшаш, касалланиш, эпидемия ва радиация вазияти, атроф-муҳитнинг ҳолати ва уларнинг одамлар соғлиғига таъсири хусусида тўғри ахборотлар олиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Шунингдек, мазкур қонунда фуқароларнинг атроф омиллари, ёмон сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари ва саноатнинг бошқа моллари соғлиққа етказган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи ҳам мустаҳкамланган.

Дори-дармонлар олишда Ўзбекистон ўнлаб йиллар давомида собиқ Иттифоқ таъминотига қарам бўлиб келган эди. Сўнгги йилларда республикага ташқаридан келтириладиган дори-дармонлар 90 фоизни ташкил этарди. Республикага дори-дармонлар учун хом ашё етказиб берувчи база деб қараларди. Ҳозирги вақтда дотация ҳисобига дори-дармонлар нархи ошиб кетишини тўхтатиб туришга қаратилган чоралар кўрилмоқда. Самарқанд, Бухоро, Термизда замонавий фармацевтика заводлари қурила бошланди. Аҳолининг ижтимоий кам таъминланган табақаларини дори-дармонлар билан текин ёки имтиёзли тартибда таъминлаш йўлга қўйилган.

Касалликларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш миллий дастури суғуртали тиббий хизматга ўтиш, рақобатлашишга қодир бўлган хусусий клиникалар ва дорихоналар ташкил этиш орқали тиббиёт хизматини янада такомиллаштириш мақсадини ҳам кўзлайди.

41 - модда

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Билим олиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда чиқарилган "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддасига мувофиқ республика келиб чиқиши, жинси, тили, ёши, ирқи, қайси миллатга мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий аҳволи, машғулот тури, яшаш жойи, республика ҳудудида қанчадан бери яшаётганидан қатъи назар, ҳар ким учун билим олишда тенг ҳуқуқларни кафолатлайди.

Билим олиш ҳуқуқи: билим олиш учун ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш; давлат ва давлатга дахлсиз муассасаларни ривожлантириш; таълим олишнинг давлат ва белгиланган меъёрларда текин бўлиши, давлатга дахлсиз маърифий муассасаларда ўқитишнинг кундузги, кечки, сиртқи, оилада ўқитиш ва экстернат каби ҳар хил шаклларида фойдаланиш; давлат муассасаларида шартнома асосларида пул тўлаб ўқишига йўл қўйиш; таълим муассасалари барча турларини тугаллаганларга

Ўқишнинг навбатдаги босқичида таҳсил кўриш учун ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқлар бериш билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимида мулкчиликнинг барча шакллардаги ўқув юртлари учун мажбурий бўлган таълим даражасига ва фанлар бўйича ўтиладиган дарслар ҳажмига нисбатан асосий талабларни белгилаб берадиган, жаҳон амалиёти мезонларига мувофиқ келадиган давлат андозалари жорий қилинади.

Республикада таълим ягона тизимининг мавжуд бўлиши ўқув режалари ва дастурнинг келишилганлиги, ўқитиш босқичлари ва шакллариининг ворислиги, таълимнинг давлат андозаларига мувофиқлиги билан таъминланади.

Республикада оила ва мактабгача тарбия муассасаларида амалга ошириладиган мактабгача таълимга катта эътибор қаратилган.

Республика фуқаролари бошланғич, базавий, ўрта мактабларда, бошқа таълим юртлари (гимназия, лицей ва бошқалар) да умумий таълим оладилар. Умумий таълим эса, бошланғич (I—IV синфлар), базавий (V—IX синфлар) ва ўрта (X—XII синфлар) таълимни ўз ичига олади. Бунда базавий таълим асосий ҳисобланади. Базавий таълимга эга ўқувчиларни ўрта маълумот олишга қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади.

Ҳунар-техника таълими бир вақтнинг ўзида умумий ўрта таълим олиш ёки касб эгаллаш билан базавий таълим асосида ёки касбни эгаллаш билан бошқа таълим асосида амалга оширилади.

Техникум, билим юртлари, колледж ва бошқа ўрта махсус ўқув юртларида базавий, умумий, ўрта ва ҳунар-техника таълими асосида республика фуқаролари ўрта махсус таълим олишлари мумкин.

Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш умумий ўрта, ўрта ҳунар-техника ва ўрта махсус таълим базасида амалга оширилади. Олий ўқув юртларида ўқитиш икки босқичли асосда ўтади. Бунда навбати билан бакалавр ва магистр даражалари берилади. Фуқаролар иккинчи олий маълумотни ҳам олишга ҳақлидирлар, лекин фақат шартнома (пул тўлаш) асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида бўлажак талабаларни танлашни такомиллаштириш ва талабаларни ўқитиш сифатини оширишга жиддий эътибор берилади. 1993 йилда ўқувчиларни та-

лабаликка қабул қилиш синовларида барча олий ўқув юртларида биринчи марта тест усули қўлланилди. Олий ўқув юртларида талабалар билимини назорат қилишнинг рейтинг шакли жорий қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 14 июндаги қарорида бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сонини камайтириш ва педагоглар дарси ҳажми меъёрларини ривожланган мамлакатлардаги меъёрлар даражасига яқинлаштириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни биринчи марта болаларнинг уйда таълим олиш имкониятини назарда тутди. Болаларни уй шароитларида ўқитиш ўқув юртлари дастурлари бўйича амалга оширилади ва бола экстернат тартибида аттестациядан ўтказилади. Оилада таълим олган шахслар тегишли аттестациядан ўтганларидан сўнг таълимнинг исталган босқичида умумий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси одамларнинг ўз билимларини ўзлари оширишга интилишларини қўллаб-қувватлайди. Ўз билимини ўзи ошириш йўли билан ўз маълумоти даражасини ёки малакасини оширган шахсларга экстернат тартибида имтиҳонлар топшириш имконияти берилади.

Илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш узлуксиз таълим тизимида олий босқич ҳисобланади.

Касб малакасини ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш давлат ҳисобидан, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, алоҳида шахслар билан тузиладиган шартномалар асосида давлат ёки бошқа ўқув юртларида амалга оширилади.

Республикада таълим олаётган шахсларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга қаратилган таъсирли чоралар кўрилган. Таълим олаётганлар белгиланган тартибда стипендия, нафақа, ётоқхона, интернат, имтиёзли ёки текин овқат ва бошқа имтиёзлар билан таъминланадилар. Уларга кутубхона фондидан, ўқув ишлаб чиқариш, илмий, спорт, маиший хизмат, соғломлаштириш базаларидан, транспорт, театр ва бошқа томошахоналар хизматидан текин ёки имтиёзли шартларда фойдаланиш кафолатланади.

Ўзбекистонда иқтидорли ёшлар тўғрисида доимий ғамхўрлик қилинади, улар моддий жиҳатдан қўллаб-қув-

ватланади, уларга республика ва бошқа давлатлардаги етакчи таълим муассасаларида ўқиш ва стажировкадан ўтиш имкони берилади.

42 - модда

Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Ўзбекистоннинг 1978 йилги Конституциясида фуқароларга фақат "коммунистик қурилиш" мақсадларига хизмат қиладиган ижод эркинлигини кафолатланган эди. Аслида фуқароларнинг тоталитар социалистик давлатнинг мафкуравий йўл-йўриқларига жавоб бермайдиган ҳар қандай ижод билан шуғулланиш "эрксизлиги" конституциявий даражада мустаҳкамланган эди.

Илгари амалда бўлган Конституция маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқини мустаҳкамламаган эди. Чунки фақат "социалистик реализм"нинг тор доирасига сиғадиган асарлардангина фойдаланиш мумкин эди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси ижод эркинлигини мафкуравий доира билан чекламайди. Фуқароларнинг маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи биринчи марта конституциявий мақом даражасига кўтарилди.

Айни замонда ижод эркинлиги фуқаро зиммасига муайян мажбурият ва масъулият юклайди. Бундай ёндашув халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўла мос келади. Чунончи, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро битимнинг 20-моддасига мувофиқ, урушни ҳар қанақасига тарғиб қилиш, душманчилик ёки зўравонликка гиж-гижловчи ва миллатчилик, ирқчилик ёки диний нафрат уйғотишни кўзловчи ҳар қандай чиқишлар қонун билан тақиқланиши керак. Давлат хавфсизлиги, жамоат тартибини, аҳоли соғлиғи ва ор-номусини сақлаш; бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва обрўсини ҳурматлаш мақсадларида ижод эркинлиги муайян даражада чекланиши кўзда тутилиши мумкин.

Ижод эркинлиги илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий ташвиқотлар ва ихтироларни амалга ошириш, адабиёт ва

санъатнинг янги асарларини яратиш йўли билан амалга оширилади.

Илмий кашфиётлар, ихтиролар, рационализаторлик таклифлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат тегишли моддий шароитлар яратиш ва фуқароларнинг илмий-техника ва бошқа бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш йўли билан илмий, ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятига кўмаклашибгина қолмай, балки, уларнинг таклиф ва тавсияларини жорий этишга ҳам имкон яратиб беради.

Амалдаги қонунларда меҳнат фаолияти соҳасида ҳам ихтирочи ва рационализаторларга бир қатор имтиёзлар бериш мустаҳкамлаб қўйилган.

Ихтиро ва рационализаторлик таклифларини жорий этишда қатнашиш учун ходим асосий ишидан озод қилинганида унинг ихтиро ёки рационализаторлик таклифи муаллифи сифатидаги ўртача ойлик маоши сақланади.

Республикада ёшларда ижодий қобилиятларнинг шаклланишига жиддий эътибор берилади. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 10-моддасида болалар ва ўсмирларнинг шахсий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, уларнинг бўш вақти самарасиз ўтмаслиги ва дам олиши мазмунли бўлиши мақсадларида давлат органлари мулкчиликнинг турли шакллариغا мансуб корхоналар, жамоат бирлашмалари маданий эстетик, табиий, илмий ва бошқа йўналишлардаги мактабдан ташқари муассасаларни тузишлари мумкинлигини кўзда тутди. Турли мактабдан ташқари муассасалар давлатнинг қўллаб-қувватлашидан баҳраманд бўладилар.

"Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир сиёсатнинг асослари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ давлат иқтидорли ёшлар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилади. Давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар иқтидорли ёшлар оёққа туришларига кўмаклашишлари зарур. Ана шу мақсадларда республикада фан, техника, иқтисодиёт, бошқарув ва санъат соҳаларида иқтидорли болаларни қидириб топиш ва уларни муҳофазалаш учун моддий-техника базаси билан таъминланган давлат муассасалари, жамоат бирлашмалари, комиссиялари ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 августда чиқарган "Ижодий ёшларни давлат томонидан

қўллаб-қувватлаш тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ижодий ёшларнинг маънавий ўсиши шарт-шароитларини яхшилаш, улар фаолиятини авж олдириш ва республиканинг маданият ва илмий-техника қудратини оширишга қўшадиган ҳиссаларини кўпайтиришга қаратилган таъсирчан тадбирлар кўзда тутилган. Мазкур Фармон, жумладан, энг муҳтож бўлган ижодий ёшларга уй-жой бериш, муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмаларига бериш учун Давлат мукофотини таъсис этиш; республика мактаб олимпиадалари, ижодий ёшларнинг халқаро ва республика танловлари ғолибларини моддий рағбатлантириш, ихтисосли олий ўқув юртларига, имтиҳонларсиз қабул қилиш; аълочи талабалар ва аспирантлар учун Ўзбекистон фани ва маданияти арбоблари номидаги қўшимча стипендиялар таъсис этиш; ижодий ёшлар асарлари ва илмий ишларини нашр этишни яхшилаш; коммунал ва маиший хизматга ҳақ тўлаш; транспортдан фойдаланишда ижодий ёшларга имтиёзлар бериш; иқтидорли ёшларни ўқиш ва стажировка учун хорижга юборишни кўзда тутати. Ўзбекистоннинг ижодий уюшмалари асосий ишлаб чиқариш фаолиятлари бўйича солиқлардан озод қилинганлар.

Х б о б

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

43-модда

Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилашда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" ғояларининг конституциявий нормаларда ўз ифодасини топишига ҳаракат қилинди. Шу халқаро ҳужжатнинг асосий ғояларига асосан фуқароларнинг кўплаб ҳуқуқлари ҳеч ким томонидан (давлат, монарх, президент ва ҳоказолар) берилмайди. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг кўпчилигига фуқаролар табиий равишда эга бўлади. Давлатнинг инсонпарварлик, демократик вазифаси эса, қонунларда мустақкамланган

ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга ошишини, рўёбга чиқишини таъминлашдир. Бу ҳуқуқий давлатнинг муҳим вазифасидир. Бу мақсадда давлат турли воситалардан фойдаланади ҳамда муайян тадбирларни ўтказди. Бу тадбирлар ҳуқуқий ва иқтисодий бўлиши мумкин.

Конституцияда (2-модда) фуқаролар олдида давлат органлари масъулиятининг белгилаб берилиши ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашга қаратилган муҳим воқеадир. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар олдидаги масъулияти фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш жараёнида вужудга келади. Давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифасини ўзининг турли органларига юклайди. Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонуннинг 24- ва 25-моддаларида халқ депутатлари Кенгашларига ва ҳокимларга фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, муҳофаза қилиш вазифаси юкланган. Шундай вазифалар суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ҳам юкланган.

Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга ошишини оддийлаштириш, осонлаштириш учун давлат қўшимча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади, натижада тегишли ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш имконияти кенгайди ва уларнинг кафолатлари кучаяди. Масалан, Конституциянинг 31-моддаси фуқароларнинг "виждон эркинлигини" мустаҳкамлаган бўлса, бу ҳуқуқни таъминлаш чора-тадбирлари, уни аён воқеликка айлантириш йўллари "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунда белгилаб қўйилган.

Конституциянинг 37-моддасида, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлса, ана шу ҳуқуқни таъминлаш "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуни билан амалга оширилади. Бу қонунда Ўзбекистон Республикасида аҳолини иложи борича иш билан таъминлаш, танланган иш ҳар бир кишининг қобилияти, билимига тўғри келиши чоралари белгиланган. Қонуннинг 6-моддаси эса "Меҳнат қилиш ҳуқуқига давлат кафолатлари" деб аталиб, унда бир неча тадбирлар тайин этиб берилган.

Сиёсий ҳуқуқлар ҳам шу йўсинда таъминланади. Конституциянинг 117-моддасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлса, бу ҳуқуқни таъминлаш учун бир неча жорий қонунлар қабул қилинган.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида", "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикасида жаҳон мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши давлат фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга катта эътибор бераётганидан далолат беради.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида давлатнинг фақат тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиши масалани тўла ҳал қилмайди. Кўплаб ҳуқуқлар борки, уларнинг тўла амалга ошириш учун тегишли моддий, молиявий имконият бўлиши зарур. Яъни давлатнинг иқтисодий қудрати етарли бўлиши зарур. Масалан, Конституциянинг 39-моддаси, фуқароларнинг таъминот олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди ва унда нафақаларнинг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги қайд қилинган. Фуқароларнинг бу ҳуқуқини таъминлаш учун давлат доимий равишда катта миқдордаги маблағларни ажратмоқда, нафақаларнинг энг кам миқдори доимий равишда ошириб борилмоқда.

Меҳнат қилиш, дам олиш, ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътилга чиқиш, ишсиз бўлиб қолган тақдирда ижтимоий муҳофазага бўлган конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш давлат иқтисодий сиёсатининг асосий негизидир.

44 - модда

Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши ҳуқуқий давлатга хос хусусиятдир. Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятнинг бўлиниш таъмоийли амал қилиб, судларнинг қонунчилик (вакиллик) ва ижроия ҳокимиятидан мустақиллиги жорий қилинган, уларнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъ-

минлашдаги вазифаси кучайди. "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида судларнинг вазифасига Республика Конституцияси ва бошқа қонунларда ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини кафолатлаш ҳам киради, деб кўрсатилган.

Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ-эркинликларини таъминлаш мақсадида судга шикоят қилиши тартибларини ўрнатилиши ҳуқуқ ва эркинликларнинг энг муҳим ва таъсирли кафолатидир. Тегишли конституциявий нормага биноан фуқаролар ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган деб ҳисобласалар, давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хат-ти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиб, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари мумкин. Бу фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тикловчи энг самарали тадбир ҳисобланади.

Фуқароларнинг давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари фаолияти устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи бир неча жорий қонунларда мустақкамланган (жумладан: "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддаси). Бундан ташқари фуқароларнинг аниқ бир масала юзасидан ёки маълум бир давлат идораси, мансабдор шахс устидан шикоят қилиш ҳуқуқлари алоҳида-алоҳида қонунларда белгилаб қўйилган. Масалан: "Ер тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддасида маҳаллий ҳокимият идораларининг фуқароларга тегишли ерни олиб қўйиш ҳақидаги қарори устидан уларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқи белгиланган бўлса, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасида фуқароларнинг ҳокимларнинг қабул қилган қарорлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кўрсатилган.

Сайлов тўғрисидаги қонунларда ҳам фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқи бир неча моддаларда қайд қилинган. Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги қонуннинг 32-моддасида, Вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонуннинг 31-моддасида сайловчиларнинг рўйхатидаги келишмовчилик юзасидан сайлов комиссияси фаолияти ҳақида шикоят қилиш ҳуқуқи белгиланган бўлса, ҳар иккала қонуннинг 18-моддасида депутатликка номзод (у ҳам фуқаро) кўрсатиш борасида сайлов комиссияси фаолияти устидан судга шикоят қилиш

ҳуқуқи белгиланган. Суд йўли билан сайлов ҳуқуқини таъминлаш, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунда ҳам ўз ўрнини топган. Шу қонуннинг 20-моддасида ҳар бир фуқарога унинг сайлов ҳуқуқлари суд орқали ҳимоя этилиши ҳамда сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади.

Демак, фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқи ва ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятининг мавжудлиги ҳуқуқ ва эркинликларнинг муҳим кафолатидир.

Фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг ўзи ҳам турли қонунлар билан қатъий кафолатлангандир.

45 - модда

Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб қўйган бўлиб, бунда қонун олдида ҳамманинг тенглиги тамойили амал қилади. Бу деган сўз ҳеч кимнинг ҳуқуқи чекланмаганлигидек, ҳеч кимга қонунсиз имтиёзлар ҳам берилмайди. Лекин Ўзбекистон фақат ҳуқуқий давлатгина эмас, балки инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб қўйган. Бу эса жамиятдаги айрим тоифадаги, ҳимояга муҳтож, заиф кишилар давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўлиши зарурлигини тақозо этади. Бу мазкур моддада қайд этилган. Унинг мақсади мамлакатимиздаги айрим кишиларнинг манфаатини қўшимча тарзда ҳимоя қилишдир. Чунки улар шундай қўшимча ҳимояга муҳтождирлар.

Республикада бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган бир пайтда аҳолининг маълум қисмини иқтисодий томондан қўллаб-қувватлаб туришнинг аҳамияти эътиборга олинган. Демак, Ўзбекистоннинг давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурининг беш тамойилидан бири — кучли ижтимоий ҳимоя ҳисобланади.¹

1

Каримов И. А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, "Ўзбекистон", 1993, 42—43-бетлар.

Ёшларнинг, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги бу масалани фақат конституцияда қайд қилишнинг ўзи билан чекланмайди. Бу конституциявий норма амалда ҳам ўз ифодасини топиши учун давлат кўплаб тадбирларни амалга ошироқда: бу борада махсус қонунлар қабул қилинган. Буларга "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларни кўрсатиш мумкин.

Ёшлар ҳақидаги қонунга биноан ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналишидир. Унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва ҳимоя топишини таъминлаш, уларнинг ижодий иқтидорларидан имкони борича тўла-тўқис фойдаланиш ва ёшлар учун ҳамма шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Қонун умуман ёшларга тааллуқли бўлсада, унинг айрим моддалари фақат вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тааллуқлидир.

Буни вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг ҳуқуқлари алоҳида муҳофаза қилинишида ҳам кўришимиз мумкин. Турли сабаблар билан вояга етмаганлар ҳам ҳуқуқ бузилишларида иштирок этиб қолади, ана шундай ҳолларда уларга нисбатан мажбурий-тарбиявий таъсир чораларини қўллаш, яъни: жарима солиш; ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш; ахлоқ тузатиш ишларига юбориш; ҳибсга олиш; озодликдан маҳрум қилиш; махсус ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш фақат суднинг ҳукмига ёки қарорига асосан амалга оширилади. Давлат ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганлар инсонпарвар тартибда сақланишини кафолатлайди.

Меҳнатга лаёқатсизлар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари ҳам вояга етмаганларникидек, давлат томонидан алоҳида ҳимоя қилинади. Давлатнинг олиб бораётган сиёсати бундай кишиларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришини, иқтисодий ва сиёсий турмушда фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилган. Бундай шахсларнинг даволаниши, дам олиши, билим олиши учун давлат томонидан алоҳида имтиёзлар белгиланади. Уларнинг турмуш шароитини енгилаштириш мақсадида турли тўловлар (компенсация) жорий қилинади. Мақсад уларнинг маромли ҳаёт кечиришини таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти бир неча Фармонлар орқали бундай тоифадаги кишиларга турли имтиёзлар, моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатмоқда. Бунга мисол қилиб "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида"ги 1994 йил 23 август Фармони ҳамда октябрь ойидаги пенсиялар миқдорини ошириш ҳақидаги Фармони кўрсатиш мумкин.

Президент И. Каримов айтганидек, аҳолининг энг ноқарор қатламлари: кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи ёшларнинг давлат томонидан муҳофазага бўлган кафолатли ҳуқуқларини таъминлаш,¹ мазкур модданинг асосий ғояси ва мақсадидир.

46-модда

Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.

Конституциянинг 18-моддасида Ўзбекистон фуқароларининг жинсидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги мустаҳкамланган бўлса, ушбу 46-моддада хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги мустаҳкамланмоқда. Бир қарашда бу икки моддадаги таъкидлов бир нарсага ўхшаш, айни бир нарса қайтарилаётгандай кўринади. Аслида ундай эмас. 18-моддада фуқароларнинг жинсидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги назарда тутилса, мазкур модда аёлларни ҳамма соҳада эркаклар билан тенглигини ўрнатишнинг ҳуқуқий асосидир. Аёллар билан эркаклар тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш учун давлат қўшимча кенг миқёсдаги тадбирларни амалга оширмоқда, бу бир томондан, аёлларга билим олиш, касб эгаллаш, меҳнат қилиш, унга ҳақ олиш, сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш учун эркаклар билан тенг имкониятлар яратиш бўлса, иккинчи томондан, аёлларнинг оиладаги ўрни, жисмоний имкониятлари ҳисобга олиниб, уларга меҳнат қилишда, соғлигини сақлашда яхши шароитлар ва имтиёзлар яратиб беришдан иборатдир. Яъни икки нарса: тенг имконият ва қўшимча шароит, имтиёзлар ўрнатиш билангина аёлларнинг тенг ҳуқуқчилиги таъминланиши мумкин. Агар аёлларга билим

1

Қаранг: И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992, 21-бет.

олиш, меҳнат қилиш, дам олиш, сиёсий ҳаётда иштирок этиш учун имконият яратилса-ю, бунинг учун қўшимча имтиёзлар яратилмаса, унда бу тенг ҳуқуқлилиқ аёлларга эркинлик беришдан кўра уларни қийнаб қўйиши мумкин. Чунки оиладаги оғир юкнинг асосий қисми аёллар зиммасига тушади ва улар натижада оиладаги ўз вазифаларини тўла бажара олмайдилар. Шунинг учун ҳам собиқ тузум даврида, аёлларнинг оилага кам вақт сарфлагани учун, асосий масала — бола тарбиясига катта зарар етди.

Шу сабабли давлат аёллар билан эркакларнинг тенглигини эълон қилар экан, буни таъминлаш учун аёлларни қўшимча равишда моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кўрмоқда. Уларга фарзанд кўришдан ва фарзанд кўргандан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллер миқдори, болаларга берилаётган нафақалар миқдори кўпайтирилиб борилмоқда. Аёлларнинг иш вақти қисқартирилиб, оғир ва кечки ишларда ишлаши тақиқланган. Аёлларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида Республикада "Оналар ва болалар" маркази ва бошқа шифохоналар, дам олиш уйлари, санаторийлар ташкил қилинган. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлатимизнинг асосий вазифаларидан бири қилиб белгиланган. Шу боисдан ҳам Республикамизда фан, маориф, соғлиқни сақлаш соҳасида хизмат қилувчилар орасида хотин-қизлар салмоқли ҳиссани эгаллайди. Раҳбарлик лавозимларида, тадбиркорлик ишларида кўплаб аёлларни кўриш мумкин. 1994 йил 25 декабрда бўлиб ўтган Олий Мажлисга ва маҳаллий Кенгашларга сайловларда кўпгина аёллар депутат бўлиб сайландилар.

XI боб

ФУҚАРОЛАРНИНГ БУРЧЛАРИ

47-модда

Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.

Мустақил Ўзбекистонда яшовчи барча фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонунларда белгилаб қўйилган ва бажаришлари лозим бўлган бурчлари турли усуллар билан назорат қилинади.

Конституциянинг янги жиҳатларидан бири фуқароларнинг ҳам, давлатнинг ҳам ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғланганлигидадир. Шундай экан, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг ҳамда давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

Амалдаги қонунлар Конституция асосида фуқароларга берилган ҳуқуқлар билан бир қаторда тегишли бурчларини бажариши лозимлигини қайд қилади. Масалан, процессуал қонунчиликда фуқароларга эркин ҳуқуқ таъминлари билан бир қаторда шу ҳуқуқларни асослаш, тасдиқлаш, исботлаш, баҳслашиш (мунозара) қонунчилигига риоя қилган ҳолда амалга ошириш лозимлиги ҳам белгиланган. Демак, ҳуқуқ бор жойда бурч ҳам бўлишлиги зарурий талаб бўлиб, жамиятда шахснинг тутган ўрни, мавқеи фақат ҳуқуқ билангина эмас, шу билан бирга бурч билан ҳам белгиланади.

Ҳар бир фуқаронинг қонунда белгиланган ҳуқуқларини бажармаслиги муайян оқибатларни келтириб чиқаради. Бу уларда қонунларни бажариш масъулиятини оширади. Фуқаро берилган эркинлик билан бир қаторда ўзига юклатилган масъулиятни ҳам сезиши зарур.

Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлар асослари Ўзбекистон қонунларида назарда тутилган таъминлардан, шунингдек, фуқаролар ва ташкилотларнинг қонунда назарда тутилмаган бўлсада, фуқаролик қонунларининг мазмунидан, фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтирадиган ҳаракатлардан келиб чиқиши фуқаролик кодексида баён қилинган. Амалдаги қонунларда мустақил Ўзбекистон Республикаси ўз фуқароларига берилган асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш билан бирга уларга нисбатан муайян бурчларни ҳам юклаши қонуннинг устуворлиги, унга ҳурмат нуқтаи назари билан қараб ижро қилиш зарурлиги назарда тутилган.

Фуқароларнинг асосий бурчлари Конституция ва бошқа қонунларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларда фуқаролар Конституцияга риоя қилиш билан бирга ундаги ҳар қандай қонунлар бузилишининг олдини олиши, бошқа шахсларнинг қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур эканлиги ўз ифодасини топган. Ҳуқуқи бузилган манфаатдор шахс ўз ҳуқуқини тиклаш мақсадида судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги ҳам таъкидланган.

Ҳар бир фуқаро ўзларига юклатилган бурчларини бажариш вақтида қонунларга риоя қилишлари, жамиятнинг турмуш қоидаларини ва маънавий қадриятларини ҳурмат қилишлари лозим.

Конституцияда фуқаролар, мулк эгалари мулкдан фойдаланишда бошқаларнинг манфаатларига, экологик муҳитга зарар етказмаслик, тарих ва маданий меросларни авайлаб асраш, атроф табиий муҳитга эътиборсизлик билан қарамаслик, солиқлар ва маҳаллий йиғимларни белгиланган муддатларда тўлаш, Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги ва бу бурчларга амал қилиш лозимлиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Конституция ҳамда бошқа қонунлар ва халқаро шартномалар билан белгиланган бурчларни бажаришлари лозим.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига Конституция ва қонунларда берилган ҳуқуқлар билан бир қаторда мажбуриятлар ҳам юклатилиши ва уларнинг ўз вазифа ҳамда бурчларини астойдил бажариб бориши қонунчиликни мустаҳкамлаш учун ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашни лозим топган ҳар бир фуқаро Конституция ва қонунларнинг устуворлигига риоя қилиши, ижтимоий бурчларга ҳалол муносабатда бўлиши, миллий анъаналар ва қадриятларни ҳурмат қилиши лозим.

48 - модда

Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги ва мустаҳкамлиги, Конституция ва шу асосида қабул қилинган қонунларни белгиланган тартибда ижро этишга ва уларга амал қилишга ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу масала ҳукуватимизнинг назар-эътиборидаги асосий масалалардан бўлиб, янги инсон тарбияси, қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш каби ишлар шу вазифанинг энг муҳим таркибий қисми-дир.

Юртбошимиз И. А. Каримов "Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашдир", — дейишлари ҳамда Амир Темур айтганларидек, "Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади", деган ўғитлари ҳуқуқий давлат қуришдек улуғвор ишларга асос бўлади. Агар ҳар бир фуқаро ва мансабдор шахс қонунларга риоя қилмаса, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот тантана қилмаса, ҳуқуқий давлат тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслиги ўтган етмиш йил ичида, собиқ Иттифоқ даврида намоён бўлди. Хусусан, 1983—1988 йилларда юқори идораларнинг тазйиқи билан "пахта иши" билан боғлиқ турли шубҳалар билан пахтани қўшиб ёзишда айбдор, деб бир қанча шахслар асоссиз равишда жинойий жавобгарликка тортилган эди. Мустақиллик туфайли адолат тантана қилди ва бу ишлар судларда қайта кўрилиб, кўп шахслар айбсиз деб топилди ва улар жазодан озод қилиниб оқландилар. Бундай нохуш воқелик қонунларнинг топталиши, уларга амал қилмаслик оқибатидир.

Конституцияга мувофиқ ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши аввалги буйруқбозлик, ўз мансабини суистеъмол қилиш ва зўравонликка асосланган ҳокимиятдан кескин фарқ қилади. Якка ҳокимликнинг қайта тикланишига йўл қўймайдиган давлат қурилиши ташкил қилинганлиги ва суд ҳокимиятининг мустақил, фақат қонунга риоя қилган ҳолда иш тутишга қаратилганлиги адолатли иш кўриш учун асос бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фақат биргина диктатурани, у ҳам бўлса, қонуннинг ҳукмронлиги, қонуннинг устуворлигини, унга ким, қандай мансаб ва вазифани эгаллашидан қатъи назар, риоя қилиши зарурлигини тан олади.

Ҳуқуқий ва демократик давлат қуриш учун адолатли ва мукамал жамиятнинг озод, барча яхши, маънавий фазилатлари тўла-тўқис намоён бўладиган келажак кишисини қонунларга амал қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган ҳамма воситаларни ҳозирданоқ ишга солишимиз лозим бўлади. Шунинг учун, давлат ва меҳнат интизомларига риоя қилмаслик, ичкиликбозлик, безорилик, шахсиятпарастлик, дангасалик, ўғрилиқ ва бошқа қонун бузилишларига қаратилган ярамас хатти

ҳаракатларга нисбатан қатъий чоралар ишлатиш лозимдир. Бу борада Президентимиз И. А. Каримовнинг ташаббуси билан жиноятчиликка қарши қаратилган қатор тадбирларнинг амалга оширилиши, Республикамизда ўзининг ижобий натижаларини бераётганлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Қисқа вақт ичида маъмурий идоралар қонунчиликни ва жамоат тартибини бузувчиларга нисбатан курашда катта ишлар қилганлигини жамоатчилик тўғри баҳоламоқда.

Республикамининг ҳар бир фуқаросидан Конституция ва қонунларга риоя этишни, меҳнат интизомини бузмасликни, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини, бошқа фуқаролардан ҳам шу талабларнинг бажарилишини ва жамоатчиликка хилоф ҳар қандай ноҳўя ишларга қарши фаол кураш олиб боришларини талаб қилмоқлик ҳуқуқий давлат тамойилларига риоя қилишнинг кўринишлари деб қаралмоғи лозим.

Демак, Ўзбекистон фуқароларидан бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳурматлашга, жамият манфаатларига зид хатти-ҳаракатларга нисбатан муросасиз бўлишга, жамоат тартибини сақлашга бутун чоралар билан кўмаклашиш талаб этилади.

Конституциянинг 2-моддасида давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъулияти таъкидланган бўлса, мазкур 48-моддада эса, фуқаролар зиммасига Конституция ва амалдаги қонунларга риоя қилиш, жамият турмуш қоидаларини ҳурматлаш, Республика фуқароси деган юксак номга муносиб бўлиш мажбуриятини юклайди.

Конституция ва қонунларга риоя қилмаслик давлат томонидан белгиланган қоидаларнинг, ҳуқуқий меъёрларнинг бузилишига, фуқаровий, маъмурий ва ҳаттоки жиний оқибатларга ҳам олиб келади. Шунинг учун давлатимиз фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган, бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга оширадиган кўпдан-кўп қонунларни қабул қилди; давр талабига жавоб берадиган жиноят, жиноят-процессуал кодексларнинг, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекснинг қабул қилиниши, фуқаролик ва фуқаролик-процессуал кодексларининг лойиҳалари устида жадал иш олиб борилиши, фуқаро-

ларни қонунларни ўрганишга ва уларга амал қилишга замин бўладиган асослар ҳисобланади.

Амалдаги қонунларга риоя қилмасликнинг, турли хилдаги ҳуқуқий меъёрларнинг бузилишига сабаб бўладиган ҳолатларнинг юз беришини фуқаролар, айниқса, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқий тарбиянинг бўшлиги, ҳуқуқ соҳаларини, турмушда кўпроқ зарур бўладиган қонунларни билмаслик, айрим ота-оналар, тарбиячи ва ўқитувчилар ҳуқуқий билимларининг бўшлиги ҳамда ҳуқуқий онг ва маданиятнинг талаб даражасида эмаслиги билан асослаш мумкин.

Бу камчиликларга барҳам бериш мақсадида ҳурматли Президентимиз И. А. Каримовнинг қатор кўрсатмалари билан ҳуқуқ илми ва таълимини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқилмоқда. Ана шулар жумласига Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институтининг ташкил қилиниши ва тегишли ихтисослар тайёрлашга қаратилганлиги, вилоятлардаги муаллимлар тайёрлайдиган олийгоҳларнинг дорилфунунларга айланттилиши, Самарқанд, Фарғона вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида университетлар қошида юридик факультетлар ташкил қилиниши, Тошкент шаҳрида юридик колледж, техникумлар ва бошқа кўринишдаги курслар фаолияти яқин келажакда бу борада муҳим ўзгаришлар бўлиши учун қилинаётган саъй-ҳаракатлардир. Шунинг учун Конституциянинг айрим моддалари ўсмирлар тарбиясига бағишланган, масалан: ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги кўрсатилган.

"Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди" — дейди И. А. Каримов.

Фуқароларни Конституция ва қонунларга риоя қилишга қаратилган ҳуқуқий тарғиботнинг аҳамияти бозор иқтисодига ўтиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва шахсийга бўлинади. Конституция талабларига кўра фуқаролар, бошқа шахсларга тегишли ана шу ҳуқуқ ва эркинликларни ҳурмат қилишлари лозим.

Конституция инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш (10-боб) масаласига ҳам алоҳида эътибор беради. Унда жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон эканлиги, шунинг учун ҳам, фуқароларнинг ҳуқуқи жамият, давлат ҳуқуқига нисбатан илгари қўйилганлиги ўз аксини топган.

Фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини пастга урадиган, унинг обрўсига путур етказадиган ҳар қандай ғайриқонуний ҳаракатлар учун айбдор шахсларни жавобгарлиги қонунда белгиланган.

Фуқаролик кодексининг 7-моддасида кўрсатилишича, фуқаро ёки ташкилот ўз шаънига доғ туширадиган ва қадр-қимматини пастга урадиган маълумотларнинг, агар ана шу маълумотларни тарқатувчи шахс уларнинг ҳақиқат эканлигини исботлаб бера олмаса, суд орқали рад қилинишини талаб қилишга ҳақлидир. Агарда фуқаро ёки ташкилотнинг шаънига доғ туширадиган ва қадр-қимматини ерга урадиган маълумотлар матбуотда тарқатилган бўлиб, бу маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаса, у ҳолда шу маълумотларнинг раддияси ҳам матбуотда эълон қилиниши лозим. Фуқаронинг шаънига доғ туширадиган ва қадр-қимматини ерга урадиган, айни вақтда ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар ташкилот томонидан чиқарилган ҳужжатда бўлса, у ҳолда бундай ҳужжат алмаштирилиши лозим бўлади.

Амалдаги қонунда шаън ва қадр-қимматни фуқаролик ҳуқуқи тартибида ҳимоя қилиниши қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган муҳим чоралардир. Юқоридаги қонундан кўринадики, шаън ва қадр-қиммат фақат фуқароларга тегишли бўлсагина ҳимоя қилиниб қолмасдан, шу билан бирга, ташкилотларга тегишли бўлса ҳам судларга тааллуқли бўлади. Бундай туркумдаги ишларда фуқаро даъвогар бўлиб, у муомала лаёқатига эга бўлган бўлиши, ташкилотлар эса, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган бўлиши лозим.

Демак, бу қоидага кўра Ўзбекистон фуқароларининг ор-номусларига ва қадр-қимматларига нисбатан қилинган ғайриқонуний ҳаракатлар суд орқали ҳимоя қилиниши бу масалага жиддий эътибор берилганлигидан далолат беради.

Шуларга кўра, суд бузилган моддий ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун процессуал воситалардан фойдаланади ва низоли иш бўйича жавобгар асоссиз маълумотларни

тарқатувчи шахс ҳисобланади. Масалан, агар бундай маълумотлар матбуот орқали тарқатилган бўлса, бундай ҳолда маълумотларни тарқатувчи нафақат муаллиф, балки уни босиб чиқарган таҳририят ҳам жавобгар ҳисобланади, даъво уларга нисбатан қўзғатилади.

Ҳар қандай маълумотлар шаън ва қадр-қимматни пастга урадиган маълумотларга мансуб бўлавермайди. Қонун ва жамиятнинг ахлоқий тамойиллари, турмуш қоидаларига кўра жамоатчиликнинг салбий баҳолашига олиб келадиган ғаразли маълумотларгина бадном қилувчи маълумотлар ҳисобланади.

Республика Олий Суди бу туркумдаги ишларнинг суд амалиётида қандай ҳал этилаётганлигини умумлаштириб, судларнинг бу борада фуқаролар шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга қаратилган конституцион ҳуқуқларни амалга оширишда талай ишлар қилинганлигини таъкидлаш билан бирга бу борада айрим камчиликлар ҳам мавжудлигини кўрсатиб ўтган. Бунда айрим газета таҳририяти ходимларининг масъулиятсизликлари туфайли баъзида кишиларнинг шаън ва қадр-қимматини пастга урадиган асоссиз мақолалар чиқиб қолаётганлиги, бу эса, суд органларига ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилинишига сабабчи бўлаётганлиги, кейинчалик бу мақолаларни рад этиш тўғрисида суд қарорлари чиқарилиши, аммо ҳақиқат тикланса-да, фуқароларга маънавий ва руҳий зиён етказилаётганлиги кўрсатилди. Республика Олий Судининг шу масала бўйича 1992 йил 19 июндаги Пленуми қарорида қонунларни тўғри татбиқ этиш, фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқларини амалга оширишларига ёрдам беришни ҳисобга олиб, шаън ва қадр-қимматни ҳимоя қилиш ҳақидаги ишларни синчиклаб, пухта кўриш зарур эканлигига судларнинг эътибори қаратилди.

Ўзбекистон фуқароларининг шаън ва қадр-қиммати жиноят қонунлари билан ҳам ҳимоя қилинади. Масалан, туҳмат (ЖКнинг 139-моддаси) ва ҳақорат қилиш (ЎзЖКнинг 146-м.) га оид моддалар шулар жумласидан-

1

Ўзбекистон ССР Олий Судининг Бюллетени. Тошкент, 1989, 3-сон, 17-бет.

2

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси. Тошкент, 1992, 3-сон, 19-бет.

дир. Туҳмат деганда бошқа бир шахсни бадном қилиш учун ёлғон ва уйдирма хабарлар тарқатиш тушунилади. Унинг турлари қонунда белгиланган. Ҳақорат қилиш, бунга бировни сўзда ёки хат орқали таҳқирлаш кишининг ҳурмати ва қадр-қиммати қасддан ерга уриш ва ҳоказолар киради.

Конституцияда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш лозимлиги таъкидланиши билан уларга тегишли турли кўринишдаги ҳуқуқларини бошқа шахслар томонидан ҳурмат қилишга мажбур эканлиги ҳам асосли равишда ифодаланган.

Фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинлиги билан боғлиқ масалалар, Конституциянинг инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган иккинчи бўлимнинг: фуқаролик (6-боб); шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар (7-боб); сиёсий ҳуқуқлар (8-боб); иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар (9-боб); инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари (10-боб) ва бошқа бобларида батафсил ёритилган.

Демак, фуқароларга берилган бу кенг миқёсдаги ҳуқуқларни амалга оширишда суиистеъмолга йўл қўйиш мумкин, деган хулосага келиш хомхаёллик бўлар эди.

49 - модда

Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон мустақил Республика деб эълон қилиниши халқимизнинг маънавий уйғонишига асос бўлди. Республикакамизнинг бундан кейинги ривожланишида унинг ўзига хос хусусиятлари, тарихи, маънавияти ҳисобга олиниши зарур. Республика фуқаролари, аждодлари, бобокалонларининг ўтмишини, уларнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссасини ўрганиб, улар билан фахрланиб келмоқдалар. Тарихи бўлмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди, дейишда катта маъно ётади. Юртбошимиз И. А. Каримов таъкидлаганларидек, мазкур минтақанинг қадимий тарихи ва маданияти, бунда яшаб ўтган Шарқ мутаффакирлари ва файласуфларининг жаҳон маданиятини ривожлантиришга қўшган ғоят катта ҳиссалари ҳам бу ерда яшаётган одамлар турмушининг барча томонла-

рига сезиларли таъсир ўтказмоқда. Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди. Булар ҳам, шубҳасиз, таъсир кўрсатмоқда.

Бу фикр Конституцияда ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, у фуқароларни ана шу тарих дурдоналарини авайлаб-асрашга чақиради. Миллий, тарихий, маданий анъаналар, мерослар маданият тараққиётининг муҳим манбаи бўлганлиги туфайли ҳам алоҳида эътиборда тулади.

Жамият тарихининг йўналиши турлича бўлиб, бунда ҳуқуқ (фиқҳ) соҳаси муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон тарихини ўрганиш ишига ўтмишда ҳам, ҳозирги замонда ҳам эътибор сусайтирилмаган. Марказий Осиё халқларининг бой тарихига қизиқиш қадимдан тадқиқотчиларни ўзига ром этганлиги кўп манбалардан маълум. Шарафиддин Али Яздий ("Зафарнома"), Руи Гонсалес де Клавихо ("Дневник путешествия в Самарканд ко дворцу Тимура"), Ибн Арабшоҳ ("Ажойиб ал-мақдур фи Тарихи Таймур" — Темур тарихида тақдир ажойиботлари), Мирзо Улуғбек ("Тарих-и арба улус" — Тўрт улус тарихи), Бобур ("Бобурнома"), Бартольд В. В. ("Туркестан в эпоху монгольского нашествия") каби олимларнинг ишлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон тарихини ўрганишни собиқ шўролар ҳукумати ҳам ўз назаридан четда қолдирмади, айниқса Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистонда яшаган йирик рус олимлари академик Б.Д. Греков, С.В. Бахрушин, В.В. Струве, В.И. Пичета, А.Ю. Якубовский, И.П. Трайнин, С.К. Богоявлинский, С.П. Толстов каби олимлар бу соҳада салмоқли ишлар яратдилар. Уларнинг баъзилари Ўзбекистоннинг уч томлик тарихини яратишда фаол иштирок этганлари учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвони ва фахрий ёрлиқлар билан мукофатланганлар.

Республикамизда илм-фаннинг ривожланиши туфайли жамият тараққиётининг турли босқичлари тарихи бўйича тадқиқотлар 50- йиллардан кейин янада ривож топа бошлади. Х.С. Сулаймонова, О.Э. Эшонов, Ш. З. Ўразаев, М.Х. Ҳақимов, И. Ж. Жалилов, Ф. Х. Сайфуллаев, И. Б. Зокиров ва бошқа олимлар томонидан давлат ва ҳуқуқ тарихи таҳлил қилиниб, кенг жамоатчиликка манзур ишлар яратилган. Бу асарларда давлат ва ҳуқуқ му-

аммолари ҳар томонлама ўрганилиб, тарих сабоқларидан ижобий хулосалар чиқариш ва уларни ижодий ҳаётга татбиқ этиш ёки уларни такомиллаштириш масалалари кўтарилгандир.

Ўзбекистон фуқароларининг ўз халқи тарихига нисбатан ҳурматда бўлиши, уни авайлаб-асрашга мажбурлиги тўғрисидаги қонданинг Конституцияга киритилиши муҳим ижтимоий-маънавий аҳамиятга эга. Тарихга тўғри баҳо бермасдан туриб, бугунимиз ва келажакимиз ҳақида ўйлаш мумкин эмаслиги аён ҳақиқатдир.

Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масаласига истиқлол шарофати билан янада эътибор берилди бошланди.

Маънавийлик кишининг ички руҳий-ахлоқий ҳаётига оид бўлган тушунчадир. И. А. Каримов таъкидлаганларидек, агар инсон ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади.¹ Бу маънавиятнинг ҳаётий масалалар билан бевосита боғлиқлигидан далолатдир. Маънавий баркамол бўлиш учун кишидан ақлий ва жисмоний меҳнат талаб қилинади.

Маънавият инсониятнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўҳна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг тўғри фикр эканлигини тасдиқламоқда.

Маънавиятни ривожлантиришга, уни янада мустаҳкамлашга қаратилган барча тадбирларни амалга ошириш учун мамлакатимизда қатор ишлар қилинмоқда. Бу борада илм, фан, маърифатни ривожлантириш, уларнинг айрим қирраларини ислоҳ қилиш, лицей, колледж, янги олийгоҳ ва дорилфунунларнинг ташкил қилиниши, ижодий ходимларнинг маънавий кучига эркинлик берилиши уларнинг хайрли ишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлардир.

Миллий истиқлол туфайли маданиятимизни унинг ўзига хос бўлган тарихий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тиклашга ва уни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

1

И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992, 73-б.

Маданий мерос ўтмишда бобокалонларимиз томонидан турли соҳаларда яратилган моддий ва маънавий бойликлар бўлиб, келажак авлодлар уларнинг вориси бўлса-да, маданий меросни ўз даврига тайёр ҳолича қабул қилмай, уни ўз манфаатларига мослаштиради, чунки бу мерослар ўша давр, жамият ҳаётини акс эттирган бўлади.

Собиқ Иттифоқ даврида миллий, маданий меросга эскилик сарқитлари, деб қаралиши ва уларнинг ғаразли танқидий баҳоланиши туфайли миллий қадриятлар топталди ва аждодлар бунёдга келтирган илм-фан, маданият соҳаларидаги жавоҳирлардан унумли фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлинди. Масалан, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур давридаги маданий меросларни дунё цивилизацияси тан олган бўлса ҳам, собиқ Коммунистик партия ва совет ҳукумати эътибордан четда қолдирган ва шу билан бирга ўша даврга ва унинг илғор намоёндаларига салбий кўз билан қаралган.

Шунинг учун миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор берилишини ва унинг жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриятлардан ҳамда кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қолмаслигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мустақиллик туфайли маданият ёдгорлигига муносабат тубдан ўзгарди. Президентимизнинг асарларида маданий меросга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш; ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик ҳисобланган санъат асарларини излаб топиш ва Ўзбекистонга қайтариш лозимлиги таъкидланган.

Маданият ёдгорликлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли даврларига ва кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга алоқадор бўлиб, буларга: қалъа, девор, мозор, бино, сув иншооти, ибтидоий одамлар яшаб турган макон, тошга, ёғочга, тери ва қоғозга ёзиб қолдирилган асарлар, ибтидоий санъат обидалари, уй-жой анжомлари, тарихий шахсларга атаб қўйилган ҳайкал ва китоблар, тарихий воқеаларни эслатиб турувчи орден ва медаллар, қадимги пуллар ва шу каби ашёлар киради.

Тарих, маданий ёдгорликларни ва бошқа бойликларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар шу соҳадаги масалаларни тартибга солиш орқали келажак авлодга асраб-авайлаб етказишга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилгандир.

Демак, бу модданинг туб мазмуни ҳар бир фуқаронинг зиммасига аждодларимиз яратган маънавий ва маданий меросни, маданият ёдгорликларини ҳар томонлама авайлаб-асраш, муҳофаза қилиш масъулиятини юклашдан иборат.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида тарихи, маданияти билан ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга. Шунинг учун ҳам ўзбек халқининг дунё маданиятига қўшган ҳиссасини эътиборга олган "ЮНЕСКО" республикамиз ҳудудидаги тарихий, маданий меросларнинг айримларини ўз ҳимоясига олган. Бу муҳим масалаларнинг Конституцияда ўз ифодасини топганлиги Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросининг ҳозирги ва келажак авлод олдида жавобгарлигини оширади, шу билан бирга уларнинг бу йўлда ўзларининг инсонийлик бурчларини тўлиқ адо этишини ҳам тақозо этади.

50 - модда

Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

Конституцияда ва бошқа қонунларда қайд этилган бундай ҳуқуқий меъёр фуқароларда атроф табиий муҳитга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришга қаратилган бўлиб, у яшаш муҳити, табиат ва маънавийт экологиясининг бир-бири билан боғлиқлигига асослангандир.

Табиий бойликлар ва табиий шарт-шароитлар мустақил давлатимиз аҳолисининг ҳаётий фаолияти асосини ташкил қилиши ҳаммага аёндыр.

Атроф табиий муҳитнинг ҳолати, табиий бойликлардан фойдаланиш даражаси иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқариш маданияти ва самарадорлигини оширишга асос бўлувчи омиллардан ҳисобланади. Мустақил республикамизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш қонунларининг ислоҳ қилиниши ҳам шу билан изоҳланади. Экологик ислоҳотлар жараёнида "Табиатни муҳофаза қилиш", "Ер тўғрисида" (1990 йил 20 июнь), "Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида" (1993 й.), "Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ҳақида"ги (1993 йил 7 май) ва бошқа янги қонунлар қабул қилинди. Ўз навбатида амалдаги "Ўзбекистон Республикаси ер ости бойликлари тўғрисидаги кодекс", "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида", "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш

ва фойдаланиш тўғрисида"ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларни тартибга солиш бирмунча яхшиланди.

Конституцияда мазкур моддадан ташқари Республикамизнинг умуммиллий бойликларидан оқилона фойдаланиш зарурлиги (55-модда) қоидалари асосида 1992 йил 9 декабрда "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида" қонун қабул қилиниб, бунда фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва қатор мажбуриятлари атрофлича ёритилган.

Илмий техниканинг ривожланиш жараёни атроф табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатаётгани амалиётдан маълум. Ердан фойдаланишда ҳам ортиқча миқдорда минерал ўғитларнинг ишлатилиши, ҳавонинг ва ер ости сувларининг ифлосланиши, ёнғинлар ва ҳоказолар туфайли ер тузилиши ўзгариб, ўрмонлар қуриб бормоқда. Буларнинг барчаси кишиларнинг саломатлигига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Шу боис Республикамизда бундай ҳолатларга барҳам бериш тадбирлари амалга оширилмоқда. Юқорида қайд қилинган қонунларда бу соҳадаги вазифалар асосли равишда кўрсатиб берилган. Чунончи, "Ер тўғрисидаги" қонунда ерга эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлганларга, ердан фойдаланганларида табиатни муҳофаза қилувчи ишлаб чиқариш технологияларини татбиқ этиш, ернинг унумдорлигини ошириш, ундан фойдаланишда экологик муҳитни бузмаслик, ердан фойдаланувчиларга эса, ердан фойдаланиш тартибига риоя қилиш каби бурчлар юклатилган (17—18-моддалар).

Фуқароларнинг сувдан унумли фойдаланишлари ва уни муҳофаза қилишни таъминлаш, сувнинг ифлосланиш ҳолларининг олдини олиш ва уни бартараф қилиш ишларини олиб боришда бевосита қатнашиб, сув муносабатларининг барча қатнашчилари томонидан қонунларга риоя қилиш, сув манбалари ҳолатларини яхшилаш ва бошқа қўшимча жавобгарликлар "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунда кўрсатиб берилган.

"Алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонунда миллий умумхалқ бойлиги бўлиб ҳисобланган табиий муҳитни, бебаҳо ва қимматли табиий, иқтисодий, илмий-маданий, тиббий соғломлаштириш ва нафосат (эстетик) нуқтаи назардан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари кўрсатилган ҳамда уларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар асослаб берилган.

Фуқаролар ва тегишли ваколатли идораларнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларга риоя қилмаслиги, айрим ҳолларда уларнинг қўпол равишда бузилиши оқибатида келиб чиққан фалокатли ҳоллар амалиётдан маълум. Масалан, Орол денгизи ҳавзаси ва Орол бўйидаги носоғлом экологик вазият Марказий Осиё халқларига табиий, иқтисодий зарар етказмоқда. Бундай ҳолнинг юзага келиши табиий бойликлардан оқилона фойдаланмаслик, пахтачиликдаги якка ҳокимлик каби муносабатлар билан боғлиқ.

"Бизнинг муштарак бурчимиз ер юзини боболаримиз ва набираларимизга обод ва бахтиёр яшашлари учун муносиб қилиб қолдиришдир. Ўзбекистон энг оғир қийинчиликларга дуч келди. Ўрта Осиё минтақасининг сув ресурслари тугаш олдида. Оролнинг экологик ҳолати жаҳон миқёсидаги фожиа деб ташвиш билан эътироф этилмоқда", — дейди ҳаяжон ва ташвиш билан И. А. Каримов.

Шунинг учун ҳам бу борада ҳукуратимиз қатор тадбирларни белгилади: Оролни қутқариш учун Қорақалпоғистонда ва бутун Ўзбекистонда экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилган махсус давлат комиссияси тузилди; Қорақалпоғистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида экологик экспертиза ўтказиш бошқармаси ва унинг қошида илмий кенгаш фаолият кўрсатмоқда.

Табиатни муҳофаза қилувчи давлат ташкилотларидан ташқари, жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролар тегишли маблағини шу идораларга ўтказиш йўли билан бу хайрли ишларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Республикада ёзувчилар уюшмаси ҳузурида Оролни қутқариш бўйича жамоатчилик асосида ташкил қилинган қўмита мақтовга сазовор иш қилмоқда. Орол муаммоси фақат минтақавий фожиа бўлмаганлиги сабабли Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тузилмалари, "ЮНЕСКО" ҳам бу йўналишда махсус иш олиб бормоқда.

Булардан ташқари халқаро экология ва соғломлаштириш ташкилотининг Ўзбекистондаги "ЭКОСАН" бўлими ўз-ўзини бошқарувчи ҳукуратга дахлдор бўлмаган БМТ ва бошқа халқаро ҳужжатларга, жамоат бирлашмалари қонунларига риоя қилган ҳолда, ўз уставига асосланиб фаол иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳудудида "ЭКОСАН" жамиятининг бошланғич бўлимлари ташкил қилинмоқда. Бундан мақсад ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса ва жамоат бирлашмаларида табиатни муҳофаза қилиш ишини жадал суръатда ташкил қилишдан иборатдир.

Орол денгизи муаммоларини ҳал этишга қаратилган саъий ҳаракат ва тадбирларнинг ташаббускори И. А. Каримовнинг тутган ўрнини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бунда Марказий Осиё давлатларининг Орол муаммосига бағишланган 1993 йил январдаги Тошкент, Қизил Ўрда ва Нукус шаҳрида 1993 йил 26 мартда бўлиб ўтган давлат раҳбарларининг учрашувлари ва бошқа йирик анжуманларда дунё ҳамжамиятининг эътибори Орол фожиасига қаратилди. Орол ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан бири эканлиги таъкидланган мурожаатлар қабул қилинди. Шулар туфайли бу борада айрим ижобий силжишлар вужудга кела бошлади.

Табиатни муҳофаза қилишга ва табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш қонунларини ижро қилишга қаратилган тадбирларни фуқаролар, давлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари лозим даражада бажаришларига кўп нарсалар боғлиқ бўлиши билан бу ишга онгли муносабатда бўлишни тарбиялаш ҳам талаб этилади. Чунончи ёшларда табиатга меҳр уйғотувчи фильмлар яратиш, ўрта мактабларда ва олий ўқув юртларида экология муаммолари бўйича билимлар бериш, радио, телевидениеда чиқишлар (лекция, суҳбатлар) ўтказиш ўз самарасини бериши шубҳасиздир. Қонунда табиатни муҳофаза қилишга ўз ҳиссасини қўшган фуқароларни моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари ҳам ўз ифодасини топган.

Табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган Конституциявий мажбуриятини бажармаган шахсларни мулкий, маъмурий ва ҳаттоки жиноий жавобгарликка тортиш ҳам белгиланган.

Атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси муқаддас вазифаларидан бири бўлиб қолиши Парвардигор яратган бой табиатни, унинг ноз-неъматларини келажак авлодлар учун авайлаб-асраб етказиш ва уларни бундан баҳраманд қилиш ҳозирги авлоднинг Конституциявий бурчларидан бири бўлиб қолмоғи лозим.

Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

Амалдаги қонунларга кўра солиқ юридик шахслар ва фуқароларнинг давлатга тўлайдиган мажбурий тўловлардир.

Солиқнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузуми, давлатнинг табиати ва вазифаларига кўра белгиланади. Аҳолидан олинадиган солиқлар ва йиғимлар давлат бюджетининг жуда ҳам оз қисмини ташкил этади.

Республикамикда йиғиладиган бу солиқларни пировард натижаси фуқароларнинг ижтимоий эҳтиёжлари учун сарфланиши билан ҳам аҳамиятга моликдир.

Аҳолидан олинадиган солиқлар давлат қурилишининг турли даврларида ҳал қилинадиган масалаларга қараб ўзгариб борди. Ҳозирги кунларда қуйидаги солиқ турлари ва қонунлар амал қилади. "Ўзбекистон Республикасининг корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида"ги 1991 йил 15 февраль қонуни, "Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида"ги 1991 йил 15 февраль қонуни ва унга киритилган қатор ўзгартириш ва қўшимчалар билан ҳамда шу қонун асосида 1993 йил 21 майда қабул қилинган Низомда кўрсатилган қоидаларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Булардан ташқари "Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқлар тўғрисида"ги 1992 йил 9 декабрь қонуни ҳамда Молия вазирлиги ва Солиқ қўмитаси томонидан қабул қилинган бир қатор қўшма Низомлар ҳам фуқаролардан ундириладиган йиғимларга қаратилган. Чунончи, "Бир йўла тўланадиган тўлов йиғимларини ундириш тартиби тўғрисида"ги 1993 йил 1 февралдаги Низом, "Бошқа давлат даромадларини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби ҳақидаги" 1993 йил 28 июндаги Низом, "Давлат пошлинаси ҳақидаги" 1992 йил 9 декабрдаги қонун ва бошқалар орқали солиқлар ва йиғимлар ҳақидаги қоидалар тартибга солинади.

Фуқаролардан олинадиган даромад солигини тўловчилари қаторига Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлган ва эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар кирадилар. Солиқ тўлаш манбаи, фуқароларнинг ўз ҳудудида, шунингдек, Республика ташқарисида ҳам пул ёки натура тарзида олган даромадлари ҳисобланади.

Юқоридаги қонунга кўра фуқаролардан олинадиган даромад солиқларига қуйидагилар киреди:

Фуқаролар оладиган иш ҳақи тўловлари, мукофотлар ва бошқа даромадлардан; фуқароларнинг деҳқон хўжалигини юритишдан олган даромадларидан; ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан; Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидаги манбаларидан оладиган даромад солиқларидан иборатдир.

Солиқ ва йиғимларни ундириш қатор давлат идоралари томонидан амалга оширилади. Буларга Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, ўз-ўзини бошқарувчи идоралар киреди.

Бу идораларнинг асосий вазифалари солиқ ва носолиқ тўлов ва йиғимларни ўз вақтида ва тўғри ундиришни таъминлашга қаратилгандир.

Суд ва хўжалик судлари эса солиқларни тўлашга қонунга риоя қилган ҳолда тортилганлигини текширади.

Булардан ташқари фуқаролардан солиқларни суд орқали мажбурий ундириш тартиби, юридик шахслардан эса маъмурий тарзда ундириш тартиби ҳам белгиланган.

Солиқларни ўз вақтида тўламаган, ундан бўйин товлаган, даромадни яширган ва солиқ тўғрисидаги қонунларни бузган боқимандачи учун молиявий (пеня тўлаш, яширган ёки камайтириб кўрсатган даромадини ундириш), маъмурий (жарима тўлаш) ва қонунда кўрсатилган ҳолларда жиноий жавобгарлик ҳам белгиланган.

Қонун фуқароларга даромад солиқларини тўлаш имтиёзини бериш ёки батамом озод қилиш билан бир қаторда солиқ тўловчининг жавобгарлиги тўғрисида ҳам қоида белгиланган: солиқ тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун ҳар бир тўланмаган кун учун тўланмаган миқдорнинг 0,5 фоизи миқдорида пеня ундиришлик ва ҳ.к.

Боқимандачи белгиланган имтиёзлардан ҳам фойдаланиши мумкин, масалан, солиқ идоралари томонидан ўтказилган текшириш материаллари билан танишишга, уларнинг қарорлари устидан шикоят беришга ва қонунда кўрсатилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Шу билан бирга фуқаролар мансабдор шахсларнинг солиқни ундириб олиш чоғида йўл қўйган ҳаракатлари ва фармойишлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин. Бундай ҳолларда шикоят шу шахс бевосита бўйсунувчи идорага ёки қайси идоранинг фармойиши билан солиқ ундирилаётган бўлса, ўша идорага топширилиши ва шикоятларни кўриб чиқиш учун белгилаб қўйилган муддатда кўриб чиқилиши ва тегишли қарор қабул қилиниши қонунда ўз ифодасини топган.

Шикоят бўйича чиқарилган қарор устидан фуқаро бир ой муддат ичида юқори турувчи солиқ идорасига ёки туман (шаҳар) судига шикоят қилиши мумкин.

Демак, бундай туркумдаги ишларни судларда кўриб чиқиш учун фуқаролик-процессуал кодексининг 265—269-моддаларида белгиланганига мувофиқ фуқаролардан солиқлар ва йиғимларни ундириш тўғрисидаги ариза тегишли туман, шаҳар ҳокимликларининг молия бўлимлари ва ўз-ўзини бошқариш идоралари томонидан берилади.

Судга бундай аризанинг берилишидан аввал боқимандачи унинг зиммасида бўлган боқимандани уч кунлик муддат ичида тўлаши лозимлиги тўғрисида огоҳлантирилган бўлиши лозим.

Суд тартибида фуқаролардан солиқларни ундириш учун уларнинг мулки рўйхатга олинган ва бу тўғрида огоҳлантирилган бўлиши талаб қилинади.

Агар суд боқимандани ундириш тўғрисидаги талабларнинг қонунийлигини аниқласа, қарздор фуқаронинг хатланган ва қонун бўйича олиниши ва сотилиши мумкин бўлган мулкни олиш ҳақида, мулки бўлмаган ҳолда эса боқимандачининг бошқа шахслардаги пул суммасидан ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқаради.

Суд фуқародан солиқ бўйича қарзини ундириш тўғрисидаги талабнинг ноқонуний эканлигини аниқласа, талабнинг қаноатлантирилиши рад этилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни муносабати билан солиқ тизимига ҳам қатор ўзгартишлар киритилди. Амалдаги давлат ва маҳаллий солиқлар қайта кўриб чиқилди.

Солиқлар ичида энг кенг тарқалгани даромад солиғи бўлиб, у бюджетнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг ўтиш даврида солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган қатор ишларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролар ҳар хил турдаги солиқ ва йиғимларни олган даромадларига ҳамда ер участкаси, қурилиш, битимларни тузиш ва бошқаларга қараб тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг даромад солиғи тўғрисидаги қонунда белгиланишича, юқорида қайд қилинганидек, ундирилган солиқлар ва тўловлар фуқароларнинг эҳтиёжлари учун халқ таълимига, соғлиқни сақлашга, моддий ёрдам ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларига сарф қилинади. Булардан ташқари амалдаги солиқ тизими ногиронларни, болаларни, талабаларни, кўп фарзандлиларни ва фуқароларнинг бошқа тоифаларини ижтимоий ҳимоялаш учун қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимидаги қонунларни янгилаш билан боғлиқ бўлган жараён ўтиш даври билан боғлиқ бўлиб, ҳали бу соҳада қатор тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Бу Конституция ва қонунларда қўйилган вазифаларни янада муваффақиятли амалга оширишни таъминлайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида тадбиркорлик, ишбилармонлик, фермер хўжаликлари каби соҳалар ривожланиши туфайли улар оладиган даромадларининг ҳақиқий ҳолати асосида белгиланган солиқларини тўлаб бориши, фуқароларнинг ижтимоий ривожланишига, шу билан бирга унинг иқтисодий мустақиллигига ўзларининг ҳиссаларини қўшган бўлади.

52 - модда

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Бу ҳуқуқий меъёрнинг мазмунига биноан ҳар бир фуқаро Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, унинг қудратини ва обрў-эъти-

борини мустақамлаш учун барча чораларни кўриши лозимлиги қайд қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг "Мудофаа тўғрисида"ги 1992 йил 3 июль қонунида Ватаннинг ҳудудий яхлитлигини, мустақиллигини ҳимоя қилиш, Республика фуқароларининг Конституциявий бурчи эканлиги ифодаланган. Қонунда кўрсатилган вазифаларни мустақил республиканинг илк бор ташкил қилинган Мудофаа вазирлиги амалга оширади.

Республикамиз мудофаа асослари давлат мустақиллигини, ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган сиёсий-иқтисодий, ҳарбий ва ижтимоий-ҳуқуқий тадбирлардан иборатдир.

Ўзбекистоннинг мудофаа қудрати қуролли тажовузлардан ҳимояланиш мақсадида сақлаб турилади.

"Сизларга қарши урушувчилар билан Оллоҳ йўлида жанг қилингиз ва тажовузкор бўлмангиз! Шубҳасиз, Оллоҳ тажовузкорларни севмайди"¹.

Қуръони Каримнинг ушбу ояти мудофаа тўғрисидаги Қонунда ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, агар ўзи тажовуз объекти бўлиб қолмаган тақдирда, бирон-бир давлатга қарши жанговар ҳаракатларни биринчи бўлиб бошламаслик ҳақидаги қоида Республикамизни тинчлик-севар сиёсатидан далолат беради.

Фуқаролар ва мансабдор шахслар мудофаа тўғрисидаги қонунларни бажаришлари лозим, акс ҳолда, амалдаги қонунларга мувофиқ, жиноий, маъмурий, интизомий жавобгарликка тортишга сабабчи бўлишлари мумкин (Қонуннинг 17-моддаси).

Умумий ҳарбий мажбурият ва хизмат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июль қонунига асосан мамлакатни мудофаа қилиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи барча фуқароларнинг муқаддас бурчларидир.

Қонунда кўрсатилишича, умумий ҳарбий мажбуриятнинг мақсади Ўзбекистон фуқароларининг ўз мамлакатини қуролли ҳимоя қилиш учун мажбурий ҳарбий тайёргарликдан ўтишларидан ҳамда Республика Қуролли Куч-

1

Қуръони Карим. Бақара сураси, 190-оят.

ларини бутлаш ва захира тайёрлашни таъминлашдан иборатдир (2-модда).

Фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш чақирув участкаларида ўтказилади. Ҳарбий хизматга чақириш, уни ўташ, захирада хизмат қилиш, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя қилиш, умумий ҳарбий таълим бериш каби масалаларни амалга ошириш умумий ҳарбий мажбурий хизматнинг мазмунини ташкил қилади.

Умумий ҳарбий мажбурий ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунни бажариш Республика фуқаролари билан бир қаторда давлат бошқарувининг марказий идоралари, ҳокимликлар, жамоат бирлашмалари, ўқув юрталари, муассасалар, корхоналар, жамоа хўжаликлари, кооперативлар ҳамда (идоравий бўйсунувчи мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш шарт-шароитларидан қатъи назар) бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилган.

Қонунга кўра, айрим фуқаролар узрли сабаблари бўлган тақдирда, ҳарбий хизматга мажбур бўлмаган шахслар, деб топилиши мумкин. Тинчлик вақтида Ўзбекистон хотин-қизлари ихтиёрий равишда ҳарбий хизматга киришлари мумкин.

Фуқароларни умумий ҳарбий мажбурий хизмат ва ҳарбий хизмат ўртасидаги тафовутга эътибор бериш лозим.

Ҳарбий хизмат ўташ учун фуқаро Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ва бошқа ҳарбий тузилмаларда умумий ҳарбий мажбуриятларни бажариб бўлгандан кейингина тузилган битимга биноан хизмат қилишга ҳақли.

Фуқаролар ҳарбий хизматининг бу тури давлат хизматининг алоҳида турига киради.

Ўзбекистон Қуроли Кучлари ва бошқа қўшинлари фуқароларини умумий ҳарбий мажбурият асосида ҳарбий хизматга чақириш ҳамда фуқароларнинг битимга асосан ҳарбий хизматга кириши орқали тўлдирилади.

Қонунга кўра, тинчлик вақтида саломатлиги ҳарбий хизматга яроқли бўлган ва чақирув кунига 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқароси бўлмиш йигитлар муддатли ҳарбий хизматга чақириладилар.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши назарда тутилган фуқароларни қонунда кўрсатилган ҳолларда чақириш муддатини кечиктириш, ҳаттоки хизматга чақиришдан озод этиш масалаларини ҳам қонун назарда тутди (17-18-моддалар).

Қуйидаги ҳолларда тинчлик вақтида саломатлиги ёмонлашганлиги учун ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилади: 27 ёшга тўлгунга қадар муддатли ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилмаган бўлсалар; рўйхатдан ўтказилган диний идораларнинг бирида диний рутбага эга бўлган; туғишган ака-укалардан бири муддатли ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган чақирилувчилар муддатли ҳарбий хизматга чақирилишдан озод қилинадилар.

Битимга биноан ҳарбий хизматга қабул қилиш учун камида бир йил оддий аскарлар, сержантлар ва старшиналар таркибида хизматни ўтаган ҳамда ихтисоси бўйича тегишли ҳунар бўйича тайёргарликка эга бўлган ҳарбий хизматчилар аскарлик ва сержантлик лавозимидаги ҳарбий хизматга ихтиёрий равишда қабул қилинадилар. Бу ҳақда қонуннинг 20-моддасида батафсил маълумот берилган.

Булардан ташқари, фуқароларнинг ҳарбий хизматга чақирилганлиги ёки қабул қилинганлиги муносабати билан моддий таъминлаш; ҳарбий хизматни ўташ тартиби, ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегараси; ҳарбий хизмат муддатлари; ҳарбий хизматнинг бошланиши ва тугаши ҳақида ва бошқа масалалар ҳам ана шу қонунда ёритилган.

"Ватанни севмоқ иймондандир". Бу ҳикматли сўзлар ўзбеклар диёрида минг йилдан ортиқ вақт ичида ўзининг моҳиятини йўқотган эмас.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг аجدодлар анъаналарига содиқлиги Ватанни ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларида ҳам ва амалдаги қонунларида ҳам ўз ифодасини топган. "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилиш Республика ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчи эканлиги, агар фуқаро ҳарбий хизматдан бўйин товлаган тақдирда амалдаги қонунларга асосан жиноий жавобгарликка тортилиши ҳамда бу қонунни бузишда айбдор бўлган давлат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари мансабдор шахсларга нисбатан турли хилдаги жавобгарлик белгиланганлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида белгиланганидек, фуқаролар ҳарбий хизмат-

ни муқобил хизмат ўташ билан алмаштириш ҳуқуқига эгадирлар.

"Муқобил хизмат тўғрисида"ги 1992 йил 3 июль қонунида кўрсатилганидек, муқобил хизмат фуқаролар ўтайдиган давлат хизматининг алоҳида тури бўлиб, бу хизмат фуқаронинг корхоналар, муассасалар, халқ хўжалиги ташкилотларида, юқори малака талаб этилмайдиган (ёрдамчи) ишларни ёки ўз малакасига мос ишларни, шу жумладан фалокат, фожиа, табиий офат ва бошқа фавқулодда ҳолатларнинг оқибатларини бартараф этишга оид ишларни бажариш билан боғлиқдир.

Муқобил хизматнинг асосий вазифаларидан бири фуқароларни ҳарбий ишга ўргатишни ҳамда Қуролли Кучлар учун захирадаги жангчилар тайёрлашни кўзда тутати.

Муқобил хизматни 18 ёшдан 28 ёшгача бўлган ҳарбий ҳисобда турадиган, муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролар ўтайдилар.

Муқобил хизматни ўташ учун қонунда белгиланган талаблар мавжуд бўлган тақдирдагина фуқаро шундай ҳуқуқдан фойдалана олади, масалан, хизматга чақирилаётган шахсдан ташқари 16 ёшга тўлмаган тўрт ва ундан ортиқ болали оиладан бўлсалар, ёки ҳарбий хизматни ўташ даврида ногирон бўлиб қолган ота-онаси ёки ака-укаси (опа-сингиллари) бўлса ва ҳ. к. (3-модда).

Фуқароларни муқобил хизматга чақириш муддатли хизматга чақирилаётганлар учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар олган мажбуриятларга амал қилишлари лозим. Жумладан, хизматни белгиланган жойда ўташи, белгиланган тартиб, қоидаларга риоя қилишлари, шунингдек, меҳнат ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган қоидаларни бажаришлари; ҳарбий билимларни сабот билан эгаллашлари, ишлаб чиқариш топшириқларини ўз вақтида ва сифатли қилиб адо этишлари лозимдир.

Муқобил хизматдаги хизматчилар битимдаги мажбуриятларини бузганларида қонунларда белгиланган тарзда моддий, интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Демак, Ватанни севган мустақил Республиканинг ҳар бир фуқароси Қуролли Кучлар сафларида ҳарбий хизмат қилиши ўзининг фахрий ва муқаддас бурчи эканлигини,

унга хиёнат қилиш эса, энг оғир жиноят саналишини ҳамиша эътиборда тутиш лозим.

Ўлкамизда қадим замонлардан буён ёшу қари ҳар бир эркак ўзини юрт ҳимоячиси, деб билган. Ватан шон-шавкати ва мудофааси йўлида куч-ғайрати, ҳатто жонини ҳам аямаган. Она диёримизда бу анъана ҳозир ҳам изчил давом этмоқда, янгича руҳ ва мазмун билан бойиб бормоқда¹.

Ўзбекистонлик жангчилар ўзларининг Конституцион бурчларига Улуғ Ватан урушида фашизмга қарши кураш йилларида ҳам содиқ бўлиб қолган. Генерал Собир Раҳимов, жасур батальон командири гвардиячи майор Аҳмаджон Қурбонов, пулемёт оғзини кўкси билан тутган сержант Қудрат Суюнов сингари минглаб Ўзбекистонлик жангчилар жасорати бугунги кунда ҳам бизга ҳарбий бурчни адо этиш, Ватан ҳимоясига содиқлик намунаси бўлиб хизмат қилмоқда.

ЖАМИЯТ ВА ШАХС

XII б о б

ЖАМИЯТНИНГ ИҚТИСОДИЙ
НЕГИЗЛАРИ

53-модда

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Иқтисодий негиз деганда давлат иқтисодий ҳаётининг тузуми асосини қамраб олиб, тузум мавжуд бўлган мулк шаклларининг характерини, ижтимоий йўналишга қаратилган ишлаб чиқариш мақсадини, ижтимоий маҳсулотнинг адолатли тақсимооти тамойилини ва халқ хўжалигини бошқариш асосларини белгилаб берадиган мулккий муносабатлар тушунилади.

Иқтисодий ҳаётнинг асосини ташкил этувчи мулк — ишлаб чиқариш воситаларини ва меҳнатнинг барча маҳсулотларини ўзлаштириш жиҳатидан кишилар ўртасидаги муносабатлардир. Бу муносабатлар синфлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ишлаб чиқариш негизида тутган ўрнини, моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш усулини характерлайди. Мулккий муносабатлар ашёвий (мулккий) муносабатлар тарзида юридик жиҳатдан бошқарилгач ёки расмийлаштирилган ҳолатдан кейин улар мулк ҳуқуқи формасини олади ва бу эса мулкдорга ўз мулкидан ўз хоҳишига

кўра эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ваколатини беради.

Мулкий муносабатлар жамият базасини ташкил қилувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг асосий қисмини ташкил этиб, муайян типдаги ишлаб чиқариш муносабатларининг характери ва синфий моҳияти ҳақида умумлашган тасаввур беради.

Ўзбекистон Республикасидаги мулкчилик шаклларида бири хусусий мулк ҳуқуқидир, яъни мулк эгасининг ишлаб чиқаришда бевосита қатнашишлигини ёки ёлланма меҳнатни қўллашликни тақозо этувчи субъектларнинг, яъни фуқаролар, хўжалик жамоаси ва ширкатлар, ижара ва жамоа корхоналари, ижтимоий бирлашмалар ва диний ташкилотлар, хайрия ва бошқа ижтимоий фондлар (юримдик шахсларнинг) мулкидир.

Унинг мазмунини фуқароларнинг, юридик шахсларнинг қонунда белгиланган доирада ўз мулкларига хусусий эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий негизининг яна бир қисмини оилавий мулкдан, маҳалла мулкидан, кооперативлар, ижара, жамоа корхоналарининг мулкидан, жамоа ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг, турли хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, ассоциациялар ва юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган бошқа бирлашмаларнинг мулкларидан ширкат (жамоа) мулки сифатида фойдаланиш ташкил этади.

Мулк шаклларининг асосий турларидан бирини Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки таркибига кирадиган маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулки (коммунал мулк)ни бошқариш, эгаллаш, фойдаланиш ва уни тасарруф этишликни халқ (маъмурий-ҳудудий тузилма аҳолиси) номидан тегишли халқ депутатлари Кенгашлари ва улар ваколат берган давлат бошқаруви идоралари амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳиссалар қўшиш асосида давлатлараро мулклар вужудга келса, бундай ҳолатда тарафлар ўзаро келишувга мувофиқ бу мулкларни бошқарадилар ва тасарруф этадилар.

Хўжалик юритувчи субъектлар ёки мулкдорлар ўз моддий ашёларини ҳамда пул маблағларини бирлаштириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлар,

ҳамда турли юридик шахслар ўртасида аралаш мулк ҳуқуқини ташкил этишлиги мумкин.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида ўз ҳудудида ёки бошқа давлатлар ҳудудида, давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар юридик ва жисмоний шахсларининг мулкни ҳам вужудга келтириб, уларнинг, яъни барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан тенг муҳофаза этилишини ҳам кафолатлайди.

Ижтимоий йўналишга қаратилган барча мавжуд бўлган мулк шакллари бир типдаги мулк шаклларида иборат бўлиб, уларнинг асосий мақсад ва вазифалари фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг моддий ва маънавий талаб, эҳтиёжларини тобора кўпроқ, тўлиқ қондириб боришликни ҳуқуқий асосда амалга ошириш ҳамда уларнинг иқтисодий фаолиятини, тадбиркорлик ва меҳнат қилишнинг давлат томонидан кафолатланган эркинлигини, мустақиллигини, ижодий фаоллигини таъминлашдан иборатдир.

Ҳар қандай ташкилот, корхона ва муассасалар, фуқаролар, шунингдек барча ҳуқуқ субъектлари, давлат ижтимоий-сиёсий ташкилотлари қонун олдида баробардир. Ҳамма мулк шакллари, шунингдек хусусий мулк эгалари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар Конституцион асосда ўз фаолиятларини амалга оширишда бир-бирлари билан тенгдирлар. Уларнинг ҳуқуқларини бузган ва чегаралаган шахслар қонун олдида тенг жавобгардирлар. Улар фақат қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина мулкдан маҳрум этилишлари мумкин.

Имтиёзлар фақат қонунлар билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат қоидаларига мос бўлишлиги шарт.

54 - модда

Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Мулк ҳуқуқининг эгаси (субъекти) — мулкдор ўзига тааллуқли мулкдан ўз хоҳишича, ихтиёрича фойдаланади, уни

эгаллайди ва уни тасарруф этади, мулкӣ ва мулкӣ характерга эга бўлмаган шахсий ҳуқуқларга эга бўлади.

Тўла хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи асосида ўз фаолиятларини амалга оширувчи субъектлар ўзларига бириктирилган мулклардан мулкдорнинг розилиги асосида, унинг кўрсатмаларига биноан фойдаланадилар ва уларни тасарруф қиладилар. Мулкдор ўзи томонидан берилган мулкларни қонунга мувофиқ қайтариб олиши ёки ўзи ташкил қилган юридик шахслар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

Ҳар бир мулкдор мазкур мол-мулкни мулк қилиб эгаллаб олганидан кейин, уни ўз хоҳишича тасарруф этишга — сотишга, васият қилиб қолдиришга, ҳадя этишга, ижарага беришга, ундангаров сифатида фойдаланишга ва унга доир қонунларга зид бўлмаган битимларни тузишга ҳақлидир.

Мулкдан фойдаланиш — ундан мақсадга мувофиқ, мулкнинг тайинланишига қараб, қонун талабларига мувофиқ ўз устав (низом)ларида кўрсатилганидек, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда юридик шахсларнинг мақсадларига хилоф равишда келишувларга йўл қўймаслик асосида амалга оширилиши лозим.

55 - модда

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикасининг мутлақ мулки ҳисобланган бу муносабатлар республикамизнинг Конституциясидан ташқари, мулкчилик, ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини, табиатни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонунлари билан, бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Табиий ресурслардан фойдаланиш учун ҳақ белгилаш ва табиатни муҳофаза қилиш ваколатлари давлатимиз Олий Мажлиси ваколатига киритилган.

Фуқаролар, юридик шахслар, ҳуқуқ субъектлари табиатдан ва табиий ресурслардан фойдаланишни атроф

табiiй муҳитни сақлаш, табiiй ресурслардан белгиланган тегишли нормативлар доирасида амалга оширишлари лозим.

Ҳар бир ташкилот, корхона ва муассасалар, фуқаролар, юридик шахслар ўз мулкларидан оқилона фойдаланишлари, табiiй муҳит шароитларини сақлаш, табiiй ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланишни амалга оширишни таъминлашлари лозим.

XIII боб

ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ

56-модда

Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисод, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, фондлар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари ҳисобланади.

Тижорат мақсадларини кўзлайдиган ёки бошқа корхоналар ва ташкилотлар фойда (даромад) ундириб олишига кўмаклашадиган кооператив, диний ташкилотлар, ҳудудий жамоанинг ўз-ўзини бошқариш идоралари (микрорайонлар кенгашлари ва қўмиталарига, маҳалла, уй, кўча, квартал, посёлка, қишлоқ қўмиталари ва бошқа ташкилотлар),

халқ дружиналари, ўртоқлик судлари ва бошқалар жамоат бирлашмалари ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби 1991 йил 15 февралда қабул қилинган "Ўзбекистонда жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонунда ва 1993 йил 21 мартда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг № 132 қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиш Қоидалари"да белгиланган.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатувчи халқаро, давлатлараро жамоат ташкилотларининг республика бўғинларининг, шунингдек республика, вилоятлараро жамоат бирлашмаларининг уставлари Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Қорақалпоғистонда жамоат бирлашмаларининг уставини рўйхатга олиш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Вилоят, туман, шаҳар, посёлка, қишлоқ, маҳалла ҳудудида ёки икки ва ундан ортиқ туман, шаҳар, посёлка, қишлоқ, маҳалла ҳудудларида ҳаракат қилувчи жамоат бирлашмаларининг уставлари халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашларининг адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олиш учун устав қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида мазкур жамоат бирлашмаси раҳбар идораси аъзолари томонидан имзоланган ва шу аъзолар ҳар бирининг фамилияси, отасининг исми, туғилган йили, истиқомат жойи кўрсатилган ариза топширилади. Аризага устав, уставни қабул қилган таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилиш протоколи, жамоат бирлашмасини тузиш ташаббускорларининг рўйхати ва жамоат бирлашмаси қайси ҳудудда фаолият кўрсатувчи жамоат бирлашмаси эканлигини тасдиқловчи материалларни илова қилади.

Уставни рўйхатга олиш ҳақидаги ариза у топширилган кундан бошлаб икки ой муддатда кўриб чиқилади.

Жамоат бирлашмалари уставларига киритилган ўзгартишлар, қўшимчалар ҳам уставларни рўйхатга олиш тартиби ва муддатларига мувофиқ рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмаси ёки унинг ташкилотлари (идоралари) уларнинг уставлари рўйхатга олинган кундан бошлаб, жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунда белгиланган тартибда ўз фаолиятини амалга оширадилар ва фуқаролик қонунларига мувофиқ юридик шахс деб тан олинади.

Ушбу моддада белгиланган конституциявий қоидадан келиб чиқадики, агар халқаро, давлатлараро жамоат бирлашмаларининг (шу жумладан оммавий ҳаракатларнинг) ва уларнинг тармоқ бўлинмаларининг филиаллари, шунингдек республика ва маҳаллий жамоат бирлашмалари (шу жумладан оммавий ҳаракатлари) Ўзбекистон Адлия вазирлигида ва унинг маҳаллий идораларида ўз уставларини рўйхатдан ўтказмаган бўлсалар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатишларига йўл қўйилмайди.

57-модда

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

Жамоат бирлашмалари қўйидаги мақсадларда тузилади:

— фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш;

— фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш;

— касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш;

— илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш;

— аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш;

— маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш;

— табиатни, тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш;

— ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси;

— республикалараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустақамлаш. Фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларни бузиш, конституциявий тузумни ғайриқонуний ўзгартириш ёки Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ҳудуди бирлигини бузиш, уруш, зўравонлик ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашни, синфий, ирқий, диний миллий адоватни авж олдириш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларини тузиш тақиқланади.

Қарбийлаштирилган жамоат бирлашмалари ва қуролли тузилмалар, шунингдек диний характердаги партиялар, уларнинг филиалларини ва бошқа ташкилий бўлимларини ташкил этиш ман этилади.

Аҳолининг саломатлиги ва ахлоқига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилувчи жамоат бирлашмаларини тузиш ва уларнинг фаолияти жинсий қонунларда таъқиб қилинади.

58-модда

Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишга, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида қонунга мувофиқ рўйхатга олинган ва фаолияти қонуний бўлган жамоат бирлашмалари ҳуқуқларини ва манфаатларини мулкӣ зарарлардан, жинсий тажовузлардан ҳимоя қилади.

Фуқаролик ва жиноий қонунлар мажмуаларида жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи қоидалар мустаҳкамланган. Давлат органлари ва мансабдор шахслар учун бу қоидалар мажбурийдир.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ жамоат бирлашмалари ва уларнинг идоралари томонидан қонуний ва демократик йўл билан шакллантирилган ҳокимият ва бошқарув идоралари ғайридемократик йўл билан ўзгартирилиши тақиқланади. Қонуний равишда амал қилиб турган жамоат бирлашмаларининг ҳокимият ва идора органлари фаолиятига қонунда кўзда тутилмаган ҳолда аралашиб, тўсқинлик қилиш ман этилади.

59 - модда

Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

Касаба уюшмалари Ўзбекистон фуқароларининг Конституция ва бошқа жорий қонунларда белгиланган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилади.

Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари, дам олиш ҳуқуқлари, соғлиқни сақлаш, уй-жой ва турмуш даражаларини яхшилаш, ҳимоя қилиш соҳасида кенг ҳуқуқларга эга.

Ўзбекистонда касаба уюшмалари фаолиятига жиддий эътибор берилади, касаба уюшмалари санаторий ва курортлар тизимига эга, уларга йўлланмаларни тақсимлайди, уй-жойларни тақсимлайди, меҳнат қонунларини бажарилишини назорат қиладди, меҳнат низоларини кўриб ҳал қилувчи энг муҳим органлардан бири ҳисобланади.

60 - модда

Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган

органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар.

Сиёсий партиялар ўз аъзоларини сиёсий иродасини ифодалаб, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда иштирок этувчи, шунингдек ҳокимият органларига қонуний тарзда сайланган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишни мақсад қилиб қўювчи жамоат бирлашмасидир. Сиёсий партия сифатида рўйхатдан ўтиш учун 3 минг аъзо бўлиши талаб қилинади.

Сиёсий партияларнинг дастурий ҳужжатлари бўлади, улар жамоатчилик эътибори учун матбуотда эълон этилади.

Сиёсий партиялар жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунга мувофиқ давлат олий ва маҳаллий ҳокимият органларига номзодлар кўрсатиш, сайлов олди ташвиқотларини олиб бориш, тегишли ҳокимият органларида ўз аъзолари ва тарафдорлари бўлган депутатлар гуруҳларини тузиш ҳуқуқларига эга.

Сиёсий партиялар жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонуннинг 18-моддасига кўра диний ташкилотлардан, шунингдек чет давлатлар, ташкилотлар ва ажнабий фуқаролардан молиявий ва ўзга ёрдам олиш ҳуқуқига эга эмас.

Сиёсий партиялар ўз бюджетларини омманинг эътибори учун ҳар йили эълон қилиши зарур.

Сиёсий партиялар фуқаролик қонунларида белгиланган юридик шахс ҳисобланади ва барча мулкӣ ва шахсий ҳуқуқларга эгадир.

Сиёсий партиялар ўз фаолиятини молиявий таъминлаш бўйича Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисобот бериб туради.

61 - модда

Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

1991 йилнинг июнь ойида "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" Қонун қабул қилиниши давлат ва дин муносабатларида муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон тарихида биринчи марта фуқароларнинг динга ўз муносабат-

ларини, шунга мувофиқ равишда эътиқодини эркин белгилаш ва ифодалаш, динга ҳеч қандай тўсқинликсиз амал қилиш ва диний маросимларни бажариш ҳуқуқларини кафолатлайдиган қонун қабул қилинди. Қонун адолат ва тенглик, фуқароларнинг қайси динга мансублигидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатидир, қонун диний ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Қонунга мувофиқ фуқаролар динга ўз муносабатини белгилашида диний маросимларга амал қилиш ёки улардан бош тортишга, ибодат, диний урф-одатлар ва маросимлар, динни ўргатишда иштирок этиши ёки этмаслигига ҳеч қандай мажбурлашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари динга муносабатларидан қатъи назар қонун олдида баробардирлар.

Хуллас, Қонунда фуқароларга катта ҳуқуқлар берилган. Бироқ, қонун диндорлар зиммасига муайян вазифаларни ҳам юклайди. Диний ташкилотлар қонунларга ва ҳуқуқ-тартиботларга риоя қилишга мажбурдирлар. Давлатга, Конституцияга қарши тарғибот қилиш учун, душманлик, нафрат, миллатлараро нифоқ туғдириш учун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига ва Конституциясига қарши қаратилган ўзга ҳаракатларни содир этиш учун диндан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Қонуний ва демократик йўл билан тузилган ҳокимият ва бошқарув органларига, ҳокимлик раҳбарларига демократияга зид куч билан тазйиқ ўтказиш тақиқлаб қўйилган. Демократик йўл билан ҳал қилиш баҳонасида ҳокимият ва бошқарувнинг қонунга мувофиқ иш олиб бораётган идораларига ва мансабдор шахсларга тазйиқ ўтказишга ҳар қандай уринишлар қонунга мувофиқ жазоланади.

Давлат турли динларга мансуб бўлган ва ўзини диндор деб ҳисобламайдиган фуқаролар ўртасида, турли эътиқоддаги ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва сабр-бардош муносабатлари ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўта мутаассибликка, экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга қаратилган ҳаракатларга, турли динлар ва мазҳаблар ўртасида душманликни келтириб чиқаришга йўл қўймайди.

"Биз умумбашарий қадриятлар ва ахлоқни қарор топтириш ишида шубҳасиз диний ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантиришимиз лозим, — деб таъкид-

лайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов.— Шу билан бир вақтда афкор оммада биз маданиятда диннинг аҳамиятини тан олиб, маънавий тикланишни фақат динни тиклашдан иборат қилиб қўймасликни тушуниб етишни тарбиялашимиз лозим. Маданият ва санъатда чинакам инқилоб бўлмаса, кенг омма, айниқса, ёшлар адабиёт, санъат, меъморлик ва муסיқа олампидан баҳраманд бўлмаса, миллат ҳам маънавий жиҳатдан чинакам тикланмайди".

Республика Президентининг фармони билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Диний ишлар комитетининг тузилиши, республика раҳбарияти диний ташкилотларга, янги шароитда давлат билан диний ташкилотлар муносабатларини такомиллаштириш жараёнларига катта эътибор бераётганлигининг ёрқин далилидир. Комитет давлат сиёсатида белгиланган тартибда Адлия вазирлигининг тегишли идоралари томонидан рўйхатга олинган барча диний ташкилотларнинг манфаатларини ҳимоя қилади, республика вилоятлари, шаҳарлари ва районлари ҳокимлари билан биргаликда барча диний масалаларни ҳал қилишда ягона давлат сиёсатини ўтказди.

Ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Республиканинг бир қанча жойларида баъзан дин хусусида баҳсли масалалар туғилганда, улар хотиржам, амалий вазиятда ҳал қилинаёпти. Бироқ диндорлар мутлақ кўпчилигининг фикрича, баъзи диндорларнинг Ислом негизида сиёсий партия ташкил этишга уринишлари, дин баҳонаси билан жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига аралаштишга, унга таъсир ўтказишга йўл қўйиш мумкин эмас. "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддаси халқнинг бу талабини аниқ ифодалайди: "Ўзбекистон Республикасида диний тусдаги бирор партиясининг, шунингдек, республикадан ташқарида тузиладиган диний партиясининг филиаллари, бўлимлари ва бўлинмаларининг тузилишига ва фаолиятига йўл қўйилмайди".

Республика раҳбарияти ва диний ташкилотлар сиёсий тусдаги Ислом партиясини тузишга уринишларни қатъий қоралайди. Бундай партия тузишга уриниш масжидларда, имомларнинг ваъзларида қораланди. Диний ташкилотлар раҳбарлари радио ва телевидение орқали айтган гапларида ва матбуотда бундай партия тузишни яқдиллик билан қораладилар. Ўзбекистон ва айрим Ўрта Осиё республи-

калари матбуотида мутахассис олимларнинг бир қанча мақолалари босилиб чиқди. Бу мақолаларда бундай ури-нишларнинг диний ва сиёсий жиҳатдан номақбуллиги ва зарарлиги кўрсатиб берилган. Ҳақиқатдан ҳам диний тусдаги турли сиёсий партияларнинг тузилиши Ислом дини руҳига мос келмайди ва сўзсиз равишда жамият аъзоларининг парокандалигига ва мухолифлигига олиб боради. Қуръони Карим ва бошқа муқаддас китобларда бу ҳақда огоҳлантирилган.

Жазоирда, Тожикистонда ва бошқа баъзи бир давлатларда Ислом партияларининг тузилгани қандай ачинарли воқеаларга сабаб бўлганига бутун дунё шоҳиддир. Диний тусдаги партия тузиш тарафдорлари учун бу катта сабоқ бўлмоғи керак.

Ислом жамоасининг энг муҳим муаммоларидан бири икки оқим — Ҳанафийлар ва Ваҳҳобийлар деб аталмиш гуруҳлар ўртасидаги келишмовчиликдан иборат. Улар ўртасидаги зиддият жамоатчиликни жиддий ташвишга солмоқда. Чунки бу зиддият фақат диний мунозаралардан иборат бўлиб қолмай, баъзан жуда ўткир тус олмоқда ва ижтимоий-сиёсий вазиятни кескинлаштириб, номақбул қарама-қаршиликни келтириб чиқариши мумкин. Бизнингча, муаммони ҳал қилишнинг бирдан-бир тўғри йўли диний таълимотлар доирасида баҳс ўтказиб, ҳар икки томонга маъқул бўладиган умумий қарорни қабул қилишдан иборат. Асосий вазифаларимиздан бири узоқ йиллар амал қилганимиз ҳужумкор сохта худосизликдан воз кечишдир. Бундай даҳрийлик масаласи моҳиятини тушунмай, динни рад этади. Ҳозирги шароитда ҳар биримиз дин тарихини билишимиз, уни идрок этиб, ҳар бир дин замиридаги умумбашарий қадриятларни чуқур ўрганишимиз ва шу асосда ўз диний қарашимизни ва умуман, дунёқарашимизни белгилаб олишимиз лозим.

Диндорлар ва руҳонийлар барча фуқаролар каби Ўзбекистонда ҳуқуқий дунёвий давлат барпо этилишини қўллаб-қувватламоқдалар. Маълумки, ҳуқуқий давлат тушунчаси биринчи навбатда ҳар қандай соҳада, шу жумладан, виждон эркинлиги соҳасида қонуннинг сўзсиз равишда устувор бўлишини кўзда тутати. Ўзбекистон халқи динни ахлоқийлик ва фидойилик, меҳнатсеварлик, фуқаролар масъулияти ва меҳр-шафқати манбаи деб билади. Диннинг, энг аввало Ислом динининг асосий қоидалари — тинчлик, тотувлик, адолат, яхшилик, оли-

жаноблик каби фазилатларни жамиятнинг барча табақалари томонидан қабул қилинаётганилиги шак-шубҳасиздир. Мухолафат Ислом руҳига мос келмайди. Шунга асосланиб, соғлом фикр юритувчи барча кишилар, айниқса, дин арбоблари жамиятни турли гуруҳларга ажратадиган ҳаракатларни қўллаб-қувватламайдилар, деб қатъий айтиш мумкин. Ўзбекистон каби кўп миллатли давлат миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, ўзининг барча фуқаролари куч-ғайратини бирлаштирган тақдирдагина ҳар томонлама тўла мустақил давлат бўла олади.

Республикамиз дин арбоблари, диндорлар ва руҳонийлар миллатлараро муносабатларга тотувлик руҳини сингдиришлари лозим ва МДХ нинг айрим минтақаларида бўлаётгани каби жангариларнинг, мутаассибларнинг номақбул дунёвий мақсадлар йўлида диндан фойдаланишларига қарши туриш лозим, деб ҳисобламоқдалар.

62 - модда

Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш учун асослар "Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги" қонуннинг 21,22-моддаларида белгиланган.

"Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги" 1991 йил 15 февраль Қонуни талабларини бузиш амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий, моддий ёки бошқа жавобгарликларга асос бўлади.

Жамоат бирлашмалари, шу жумладан ўз уставини рўйхатдан ўтказмаган жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунни бузган тақдирда қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Жамоат бирлашмаси унинг уставида белгилаб қўйилган мақсад ва вазифалар доирасидан четга чиқадиган ёки қонунни бузадиган хатти-ҳаракатларни содир этган тақдирда ана шу жамоат бирлашмасининг раҳбар идораси жамоат бирлашмасини рўйхатга олган идора ва прокурор томонидан огоҳлантирилиши мумкин.

Жамоат бирлашмаси "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги қонун 3-моддасининг 2,3,4-бандларида кўрсатилган хатти-ҳаракатларни содир этган тақдирда суд қарорига биноан тугатилиши мумкин.

Жамоат бирлашмаси жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонуннинг 21-моддаси 4-қисмида кўзда тутилган ҳаракатларни бир йил мобайнида такроран содир этганлиги учун суд уни тугатиши мумкин.

Суд қарори билан тугатилган жамоат бирлашмасининг мол-мулклари қайтариб бермаслик тартиби билан давлат мулкига айлантирилиши мумкин.

Халқаро жамоат бирлашмалари, давлатлараро жамоат бирлашмаларининг бўлимлари, вилоятлараро жамоат бирлашмаларининг фаолияти Республика Бош прокурори, Ўзбекистон Адлия вазирлиги тақдимига мувофиқ Ўзбекистон Олий Суди қарори билан тўхтатилиши мумкин.

Олий Суд қарори устидан шикоят қилинмайди.

Маҳаллий жамоат бирлашмалари тегишли вилоят, Тошкент шаҳар, туман судлари томонидан тугатилади. Бундай қарор юзасидан Республика Олий Судига шикоят қилиш мумкин.

XIV боб

ОИЛА

63-модда

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Оила жамиятнинг бир бўлаги, унинг бош бўғинини ташкил этади. У жамиятнинг узвий қисми бўлиб, қанча мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунча мустаҳкам бўлади.

Оила айна вақтда жамиятнинг ўзига хос ижтимоий муассасасидир. Оиланинг бу хусусияти аввало унинг жамият манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигида ҳамда ижтимоий вазифаларида яққол акс этади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов бозор ислоҳотлари аҳолининг оилавий хусусиятларини

ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш билан бирга ўтказилиши керак деб ҳисоблайди.

Ўзбекистонда 3,5 миллион оила мавжуд. Ҳар йили 234 минг ёш оила вужудга келиб, 710 минг бола туғилади. Республикада ўрта оила сафини 5,6 одам ташкил этади.

Ҳозирги ўзбек оиласининг ўзига хос хусусиятларидан бири оиланинг кўп болали бўлишидир.

Бизда кўп болали оилаларнинг сони бошқа минтақаларга нисбатан анча кўп. Шунинг учун бизда аҳолининг кўп қисмини болалар ва ёшлар ташкил этади. Россияда бир оилада 2—3 киши яшаса, бизда 5—7 киши яшайди. Республикада жами оилаларнинг 12 фоиздан кўпроғи беш ва ундан ортиқ болали хонадонлардир. Қишлоқ жойларда бу кўрсаткич 20 фоизни ташкил этади.

Жамият томонидан оила муҳофаза қилинади дейилганда биз Республикада мавжуд бўлган жамиятлар ва жамғармалар томонидан оилага ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам беришларини тушунамиз. Бу қоида мустақил Республиканинг Конституциясида белгиланган янги қоидадир. Бундай жамиятлар туркумига қуйидагилар киради: "Болалар", "Маҳалла", "Наврўз", "Экосан", "Орол", Шароф Рашидов номидаги жамғарма, Қизил Ярим ой жамияти ва бошқалар. Давлат томонидан оилага кун сайин ғамхўрлик қилиш унга ҳар тарафлама моддий ёрдам бериш инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир. Оиланинг давлат муҳофазасида эканлиги Республикамиз Президентининг фармонларида ўз аксини топмоқда. Президентнинг биринчи Фармони 1990 йил 3 майда қабул қилинган бўлиб, "Кўп болали оилаларга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида" деб номланган. ●

Унда кўп болали оналарнинг моддий аҳволини, ёш авлоднинг ўсиш шароитларини яхшилаш мақсадида оналарга тўланадиган ойлик нафақа икки мартага кўпайтирилди. Мазкур Фармон ўзбек халқининг болажонлик табиатини кўрсатади. Фақат кейинги вақтларда Республика Президентининг никоҳга ва оилага алоқадор бир қатор фармонлари қабул қилинди. Шулар жумласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июль Фармони¹ кўра бозор муносабатлари шаклланётган шароитда болали

¹ "Халқ сўзи", 1994 йил 18 июль.

оналарга давлат йўли билан ёрдам берилишини кучайтириш, ёш авлодни тарбиялаш муаммоларини ҳал этишда ижтимоий кафолатларни таъминлаш ва болаларни ҳар томонлама камол топтириш мақсадида 1994 йил 1 сентябрдан бошлаб болали оналарни давлат ижтимоий ёрдамнинг амалдаги тизими ўрнига нафақа турларидан иборат ягона тизим жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан 1994 йилнинг 1 октябридан¹ аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашнинг бутунлай янги тури, кам таъминланган оилаларга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам жорий этилди.

Кейинги йилларда 2,5 миллион оила биринчи марта ер участкалари олдилар ва ўз ер участкаларини кенгайттирдилар. Томорқа участкаларининг ўртача ҳажми 20 сотихдан ошди. Шахсий томорқалар ҳажмини янада кенгайтириш ва уларни 0,25 гектарга етказиш назарда тутилмоқда.

Оила иши бу оила аъзоларининг шахсий иши деб уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмас. Айниқса, бозор механизмларини жорий этишдан олдин серфарзанд, кам таъминланган оилаларни, болалар, болали ёлғиз аёлларга давлат ва жамоат ёрдамини кўрсатиш лозим.

Умуман оила иши бу жамоат ва давлат иши ҳамдир.

Никоҳ оила вужудга келишлигининг бирдан-бир асосидир.

Никоҳ, эркак ва аёл ўртасидаги ихтиёрий розилик ва тенгликка асосланиб тузилган эркин иттифоқ бўлиб, унинг мақсади оила қуриш, болаларни умуминсоний қадриятлар ва анъаналар асосида тарбиялашдан иборат.

Никоҳ тузишнинг муҳим шартларидан бири — никоҳланувчиларнинг ўзаро розилигидир. Никоҳни ўзаро розилик асосида тузиш шарти уни эркин ва тенглик принципи асосида вужудга келишини таъминлаш билан бирга оила барқарор ва мустаҳкам бўлишини ҳам таъминлайди.

Никоҳ эркин тузилиши учун берилган розилик ҳақиқий бўлиши, у қўрқитиш, зўрлик, алдаш ёки никоҳланувчиларнинг бири ёхуд ҳар иккисига руҳан таъсир қилмасдан олинган бўлиши шарт.

Никоҳга киришда ўзаро розилик шартининг бузилиши фақат никоҳни ҳақиқий эмас деб танишгагина эмас, балки бошқа ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. ●

¹

"Халқ сўзи", 1994 йил 25 август.

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради.

Ота-оналарнинг ўз фарзандларини 18 ёшга етгунга қадар моддий таъминлаш ва тарбиялаш мажбурияти бу уларнинг болалар ва жамият олдидаги мажбуриятларидир.

Ота-оналар ўзларининг вояга етмаган фарзандларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

Ота-она вояга етмаган болаларига, шунингдек вояга етган бўлсада, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот беришга мажбурдирлар.

"Боқиш" дейилганда асосан еб-ичиш тушунилади. "Моддий таъминот" эса ўз ичига еб-ичишдан ташқари бўладиган харажатлар: кийим-кечак, яшаш учун уй-жой, иқтисодий маънодаги кенг тушунчаларни қамраб олади. Амалдаги қонунлар болалар билан бўлган ҳуқуқий муносабатларда ота ёки онанинг устунлик ҳуқуқини билмайди.

Ота-оналар ўз фарзандларини умуминсоний қадриятлар ва анъаналар асосида тарбиялашлари лозим.

Ўзбекларда болалар ота-оналарининг кўз ўнгида ҳамма вақт тарбияга муҳтож бўлиб кўринадилар. Шунинг учун улар болалари тўла муомала лаёқатига етганларидан сўнгра ҳам маънавий тарбияни давом эттиравердилар.

Мамалакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра Ўзбекистон Республикасининг "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилди.¹ Бу орден таъсис этилиши юртимизнинг келажаги соғлом авлодга мужассамлашувининг яна бир ёрқин далилидир. Бу Ўзбекистон Республикасининг олий мукофотларидан бири бўлиб, жаҳон тажрибасида бундай орден бўлмаган.

Бизнинг жамиятда етим-есирларнинг бошпана, озиқ-овқат, уст-бош билан таъминлаб уларнинг тарбиясини йўлга қўйиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ишларни давлат ўз зиммасига олади. Республикада 42 та болалар

1

"Халқ сўзи", 1993 йил 5 март.

уйлари бор. Уларда 5 мингга яқин болалар таълим олмоқда. Етимларни асраб олаётган оилаларга давлат ва жамият ғамхўрлигини кучайтиришимиз лозим.

Айрим объектив сабабларга кўра бола ота-онасидан тарбия олиш имконияти бўлмаса, у ҳолда унга оилавий тарбия фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик белгилаш йўллари билан ҳам берилиши мумкин. Агар 1990 йили 7 минг 458 бола фарзандликка олинган бўлса, 1991 йили эса 9.085 бола фарзандликка олинди. Фақат вояга етмаган болаларни ва уларнинг манфаатларини кўзлабгина фарзандликка олишга йўл қўйилади.

1992 йили Собир Раҳимов тумани бўйича ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларнинг 80 фоизидан ортиғи оила тарбиясига топширилди.

Ўзбекистон болалар жамғармасида 1992 йил хайрия дастурини амалга ошириш учун жамғарма ва унинг бўлимлари томонидан жами 4 272 500 сўм сарфланди. Наманган, Жиззах, Бухоро бўлимларида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Бу жойларда жамоатчилик билан ишлаш, хайрия мақсадлари учун маблағ тўплаш борасида янги-янги иш усулларида фойдаланилмоқда. Бухоро вилояти бўлими ходимлари соғлиқни сақлаш ташкилотлари билан ҳамкорликда болалардаги юқумли касалликларнинг олдини олиш учун хайрли ишларни амалга оширмоқда.

65 - модда

Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Фарзандларнинг насл-насаби ва фуқаролик ҳолати амалдаги Ўзбекистон Республикасининг никоҳ ва оила кодекси ҳамда 1992 йил 2 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида¹ги қонунининг тегишли моддалари билан тартибга солинади.

¹

Ўзбекистон Республикаси: қонун ва фармонлар. Т: "Ўзбекистон", 1992 й., 47—64-бетлар.

Насл-насаб ва фуқароликни белгилайдиган ҳуқуқий асос — бу боланинг она қорнида пайдо бўлишлиги ва унинг туғилиш фактларидир. Ота-она ва фарзандларнинг бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари болаларнинг насабига қараб белгиланади.

Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни аниқлаш учун боланинг ушбу ота ва онадан вужудга келганлиги қонун билан белгиланган тартибда тасдиқланган бўлиши лозим. Болани ушбу онадан туғилганлиги бола туғилган туғруқхона ёки бошқа тиббиёт муассасасининг берган маълумотномаси билан тасдиқланади. Агар бола тиббиёт муассасасидан ташқари жойда туғилган бўлса, у ҳолда бу факт шифокор ёки гувоҳлар томонидан тасдиқланади.

Бола билан уни онаси ўртасидаги ҳуқуқий муносабат уни ота-онаси ўртасидаги қайд қилинган никоҳдан бўлган ёки бўлмаганлигидан қатъи назар қон-қариндошлик фактига асосланади.

Болани ўз отасидан бўлганлиги фақат маълум ҳолатлар билан тасдиқланади:

а) Боланинг отаси бўлиб унинг онаси билан қайд қилинган ёки унга тенглаштирилган никоҳда бўлган шахс ҳисобланади. Қонун она билан яшаган эр боланинг отаси деган эҳтимолга асосланади. Бу эҳтимоллик кейинчалик ҳақиқий эмас деб танилган никоҳдан туғилган болаларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Агар боланинг ота-оналари никоҳда бўлмасалар, маълум эркакни боланинг отаси деб эҳтимол қилишга қонун йўл қўймайди.

Ўзаро никоҳда бўлган ота ва она туғилишни қайд қилиш дафтарига улардан бирининг берган аризасига биноан боланинг ота-онаси деб ёзилади. (Ўзбекистон Республикасининг никоҳ ва оила кодексининг 70-моддаси.)

Фуқаролик ҳолатини қайд этиш ёзувларини расмийлаштирган орган томонидан берилган боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома унда кўрсатилган ота-онадан боланинг пайдо бўлганлигини исботловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

б) Агар бола никоҳсиз туғилиб, уни отаси томонидан ихтиёрий равишда тан олинса, бундай ҳолатда боланинг насаби отаси ва онаси фуқаролик ҳолатини қайд этиш ёзувларини ёзиш давлат органларига биргаликда берилган аризалари билан белгиланади. Бундай аризага асосан

болани отаси тўғрисидаги Ёзув туғилишни қайд қилиш дафтарига ёзилади. Боланинг онаси вафот этган бўлса, шунингдек болани турар жойини аниқлаш мумкин бўлмаса, боланинг отаси кимлиги отасининг берган ари-засига биноан белгиланади.

в) Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилиб, унинг отаси суд тартибида белгиланган бўлса (Ўзбекистон Республикаси Никоҳ ва оила кодексининг 68-моддаси).

Ота-оналарнинг фуқаролик ҳолати қандай бўлишидан қатъи назар фарзандлар қонун олдида тенгдирлар.

Республикамизда оналик ва болаликни ҳимоя қилишга жуда катта эътибор берилмоқда. Оналик аёл кишининг энг зўр туйғу ҳисларидан бири ва унинг ҳаётидаги зўр бахт, жуда буюк шодлик ҳисобланади. Давлат кўп бола-ли, серфарзанд оилаларга ва болали ёлғиз оналарга катта моддий ёрдам бермоқда.

Бизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга жуда катта эътибор берилиб, бу йўлда бир қанча тадбир ва чоралар амалга ошириб келинмоқда.

66 - модда

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Вояга етган фарзандлар ўз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари лозим. Улар ўз ота-оналарига маънавий ёрдам беришга ҳамда кўмаклашишга мажбур-дирлар. Ота-оналар турмушидан хабардор бўлиб, сиҳат-саломатлигига катта эътибор беришлари керак.

Болаларнинг ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбуриятлари илгари уларнинг ахлоқий мажбурияти бўлиб ҳисобланган. Мустақил республикамиз янги Кон-ституциясини қабул қилиш билан болаларнинг бу маж-бурияти қонуний конституцион мажбуриятга айланди. Фарзандлар ота-оналарини меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қол-ганларида, айниқса бетоб бўлиб қолганларида уларга ҳар хил ёрдам беришлари, улар нимага муҳтож бўлсалар, шуларни муҳайё қилиб туришлари лозим.

Вояга етган фарзандларнинг ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари нафақа мажбурияти вужудга кел-ганми ёки йўқми ундан қатъи назар, пайдо бўлади. Кўпинча ота-оналар қарилик ёки касал бўлган даврларида

яхшигина пенсия олиб моддий томондан яхши таъминланган бўлсалар-да, аммо улар ўз фарзандларининг улар тўғрисида ғамхўрлик қилишларига, маънавий эътиборларига муҳтож бўладилар. Аксарият ҳолатларда ота-оналар бундай болалардан нафақа ундириш ҳақида даъво қилмайдилар. Аммо болаларни муҳтож ва меҳнатга лаёқатсиз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилмасликлари уларни нафақа ундириш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат этишга мажбур этади.

Фарзандлар ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилмасалар, уларга нисбатан қонуний кафолатлар белгиланмайдди. Бироқ инсофсиз, ота-оналарига нисбатан ўз фарзандлик бурчларини эсларидан чиқариб қўйган болаларга нисбатан улар тўғрисида суд хусусий ажрим чиқариб, уларнинг яшаш ёки ишлаш жойларида маънавий қиёфасини муҳокама қилишликка юбориши мумкин.

XV боб

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

67-модда

Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Цензурага йўл қўйилмайди.

Республика конституцияси XV бобида ифодаланган оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қоидалар, унинг яна бир янги жиҳатларидандир. Бундай қоида Ўзбекистоннинг илгари бирорта ҳам конституциясида, ҳаттоки илгари Иттифоқ конституциясида ҳам бўлмаган.

Бундай қоидани конституцияда белгиланиши ўтмишда совет воқелигида мавжуд бўлган ошкоралик билан ҳеч қачон мувофиқ келмас эди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларда давлат ва партия органлари фаолиятида қўлланиладиган ошкоралик маъмурий-буйруқбозлик тизими ва шахсга сиғинишни қарор топиши ва мустаҳкамланиши билан тобора чеклана борди. Аста-секин, лекин мунтазам, очиқ маълумотлар ҳам махфийлаштириб борилди.

"Мутлақо махфий" деган тамға ошкораликни тугатиш бўйича онгли бир жараён рамзига айланиб борди.

Оқибатда сўз эркинлиги, матбуотда фикрни билдириш эркинлиги фақат шаклий аҳамият касб этиб, архив материаллари кўпчилик тадқиқотчилар учун ёпиқ бўлиб, улар материал топиш имкониятидан маҳрум қилинди, фуқаролар ҳақиқий ахборотлар олиш имкониятини йўқотдилар, ҳокимиятдан аста-секин бегоналаштирилдилар. Ана шундай шароитда цензура ҳукмронлиги нафақат фуқароларгина эмас, балки матбуот, радио, ойнаи жаҳон, барча оммавий ахборот воситаларига жорий этилди.

Бундай мудҳиш меросдан халос бўлиш мустақиллик, демократик тараққиёт йўлига ўтган Ўзбекистон Республикасида кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бирига айланди. Қайд этиш зарурки, ҳали республика Конституцияси қабул қилинмасдан аввалроқ 1991 йил 14 июнда "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида" махсус Қонун қабул қилинди. Фуқароларнинг ўз фикрларини эркин тарзда матбуотда ёзма ёки оғзаки чиқишларда ифодалаш ҳуқуқи кафолатланди. Бироқ оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қоидалар оддий қонун даражасида қолиб кетмади, балки оммавий ахборот воситаларининг бебаҳо муҳим аҳамиятини эътиборга олиб, асосий қонун даражасига кўтарилди.

Конституция шарҳланаётган бобининг 67-моддаси республика тарихида биринчи марта оммавий воситаларнинг эркинлиги принципини мустаҳкамлайди. Бу билан бир қаторда ахборотлар ишончлилигининг ҳуқуқий талаблари бузилганлиги учун юридик жавобгарлик ҳолатлари ҳам кўрсатилди. Бундай қоидаларнинг биринчи даражали аҳамияти шундаки, нообъектив, эҳтиросга берилган ахборотларни оммавий ахборот воситалари томонидан тарқатилишининг олдини олади ва уларга чек қўяди. Уларни фаолияти қонун белгилаган доирадан чиқиши мумкин эмаслигини билдиради.

Шарҳланаётган модданинг муҳим жиҳати шундаки, цензура мутлақо бекор қилинди. Цензуранинг тақиқланиши оммавий ахборот воситаларига тазйиқ ўтказилиши олдини олади.

Оммавий ахборот воситалари ҳақидаги конституцион қоида уларнинг чинакам эркин фаолият юргизишининг ҳуқуқий кафолати бўлиб, жамиятни янгиланишида мислсиз аҳамиятга молик бўлади.

МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ВА ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ

XVI боб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ

68 - модда

Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши жамиятимизнинг сиёсий ташкиллаштирилишида муҳим ўрин тутди, мустақилликнинг реал ифодаси ҳисобланади. Бу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти билан белгиланган ҳудудий ташкиллаштирилишидир. Ушбу масала давлатнинг таркибий қисмларга бўлинишини, бир бутун давлат билан унинг таркибий қисмлари ўртасидаги муносабатини, бу қисмларнинг ҳар бирини ҳуқуқий ҳолатини қамраб олади.

Давлат тузилишининг икки асосий шакли фарқланади — унитар ва федератив. Унитар (ягона) давлатга таркибида маъмурий-ҳудудий birlikлар, шунингдек суверен давлат ҳуқуқига эга бўлган миллий-ҳудудий тузилмаси бўлган Ўзбекистон Республикаси киради.

Маъмурий-ҳудудий бўлинма — бу маъмурий-ҳудудий тузилиш тизимининг мустақил таркибий қисми бўлиб, бунда давлатнинг вазифалари ва асосий функцияларига мувофиқ тарзда давлат аппарати маҳаллий органларининг структураси тузилади ва фаолияти амалга оширилади.

Вилоят. Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги маъмурий-ҳудудий бўлиниши республиканинг ишлаб чиқариш кучлари аҳволини, уларнинг жойлашиш характерини, транспорт ва алоқа воситаларининг ривожланишини, жойлардаги бошқарувнинг ташкилий тузилишини акс эттиradi. Вилоят республика маъмурий-ҳудудий тизимидаги юқори бўғиндир ва энг йирик бўлинма сифатида алоҳида ўрин тутди. Ҳудудий тизимининг қолган бўғинлари — туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул, вилоятнинг тар-

кибий қисмлари, ички бўғинлари бўлиб, шу тариқа у муҳим ташкилий функцияни бажаради. Чунки у орқали республика давлат вакиллик ҳокимият органи ва бошқарув идоралари билан алоқа боғлашнинг бутун тизими амалга ошади. Бундай ҳолат вилоят қўйи турувчи ҳокимият вакиллик ва ижроия органлари фаолиятига нафақат раҳбарлик қилишини, балки уларни умумдавлат ва маҳаллий манфаатлардан келиб чиқиб бирлаштиришини англатади.

Вилоят йирик маъмурий-ҳудудий бўлинма сифатида барқарор бўлмоғи лозим. Унинг тузилиши, мустақамланиши, йириклашуви ёки бўлиниши иқтисодий жиҳатдан асослантирилиши лозим, бу мазкур маъмурий-ҳудудий бирликда халқ хўжалигининг барча тармоқлари кенг комплекс ривожланишига олиб келмоғи даркор ва бу вилоятнинг барча таркибий бўғинларининг мавжуд иқтисодий ва маданий алоқаларига таянмоғи шарт.

Мавжуд вилоятларга бўлиниш, умуман олганда сўнгги йилларда барқарор сақланиб қолмоқда. Улар ҳозир республика таркибида 12 та. Бироқ вилоятларга бўлиниш тизимини мукамал ва тугал деб бўлмайти, чунки Ўзбекистоннинг иқтисодиёти янги ерларни ўзлаштириш, суғориш иншоотларини қуриш ва саноатни интенсив ривожлантириш оқибатида тараққий этмоқда.

Туман — қишлоқ жойларидаги иқтисодий, хўжалик ва ижтимоий-маданий ҳаётга бевосита раҳбарлик қилишнинг муҳим бўғинидир. Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан, янги табиий ресурсларни ўзлаштириш ҳамда аҳоли сонининг ўсиши билан маъмурий-ҳудудий бўлинмаларнинг чегараси, ўзгаришлар, аввало, қишлоқдаги туман бўғинлари ҳисобига рўй беради.

Ўзбекистон Республикасидаги шаҳарлар республика итлоатидаги (Тошкент шаҳри), вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва туман итлоатидаги шаҳарларга бўлинади.

Республика итлоатидаги шаҳарлар тоифасига аҳолиси 500 минг кишидан ортиқ бўлган йирик иқтисодий, маданий, маъмурий марказ бўлган шаҳарлар киради.

Шаҳарларнинг кейинги тоифаси — бу вилоятга итлоат этувчи шаҳарлардир. Ҳозир республикада бундай шаҳарлар сони 51та бўлиб, улар, масалан, 1967 йилдагидан 24та кўпдир. Бундай кўпайиш асосан ўртача шаҳарларда саноат ишлаб чиқаришининг тезлашиши ва аҳолининг мужассамлашиши билан изоҳланади.

Вилоят итоатидаги шаҳарларни туманлар мақомига тенглаштириш ўзининг мақсадга мувофиқлигини исботлади. Вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси итоатидаги шаҳарлар тоифасига муҳим саноат аҳамиятига эга бўлган, аҳолиси 30минг кишидан кам бўлмаган иқтисодий, маданий маркази мавжуд шаҳарлар киради.

Туман итоатидаги шаҳарлар тоифасига саноат корхоналари, коммунал хўжалиги, давлат уй-жой фонди, ривожланган ижтимоий-маданий муассасалари, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд бўлган ҳамда 7 минг кишидан кам бўлмаган аҳолиси бўлган ва унинг учдан икки қисмини ишчи, хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ташкил этган шаҳарчалар ва бошқа аҳоли манзиллари киритилади. Бунда мазкур аҳоли пунктининг маъмурий аҳамияти ва ривожланиш истиқболлари эътиборга олинади.

Қишлоқ, овул, шаҳарча — республика маъмурий-ҳудудий тизимидаги энг қуйи бўғинлардир.

69 - модда

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас ва у ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал этади. Бунинг маъноси шуки, Қорақалпоғистон республика халқ хўжалигининг ривожланиши ва умуман Ўзбекистоннинг манфаатларидан келиб чиқиб ўз ҳудудида барча давлат, иқтисодиёт, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилиш масалаларини ҳал қилади.

Вилоятларни тузиш, тугатиш ёки уларнинг чегарасини ўзгартириш тегишли вилоят вакиллик идораларининг тавсияси асосида Вазирлар Маҳкамаси таклифига кўра Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Зарур ҳолларда мазкур масала юзасидан тегишли вилоятларда референдум ўтказилиши мумкин.

Туман маъмурий-ҳудудий бўлинишдаги муҳим бўғиндир, шунинг учун уни тузиш ёки тугатиш Олий

Мажлис томонидан йириклаштирилаётган (тугатилаётган) туман, шаҳардаги туман Кенгашларининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, Қорақалпоғистонда республика Жўқорғи Кенгесининг тавсиясига асосан Вазирлар Маҳкамаси киритадиган таклифга кўра амалга оширилади.

Шаҳарларни республика итоатидаги шаҳарлар тоифасига киритиш тегишли шаҳар ва вилоят халқ депутатлари Кенгаши тавсиясига асосан Вазирлар Маҳкамаси киритадиган таклифга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Шаҳарларни вилоят итоатидаги шаҳарлар тоифасига киритиш ёки уларни қайта тузиш тегишли шаҳар, туман ва вилоят халқ депутатлари тавсияси асосида Вазирлар Маҳкамаси киритадиган таклифга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасидаги шаҳарларни республика итоатидаги шаҳарлар тоифасига киритиш, уларни қайта тузиш Олий Мажлис томонидан тегишли туман ва вилоят халқ депутатлари Кенгашларининг, Қорақалпоғистон Республикасида эса — республика Жўқорғи Кенгесининг тавсиясига асосан Вазирлар Маҳкамаси киритадиган таклифга кўра амалга оширилади.

XVII боб

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

70-модда

Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради.

Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади.

Мазкур моддадаги қоидалар авваламбор Ўзбекистон Республикаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси суверенитетини тан олинишлигидир.

Бу нимани англатади? Бу шуни англатадики, Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясини ўзи тасдиқлайди. Ўзининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини ўзи мустақил ҳал этади, давлат ҳокимияти органлари ва бошқаруви тизимини ўзи белгилайди. Дав-

лат ҳокимияти тизимини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига тақсимланиши асосига қуради, Ўзбекистон Республикаси сиёсатига мос ҳолда ўз мустақил сиёсатини юргизади. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди бўлинмас ва дахлсиздир. Бу миллатнинг ўз ерига, ўз бойликларига ўзи эгалик қилишидир, бу тенгларио тенг бўлиш, кенг дунё минбарига чиқиш, халқаро муносабатлар ўрнатиш ҳуқуқидир. Қорақалпоғистон давлат тили — қорақалпоқ тилидир.

Бу — миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ва фарзандлари истиқболини ўзи яратиши, ҳал қилишидир. Булар Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади.

Айни вақтда Қорақалпоғистон ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, маънавий, ахлоқий, маърифий қадриятлари ва ўрф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши таъминланади ва уларнинг ривожланиши учун шароит яратиб берилади. Қорақалпоғистон суверен республикасининг давлат рамзлари ҳурмат қилинади. Мазкур моддада давлатнинг халқ эрки-иродасини ифода этишлиги, халқ манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида жавобгар эканлиги қайд этилган. Бинобарин, Ўзбекистон Қорақалпоғистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини муҳофаза этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Қорақалпоғистоннинг давлат суверенитетининг таъминланиши Президентимиз И. А. Каримовнинг билдирган фикр ва мулоҳазаларида, фармонларида ўз ифодасини топган.

1990 йилнинг 1 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг бевосита иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси халқ ноиблари, жамоат ва давлат органлари, бошқа жамоа уюшмалари, уруш ва меҳнат фахрийлари билан Нукус шаҳрида катта анжуман бўлиб ўтган эди.

И. А. Каримов мазкур анжумандаги ўз нутқида кўпчилик зиёлилар, давлат-жамоат фаоллари ўртасида Қорақалпоғистон автоном республикаси унинг Олий Кенгаши томонидан давлат суверенитети тўғрисида Декларация қабул қилиниши тарафдори эканликлари ҳақида фикр юритаётганликларини таъкидлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон тарки-

бида давлат суверенитети тўғрисидаги бу фикрни ўша дамлардаёқ ҳеч иккиланмай астойдил қўллаб-қувватлайди.

Ниҳоят, бу фикр Ўзбекистон Республикасининг Давлат суверенитети тўғрисидаги Декларация, унинг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Қонун Асосларида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Давлат суверенитети тўғрисидаги Декларацияда ўзининг қонуний ифодасини топди.

Айни вақтда бу муҳим актлар Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг янги Конституциялари учун муҳим асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Илғор мамлакатларда ўз конституцияларини қабул қилишдан олдин шундай Декларациялар ижод қилганликлари бизга тарихдан маълум. Яна шу нарса ҳам муҳимки, Қорақалпоғистон Республикасининг 1993 йилда қабул қилинган янги Конституциясининг "Давлат суверенитети" деб номланган биринчи бобнинг 1-моддасида ҳам Қорақалпоғистон Ўзбекистон Республикаси таркибига кирувчи суверен демократик республикадир, дейилади.

"Асосий қонунимиз, — дейди Ислом Каримов, — Ўзбекистон таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасининг мақомини тан олади ва унинг суверенитетини муҳофаза этади"¹.

71-модда

Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас.

Шуни таъкидлаш жоизки, собиқ Иттифоқ федератив тизими даврида автоном республикаларнинг конституциялари улар қайси иттифоқдош республикалар таркибига кирса, ўша республикалар давлат ҳокимиятининг олий органлари томонидан тасдиқланиши шарт эди. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиб, бу адолатсизликка чек қўйди ва ўз Конституциясининг ҳақиқатан ҳам чинакам халқчил ва демократик мазмун касб этишига эришди.

1

Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолатлари. Тошкент, "Ўзбекистон", 1993 й., 7-бет.

Бинобарин, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларининг Конституциялари энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилгандир. Мазкур Конституциялар тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатлардир.

Қорақалпоғистон суверен Республика Конституцияси ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси сингари ишлаб чиқилиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, сўнгра халқ эрки-иродаси ҳисобга олиниб, қабул қилинган. Қорақалпоғистон Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асло зид эмас. Чунки Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон таркибига суверен давлат бўлиб киришига хоҳиш билдирган халқ Қорақалпоғистон Конституциясининг ҳам Ўзбекистон Конституциясига зид бўлишини асло истамайди. Чунки бу конституциялар умуминсоний ғоялар — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади. Мана шу янгитдан бунёд этилган Қорақалпоғистон суверен Республика ва мустақил Ўзбекистон Республикаси халқларининг абадий бирлиги ва қон-қардошлигини Қорақалпоғистоннинг янги қабул қилган Асосий Қонуни ҳам тасдиқлади ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси бошдан-оёқ ана шундай олижаноб манфаатлар руҳи билан суғорилгандир.

72-модда

Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир.

Бу муҳим қондани тўғри англаб ва тушуниб олмоқ жоиз. Авваламбор, шуни таъкидлаш лозимки, қонуннинг кучи ва шаъни-обрўси унинг мажбурийлигидадир. Шу маънода Ўзбекистон учун мажбурий бўлган айрим қонунлар унинг таркибига кирувчи Қорақалпоғистон ҳудудида ҳам мажбурийдир. Бу ҳолатни ижобий англамоқ даркор ва у мутлақо Қорақалпоғистоннинг манфаатларига қаратилгандир. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-процессуал, гражданлик, гражданлик-процессуал ва ҳ.к. кодекслари, ҳарбий хизматга оид қонун-қоидалар, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, Орол муаммосини ҳал этиш борасидаги актлар, Наврўз байра-

ми, Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни байрами, Конституция кунини нишонлаш, чет эл сармояларининг кафолати, миллий валюта(сўми)мизнинг Қорақалпоғистон ҳудудида ҳам амал қилиши, аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий муҳофаза қилиш каби кўпдан-кўп қонунларни мисол келтириш мумкин.

Мазкур моддадаги қоида нафақат юридик шахсларга, айни вақтда жисмоний шахсларга ҳам тааллуқлидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддасида: "Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади", — дейилган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 21-моддасида ҳам Ўзбекистон Республикасида ягона фуқаролик ўрнатилганлиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикасининг ҳар бир фуқароси Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади, дейилган.

Модомики шундай экан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир ва бу билан у Конституциямиз ва қонунларимизда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Шунингдек, у маълум бурчларни ҳам бажаришга мажбурдир. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийлиги, айни вақтда, Қорақалпоғистон фуқаролари учун ҳам мажбурийдир.

73-модда

Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилиғисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади.

Бу қоида Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 67-моддаси билан ҳам мустақкамланган, яъни унда туманлар, шаҳарлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини ўзгартириш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади, дейилган.

Бу қоидада асосан Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида унинг ички маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари назарда тутилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон билан туташ ҳудудлар чегарасини ўзгартириш зарурати келиб чиқса, у ҳолда бу масала табиийки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.

Маъмурий-ҳудудий тузилиш ва чегаралаш масаласи ғоят мураккаб ва нозик масалалардир. Бунда бир муҳим жиҳатни эътиборда тутмоқ зарур. Маъмурий-ҳудудий чегаралаш катта ҳажмдаги тадбир — миллий давлат чегараланишининг таркибий қисми бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади ҳам.

Бу ўринда собиқ Иттифоқ давлати даврида Ўрта Осиё республикалари (Туркистон АССР, Бухоро халқ ССР ҳамда Хоразм халқ ССР) ни қайтадан чегаралаб, янги иттифоқдош республикалар, автоном республика ва автоном областлар ташкил қилиш, бошқа кичик ҳажмдаги чегаралашлар ўтказиш тажрибаси ва сабоқлари ўрнатилган. Каттами-кичикми барибир ҳар қандай маъмурий-ҳудудий чегаралашни амалга оширишда биринчи навбатда халқнинг эрки-иродаси асосий омил ҳисобланади. Чунки халқнинг эрки-иродаси, халқ сўрови натижаси — Олий қонундир. Демак, бу масалада биринчи галда халқ манфаатлари ҳисобга олинади. Бинобарин бу — Конституциявий қоидаларга қатъий амал қилиш демакдир.

74-модда

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон Республикаси халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга.

Унда Ўзбекистон таркибидаги Қорақалпоғистоннинг чинакам суверенлигини тасдиқловчи қоида мустақамланган. Бу қоида Қорақалпоғистон суверен Республикаси Конституциясининг 1 ва 9-моддаларида ҳам мустақамланган.

Шу ўринда бир масала эътиборни жалб қилади. Бу 1990 йилга оид гапдир. Бир қатор халқ ноибларининг ташаббуси билан Қорақалпоғистон давлат суверенитети тўғрисидаги Декларациянинг "А" ва "Б", деб аталган муҳолиф турлари ишлаб чиқилди. Декларациянинг "А" нусхаси Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон таркибида су-

верен Республика деб ҳисоблашни мақсад қилиб қўйган бўлса, Декларациянинг "Б" нусхаси эса Қорақалпоғистоннинг собиқ Иттифоқ федерациясининг субъекти сифатидаги суверен Республика, деб аташни назарда тутган эди.

Хуллас, оқибатда масала шунга бориб тақалдики, Қорақалпоғистон жамоатчилиги ва раҳбарияти фаолларининг аксарият кўпчилиги Қорақалпоғистонни Ўзбекистон таркибига кирувчи суверен демократик Республика бўлишлигига истак билдиришди. Кичик бир мисол: мазкур масаланинг Қорақалпоғистон Республикаси жамоат ва раҳбарияти фаоллари йиғилиши муҳокамасида сўзга чиққан 157 кишидан 138 таси Қорақалпоғистонни Ўзбекистон таркибидagi суверен Республика бўлишлигини ёқлаб овоз беришди¹.

75-модда

Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги низолар муроасага келтирувчи воқеалар ёрдамида ҳал этилади.

Мазкур моддадаги қоидалар Қорақалпоғистоннинг ҳозирги куни ва келажаги учун гоаят муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Ўзбекистон билан Қорақалпоғистон ўртасида турли соҳаларда, биринчи навбатда иқтисодий соҳада ўзаро муносабатларни кенг тармоқ отиришга эришиш долзарб масалалардандир. Ҳозир Қорақалпоғистон ўзининг социал-иқтисодий ривожини даражасини жиҳатидан минтақанинг нисбатан қолоқ ҳудудларидандир ва шу боисдан ҳам бу масалага ўта ўйлаб ва катта масъулият билан ёндошмоқ талаб қилинади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни халқ хўжалигининг тўлақонли ишлашини таъминлаш учун муайян иқтисодий

1

Қаранг: Советская Каракалпакия, 1990, 29 декабрь.

пойдевор қуришни ва уни мустақкамлашни талаб қилади. Бу ўринда хусусийлаштиришни жадаллаштириш ва мулкчиликнинг барча шакллари амал қилиши учун баб-баравар имкониятлар яратиш тадбирлари муҳимдир. Бунинг учун биринчи навбатда ҳуқуқий асосларни мустақкамлаш зарур бўлади. Эскирган қонунлар ва норматив ҳужжатларни бозор муносабатлари талабидан келиб чиқиб, унга мослаштириш ёки янгилаш, давлат қурилишига оид қарор, қонунлар яратиш жоиз, яъни Қорақалпоғистон ўз ҳуқуқий негизини мустақкамлаши ва ривожлантириши муҳим. Бунда Республиканинг ўз шахсий тажрибаси ва хорижий тажриба хулосалари катта аҳамият касб этади.

Ёш суверен республика олдида турган энг мураккаб муаммолардан бири юқорида айтганимиздек, мулкчилик муносабатларини ҳар тарафлама такомиллаштиришдир.

Айниқса, мулкдорнинг мулкка эгалик қилиши, ундан фойдаланиши, даромад олиши, мулкни тасарруф қилиши билан боғлиқ барча ҳуқуқларини қонуний мустақкамлаш асосий тадбирлардандир.

Хусусийлаштириш, тадбиркорликни кенг қулоч ёздириш иқтисодий ислохотнинг асосий шартларидандир.

Ҳали Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида шартнома муносабатларини тартибга солувчи анча-мунча қонунлар зарур. Хусусан, чет эл сармояларидан фойдаланиш, уларнинг кафолатига тааллуқли битим ва шартномаларга асос бўладиган янгидан-янги қонунлар талаб қилинади ва, шунингдек, амал қилиб турган қонунларни такомиллаштириш зарур бўлади. Бу фикр-мулоҳазаларимиз, биз сўз юритаётган ана шу 75-модда моҳияти билан боғлиқдир.

Модомики, низоли масалалар чиқиб қолса, мазкур 75-моддада таъкидланганидек, мурасага келтирувчи воситалар ёрдамида ҳал этилади. Бундай ҳолатларда, шубҳасиз, Конституция ва қонунларимизнинг устуворлигига қатъий амал қилган ҳолда ҳар икки Республиканинг манфаатларини ҳисобга олиб масала ҳал этилади.

Ўзбек халқи билан Қорақалпоқ халқи азалдан дўст, биродар, қон-қардош ва бир-бирларига мурувватлидир. Уларнинг маънавияти, бирлиги, унинг бир йўналишда қурилганлиги, хўжалик юритиш усули ва шакллариининг уйқаш ва бир хиллиги ҳар икки халқ ўртасидаги қадрдонлик ришталарини янада мустақкамлайди ва бу муқаррар ҳолат ўзининг конституциявий ифодасини топган.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

XVIII боб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ

76-модда

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ҳозирги замон парламентлари¹ ўзларининг тузилиши, ваколатларининг ҳажми, ижтимоий таркиби, ўз мамлакатлари сиёсий тизимида тутган ўрни, мавқеи билан бир-бирларидан ажралиб турадилар. Улар ҳатто номланиши, депутатларининг сони билан ҳам фарқ қиладилар, масалан: АҚШда 535 депутатдан иборат Конгресс, Россияда 626 депутатдан иборат Федерал Мажлис, 550 нафар депутатдан ташкил топган Туркия Буюк Миллат Мажлиси, Швецияда 349 депутатдан иборат Риксдаг, Мисрда 454 депутатли Халқ Мажлиси, Исроилда 120 аъзодан иборат Кнессетни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Кўриниб турибдики, дунёдаги парламентлар ранг-баранг, аммо улар ўз мамлакатларида муҳим ижтимоий вазифа — қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий-ҳуқуқий амалиётида илк бор парламент институти тараққий этган мамлакатларнинг бой тажрибасидан унумли фойдаланиб, республика конституциявий тузумида халқ ҳокимиятчилиги, ҳокимиятларнинг бўлиниш принципларига асосланган давлат органларининг тизими шакллантирилмоқда.

Шарҳланаётган мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари тизимида Олий Мажлиснинг

1

Парламент сўзи французчадан (parlement<parole) олинган бўлиб, гапирмоқ маъносини англатади. 1995 йилнинг бошига келиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)га аъзо давлатларнинг 185 тасидан қарийб 160 тасида Парламент институти мавжуд эди.

мақомини белгилайди. Конституциянинг 10-моддасида таъкидланганидек, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи — халқ номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий қонун чиқарувчи вакиллик органидир. Олий Мажлис бевосита халқ томонидан сайланадиган ва қонун чиқариш фаолиятини амалга оширадиган бирдан-бир умуммиллий вакиллик органи ҳисобланади.

"Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида"ги 1994 йил 22 сентябрдаги Конституциявий қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бу моддаси мазмунини янада ривожлантириб, Олий Мажлис ўз ваколатига берилган ҳар қандай масалани ўз муҳокамасига қабул қилиш ҳуқуқига эга эканлигини қайд этади. Олий Мажлис ўз фаолиятида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланиб, у давлатнинг бошқа идоралари билан ҳамкорлик қилиш билан бирга қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Олий Мажлиснинг қонун чиқариш фаолияти ўз аҳамиятига кўра, у амалга оширадиган бошқа ваколатлар орасида устувор ҳисобланади. Конституциянинг 76-моддасида Олий Мажлиснинг бошқа бирон вазифаси кўрсатилмаган. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, Олий Мажлисга унинг конституциявий мақоми доирасида шундай ваколатлар берилганки, улардан келиб чиқиб, парламент баъзи бир назорат функцияларини бажара олади (78 ва 86-моддаларнинг шарҳига қаранг).

77-модда

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялик асосида беш йил муддатга сайланадиган депутатлардан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эгадирлар.

Депутатликка номзодлар олдида қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

Конституциянинг ушбу моддаси Олий Мажлис таркибини, ташкил қилиш принциплари ва ваколати муддатини белгилайди. Шу моддага мувофиқ алоҳида ҳуқуқий

хужжат — "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида" Қонун қабул қилиниб, унда республика парламентига сайлов кампаниясини тайёрлаш ва сайловларни ўтказиш тартибига оид масалалар муфассал очиб берилади¹.

Олий Мажлис бир палатали орган бўлиб, 250 депутатдан иборат. Конституция парламент депутатларининг ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида сайланишини муҳим конституциявий принцип сифатида белгилайди. Бу қонданинг мазмунидан шу нарса келиб чиқадики, сиёсий партиялар юридик жиҳатдан Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина сайлов жараёнида иштирок этишларини англатади.

Олий Мажлисга депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари республиканинг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади. Ҳар бир сайлов учун сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар меъёри Олий Мажлис томонидан белгиланади.

Мазкур моддага биноан Олий Мажлисининг ваколат муддати беш йилдир. Шунинг эътиборига олиш керакки, ваколат муддати тугаган тақдирда, Олий Мажлис янги парламент сайланиб ўз ишини бошлагунга қадар ўз фаолиятини давом эттиради. Шунинг ҳам қайд этиш жоизки, айрим ҳолларда Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин (95-модданинг шарҳига қаранг).

Халқнинг бевосита ишончи депутат ваколатининг ижтимоий манбаи бўлиб, халқ вакилининг давлат миқёсидаги обрў-эътиборининг негизи ҳисобланади. Олий Мажлис депутатлари республика вакиллик органларининг бошқа депутатлари сингари умумий, тенг, тўғридан-тўғри

1

Мазкур сайлов ҳақидаги қонун асосида 1994—1995 йил декабрь-январь ойларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар ўтказилди. Мустақиллик шароитида илк бор ўтган бу ижтимоий-сиёсий тадбирда сайлаш ҳуқуқига эга 11 миллион 248 минг 464 фуқародан сайловда 10 миллион 526 минг 654 нафар ёки жами сайловчиларнинг 93,6 фоизи иштирок этди.

Республика янги парламенти — Олий Мажлисининг таркиби Халқ демократик партиясидан 69, "Ватан тараққиёти" партиясидан 14 ва вакиллик органларидан сайланган 167 кишидан иборат. 208 депутат ёки жами депутатларнинг (250 та) 83,2 фоизи Олий Мажлисга биринчи марта сайланган ("Халқ сўзи", 1995 йил 24 февраль сони).

сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланишлари депутатлик фаолиятининг демократик асосларини белгилайди.

Шарҳланаётган ушбу моддада пассив сайлов ҳуқуқи ҳақида, яъни ким ва қайси ёшдан Олий Мажлис депутати этиб сайланиши мумкинлиги ҳақида гап боради. Унга асосан шахс Олий Мажлис депутатлигига номзод сифатида рўйхатга олиниши ва сайловда ғалаба қилган тақдирда депутатликка сазовор бўлишининг шартлари кўрсатилади.

Авваламбор шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиши лозим. Чет эллик фуқаролар ва Ўзбекистон ҳудудида яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар Олий Мажлисга сайланишлари мумкин эмас.

Ушбу моддада Олий Мажлисга сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган фуқаролар эга бўлиши мумкин деган қоида белгилаб қўйилган. Ёш цензининг бундай юқори кўтарилиши шу билан изоҳланадики, депутат озми-кўпми маълум ҳаёт тажрибасига эга бўлиши, ўзини давлат ва жамоат фаолиятида кўрсата олиши зарур. Бу масала бир қанча хорижий мамлакатларнинг Конституцияларида ҳам тахминан худди шундай ҳал этилган. АҚШ Конституциясида 25 ёшга тўлмаган шахс Конгресснинг вакиллар палатаси аъзоси бўлиши мумкин эмас, деб таъкидланади. Япония парламентининг вакиллар палатасига 25 ёшга тўлган, маслаҳатчилар палатасига эса 30 ёшга тўлган фуқаролар пассив сайлов ҳуқуқидан фойдалана олишлари мумкин. Шунини ҳам айтиш жоизки, жаҳон тажрибасида пассив сайлов ҳуқуқининг бундан ҳам юқори цензлари маълум.

Конституциянинг 76-моддасида қайд этилган Олий Мажлис депутатлигига номзодларга қўйиладиган талаблар тушунчасига "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунда аниқлик киритилган. Ушбу Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ қуйидагилар:

судланганлиги Қонунда белгиланган тартибда бекор этилмаган ёки олиб ташланмаган фуқаролар;

сайлов тайинланган кунга қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон ҳудудида доимий яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмаслиги таъкидланади.

Қонуннинг ушбу моддасида депутатлик мақомининг маълум мансаб мавқеига тўғри келмаслиги тўғрисидаги қоида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Бунга асосан ҳукумат аъзолари, судьялар, Бош прокурор ва прокуратура органларининг мансабдор шахслари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ижроия ҳокимият органларининг мансабдор шахслари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимларидан ташқари) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинадилар.

78 - модда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари жумласига:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикаси Қонунларини қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини ва ваколатларини белгилаш;

5) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

6) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

7) маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасининг чегараларини ўзгартириш;

8) Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов тайинлаш; Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

10) ваколати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов кунини тайинлаш;

11) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш;

12) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;

14) Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик судини сайлаш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш;

16) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош Вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларни тасдиқлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ва тугатиш ҳақидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

21) халқаро шартномаларни ва битимларни ратификация (тасдиқлаш) ва денонсация (барвақт тўхтатиш) қилиш;

22) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

23) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, номини ўзгартириш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш;

24) ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш киради.

Ушбу модда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи органи сифатидаги мақомидан келиб чиққан ҳолда, унинг ваколатлари мазмунини белгилаб беради. Маълумки, Олий Мажлис кенг, кўп қиррали ваколатларга эга бўлиб, давлат ҳокимиятини амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

Бу моддада Олий Мажлиснинг асосий ваколатлари рўйхати берилган. Аммо бу рўйхат тўла эмас, чунки мазкур модданинг 24-бандида Олий Мажлис Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши таъкидланган. Конституциянинг бу қондасида "мутлақ ваколатлар" ибораси ишлатилган бўлиб, бунинг маъноси шундан иборатки, ушбу ваколатларни фақат Олий Мажлис ўз мажлисларида амалга оширади. Бу моддада қайд этилган ваколатларни Олий Мажлис Раиси ҳам, Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари ҳам ҳал қилишга ҳақли эмаслар.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципига кўра, бу ваколатларни Ўзбекистон Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва республика суд органларининг ҳам ҳал этишга ҳуқуқлари йўқ.

Олий Мажлиснинг ваколатлари рўйхати, унинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиришлар киритишдан бошланади. Асосий Қонунга ўзгартиришлар киритиш тартиби Конституциянинг олтинчи бўлимида кўрсатилган (127- ва 128-модда ҳамда уларнинг шарҳига қаранг).

Юқорида таъкидланганидек, Олий Мажлиснинг асосий вазифаси қонун чиқаришдир. Ўзбекистон Республикаси қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш фақат Олий Мажлис томонидангина амалга оширилади. Конституциянинг 82-моддасида қонунлар лойиҳасини Олий Мажлисга кимлар киритиш ҳуқуқига эга эканлиги, 83-моддада қонунларни қабул қилиш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилган (ушбу моддаларнинг шарҳига қаранг).

15-моддада қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Ўзбекистон Республикаси қонунлари бажарилиши Ўзбекистоннинг барча

ҳудудлари ва Қорақалпоғистон Республикасида мажбурийдир (Конституциянинг 72-моддасининг шарҳига қаранг).

Қонунларнинг устунлигини шунда ҳам кўрса бўладики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарор ва фармойишлари Конституция ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан чиқарилади (94-моддага шарҳ). Амалдаги қонунларга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҳам қарор ва фармойишлар чиқаради (98-моддага шарҳ).

Олий Мажлис муайян масалалар бўйича қарорлар қабул қилади. Баъзан Конституция матнида у ёки бу масала юзасидан айнан қонун қабул қилиш зарурлиги бевосита мустаҳкамланади.

78-моддада Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат ривожланишининг стратегик дастурларини қабул қилиш ҳуқуқи Олий Мажлисга берилганлиги қайд этилган. "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида"ги Конституциявий қонун Олий Мажлис бу фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси таклифлари асосида амалга оширишини белгилаб берган.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, Республика Президенти Олий Мажлисга ҳар йили ички ва халқаро аҳвол тўғрисида ахборот тақдим этади, бу эса Олий Мажлисга ички ва ташқи сиёсат соҳасида тегишли қарорлар қабул қилиш учун асос бўлади.

Олий Мажлис қонун чиқариш фаолиятини амалга оширар экан, мазкур модданинг 4-бандига мувофиқ қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимияти органларининг тизими ва уларнинг ваколати доирасини белгилайди. Мазкур масалалар аввало Олий Мажлис томонидан қабул қилинадиган ва ўзгартириладиган Конституция билан, шунингдек тегишли қонунлар, масалан, Олий Мажлис тўғрисидаги, Президентни сайлаш тўғрисидаги, Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги, Конституциявий суд тўғрисидаги ва бошқа қонунлар билан ҳал этилади.

Ўзбекистон Конституцияси Ўзбекистон Республикаси таркибига суверен Қорақалпоғистон Республикаси киришини ва унинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга эканлигини мустаҳкамлайди. 78-модданинг 5-банди Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги

қарорларни тасдиқлашни Олий Мажлиснинг мутлақ ваколатлари жумласига киритади. Конституциянинг 74-моддасида белгиланганидек, Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси таркибидан ажралиб чиқиши Қорақалпоғистон халқининг умумий референдуми асосида амалга оширилиши мумкин. Айнан шу қарор Олий Мажлис томонидан тасдиқланиши лозим.

Олий Мажлис, шунингдек божхона, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солишни амалга оширади.

Конституция Олий Мажлиснинг ваколат доирасига маъмурий-ҳудудий бўлиниш (68-модданинг шарҳига қаранг), Ўзбекистон Республикаси чегараларини ўзгартириш масалаларини ҳам киритади.

Конституция Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Олий Мажлиснинг розилиги билан амалга оширилишини белгилайди (69-модданинг шарҳига қаранг). Бундан ташқари, Олий Мажлис туманлар, шаҳарлар, вилоятларни қайта номлаш ва уларнинг чегарасини ўзгартириш ҳуқуқига эга. Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди, Конституциянинг 3-моддасига асосан, дахлсиз ва бўлинмасдир.

Конституциянинг 78-моддасида Олий Мажлисга бир қатор назорат ваколатлари берилган. Шулардан энг муҳими Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига асосан Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг амалга ошишини назорат қилишдир. Ўзбекистоннинг давлат бюджети Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан иборатдир (122-модданинг шарҳига қаранг).

Конституция Олий Мажлиснинг мутлақ ваколатлари қаторига Олий Мажлисга ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов тайинлаш ва Марказий сайлов комиссиясини тузишни киритган. Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, аввалги чақириқ Олий Мажлис депутатларининг ваколатлари муддати тугашидан 3 ой аввал кечиктирмасдан депутатлар янги сайлови тайинланади. Сайлов тайинланган кунидан 3 кун аввал кечиктирмасдан сайлов ҳақида матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари ёрдамида хабар қилинади. Олий

Мажлис раис ва камида 14 аъзодан иборат Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссиясини тузади.

Марказий сайлов комиссиясининг тузилиши, унинг таркиби ва ваколатлари Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги Қонунда белгиланади. Президентнинг ваколати тугаши билан Олий Мажлис Президент сайлови кунини тайин қилади. Президент сайлови тартиби қонунда белгиланган (90-модданинг шарҳига қаранг). Олий Мажлис ваколатларига Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш киради. Улар депутатлар орасидан яширин овоз билан сайланадилар.

Олий Мажлис бир қатор органларни шакллантиради ва шакллантиришда иштирок этади. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди ҳамда Олий хўжалик судини сайлайди.

Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан мустақил равишда фаолият кўрсатади. Шунинг учун Ўзбекистон Олий Мажлиси юқори суд органларини шакллантирса ҳам, улар Олий Мажлисга тобе эмасдирлар. Судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсундилар. Судларнинг судьялари 5 йил муддатга сайланадилар (107-модданинг шарҳига қаранг). Олий Мажлисга судларнинг раис ва аъзолари вазифасига номзодларни Ўзбекистон Президенти тавсия этади (93-модданинг шарҳига қаранг).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига мувофиқ, Олий Мажлис Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлайди ва вазифасидан озод этади. Бундан ташқари, Олий Мажлис Президентнинг Бош Вазирни, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош прокурор ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлайди.

Олий Мажлис, шунингдек Президентнинг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ва тугатиш ҳақидаги фармонларини тасдиқлайди.

Олий Мажлисининг ушбу ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳам қўшилади. Президентнинг

ушбу фармонлари тасдиқлаш учун 3 кун мобайнида тақдим этилади (93-модданинг шарҳига қаранг).

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти бўлиб, Президент имзолайдиган турли халқаро шартнома ва битимларни тузишга ҳақли. Президент уларга амал қилишни таъминлайди. 78-модда Олий Мажлис ваколатларига халқаро шартномаларни ва битимларни ратификация (тасдиқлаш) ва денонсация (барвақт тўхтатиш) қилишни киритади. Бунда Республика Конституциявий суди Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномалари ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини белгилайди (109-модданинг шарҳига қаранг).

Ниҳоят, 78-модда Олий Мажлиснинг Давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш ҳуқуқини белгилайди. Ўзбекистон Республикасида ҳозирги вақтда давлат мукофотлари: олий нишон "Олтин Юлдуз" медали, "Мустақиллик", "Дўстлик", "Соғлом авлод учун", "Меҳнат шуҳрати", "Шон-шараф" орденлари, "Шуҳрат" ва "Жасорат" медаллари ҳамда "Ўзбекистон Қаҳрамони", "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси", "Ўзбекистон халқ ёзувчиси", "Ўзбекистон халқ шоири", "Ўзбекистон халқ ҳофизи", "Ўзбекистон халқ артисти", "Ўзбекистон халқ рассоми", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқачи", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган архитектор", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган аҳолига хизмат қилиш соҳаси ходими", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими", "Ўзбекистон

Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қорақўлчи", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози (тренер)", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" унвонлари таъсис этилган.

79-модда

Олий Мажлис йиғилиши жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади.

Мазкур моддада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис мажлисларини ўтказиш учун талаб қилинадиган депутатлар миқдори белгиланган. Маълумки, Олий Мажлис ишининг ташкилий шакли сессиядир. Сессия ўз навбатида республика олий қонун чиқарувчи органининг мажлисларидан ҳамда унинг қўмиталари ва комиссияларининг, бошқа органларининг сессия мажлислари оралиғидаги даврда ўтказиладиган мажлисларидан иборатдир. Шунинг ҳам қайд қилмоқ лозимки, Олий Мажлиснинг муҳим ҳуқуқий ҳужжатлари ва қарорлари фақатгина парламент мажлисларида қабул қилиниши эътиборга моликдир.

Ўзбекистон халқининг бир бутун давлат иродасини ифода этувчи Олий Мажлис томонидан қонун лойиҳалари ва бошқа қарорлари қабул қилинаётганда, парламент аъзоларининг кам миқдорини овоз беришдан чеклаш мақсадида, Конституцияда унинг мажлисини жами депутатларнинг учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланишига оид қоида мустақамланган.

Хорижий мамлакатларнинг парламентларида ҳам шу сингари шартлар белгиланиб, уларга асосан кун тартибидаги масалалар юзасидан музокаралар пайтида депутатларнинг маълум сони талаб қилинмада, улар бўйича ўтказилаётган овоз бериш жараёнида эса депутатларнинг тегишли сони ҳозир бўлиши зарурлиги қайд этилган. Одатда, депутатларнинг маълум миқдори (кворуми) иштирок этаётганлиги мажлисларнинг бошланишидан олдин текширилади. Кўпгина парламентларда депутатларнинг

тегишли миқдори қатнашмаган ҳолларда, овоз бериш натижалари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти"да белгиланганидек, республика парламенти мажлисларида кўриладиган масалаларга тааллуқли қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан ёки Олий Мажлиснинг қарорига биноан яширин овоз бериш орқали ўтказилади. Очиқ ва яширин овоз бериш жараёни овозларни сановчи электрон тармоқ воситасида амалга оширилади. Яширин овоз беришни бюллетенлар ёрдамида ўтказилиши ҳам мумкин.

Бир масала бўйича овоз бериш ўтказилаётганида ҳар қайси депутат битта овозга эга бўлади ҳамда таклифни ёқлаб ёки унга қарши овоз беради ёхуд овоз беришда бетараф қолади.

Мажлисга раислик қилувчи овозларни санаб чиқиш тавом бўлганидан кейин унинг натижаларини эълон қилади.

80-модда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг органлари йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Бош Вазир ва Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик судининг раислари, Бош прокурори, Марказий банки бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин.

Ушбу модда республика Президенти, шунингдек, бир қатор мансабдор шахсларнинг Олий Мажлис мажлисларида қатнашишларини кўзда тутди. Бу ерда гап уларнинг мажбурияти ҳақида эмас, балки ҳуқуқи ҳақида боради. Ўз навбатида 80-моддада санаб ўтилган мансабдор шахсларнинг Олий Мажлис мажлисларида иштирок этиши ҳокимиятнинг барча шохобчаларини самарали ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур модда мазмунидан юқорида кўрсатилган шахсларнинг фақат республика парламенти мажлислари ишида қатнашибгина қолмасдан, балки Олий Мажлис органлари, жумладан унинг Кенгаши, қўмита ва комиссияларининг мажлисларида қатнашишлари мумкинлиги ҳам келиб чиқади.

Шуни назарда тутиш лозимки, Олий Мажлис депутати унинг сессиясида давлат органлари ёки мансабдор шахс-

ларга ижтимоий аҳамиятга молик масалалар юзасидан расмий тушунтириш бериш ҳамда ўз фикрини баён қилиб бериш ҳақида қўйиладиган талаби бўлган депутат сўрови билан мурожаат қилиши мумкин. Хусусан, Олий Мажлис депутати олий вакиллик органининг сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукуматига, вазирларга, бошқа давлат органларининг раҳбарларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ишида ошкораликни таъминлаш мақсадида Олий Мажлис мажлисларида Олий Мажлиснинг Кенгаши томонидан таклиф этилган давлат органлари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, илмий муассасалар, матбуот, телевидение, радио вакиллари ва бошқа шахслар таклиф қилиниши ҳам мумкин.

81-модда

Ваколат муддати тугагач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги чақириқ Олий Мажлиси иш бошлагунига қадар ўз ваколатини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сайловдан кейинги биринчи йиғилиши Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай чақирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколат муддати тугагач, янги чақириқ Олий Мажлис иш бошлагунга қадар ўз ваколатини сақлаб қолишини кўзда тутувчи мазкур модда қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятининг узлуксизлигини таъминлайди.

Шунингдек, ушбу модда Марказий сайлов комиссияси зиммасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сайловдан кейинги биринчи мажлисини сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай чақиришни юклайди. Олий Мажлис биринчи мажлисини Марказий сайлов комиссияси раиси очади ва Олий Мажлис Раиси сайлангунга қадар мажлисни бошқариб боради (Олий Мажлис тўғрисидаги Қонуннинг 7-моддаси).

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида олдинги чақириқ Олий Мажлиснинг янги чақириқ республика олий вакиллик органи ваколатлари ҳақиқийлигини тегишли

тартибда аниқлаб, тасдиқлаганидан сўнг, ўз фаолиятини тугатиши назарда тутилган. Қонунчиликда белгиланганидек, янги чақириқ Олий Мажлис биринчи мажлисида ўзи сайлайдиган Мандат Комиссиясининг тақдимига мувофиқ депутатлар ваколатларини тўғри деб топиши тўғрисида, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолларда эса, айрим депутатлар сайловини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида қарор қабул қилиши кўзда тутилган.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, олдинги чақириқ Олий Мажлиси ўз фаолиятини янги чақириқ Олий Мажлиси ўз ваколатларини тегишли тартибда расмийлаштиргунига қадар тўлалигича, яъни унинг бир қисми, ҳатто бир қатор тузилмалари эмас, балки яхлит республика олий вакиллик ҳокимият органи сифатида сақлаб қолади. Бу эса ўз-ўзидан давлат ҳокимияти қонун чиқариш олий органи фаолиятининг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлашга хизмат қилади.

81-модданинг иккинчи қисмида эса Олий Мажлиснинг сайловдан кейинги биринчи мажлиси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай чақирилиши тўғрисида қоида мустаҳкамланган. Бундай муддатнинг белгиланишини парламентга ўтказилган асосий сайлов кунидан кейин, баъзи сайлов округларида такрорий овоз ва такрорий сайлов натижаларини аниқлаб, Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампаниясининг тўла якунларини чиқариш ҳамда сайланган барча депутатларни рўйхатга олиш билан изоҳлаш мумкин.

82 - модда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар.

Ушбу моддада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси, яъни қонун лойиҳаларини Олий Мажлис муҳокамасига тақдим этиш ҳуқуқига эга

бўлган субъектлар санаб ўтилган. Қонунчилик ташаббуси — қонун чиқариш жараёнининг, яъни қонун лойиҳасини муҳокамага қўйиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш жараёнининг дастлабки босқичидир.

Шарҳланаётган моддада қонун чиқариш жараёнининг биринчи босқичи — тайёрланган қонун лойиҳасини парламентга тақдим этиш масаласи тартибга солинади. Гап юридик маънода Конституция ваколат берган шахслар — қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи берилган субъектлар томонидан таклиф киритиш ҳақида бормоқда.

Олий Мажлисга қонунчилик таклифи билан мурожаат этиш ҳуқуқи ҳеч ким учун чекланмаган. Шундай таклиф киритилган тақдирда эса қонун лойиҳаларини таклиф этиш ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат ва жамоат идоралари ёки айрим фуқаролар таклиф қилган қонун лойиҳалари ёки қонун чиқариш ҳақидаги таклифлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган идоралар ва шахслар орқали Олий Мажлисга киритилиши мумкин. Аммо Олий Мажлис қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар тақдим этган лойиҳаларни қонун чиқариш жараёнининг барча қоидаларига тўла риоя этган ҳолда кўриб чиқиши шарт. Шунини ҳам назарда тутиш керакки, Олий Мажлис шу қонун лойиҳасини маъқуллаш ёки инкор этишга ҳақлидир.

Мазкур моддада қонунчилик ташаббусининг субъектлари рўйхати кўрсатилган бўлиб, у 1978 йилги республика Конституциясида келтирилган рўйхатдан нисбатан фарқ қилади. Ҳозирги вақтда бу рўйхатдан ўз фаолиятини тўхтатган Олий Совет Раёсати ҳамда жамоат ташкилотлари чиқариб ташланган.

Шунга қарамасдан, амалдаги Конституцияда берилган қонунчилик ташаббуси субъектларининг рўйхати кўпгина хорижий Конституциялардагидан кенгроқдир. Уларда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи одатда, парламент депутатларига (масалан, АҚШ да) ва ҳукуматга берилган. Баъзи Конституцияларда субъектлар қаторига парламентнинг юқори палатаси (агар қонун лойиҳаси фақат қўйи палатага киритилса) ёки парламент қўмиталари киритилгандир.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи учта юқори суд органларига: Конституциявий суд, Олий Суд ва Олий хўжалик судига берилган. Бу мазкур судларнинг тажрибасидан маълум бўлган ва қонун билан тартибга солиниши талаб этиладиган муаммоларни тушуниш керак.

Конституция ва қонунчиликда қайси масалалар бўйича Президент ва қайси масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббусини амалга оширишининг муайян мезонлари аниқ белгилаб қўйилмаган.

Қонун лойиҳаси ёки қонун чиқариш тўғрисидаги таклифни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва унинг устида иш олиб бориш тартиби тўғрисида таклиф тайёрлаш учун, қоида тариқасида, Олий Мажлис Раиси томонидан Олий Мажлисининг тегишли қўмиталарига, хусусан, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасига юборилади. Хулоса тайёрлаш учун бош қўмита белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш, қоидага биноан, икки марта ўқиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига мувофиқ, энг муҳим қонунларнинг лойиҳалари халқ овозига (референдумга) қўйилиши ҳам мумкин.

83-модда

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилади. Қонунни қабул қилиш учун Олий Мажлис депутатларининг кўпчилик овози талаб этилади.

Қабул қилинган қонунларнинг ва бошқа норматив ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

Ушбу моддада, биринчидан, республика Олий Мажлиси қабул қиладиган ҳужжатлар белгилаб қўйилган. "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, конституциявий қонунларни, қарорлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиши қайд этилган. Олий Мажлис ҳамда унинг Кенгаши шулар билан бир қаторда мурожатномалар, декларациялар, баёнотлар қабул қилиши мумкинлиги ҳам назарда тутилган¹.

1

Бу ерда ўн иккинчи чақириқ республика Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган "Мустақиллик Декларацияси" (1990 йил 20 июнь); "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёоти"ни (1991 йил 31 август) кўрсатиш мумкин.

Конституциявий қонунлар республиканинг ҳуқуқий ҳужжатлари тизимида алоҳида ўринга эга бўлса-да, аммо уларнинг юридик кучи Асосий Қонун — Конституциядан бирмунча қуйи туришини таъкидламоқ лозим. Конституциявий ҳуқуқ назариясида уларни органик қонунлар деб номланиб, турли мамлакатларнинг конституцияларида (масалан, Россия, Франция, Испания) қайси ҳолларда парламент томонидан шундай қонунлар қабул қилиниши, улар орқали қандай ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши ҳам белгилаб қўйилган.

Конституция ва конституциявий қонунларни қабул қилиш ва уларга ўзгартириш киритишнинг маълум тартиби ўрнатилган бўлиб, унга асосан, депутатларнинг учдан икки қисми мазкур масалани ёқлаб овоз беришлари даркор.

Иккинчидан, ушбу модда қонун қабул қилиш учун талаб этиладиган овозлар миқдорини белгилайди. Бундай миқдор Олий Мажлис барча депутатлари овозларининг кўпчилиги билан ифодаланади, яъни овоз бериш натижаларини ҳисоблашда қонунни қабул қилиш вақтида ҳозир бўлган депутатларнинг сони билан эмас, балки Олий Мажлисга сайланган барча депутатларнинг умумий сонига нисбатан кўпчилик талаб этилади.

Ниҳоят, учинчидан, 83-модда қонунларни, шунингдек бошқа норматив ҳужжатларни (яъни умуммажбурий хатти-ҳаракат қоидаларини белгиладиган ҳуқуқий ҳужжатларни) татбиқ этиш шартларини белгилайди. Бундай шарт уларнинг матбуотда эълон қилиниши ҳисобланади.

Қонун ва Олий Мажлиснинг бошқа норматив ҳужжатлари улар имзолангандан кейин бир ҳафтадан кечиктирмай чоп этилади. Бу ҳужжатларда бошқа шартлар белгиланган бўлмаса, улар матбуотда эълон қилингандан кейин 10 кун ўтгач кучга киради. Қонунлар "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси", "Халқ сўзи", "Народное слово" газеталарида чоп этилади.

Қонунлар Президент томонидан (93-модда), Олий Мажлис қарорлари эса Олий Мажлис Раиси томонидан (85-модда) имзоланади.

Маълумки, Президент қонунга ўз эътирозини илова этиб, уни такроран муҳокама этиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтариш ҳуқуқига эга (вето ҳуқуқи) бўлиб, башарти Олий Мажлис илгари ўзи қабул қилган

қарорни учдан икки қисмдан иборат кўпчилик овоз билан тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди (93-модданинг шарҳига қаранг).

84-модда

Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили ҳисобот бериб турадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон вакили — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ва унинг ўринбосарлари Олий Мажлис ваколоти муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси этиб бир шахсни сурункасига икки муддатдан ортиқ сайлаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Олий Мажлис депутатлари учдан икки қисмдан иборат кўпчилигининг яширин овоз бериши орқали муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Бу моддада Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарларининг ваколат муддатлари, шунингдек Олий Мажлис Раисини муддатидан илгари чақириб олиш тартиби белгиланган.

Раис ва унинг ўринбосарлари Олий Мажлис депутатлари орасидан депутатлар гуруҳлари вакилларининг йиғилиши таклифига биноан Олий Мажлис ваколоти тугагунга қадар, яъни беш йил муддатга сайланади (бунда 81-моддани ҳам эътиборга олиш лозим).

Олий Мажлисининг Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш, уларни чақириб олиш ва ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш тартибига оид масалалар "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти"да ифода этиб берилган.

Олий Мажлис Раиси лавозимига номзод этиб кўрсатилган депутат яширин овоз бериш натижасида

республика парламенти депутатлари умумий сонининг ярмидан кўпининг овозини олган тақдирда Олий Мажлис Раиси этиб сайланган ҳисобланади. Олий Мажлис Раиси лавозимига ёки унинг ўринбосари лавозимига кўрсатилган номзод, депутатларнинг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланмаган ҳолда тавсия этилган бошқа номзод бўйича овоз бериш ўтказилади.

Ушбу лавозим ёки вазифага икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилиб, уларнинг бирортаси ҳам сайланиши учун талаб этиладиган овозлар сонини тўплай олмаган тақдирда, номзод-депутатлардан кўпроқ овоз олган икки номзодга такрор овоз берилиши кўзда тутилади. Икки номзоддан ҳам бирортаси депутатлар умумий сони ярмидан кўпининг овозини ололмаган бўлса, яна номзодлар кўрсатилиб, қайта сайлов ўтказилади.

Конституция Қорақалпоғистон Республикасига Олий Мажлис Раиси ўринбосарларидан бири унинг вакили бўлишига кафолат беради. Бу Ўзбекистон Республикаси ўзининг таркибига кирган мустақил республика вакиллари Олий Мажлисга раҳбарлик этишида иштирокини таъминлашга қаратилгандир.

Раис ўринбосарлари Олий Мажлис Раиси топшириғига биноан унинг вазифаларидан баъзиларини бажаради. Раис бўлмаган ёки у ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарадилар. Олий Мажлис Раисининг ваколатлари у бетоб бўлиб қолганда ёки унга юклатилган вазифаларни бажариш имконияти бўлмаган бошқа ҳолларда, Раиснинг илтимосига кўра, Олий Мажлис томонидан муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ва унинг ўринбосарлари маълум давр, яъни бир йил ичида ўзларининг ваколатларини қандай бажараётганлиги тўғрисида Олий Мажлисга ҳисобот бериб туришлари уларнинг фаолияти парламент назорати остида эканлигидан ҳамда унга нисбатан юклатилган масъулиятидан далолат беради.

84-моддада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси этиб бир шахсни сурункасига икки муддатдан ортиқ сайлаш мумкин эмаслиги қайд этилган. Бу эса парламент фаолиятининг демократик меъёрларига мос келади.

Олий Мажлис Раисини чақириб олиш тўғрисидаги масала Олий Мажлис депутатлари умумий сонининг

ярмидан кўпи бу таклифни ёқлаб овоз берганда, Олий Мажлис сессияси кун тартибига киритилиши мумкин. Конституцияда Олий Мажлис Раисининг чақириб олин-шини ёқлаб, депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғи овоз берган тақдирда, у чақириб олинган деб ҳисобланиши қайд этилган.

85 - модда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси:

1) Олий Мажлис муҳокамасига қўйиладиган масала-ларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

2) Олий Мажлис йиғилишларини чақиради, Олий Мажлис кун тартибига киритиладиган таклифларни қўмиталар ва комиссиялар раислари билан биргаликда тайёрлайди;

3) Олий Мажлис йиғилишларида раислик қилади;

4) Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради;

5) қонунларнинг ва Олий Мажлис қарорларининг бажарилишини назорат қилишни ташкил этади;

6) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш иш-ларига ва халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ гуруҳлар фаолиятига раҳбарлик қилади;

7) Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари раислари этиб сайлаш учун Олий Мажлисга номзодларни тақдим этади;

8) қўмиталар ва комиссиялар раисларининг таклифи-га мувофиқ қўмиталар ва комиссиялар таркибини ўзгартириб, сўнгра бу ўзгартишларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

9) Олий Мажлиснинг матбуот органлари фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

10) Олий Мажлис матбуот органлари низомларини ва таҳрир ҳайъати таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметасини тасдиқлайди;

11) Олий Мажлисга қарашли матбуот органлари муҳаррирларини тайинлайди ва лавозимларидан озод қилади;

12) Олий Мажлис депутатлари ва девонининг ишлаши учун зарур харажатлар сметасини тасдиқлайди;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларини имзолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси фармойишлар чиқаради.

Ушбу моддада Олий Мажлис Раиси ваколатлари белгилаб қўйилган. Улар жумласига, энг аввало Раиснинг Олий Мажлис сессиялари, мажлисларини ташкил қилиш ва ўтказишга доир ҳуқуқлари киради. Раис шу муносабат билан Олий Мажлис сессияларини тайёрлаш, уларни ўтказиш, кун тартибини шакллантиришни таъминлаш бўйича муҳим вазифаларни бажаради. Бундан ташқари, Олий Мажлис Раиси Олий Мажлис девонини, унинг ишини ташкил қилиш билан боғлиқ ваколатларни амалга оширади. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштиради, Олий Мажлис девони ва депутатларининг ишлаши учун зарур харажатлар ҳисоби (сметаси)ни тасдиқлайди.

Олий Мажлис Раиси фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири Олий Мажлис матбуот органлари фаолиятига раҳбарлик қилиш, уларнинг низомлари ва таҳрир ҳайъати таркибини, уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар ҳисоби (сметаси)ни тасдиқлаш, матбуот органлари муҳаррирларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилишдан иборатдир.

Олий Мажлис Раиси фаолиятининг яна бир йўналиши парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишига раҳбарлик қилишдир. Муқаддам республика Олий Кенгаши 1992 йил сентябрь ойида 120 дан ортиқ давлатларнинг парламентларини уюштирган Парламентлар Иттифоқи халқаро ташкилотига ҳамда 1993 йил январь ойида эса Оврупода хавфсизлик ва ҳамкорлик халқаро ташкилотининг Парламент Ассамблеясига аъзо бўлиши парламентлараро алоқаларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиб берди.¹

I

1992—1994 йиллар мобайнида Ўзбекистон парламенти фаолияти билан танишиш учун 80 дан зиёд парламент ва халқаро ташкилотлар делегациялари республикамизга ташриф буюрди.

1994 йил 18—19 октябрда Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Туркия давлатларининг президентлари иштирокидаги юқори даражадаги учрашув жараёнида имзоланган баённоманинг 15-моддасига мувофиқ, ушбу давлатлар ўртасида парламентлараро муносабатларни ривожлантириш ва бу ҳамкорликни доимий асосда олиб бориш кўзда тутилган ("Халқ сўзи", 1994 й. 21 декабрь сони).

Конституцияга асосан Раис ваколатларига, шунингдек, ўз ўринбосарларини, қўмита ва комиссиялар раислари этиб сайлаш учун номзодларни Олий Мажлисга тақдим этиш ҳам киради. Бундан ташқари, қўмита ва комиссияларнинг раислари таклифига биноан ушбу органлар таркибига ўзгартиришлар киритилади.

Ушбу ўзгартиришлар Олий Мажлис томонидан тасдиқланиши лозим. Бунда Олий Мажлис Раиси билан бир қаторда парламентнинг дастлабки сессиясида тузиладиган Олий Мажлис Кенгаши муҳим ўрин тутати. Кенгаш таркибига Олий Мажлис Раиси, раиснинг ўринбосарлари, қўмиталарнинг, Мандат Комиссиясининг раислари ва Олий Мажлис расмий фракцияларининг вакиллари киради.

Кенгаш ваколатлари "Олий Мажлис тўғрисида"ги Конституциявий Қонунда белгиланган. Уларга хусусан, Олий Мажлис сессиялари кун тартиби ва иш тартиби юзасидан таклифларни тайёрлаш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштиришни ташкил этиш, қонунлар лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни, Олий Мажлис Раиси таклифига биноан дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва бошқалар киради. Шундай қилиб, Олий Мажлис Раиси ваколатлари рўйхати бу фақат Олий Мажлис ишини ташкил қилиш жараёнида унинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида хулоса чиқариш учун имкон беради. Бундай Олий Мажлис Раисига берилган ваколатлар Олий Мажлис ишини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Унинг вазифаси парламент спикери¹ фаолияти ҳақидаги анъанавий тасаввурга тўғри келмайди. Яна шуни таъкидлаш жоизки, Раис Олий Мажлиснинг қарорларини имзолайди, ўз ваколатларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича фармойишлар чиқаради.

86 - модда

Олий Мажлис қонун лойиҳалари тайёрлаш ишларини олиб бориш, Олий Мажлисга ҳавола этиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш,

¹ Спикер сўзи инглизчадан (*speaker*) олинган бўлиб, нотик маъносини англатади. У бир қатор мамлакатларда парламент палаталарининг раиси ҳисобланади.

қонунларнинг ва Олий Мажлис бошқа қарорларининг ижросини назорат қилиб туриш учун депутатлар орасидан қўмиталар ва комиссиялар сайлайди.

Олий Мажлис зарур бўлган тақдирда доимий ҳамда муваққат ишловчи депутатлик, тафтиш ва бошқа комиссияларни тузади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг самарали фаолият кўрсатишида, унинг ваколатларини амалга оширишда кўмаклашадиган парламентнинг муҳим органлари: қўмита ва комиссияларнинг ўрни алоҳидалиги билан ажралиб туради.

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг ваколатлари, уларни тузиш ва фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида"ги Конституциявий Қонун, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари тўғрисида"ги Низом билан белгиланади.

Олий Мажлиснинг қўмиталари ва комиссиялари депутатларнинг касб-кор қизиқишларини, ишлаб чиқаришга оид ва ҳаётий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, халқ депутатлари орасидан ҳудудий депутатлар гуруҳлари вакиллари йиғилишининг таклифига биноан парламент ваколати муддатига, яъни беш йилга сайланадилар.

Конституция ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари зиммасига бир қатор ваколатлар мажмуини юкласа-да, аммо қонун чиқариш ҳокимиятини амалга оширувчи Олий Мажлис сингари мустақил давлат органи ҳисобланмайдилар ва улар норматив ҳужжатлар қабул қилмайдилар.

Олий Мажлис депутати, одатда, битта қўмита ёки комиссиянинг аъзоси бўлиши мумкин. "Олий Мажлис тўғрисида"ги Конституциявий Қонунга асосан қўмита ва комиссиялар таркибига Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари сайланишлари мумкин эмас.

Ушбу Қонунда қўмита ва комиссиялар Олий Мажлис олдидан масъул эканликлари ва унга ҳисобот бериб туришлари кўзда тутилган. Зарурат бўлган тақдирда, Олий Мажлис янги қўмита ва комиссиялар тузиши ва аввал тузилганлар таркибини ўзгартириши мумкин.

Қўмита ва комиссиялар таркибига сайланмаган депутатлар уларнинг ишида маслаҳат овози билан қатнашишлари мумкин.

Қўмита ва Мандат Комиссияси Раислари Олий Мажлис Кенгаши таркибига кирадилар (85-модданинг шарҳига қаранг). Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари иши ўз режаси ҳамда Олий Мажлис, унинг Раиси ва Кенгаш топшириқлари ҳамда тавсиялари асосида ташкил этилади.

Олий Мажлис қонунлари ва қарорлари, одатда, уларнинг лойиҳалари Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталари ва комиссиялари томонидан дастлабки тарзда муҳокама қилингандан кейин қабул қилинади. Шу сабабли қўмиталар ва комиссиялар ўзларига топширилган мазкур лойиҳаларни кўриб чиқиб, ўз хулосаларини тайёрлайдилар.

Олий Мажлис қарорларининг ижросини назорат қилиш мақсадида парламентнинг қўмита ва комиссиялари давлат идора ҳамда ташкилотларининг ахборотларини эшитадилар ва улар асосида тавсияномалар қабул қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириғида қуйидаги: Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси; Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси; Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси; Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси; Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси; Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш қўмитаси; Аграр ва сув хўжалиги масалалари ҳамда озиқ-овқат қўмитаси; Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси; Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси; Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги қўмитаси; Матбуот ва ахборот қўмитаси; Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси фаолият кўрсата бошлади.

Зарур бўлган тақдирда Олий Мажлис томонидан аниқ топшириқларни бажариш учун депутатлар орасидан муваққат комиссиялар тузилиши, уларнинг вазифалари ва фаолият юритиш тартиби белгилаб берилиши мумкин. Муваққат комиссиялар ўз вазифаларини бажариб бўлганларидан сўнг ёки Олий Мажлис ва унинг Кенгаши қарори билан ўз фаолиятларини тугатадилар.

Олий Мажлис депутатларига белгиланган тартибда уларнинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар қопланади. Олий Мажлисида доимий ишлайдиган депутатлар ўз ваколатлари даврида бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Мазкур моддада Олий Мажлис депутатлари ўз фаолиятларини самарали ва мустақил равишда амалга оширишларининг муҳим шартлари белгиланган.¹ Улардан бири индемнитет тушунчаси бўлиб иккинчиси эса, депутатлик фаолиятининг маълум касб ва лавозимларга номутаносиблиги билан боғлиқ масалалар тартибга солинади. Парламент аъзоси фаолиятининг ушбу кафолатларига оид қоидалар аксарият мамлакатларнинг қонунчилигида ўрин олган.

Индемнитет деганда, одатда, депутатга ўз парламент фаолиятини бажариш учун турли моддий имкониятлар берилиши тушунилади, бунда аввало профессионал парламент фаолияти учун ҳақ-тўловлар ажратилиши назарда тутилади. Ҳозирги замон парламент депутатлари ўз вазифаларини рўёбга чиқаришда катта харажатлар сарфлашига тўғри келади, хусусан, уларнинг зиммасига ўз хизмат хонаси учун (хизмат турар жойи,) депутатлик фаолияти жараёнида жалб қилинадиган мутахассислар ва техник ходимларнинг меҳнати учун, хизмат сафарлари, турли ёзишмалар (корреспонденция) учун хилма-хил тўловлар қилиши лозим бўлади. Шу сабабли уларга мазкур харажатларни қоплаш учун маълум миқдорда пул ажратилади. Баъзи мамлакатларда парламент аъзолари олий вакиллик органи йиғилишларида қатнашганликлари учун, яъни ҳар бир сессия мажлисларида иштирок этган кунлари учун суткалик иш ҳақи олишлари мумкинлиги ҳам кўзда тутилган.

Депутатлик фаолиятининг маълум мансаб мавқеи билан номутаносиблиги тушунчаси парламент аъзосининг ўз ваколатлари мобайнида маълум лавозимларни эгаллаши мумкин эмаслигини англатади. Бундай қоидадан кутилган

1

Депутатларнинг мақоми, энг муҳим ваколатлари ва депутатлик фаолиятининг кафолатлари ўз ифодасини "Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида"ги Қонунда топган.

мақсад, депутатнинг турли ҳокимиятнинг давлат органлари ёки хусусий манфаатларга тобе ҳолатга тушиб қолмаслигининг олдини олишдан иборат. Мансаб лавозими номутаносиблиги шарт баъзи бир касб ва хусусий характердаги фаолиятни депутатлик фаолияти билан бирга олиб боришни тақиқлашни, унинг молиявий ва иқтисодий омиллардан холи бўлиши ҳамда ундан ўз манфаати йўлида фойдаланишига чек қўйишни ҳам назарда тутати.

Маълумки, Олий Мажлис депутати ўз сайловчилари ҳамда уни депутатликка тавсия этган сиёсий партия ёки тегишли маҳаллий ҳокимият органларининг вакилидир. Олий Мажлис депутатининг ҳуқуқлари ва фаолияти кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади. Жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари фаолиятининг таъминоти тўғрисида"ги Низом билан юқоридаги масалалар атрофлича тартибга солинади.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатга асосан, Олий Мажлиснинг депутатлари фаолиятини амалга ошириш учун ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилинишлари мумкин. Шунинг ҳам қайд этмоқ лозимки, Олий Мажлис Раиси, унинг ўринбосарлари, қўмиталарнинг раислари, раис ўринбосарлари ва котиблари Олий Мажлисте доимий асосда ишлашлари кўзда тутилган. Олий Мажлис бошқа депутатларининг эса доимий асосда ишлашга доир масала тегишли қўмита раисининг тақдимига мувофиқ Олий Мажлиснинг Раиси томонидан ҳал этилиши мумкин.

Доимий асосда ишлайдиган депутатлар ўз ваколатлари мобайнида бошқа бирон-бир лавозимни эгаллашлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Олий Мажлис депутатларига депутатлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар учун ой сайин энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдориде даромад солиғи олинмайдиган маблағлар тўлаш ҳам кўзде тутилган. Доимий асосда фаолият кўрсатаётган депутатларга эса Олий Мажлис Раиси Олий Мажлис Кенгаши билан келишилган ҳолда белгилайдиган иш ҳақи берилади.

Депутатнинг республика олий вакиллик ҳокимияти органида ишлаган вақти умумий ва узлуксиз иш стажига, ихтисоси бўйича иш стажига қўшиб ҳисобланади. Олий Мажлисте доимий асосда ишлаган депутатларнинг ваколат

муддатлари тугагандан сўнг, уларга аввалги ишлари берилади ёки бундай иш билан таъминлашнинг имконияти бўлмаса, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан, илгаригисига тенг бошқа иш билан таъминлаш кафолатланади.

Халқ вакилларининг Олий Мажлис сессияларида, унинг Кенгаши, қўмиталари ва комиссияларининг мажлисларида қатнашган вақтларида, шунингдек Олий Мажлис раҳбариятининг топшириқларини бажариш мақсадида сафарда бўлган вақтларида асосий иш жойларидаги ўртача иш ҳақи сақланади, уларга суткалик пул тўланади ҳамда меҳмонхонада туриш билан боғлиқ харажатлар қопланади.

Доимий асосда Олий Мажлисте фаолият кўрсатаётган бошқа шаҳарлик депутатларга оила аъзолари билан биргаликда яшашлари учун тегишли даврга мўлжалланган хизмат турар жойи берилади.

88 - модда

Олий Мажлис депутати дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Олий Мажлиснинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Мазкур моддада депутатлик фаолиятининг энг муҳим кафолати бўлган дахлсизлик ҳуқуқи (иммунитет тушунчаси) белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутатининг шаъни ва қадр-қимматини, шахсини муҳофаза этиш мақсадида, унинг муайян жавобгарликка тортилмаслик ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Бунинг мазмуни шундан иборатки, Олий Мажлис депутати давлат ҳокимияти олий вакиллик органининг розилигисиз, сессия оралиғидаги даврда эса — Олий Мажлис Кенгашининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида қўлланиладиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас. Иммунитет депутатнинг жавобгарликка тортилмаслиги ва дахлсизлигини англатади. Депутатнинг жавобгарликка тортилмаслиги унинг сўз ва овоз бериш эркинлигида ифода этилиб, маъноси шундан иборатки, парламент аъзоси олий вакиллик органида билдирган фикри ва берган овози учун

жавобгарликка тортилмайдди. Шуни назарда тутмоқ лозимки, депутатнинг дахлсизлиги унинг шахсий имтиёзи бўлмай, балки у республика Олий Мажлисининг манфаатини кўзлаб белгиланган.

Депутатлик фаолиятининг бундай кафолати депутат бўлган шахснинг жиноий ёки маъмурий тарзда асоссиз жавобгарликка тортилишининг олдини олишга қаратилган. Аммо уни депутатни муайян жазодан қутқариб қолиш воситаси деб асло тушунмаслик керак.

Агар оддий фуқаронинг жавобгарликка тортилиш сабабларини ҳар томонлама текшириб кўриш лозим бўлса, депутатга нисбатан бу ишни янада чуқурроқ ва асосли тарзда амалга ошириш зарур. Шу боисдан депутатни бирон-бир шаклдаги юридик жавобгарликка тортиш ҳақидаги таклиф билан Олий Мажлисга киришдан олдин, бу ишларни тегишли идоралар томонидан синчиклаб ўрганиб чиқилади.

Олий Мажлис депутатининг Қонунни бузиш билан боғлиқ ҳаракатига оид масалалар Олий Мажлис мажлисларида атрофлича муҳокама қилинади. Бу масалаларни кўриб чиқишда Олий Мажлиснинг Мандат комиссияси муҳим ўрин эгаллаб, у депутатлик дахлсизлиги юзасидан хулосалар беради.

Олий Мажлис депутатига нисбатан жиноий иш фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.¹

Дахлсизлик ҳуқуқи Олий Мажлис депутатини мажбуран келтириш, ушлаб туриш ҳамда унинг шахсий буюмларини, юки, транспорти, уй-жойи ёки хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўймасликда ҳам ифодаланади.

Депутатлик дахлсизлиги депутатларнинг бутун ваколат муддати мобайнида амалда бўлиб, бу муддат тугагандан сўнг унинг амал қилиши тўхтайдди.

Олий Мажлис тўғрисидаги Қонунга биноан сессиялар оралигидаги даврда Олий Мажлис Кенгаши иш жойидаги маъмурият ташаббусига кўра депутатларни ишдан бўшатишга розилик бериш масалаларини ҳам кўриб чиқади.

1

Олий Мажлис депутатини жавобгарликка тортиш учун розилик олиш тартиби "Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида"ги Қонуннинг 32-моддасида батафсил ёритилади ("Халқ сўзи", 1995 йил 1 июнь сони).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ

89 - модда

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ушбу боби мустақил давлатчиликнинг асосий белгиларидан бири бўлмиш давлат бошлиғининг ҳуқуқий мақомига бағишланган. Бевосита бу бобда мустақамланган моддаларни шарҳлашдан аввал республика Президентининг ҳуқуқий мақомини аниқлашга сабаб бўладиган бошланғич нуқталардан бири бўлмиш давлат бошқаруви турлари муаммоларига тўхталиб ўтиш лозим.

Президентни давлатнинг марказий органлари тизимида тутган ўрни давлат бошқарувининг шаклига боғлиқ. Агар мамлакатда давлат бошқарувининг парламентар республика тури ўрнатилса, бу ҳолда Президент фақат давлат бошлиғи вазифасини бажаради ва у ижроия ҳокимиятига раҳбарлик қила олмайди. Шунинг учун ҳам бошқарувнинг парламентар республика шаклида президент давлат органлари тизимида марказий ўринни эгалламайди.

Бошқарувнинг президентлик республикаси шаклидаги давлатларда эса Республика Президенти давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади. У давлат органлари тизимида марказий ўринни эгаллайди.

Республикамиз Конституциясининг 89-моддасида мустақамланган қоидалар мамлакатимизда давлат бошқарувининг президентлик республика шакли ўрнатилганлигидан далолат беради.

Бошқарувнинг президентлик республикаси шакли ҳозирги кунда йирик ривожланган мамлакатлардан АҚШ, Франция, Лотин Америкасидаги аксарият давлатларда ва шунингдек, ривожланаётган Республика шаклидаги мамлакатларнинг қарийб барчасида ўрнатилган. Чунки кучли ижро ҳокимиятининг президент қўлида тўпланиши мамлакатдаги барча кучларни бир мақсад йўлида бирлашти-

ришга, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга, мамлакатда барқарорлик, ҳуқуқий тартибот ўрнатишда асосий кафолат бўлади. Жамиятда барқарорлик, ҳуқуқий тартибот ва осойишталик мавжуд бўлган шароитдагина иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа мақсадларни амалга оширишга реал имконият туғилади.

90-модда

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

Конституциямизнинг 90-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланиш учун сайлов талаблари (цензлар) мустаҳкамланган. Бундан ташқари бир шахсни президентликка бир неча бор сайланишини чекловчи қоидалар, унинг ваколат муддати ҳамда президентликка сайловлар ўтказиш принциплари мустаҳкамланган.

Шахснинг президентликка сайланишини чегараловчи қоидалар аксарият хорижий мамлакатларнинг Конституцияларида ҳам мустаҳкамланган. Масалан, АҚШ Конституциясининг 2-моддасида кўрсатилишича, АҚШ президенти этиб туғилишига кўра АҚШ фуқароси бўлмаган, ўттиз беш ёшга тўлмаган, АҚШда ўн тўрт йил давомида доимий турар жойига эга бўлмаган шахслар президентликка сайланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасида мустаҳкамланган чегараловчи қоидаларни хорижий мамлакатлар Конституцияларида, хусусан, АҚШ Конституциясидаги шу каби қоидалар билан таққосласак, республикамиз Асосий Қонунида чегараловчи қоидалар анча

халқчил эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Биринчидан, фуқаролик вужудга келиш асослари АҚШ Конституциясига кўра фуқароларни кейинги ҳуқуқий мақомига таъсир кўрсатади, фақат туғилишига кўра АҚШ фуқароси бўлган шахсларгина президентликка сайланиши мумкин, бизнинг Конституциямизга кўра фуқароликни вужудга келиш асослари шахснинг кейинги ҳуқуқий ҳолатига таъсир этмайди. Иккинчидан эса, сайловгача яшаш муддати АҚШда 14 йил белгиланган бўлса, Республикамиз Конституциясида 10 йил белгиланганлиги бунга исбот бўла олади.

Бир шахсни бир неча бор сайланишини чегараловчи қоидалар ҳам турли хорижий мамлакатларнинг конституцияларида турлича белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасидаги охириги сўз бошида республикамиз Президентини сайлаш принциплари этиб жаҳонда тан олинган принциплардан умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш мустаҳкамланган. Юқоридаги сайлов принциплари Президентлик республикаси шаклидаги барча хорижий мамлакатлар Конституцияларида ҳам мустаҳкамланган. Президентни сайлаш тартиби муҳим сиёсий аҳамиятга эга, агар республика Президенти бевосита парламент иштирокисиз сайловчилар томонидан сайланадиган бўлса, у ҳолда у ўз ваколатларини халқдан олган ҳисобланади ва парламентга нисбатан анча мустақил сиёсат юргизиш имкониятига эга бўлади.

91-модда

Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

Президентнинг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.

Ушбу модда Президент ўз вазифасини бажариб турган даврида бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ҳамда вакиллик органини депутати бўлиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланган. Бу ҳолат, Президентнинг ижроия этувчи ҳокимиятини бошқаришидан ва "ҳокимият

бўлиниши" принципига асосан қонунчилик ҳокимиятидан нисбатан мустақил бўлиши кераклигидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам бошқарувнинг президентлик республикаси шаклидаги давлатларда давлат бошлиғи (Президент) бевосита сайловчилар томонидан сайланади. Халқ томонидан сайланиб қўйилган Президент ўз фаолияти учун сиёсий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Чунки у ўз ваколатларини халқдан олади. Бундай қоида хорижий мамлакатлар Конституцияларида ҳам мустаҳкамланган. Шунинг учун ҳам унинг дахлсизлиги қонун билан мустаҳкамланган.

92 - модда

Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қуйидаги қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади:

"Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан".

93 - модда

Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир;

2) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

3) мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

4) музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;

5) ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ва башқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади;

6) Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари тайинлайди ҳамда лавозимларидан озод қилади;

7) республика Олий Мажлисига ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади;

8) ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

9) Бош Вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлиснинг тасдиғига киритади;

10) Олий Мажлисга Конституциявий суд раиси ва аъзолари, Олий суд раиси ва аъзолари, Олий хўжалик суди раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

11) вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади;

12) вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига қўяди; Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли;

13) республика бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади ва бекор қилади;

14) Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли. Агар Олий Мажлис илгари ўзи қабул қилган қарорни учдан икки қисмдан иборат

кўпчилик овоз билан тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди;

15) фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;

16) республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади; олий ҳарбий унвонларни беради;

17) Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти тугилганда уруш ҳолати эълон қилади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади;

18) Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини беради;

19) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади;

20) амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни афв этади;

21) миллий хавфсизлик ва давлат назорати хизматларини тузади, уларнинг раҳбарларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади ҳамда ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилади.

Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

Конституциянинг 92- ва 93-моддалари ўзаро бир-бирини тўлдиради. Агар 92-моддада Президентнинг лавозимига киришиши маросимини ва халқ томонидан сайланган Олий Мажлис ноиблари олдида қасамёдни қабул қилиши вожиблиги мустаҳкамланса, қасамёд матни, 93-модданинг

биринчи бандларидаёқ Президент ўз ваколатларини ба-
жаришининг реал томонлари таърифланади.

Фуқароларнинг, бутун аҳолининг ҳуқуқлари ва эркин-
ликларига, Конституция ва давлат қонунларига амал
қилинишининг кафолатчиси Президент ўз ваколатларидан
фойдаланиб Ўзбекистон суверенитети, хавфсизлиги ва
ҳудудий яклитлигини муҳофаза этади. Бугун биз ички
бунёдкорлик масалаларини амалга оширишда юртбоши-
мизнинг фуқаролик ва байналмилал келишув, фикр ва
виждон, дин ва эътиқод эркинлигини кундалик ишларида
ҳаётга татбиқ этиб келишида кўраяпмиз. 100 дан ортиқ
миллат ва элат вакиллари ҳозирги ва келажак авлод
тақдиридан хавотир олмасалар ҳам бўлади. Барча прези-
дентлик республикаларида давлат раҳбари зиммасига ва-
киллик вазифалари юклатилади. У ўз давлатининг вакили
сифатида халқаро муносабатларда юқори вакилликни олиб
боради; музокаралар ўтказади, битим ва шартномаларга қўл
қўяди, республика томонидан тузилган ҳужжатларга риюя
этилишини таъминлайди.

Президент мамлакатимизнинг чет эллардаги диплома-
тик вакилларини тайинлайди, чет эл дипломатик вакил-
ларини қабул қилади.

Давлат раҳбари ҳар йили Олий Мажлисга ички ва
ташқи халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим
этади.

Ижроия ҳокимияти раҳбари бўлган Президент ижро
этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик
қилади, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда бошқарув-
нинг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу маса-
лаларга доир фармонларни (парламент) Олий Мажлис
тасдиғига киритади.

Президент ижроия ҳокимиятининг бошлиғи сифатида
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини, унинг
ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамасининг бошқа аъзо-
ларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолат-
чиси Президент Ўзбекистон Республикасининг Бош про-
курори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни
лавозимидан озод қилади: кейинчалик бу масалаларни
Олий Мажлис тасдиғига киритади.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Конституциявий
суд раиси ва аъзолари, Олий суд раиси ва аъзолари,

Олий ҳўжалик суди раиси ва аъзолари лавозимига номзодларни тақдим этади.

Президент вилоят, туман, шаҳар ва ҳўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади. Давлат раҳбари сифатида миллий давлат тузилишига доир масалаларга оид қарорларни амалга оширишни, ижроия ҳокимият бошлиғи сифатида эса Конституция ва Қонунларни жойларда бажарилишини таъминлайди. Шу мақсадда Президент вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига қўяди. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ёки шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли.

Ижроия ҳокимият бошлиғи сифатида Президент бошқарув органларининг, шунингдек, ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатиш ва бекор қилишга ҳақли.

Давлат раҳбари сифатида Президент қонунчилик жараёнининг бевосита иштирокчисидир. Конституциянинг 82-моддаси асосида Ўзбекистон Республикасининг Президенти қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Асосий Қонуни 93-моддасининг 14-бандида Президент қонунларни имзолаши айтилади. Бу эса қонун лойиҳаси фақатгина Давлат раҳбари тасдиғидан кейингина кучга киради дегани.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Президент қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга, яъни давлат раҳбари ўз эътирозлари баён этилган номани парламентга юбориб, қонун лойиҳасини кейинга суришга, кечиктиришга, тақиқлашга ҳақли деб таъкидланади.

Олий Мажлис илгари ўзи қабул қилган қарорни учдан икки қисмдан иборат кўпчилик овоз билан тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди.

Хулоса қилиб айтганда, Қонунни қабул қилиш жараёнида Президент давлат бошлиғи сифатида иштирок этса-да, лекин масалани ҳал қилишда асосий ўринни Олий Мажлис эгаллайди.

Давлат бошлиғи бўлмиш Республика Президентининг юқорида кўрсатилган қонунларни тасдиқлашни чегараловчи ҳуқуқи *вето* ҳуқуқи деб аталади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бундай ҳуқуқ давлат бошқарувининг президентлик республикаси шаклидаги барча мамлакатлар президентлари ваколатлари доирасига киради. Президент давлат бошлиғи сифатида алоҳида ваколатларга эга бўлиб, улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади.

Конституция бўйича (93-модданинг 16-банди) республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланган Президент Қуролли Кучлар олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади; олий ҳарбий унвонларни беради.

Кўпчилик мамлакатлар конституциялари вазият тақозо қилган тақдирда Президент зиммасига уруш эълон қилиш ҳуқуқини ҳам юклайди.

Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилганда уруш ҳолати эълон қилади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади.

Республика Президенти амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади ва Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни афв этади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади. Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг маънавий ва фахрий унвонларини беради.

Президент мустақиллик, хавфсизлик ва ҳудудий бутунликни ҳимоя қилиш мақсадида миллий хавфсизлик ва давлат назорати хизматларини тузади, уларнинг

раҳбарларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади ҳамда ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳал этади.

94 - модда

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Юқорида баён этилган ваколатларни бажариш учун Президент Конституция доирасида норматив актларни чиқариш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94-моддасига мувофиқ, Республика Президенти Конституция ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан Республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Ўзининг юридик кучига кўра Президент томонидан чиқарилган актлар қонун ости акти ҳисобланади ва қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида чиқарилади.

95 - модда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таркибида унинг нормал фаолиятини таҳдидга соладиган, ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин. Олий Мажлис тарқатилгандан сўнг унга янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Олий Мажлис фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмас.

Конституциянинг 93-моддаси 8-бандида Президент республика Олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди, дейилган. Бироқ, давлатчилик амалиётида шундай ҳодисалар ҳам бўлиши мумкинлиги, парламент (Олий Мажлис) таркибида ҳал этиш қийин бўлган қарама-қаршиликлар, масалан,

қонунлар қабул қилиш, Асосий Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнларида, Олий Мажлисни олиб боришга дахлдор бўлган масалаларни қонунчилик асосида мувофиқлаштириш масалаларида ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар бўлиши мумкин. Чунки Олий Мажлис коллегиал орган ҳисобланиб, баъзида халқ ноиблари умумий фикрга кела олмасликлари ҳам мумкин. Республика Президенти давлат бошлиғи сифатида бундай ҳолларда ўзининг конституцион ваколатларидан фойдаланиб, ихтилофни ҳал қилиш чораларини кўриши зарур. Булар тузатиб бўлмайдиган зарар келтириши, давлат бошқарувини издан чиқаришига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бундай ҳолатлар содир бўлган тақдирда уни ҳал этиш тартиби Асосий Қонунда мустақамланган.

Конституциянинг 95-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таркибида унинг фаолиятини таҳдидга соладиган, ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилганда, Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлисни тарқатиб юборилиши мумкин. Олий Мажлис фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмас. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Республика Президентининг Олий Мажлисни тарқатиб юбориш ҳуқуқи Конституцияда аниқ чегаралаб қўйилиши ва бу ҳуқуқдан фойдаланишни Президентнинг якка ўзи ҳал қилмай, Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида ҳал қилиниши ҳамда Олий Мажлис фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмаслиги, Республикада "ҳокимият бўлиниши" принципининг жорий этилганлиги ва қонунийлик асосий масалаларидан бири эканлигидан далолат беради.

96 - модда

Ўзбекистон Республикасининг Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Олий Мажлис тузган давлат тиббий комиссияси хулосаси билан тасдиқланган тақдирда ўн кун муддат ичида Олий Мажлисининг фавқулодда йиғилишида депутатлар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини

вақтинча бажарувчи сайланади. Бу ҳолда уч ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт.

Конституциянинг 90-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин.

96-моддада кўрсатилган сабабларга кўра Президент ўз ваколатларини бажара олмаса, унинг вазифаларини ким вақтинча бажариши кўрсатилган. Мустақил Республика Давлат бошлиғисиз яшай олмайди, чунки президентлик институти мустақилликнинг асосий белгиларидан биридир. Шунинг учун ҳам барча хорижий мамлакатлар Конституцияларида, Президент лавозими бўш қолган вақтда унинг ўрнини тўлдириш масаласи қонунан мустақамланган, турли давлатларда бу масала турлича ҳал этилади. Чунончи, вице-президент лавозими мавжуд давлатларда бўш қолган Президент ўрнини кейинги навбатдаги сайловларгача вице-президент эгаллайди. Навбатдан ташқари сайловлар ўтказилиши, Италия ва Франция Республикаларида бу лавозимни эгалловчи шахс этиб Парламент Олий палатаси Раиси, Австрия ва Финляндияда эса ҳукумат бошлиғи бўлиши мустақамланган. Агар Президент лавозими бўш бўлса, тўла муддатда Президент сайлаш учун умумхалқ Президент сайлови ўтказилади.

97-модда

Ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси лавозимини эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига мувофиқ шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас. Халқ ишончини қозониб, олий лавозимни кетма-кет икки муддат эгаллаган шахс кейин нима қилиши керак?

Қонун чиқарувчи орган масалага донишмандлик билан, узоқни кўзлаб ёндашган. Конституциянинг 97-моддасига мувофиқ ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси лавозимини эгаллайди. Шунда давлат ва жамият ўз

фуқаросининг билими, давлатчилик соҳасидаги тажрибасидан халқ манфаати йўлида кўпроқ фойдаланиши мумкин.

Бундай қоидалар хорижий мамлакатларнинг Конституцияларида ҳам мустаҳкамланган. Чунончи, Франция Республикаси Конституциясининг 56-моддасига кўра, Республиканинг собиқ Президентлари Конституцион Кенгашнинг умрбод аъзоси бўлиш ҳуқуқига эга. Италия Республикаси Конституциясининг 59-моддасига биноан, Республиканинг собиқ Президентлари ўз ихтиёрларига кўра умрбод Парламентнинг юқори палатаси бўлмиш Сенатнинг аъзоси бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

XX боб

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

98 - модда

Вазирлар Маҳкамаси таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати — иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, қонунлар

ижро этилишига, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилишига раҳбарликни таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органидир.

Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви тузилмаларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан ишлашини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси Республикада яшовчи барча миллатлар манфаатларини ҳисобга олиш учун ўз фаолиятини ошкоралилик, инсонпарварлик ва қонунийлик асосида олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади. Президент Вазирлар Маҳкамасининг Раиси сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда унинг ўз ваколатларини самарали амалга ошириши учун чора-тадбирлар кўради (89-модда шарҳига қаранг).

Вазирлар Маҳкамаси таркибига Бош Вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси вазирлари, давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа тузилмаларининг раҳбарлари киради.

Бош Вазир ва унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимидан озод этиладилар, кейинчалик бу масала Олий Мажлис тасдиғига киритилади (93-модда шарҳига қаранг).

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси лавозими бўйича Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

Ўзбекистон Олий Кенгаши 6 май 1993 йил Конституцияга асосан Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколатлари доирасини аниқловчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида қонун қабул қилган.

Вазирлар Маҳкамаси: иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради; мулкчиликнинг барча шакллари-ни уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётни монополиялаштиришдан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий қурилишини рўёбга чиқариш асосида эркин тад-

биркорлик учун шарт-шароитлар яратади, хўжалик юри-тишнинг янги шаклларини барпо этишга ва мус-таҳкамлашга кўмаклашади; Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўради; Республика бюджетини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқаришни ва уларнинг ижросини ташкил этади, бошқарув идоралари тизимини такомиллаштиради, ҳар хил министр-ликлар, давлат қўмиталари, идоралари ва хўжалик тузил-маларини ташкил қилиш ва тугатиш тўғрисида таклифлар беради; фан ва техникани ривожлантириш чора-тадбирла-рини амалга оширади; фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш чораларини кўради; Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлигини ва мудофаа қудратини ошириш, давлат че-гараларини қўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш тадбир-ларини амалга оширишга кўмаклашади; Республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакилликни таъминлайди, ҳукуматлараро шартнома ва битимлар тузади, уларни ба-жариш чора-тадбирларини кўради. Юқоридагилардан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида бир қатор ваколатларга ҳам эга.

Вазирлар Маҳкамаси вазирларнинг ўринбосарларини, давлат қўмиталари раисларининг ўринбосарларини, бош бошқармалар ҳамда давлат бошқаруви бошқа идоралари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини лавозимига та-йинлайди, лавозимидан озод этади. Хўжалик бошқаруви тузилмалари раҳбарларини ва вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳайъатлари аъзоларини тасдиқлайди.

Вазирлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа тузилмалари ҳақидаги низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа тузилмаларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади, агарда улар қабул қилган актлар амалдаги қонунларга зид бўлган ҳолларда, уларни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Олий Мажлиси билан муносабати республикамизда ҳокимият бўлинишининг нечоғлик тўғри амалга оширилаётганидан далолат беради (11-модда шарҳига қаранг).

Янги тузилган Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлисга кўриб чиқиш учун ўз ваколатлари давридаги фаолияти дастурини тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, Ўзбекистон Республикаси бюджетининг асосий кўрсаткичларини ишлаб чиқади ҳамда Олий Мажлис тасдиғига жўнатади.

Олий Мажлис Вазирлар Маҳкамаси алоҳида аъзосининг ҳисоботини эшитиши ҳамда зарур бўлганда унинг истёфода чиқиши тўғрисида Президентнинг кўриб чиқиши учун таклиф киритиши мумкин. Шунини қайд қилиш керакки, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилдан келиб чиқиб, Конституцияда аввалги Конституцияларда мавжуд бўлган ҳукуматнинг Олий Кенгаш олдида ҳисобот бериш тартиби йўқ қилинган. Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамаси ижро ҳокимиятининг вакили сифатида ўз ваколатларини парламент ва суд органлари каби ҳокимият бўлиниши тамойилларига асосан мустақил олиб боришлари керак.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Олий Мажлис йиғилишларида, унинг қўмиталари ва комиссиялари йиғилишларида қатнашиш ва ахборот бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўз навбатида, Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталарининг ҳукумат фаолияти масалаларига доир тавсиялари ва таклифларини кўриб чиқади ва улар юзасидан чора-тадбирлар кўради, кўриб чиқиш натижалари ҳақида Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлисининг тегишли қўмиталари ва комиссияларига ахборот беради. Депутатлар ёки депутатлар гуруҳи сўровларига ҳукумат ёки ҳукумат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишларида уч кундан кеч бўлмаган муддатда оғзаки ёки ёзма жавоб беришга мажбурдирлар.

Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ўзаро ҳамкўрлик қилади, унинг ахборотларини эшитади. Ўзининг ваколатига кирувчи

масалалар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши таклифларини кўриб чиқади, Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларининг ижро этилишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантиришни таъминлаш билан боғлиқ масалалар билан ҳам шуғулланади. Шу мақсадда у маҳаллий ижро этувчи ҳокимият тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади.

Ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини тасдиқлайди, жойлардаги ижро этувчи ҳокимият мажмуининг сонини ва намунавий тузилмасини белгилайди.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларини тўхтатиб қўйиш ва бекор қилишга ҳақлидир.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби 27 ноябр 1993 йилда тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлар тўплами, №11, 40 м.) Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси иш тартиби билан белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади. Мажлисни Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ёки унинг топшириғига биноан Бош Вазир ўтказади.

Бош Вазир Вазирлар Маҳкамасининг ишини ташкил этади, ўринбосарлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Президент топшириғига биноан ҳукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди.

Вазирлар Маҳкамаси Раисининг топшириғи бўйича бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

Бош Вазир бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини биринчи ўринбосар бажаради.

Бош Вазирнинг ўринбосарлари вазифалар тақсимотига мувофиқ туркум тармоқларга раҳбарлик қиладилар ва улардаги ишларнинг аҳволи учун жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари ўзларига топширилган фаолият соҳаси учун жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг доимий тузилмаси сифатида Бош Вазир ва унинг ўринбосарларидан иборат таркибдаги Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати фаолият кўрсатади. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг қарорига биноан Раёсат таркибига Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳам киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг ҳужжатлари: қарорлар, фармойишлар, баён қарорлар шаклида чиқарилади.

Вазирлар Маҳкамаси алоҳида топшириқларни бажариш учун вақтинчалик комиссиялар ва бошқа ишчи тузилмаларни тузиши ҳам мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда барча тузилмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамасининг маромий тусдаги ёки жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шаклида чиқарилади.

Шошилинч ва бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлар Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари шаклида чиқарилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ёки унинг топшириғига биноан Бош Вазир томонидан имзоланади.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Бош Вазир ёки унинг биринчи ўринбосари томонидан имзоланади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, агар уларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Вазирлар Маҳкамаси ўзи қабул қилган қарорларининг бажарилиши устидан бевосита ёки вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бошқаруви тузилмалари орқали назоратни амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини ҳамда тегишли қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш, Вазирлар

Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб бориш учун Вазирлар Маҳкамасининг мажмуаси фаолият кўрсатади.

XXI боб

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ АСОСЛАРИ

99-модда

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

Мазкур моддада мустақил Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг тизимини белгилаган. Бу авваллари давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари, республиканинг маъмурий-ҳудудий бўлинишининг ҳамма бўғинида албатта тузилади деган қоидага барҳам берди. Бу нормага биноан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари вилоятларда, туманларда ва шаҳарларда ташкил қилинади. Туманларга бўйсунадиган ва шаҳар таркибига кирувчи туманларда давлат ҳокимияти вакиллик органлари ташкил қилинмайди. Жумладан, Тошкент шаҳри таркибидаги туманларда ҳам вакиллик органлари тузилмайди. Шунингдек, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда ҳам давлат ҳокимияти вакиллик органлари тузилмайди.

Маҳаллий вакиллик органларига ҳам ижроия ҳокимият бошлиғи — ҳоким раҳбарлик қилади, уларнинг раҳбарлиги асосан вакиллик органларининг ишини ташкил қилиш, йўналтиришдан иборатдир.

Ҳокимлар халқ депутатлари Кенгашлари сессиясига тайёргарлик ишларига раҳбарлик қилади, сессия чақиради, сессия ҳақида депутатларни ва аҳолини хабардор қилади, сессияга раҳбарлик қилади ҳамда сессияда қабул қилинган қарорларни имзолайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисобланувчи халқ депутатлари Кенгашлари вакиллик характериға эга,

яъни халқ томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. "Халқ ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда тўлиқ имкониятга эга бўлиши лозим"¹ — деган Республика Президентининг сўзлари ўз аксини давлат ҳокимияти вакиллик органлари — халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятида тўла топади.

Халқ депутатлари Кенгашларининг сайлов орқали ташкил этилиши, уларнинг вакиллик характерини яққол кўрсатади. Яъни сайлов натижасида фуқаролар бу органларга ўзларининг вакилларини сайлайди. Кенгашларга сайланган депутатлар сайловчилардан ваколат олиб, уларнинг номидан ўз фаолиятини юритади. Улар, бошқача қилиб айтганда, давлат ҳокимияти органларидаги халқнинг мухтор вакилидир. Халқ депутатлари Кенгашларига сайланадиган депутатларнинг таркибини кузатсак, улар орасида аҳолининг ҳамма қатламларига тегишли кишилар борлигини кўрамиз, депутатлар орасида турли касб, турли миллат, турли ёш, турли партия, турли жинс вакилларининг мавжудлиги, бу органни ҳақиқатан вакиллик органлари эканлигидан далолат беради.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўзларининг бутун фаолиятини давлат ҳамда фуқароларнинг манфаатини кўзлаб олиб борадилар, натижада давлат манфаати билан фуқароларнинг манфаати ўртасида муштараклик вужудга келади.

Ўзбекистон Республикасида давлат фаолиятининг муҳим принципларидан бири қонунийликдир. Бу принцип маҳаллий вакиллик фаолиятига ҳам тааллуқлидир, шунинг учун уларни ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишини конституцияда белгиланиши табиийдир.

Маҳаллий вакиллик органларининг ваколатлари "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунда кўрсатилган бўлиб, бундан ташқари турли соҳаларни тартибга солувчи қонунларда, масалан, "Ер тўғрисида", "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Маҳаллий соликлар ва йиғимлар тўғрисида" ва бошқа қонунларда бу ваколатлар янада аниқлаштирилган.

1

И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., Ўзбекистон. 1992, 16-бет.

Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш;

фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Конституциянинг мазкур моддасида маҳаллий ҳокимият органлари тизимига кирувчи органларнинг ихтиёрига берилган масалаларнинг асослари белгиланган бўлиб, булар маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатларини конституциявий асоси ҳисобланади. "...Республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш... лозим бўлади"¹, — деб таъкидлайди Республика Президенти.

Бу моддада маҳаллий вакиллик ҳокимияти ва ижро ҳокимияти органларининг вазифалари ажратилиб кўрсатилмаган. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари деганда халқ депутатлари Кенгашларини ҳам, ҳокимликларни ҳам тушунамиз.

Қонунийлик, ҳуқуқий-тартибот ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ масалалардир. Қонунийликсиз ҳуқуқий-тартибот бўлмаганидек (ёки аксинча), қонунийлик ҳамда ҳуқуқий-тартиботнинг бузилиши фуқаролар хавфсизлигининг бузилишига сабаб бўлади (ёки аксинча). Қонунийликни таъминлаш учун маҳаллий ҳокимият органлари ўз фаолиятларида ҳам қонунийликка эришиши керак. Қонунийлик ҳуқуқий-тартибот ва фуқароларнинг хавф-

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 16-бет.

сизлигини таъминлаш давлатнинг муҳим функцияларидан бўлиб, у бир неча органларга, масалан, суд ҳоқимияти органлари, прокуратура, назорат инспекцияси, ички ишлар, адлия ва бошқа органларга юкланган. Буларнинг айримлари маҳаллий ҳоқимият органларига бўйсунса (ички ишлар, назорат инспекцияси, адлия органлари), айримлари уларга бўйсунмайди (суд, прокуратура органлари). Шунинг учун маҳаллий ҳоқимият органлари билан юқоридаги органлар ўртасида мазкур вазифани бажариш жараёнида ўзига хос муносабатлар, алоқалар вужудга келади.

Маҳаллий ҳоқимият органлари тегишли ҳудудда қонунийлик, ҳуқуқий-тартибот ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашда турли органларни шу мақсад сари йўналтирувчи, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ролни ўйнайди. Улар мазкур ҳудудда қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларни хавфсизлигини таъминлаш жиноятчиликка қарши кураш чораларининг умумий йўлларини, тадбирларини ишлаб чиқади ва шу тадбирларнинг бажарилишини назорат қилади. Маҳаллий ҳоқимият органларининг бу соҳадаги ваколатлари жорий қонун ва бошқа ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Маҳаллий ҳоқимият органлари ўз ҳудудида ҳудудни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантиришга раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодига ўтиши муносабати билан иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларни режалаштириш тубдан ўзгарди. Лекин ҳозирги даврда Ўзбекистон шароитидан келиб чиқиб, давлат ислоҳотларда бош ролни ўйнар экан, у ишлаб чиқаришга аралашмаган ҳолда, халқ депутатлари Кенгашлари орқали ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни қуриш қоидаларини тасдиқлайди. Булар Кенгашнинг тасдиғига ҳоқим томонидан киритилади. Яъни "Маҳаллий давлат ҳоқимияти тўғрисида"ги Қонун бу соҳадаги вакиллик органлари билан ҳоқимларнинг ваколатини чегаралаб қўйган. Бундан ташқари маҳаллий ҳоқимият органлари ўз ҳудудида саноат, қурилиш, алоқа воситалари, қишлоқ хўжалиги, аҳолига турли хизмат кўрсатиш соҳалари, ижтимоий соҳаларга, маданий соҳаларга бевосита раҳбарликни амалга оширади. Шу идораларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлаш, лавози-

мидан озод қилиш, шу идораларнинг фаолиятини назорат қилиш, уларнинг раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатига кириб, бу ҳам раҳбарликнинг бир шаклидир. Бундан ташқари маҳаллий ҳокимият органлари тегишли ҳудудда жойлашган, лекин юқорига бўйсунувчи корхона, ташкилот, муассаса фаолиятига ҳам таъсир қила олади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳани ривожлантиришга раҳбарлик қилиш бўйича аниқ вазифалари ва ваколатлари жорий қонунларда ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Маҳаллий ҳокимият органларининг, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш вазифаси, ҳудуднинг иқтисодий ривожланишида, фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилашда, давлат органларини сақлаб туришда зарур моддий базанинг салмоқли қисмини вужудга келтиришга қаратилган. Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунда вакиллик органлари билан ижро органларининг бу масаладаги ваколатлари ажратиб кўрсатилган. Масалан, ҳокимлар ваколатига: бюджет лойиҳаларни тайёрлаш, бюджетнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш, ижрони ташкил қилиш кирса, халқ депутатлари Кенгашлари ваколатига бюджетни тасдиқлаш, уни ижроси ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлаш киради. Бу борада буларнинг иккаласига тааллуқли ваколатлар ҳам мавжуд, жумладан, бюджетнинг ижросини назорат қилиш. Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунга асосан, маҳаллий солиқлар, йиғимлар, бож миқдорини белгилаш, маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, тўловлар бўйича имтиёзлар ўрнатиш, маҳаллий вакиллик органларининг ваколати бўлиб, улар баъзи пайтларда шу ваколатларининг айримларини, масалан, солиқ ва йиғимлар бўйича имтиёзлар белгилашни ҳокимларга ҳам бериши мумкин. Маҳаллий ҳокимият органларининг бу борадаги ваколатлари, "Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида", "Ер тўғрисида"ги қонунларда ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг муҳим қисмидир. Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунда, ҳокимлар аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида

қонун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган масалаларни ҳал қилиши таъкидланган. Коммунал хўжалик ижтимоий соҳанинг салмоқли тармоқларидан бўлиб, у ўзида Республиканинг асосий фондларининг каттагина қисмини му- жассамлаштирган. Коммунал хўжалик таркибига турар- жой фонди ва у билан боғлиқ таъмирлов-қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотлари, ёрдамчи хўжаликлар, ишлаб чиқариш-техника базалари, сув таъминоти, канализация, газлаштириш, иситиш, электр энергияси билан таъминлаш тизимлари, меҳмонхона ва бошқа кўплаб манбалар ки- ради. Маҳаллий ҳокимият органлари эса ўз ҳудудида шу тармоқлар фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга раҳбарлик қилади. Коммунал хўжалик тармоқлари, ҳокимликларнинг структуравий бўлинмалари орқали бошқарилади. Уларнинг бошлиқлари лавозимига ҳоким томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади, бу масала сессияда тасдиқланади. Маҳаллий вакиллик органлари ва ҳокимлар коммунал хўжалик тармоқлари фаолиятини назорат қилиб борадилар, уларнинг бу бора- даги ваколатлари турли ҳуқуқий ҳужжатларда мус- таҳкамланган.

Ер юзида ҳаётнинг давом этиши, инсонларнинг соғлом ўсиши, соғлом авлодлар қолдириши, кўп жиҳатдан атроф муҳитга боғлиқ. Шунинг учун атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат функцияларидан ҳисобланади ва шу функ- цияни маълум қисми маҳаллий ҳокимият органларининг зиммасига юкланган. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш табиатни муҳофаза қилиш билан чамбарчас боғлиқ. "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунда халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколатини белгиловчи моддаларда, улар атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиатни муҳофаза қилишда турли масалаларни ҳал қилиши кўрсатилган. Бу масала ер (тупроқ), ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини авайлаб асраш, улардан унумли фойдаланиш билан боғлиқ. Ана шу соҳалар бўйича маҳаллий ҳокимият органларининг вазифалари, ваколатлари қўшимча равиш- да тегишли қонунлар, "Ер тўғрисида", "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунларда ва бошқа ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бевосита шу масалалар билан шуғулланувчи идораларнинг фаолиятига раҳбарлик қила- ди, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туради ҳамда

уларнинг фаолиятини назорат қилади. Маҳаллий ҳокимият органлари атроф муҳитни, табиатни муҳофаза қилиш борасида тегишли ҳуқуқий нормаларни бузган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан чоралар кўради. Масалан, улар атроф муҳитга зарар етказаётган маҳаллий аҳамиятга эга объектлар фаолиятини вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш ва қайта ихтисослаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиши мумкин.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудида, фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлайди. "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бу соҳадаги ваколатлари бевосита қайд қилинмаган, лекин қонуннинг моддаларидаги маҳаллий ҳокимият органларининг, фуқароларни ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ташкил этиш бўйича ваколатлари, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органларининг фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Чунки фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органларининг ҳужжатлари кўплаб ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқаради.

Маҳаллий ҳокимият органлари, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилувчи органларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади. Бу раҳбарлик уларнинг фуқаролик ҳолати актларини қайд қилувчи (ЗАГС) органларни тузиш масаласини ҳал қилишда, шу органларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш масаласида иштирок этишида ҳамда шу органларнинг фаолияти устидан назорат қилишда кўринади. Туман ва кичик шаҳарларда маҳаллий ҳокимият органлари бу ишларни бевосита амалга оширсалар, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида бу вазифани шу жойлардаги адлия органлари орқали амалга оширади.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўз фаолияти давомида, ўзининг ваколатлари доирасида норматив ҳужжатлар қабул қилади. Улар қарор ва фармойиш бўлиши мумкин. Маҳаллий Кенгашлар ўз қарорларини коллегиял асосда қабул қилса, ҳокимлар яккабошчилик принципида қабул қилади. Уларни қабул қилган қарорлари ўз ҳудудида бажарилиши мажбурийдир. Маҳаллий ҳокимият органлари Конституция ва қонунларга зид келмайдиган бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадilar.

Ўзбекистон Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳам ўз ҳужжатлари билан, маҳаллий ҳокимият органларига янги вазифалар юклаши, янги ваколатлар бериши мумкин. Масалан: Президентнинг 1994 йил 24 ноябрдаги "Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Фармонида асосан, туман ва шаҳар ҳокимларига уй-жой қуриш ва шахсий хўжалик юритиш учун ерни сотиш ваколати берилди.

101 - модда

Маҳаллий ҳокимият органлари, Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, халқ депутатлари қўйи Кенгашлари фаолиятига раҳбарлик қиладилар, республика ва маҳаллий ҳокимиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорлари қўйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати беш йил.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар ўз ҳудудида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларини амалга оширар эканлар, улар жойларда Конституция, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа ҳужжатларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорлари ижросини таъминлайди. Яъни юқори турувчи органларнинг ҳужжатлари ижросини таъминлаш қўйи ҳокимият органларининг Конституциявий бурчидир.

Баъзи юқори давлат органларининг ҳужжатларида маҳаллий ҳокимият органлари учун қўшимча вазифа ёки шу ҳужжатлардаги кўрсатмаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда унинг бажарилишини назорат қилиш масъулияти маҳаллий ҳокимият органларига тўғридан-тўғри юкланади. Масалан: Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрдаги "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида" Қонуни қабул қилинган. Ана шу Қонун ҳолатларини амалга оширишда маҳаллий

ҳокимият органлари асосий роль ўйнайди ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августдаги "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар туғрисида"ги Фармонида вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига бир ой муддатда шаҳарлар, қўрғонлар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларнинг жойлашишини, чегараларини, оилалар ва аҳоли сонини аниқлаш вазифаси юклатилган бўлса, 1994 йил 14 декабрдаги, — "Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари туғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарорининг айрим бандларини сўзсиз бажарилиши учун жавобгарлик вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимига юкланди.

Конституциянинг бу моддаси қоидалари маҳаллий ҳокимият органлари фақат марказий органларнинг ҳужжатларини амалга оширишнигина назарда тутмайди, унга асосан қуйи бўғиндаги маҳаллий ҳокимият органлари, юқори бўғиндаги маҳаллий ҳокимият органларининг ҳужжатларини ҳам амалга оширишлари шарт.

Республиканинг давлат органлари тизими шундай тuzилганки, унга асосан у қандай давлат органи бўлмасин, албатта юқори органлар қуйи органлар фаолиятига раҳбарлик қилади. Бу раҳбарлик қуйи органларга кўрсатмалар бериш, уларнинг фаолиятини текшириш, қуйи органларни ғайриқонуний ҳужжатларини тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилишда кўринади.

Юқори бўғиндаги маҳаллий ҳокимият органларининг ўз ваколати доирасида қабул қилган ҳар қандай ҳужжатлари, қуйи маҳаллий ҳокимият органлари учун мажбурийдир. Буни янада кенгайтириб талқин қилсак, юқори давлат органларининг ҳужжатлари шу ҳудуддаги ҳамма қуйи органлар учун мажбурий характерга эгаллигини кўрамыз. Бу қоида давлат органлари муносабатининг асосини ташкил этиб, давлат интизомини, қонунийликни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида ҳамма поғонадаги халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати беш йил. Қонунларда маҳаллий вакиллик органларини ваколат муддатидан аввал фаолиятини тўхтатиш ҳоллари кўрсатилмаган ва бу ҳозирча тажрибада ҳам учрагани йўқ. Ҳокимларнинг ваколат муддати беш йил деб қайд қилинган бўлса-да, турли сабаблар билан шу муддат тўлмасдан ҳокимларни лавозимидан озод қилиш,

янги ҳоким тайинлаш ҳоллари тажрибада кўплаб учраб туради. Масалан, ҳоким лавозими ўрнатилиб, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими тайинланганидан кейин, 5 йил тўлмасдан, деярли ҳамма ҳокимлар ҳозирги кунда ўзгартирилди. Бу Президент томонидан, унга берилган ваколат доирасида амалга оширилди.

102-модда

Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туманларга бўйсунган шаҳарларнинг ҳокимларини туман ҳокими тайинлайди ва вазифасидан озод қилади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Агар халқ депутатлари Кенгашлари аввалги халқ депутатлари Советлари негизида ташкил қилиниб, уларнинг асосий хусусиятларини сақлаб қолган бўлса, ҳоким институти мутлақо янги орган бўлиб, у ижро ҳокимиятини амалга оширади.

"Кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса, ҳатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар ҳам бажарилмаслиги мумкин"¹ — дейди Ўзбекистон Президенти.

Ҳокимлик лавозими ижро ҳокимиятини кучайтириш мақсадида вужудга келтирилган. Ҳоким нафақат жойларда ижро ҳокимиятини бошқаради. Улар вакиллик органла-

1

И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, 1992, 16-бет.

рини ҳам бошқаради, лекин бу уларнинг вакиллик органидан устунлигини кўрсатмайди, раҳбарлик вакиллик органларининг ишини ташкил этишга қаратилган, яъни улар вакиллик органларини сессияларини чақиради, сессия ишига раҳбарлик қилади, сессияда қабул қилинган қарорларни имзолайди ва ҳоказо.

Ҳокимлар вакиллик органларидан фарқ қилиб, тайинлаш йўли билан таъсис этилади. Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиб, лавозимидан озод қилинади, тайинлаш ва озод қилиш вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессиясида тасдиқланади. Бу — вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу жойлардаги вакили эканлигини кўрсатади. Натижада марказий ва маҳаллий ижро органи ўртасида мустаҳкам алоқа вужудга келади. Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳокимлик тизимининг юқори бўғинини ташкил этади.

Ҳокимлик тизимининг кейинги бўғини туман ва шаҳар ҳокимларидир. Улар ҳам икки гуруҳга бўлинади. Биринчиси — вилоят таркибидаги туманлар ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларнинг ҳокимлари. Бу ҳокимлар вилоят ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли ҳудуд халқ депутатлари Кенгашида тасдиқланади.

Шаҳардаги туманларнинг ҳокимлари, шаҳар ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади. Шаҳар таркибидаги туманларда вакиллик ҳокимияти органлари бўлмаганлиги учун, ҳокимларни лавозимга тайинлаш ёки лавозимидан озод қилиш, шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туманга бўйсунувчи шаҳарларнинг ҳокимлари, туман ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ёки лавозимидан озод қилинади. Туманга бўйсунувчи шаҳарларда ҳам вакиллик органи бўлмаганлиги учун, ҳокимни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш масаласи туман халқ депутатлари Кенгашларида тасдиқланади.

Ҳокимларни лавозимга тайинлашда бир томондан Президент ва юқори ҳокимлар, иккинчи томондан тегишли вакиллик органларининг иштирок этиши, ҳокимларни юқори ижро органлари ва маҳаллий вакиллик органлари олдида, халқ вакиллари олдида масъулиятини кучайтиради.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосларида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар.

Ҳокимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доирасини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш таркиби қонун билан белгиланади.

Ижро ҳокимиятини амалга оширувчи органлар фаолияти яккабошчилик асосларида олиб борилади. Бундай тартибни ўрнатилиши қабул қилинган қарорлар учун шахсан жавобгарликни кучайтиради, бунда жавобгарлик нафақат ўз фаолияти, ҳаракати учун бўлади, жавобгарлик ҳокимлар раҳбарлик қилаётган органларнинг фаолияти учун ҳам ўрнатилади. Халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларини ҳокимлар томонидан имзоланиши тартибининг ўрнатилиши ҳам вакиллик органлари қарори учун ҳам ҳокимларни масъул эканлигини билдиради. Ҳоким яккабошчилик асосида иш олиб борса ҳам, масалаларни ҳар томонлама, пишиқ-пухта муҳокама қилиш учун унинг қошида маслаҳат кенгаши тузилади, лекин қарор қабул қилишда ҳокимнинг фикри ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳокимларни яккабошчилик асосида иш юритиши уларнинг шахсий жавобгарлигини оширар экан, бу юқори давлат органларининг қарорларини ижро этилишини кафолатлайди. Ҳокимларга катта ваколатлар берилган, шу билан бирга, уларга катта масъулият ҳам юкланган. Тегишли ҳудудда ҳамма соҳаларга улар шахсан жавобгар. Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида, мулкларни хусусийлаштириш, мулк ўз эгасини топиши; аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш; иш билан таъминлаш; турли хизмат соҳаларини такомиллаштириш; атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ниҳоят, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашда уларга катта масъулият юкланган.

Маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доираси, вакиллик органлари билан ижро ҳокимияти органларининг муносабатини ҳуқуқий асослари, вакиллик органларини сайлаш тартиблари махсус қонунлар билан тартибга солинади. Бу

қонунлардан энг асосийлари¹ — "Маҳаллий давлат ҳоқимияти тўғрисида"² ва "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"³ ги қонунлардир.

Маҳаллий давлат ҳоқимияти тўғрисидаги қонун, маҳаллий ҳоқимият органларининг ҳамма бўғини учун тааллуқлидир. Қонун маҳаллий миқёсда бир-бирига бўйсунмайдиган мустақил, икки хил ҳоқимиятни амалга оширувчи органлар фаолиятини тартибга солади. У вакиллик ҳоқимияти ва ижро ҳоқимияти органлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик асосларини ўрнатади.

Қонунда маҳаллий ҳоқимиятни иқтисодий ва молиявий асосларини мустаҳкамланиши билан, уларнинг ҳақиқий мустақиллиги таъминланади.

Маҳаллий ҳоқимият органларининг фаолиятида қонунийлик кафолатлари қонуннинг ўзида кўрсатилиши эса, қонунийлик принципини янада мустаҳкамлайди. Мазкур қонун аввалги шундай қонунлардан яна шуниси билан фарқ қиладики, унда жуда кўп масалаларни ҳал қилиш, ҳоқимият органларини ўзлари томонидан қабул қилинадиган ички ҳужжатларга ҳавола қилинади. Бу маҳаллий ҳоқимият органларининг мавқеини оширади.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, ўз Конституциясини қабул қилгач, жуда кўплаб янги қонунлар, шу жумладан, сайлов тўғрисида қонунлар қабул қилди. Юқорида тилга олинганидек, маҳаллий вакиллик органларининг ҳамма бўғинлари сайлов йўли билан ташкил қилинади. Маҳаллий Кенгашларга сайловни тартибга солувчи қонун, аввалги қонунлардаги демократик ҳолатларни сақлаб қолиш билан бирга, кўпгина янги ҳолатларни жорий этди, булардан энг асосийлари қуйидагилар:

- сайловларни кўп партиявийлик асосида ўтиши;
- Маҳаллий Кенгашларга 21 ёшдан сайланиш мумкинлиги;

¹ Маҳаллий ҳоқимият органлари фаолиятининг баъзи масалалари ва шикоятлари бошқа қонун ва ҳужжатларда ҳам мустаҳкамланган.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 9 сон, 320-модда

³ Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунлари. "Ўзбекистон", 1994, 35-63-бетлар.

— Маҳаллий вакиллик органларига сайланадиган депутатлар сонининг қисқартирилиши (вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашларига 60 тагача, туман ва шаҳар Кенгашларига 30 тагача депутат сайланиши);

— депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари эга бўлиши ва ҳоказо.

Қонун вакиллик органларига ҳар томонлама билимга, тажрибага эга, кенг, мустақил фикрловчи шахсларнинг сайланишини ва бу органлар ишчан бўлишини назарда тутди. 1994 йил 25 декабрда биринчи марта шу қонун асосида, республикамызда сайлов ўтказилди.

104 - модда

Ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли қудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.

Ҳокимларни ваколат доирасига ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига тааллуқли масалалар киради. Ҳокимларнинг энг муҳим вазифаларидан бири Конституция, қонунлар, Олий Мажлиснинг ҳужжатлари, Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, юқори турувчи органлар ва тегишли Халқ депутатлари Кенгашлари қарорларининг ижросини ташкил қилишдир.

Ҳокимлар шу борадаги ва ўзларининг ҳуқуқ доирасига кирувчи бошқа масалаларда, масалан, жамоат тартибини сақлаш; фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш; уларнинг ҳуқуқларини, саломатлигини ҳимоя қилиш соҳасидаги; ҳудуд мулкани бошқариш; қишлоқ хўжалиги, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш; табиатни муҳофаза қилиш; қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш; савдо ва бошқа масалалардаги қарорлари шу ҳудуддаги барча органлар, корхона, ташкилот, муассаса, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурийдир. Ҳокимнинг қарорлари мулкчилик шаклидан, корхона,

ташкилот, муассасалар кимга бўйсунушидан қатъи назар, бажарилиши шарт.

Ҳокимлар қарор ва бошқа ҳужжатлар бажарилмаганда мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш учун белгиланган тартибда тақдимномалар киритадилар.

105-модда

Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Амалдаги Конституция Ўзбекистоннинг қуйи маъмурий ҳудудларида давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари бўлишини назарда тутмайди. Қишлоқ, шаҳар ва овулларда, шунингдек уларнинг таркибидаги маҳаллаларда ва шаҳар таркибига кирувчи маҳаллаларда давлат ҳокимияти органлари эмас, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тузилиши назарда тутилади. Бу билан кўп вақтлардан бери таъкидланиб келинган маҳаллий ҳокимият органлари фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизимининг етакчисидир, деган тушунчага барҳам берилди. Давлат органи билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари асосли равишда бир-биридан ажратилди.

Энди фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги ҳамда уларнинг таркибидаги маҳаллалардаги ва шаҳар таркибидаги маҳаллалардаги фуқароларнинг йиғинидир. Бу йиғинлар кундалик фаолият юритиш учун 2,5 йил муддатга раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаб қўяди.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришга фуқароларни жалб этишга кўмаклашади, давлат ҳокимияти органларига, қонунларни юқори давлат органларининг ҳужжатларини, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади.

Конституцияда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш, уларнинг вазифаси, ваколатлари қонун билан белгиланиши кўрсатилган. Конституциянинг шу нормасини ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида 1993 йил 2 сентябрда "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун¹ қабул қилинган. Бу қонунда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг вазифаси, ваколатлари, фуқаролар йиғилиши (йиғини) ва раиснинг ваколатлари, уларнинг давлат ҳокимияти органлари билан муносабати асослари белгилаб қўйилган.

Қонунга биноан, ўзини-ўзи бошқариш органлари, давлат органларига кўмаклашиш билан бирга ўзлари ҳам мустақил равишда баъзи давлат органларига тааллуқли вазифаларни ҳам бажаради. Масалан: қишлоқ ва шаҳарчалардаги ўзини-ўзи бошқариш органлари ер муносабатларини тартибга солишда, аввалги қишлоқ ёки шаҳарчадаги давлат ҳокимияти органларини ваколатларини бажаради². Бундан ташқари улар баъзи нотариал ва фуқаролик ҳолати актларини қайд қилувчи органларнинг ҳам баъзи вазифаларини бажаради.

XXII боб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СУД ҲОКИМИЯТИ

106-модда

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Ушбу моддадаги қоида Конституциянинг 11-моддасидаги "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи

1

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994, 9-сон, 322-модда.

2

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 6-сон, 243-модда.

ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади" деган норма мазмунидан келиб чиқади.

Конституцияга биноан, Ўзбекистон Республикасининг Олий суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик судидан иборат бўлиб, бу уч тармоқли олий суд ҳокимияти Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиш шарофати ва унинг жаҳондаги барча ривожланган демократик давлатлар, таниқли юрист-олимлар томонидан юқори баҳоланган биринчи Конституциясида давлат ҳокимияти тизимига киритилган уч ҳокимиятдан биридир.

Олий суд ҳокимиятининг давлат ҳокимияти тизимига киритилиши демократик ўзгаришларнинг асосларидан биридир. Маълумки, диктатура асосида амал қилган тоталитар тузум давлат ҳокимиятининг бўлинишига ва суд ҳокимиятининг шу тизимга киритилишига йўл қўймаган.

Давлат ҳокимияти тизимини учга бўлиш сунъий равишда кўп ҳокимиятчиликка олиб келмайди. Давлат ҳокимияти тизимига кирган ҳар бир ҳокимият амалий иш юритишида бир-бирларига қарама-қарши иш олиб бормайдилар. Уларнинг ҳар бири мустақил ҳокимият мақомига эга бўлганлари билан бири иккинчисидан ажралган ҳолда иш юритмайдилар. Давлат ҳокимияти тизимининг бундай бўлиниши, ҳокимиятни ўта марказлаштиришдан, якка сиёсий партиянинг ёки ягона юқори мансаб эгасининг қўлида бўлишидан сақлайди ва зўравонлик ҳамда ўзбошимчалик билан иш юритишга йўл қўймайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган ва 1992 йил 3 июлда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонунида (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 4-сон, 76-модда; 1992 й., 9-сон, 363-модда) қайд қилинишича, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга Қонунда Жамоат бирлашмаси ушбу Қонун 3-моддасининг 2, 3, 4-қисмида ва 18-моддасининг тўртинчи қисмида кўзда тутилган хатти-ҳаракатларни содир этган тақдирда суд қарорига биноан тугатилиши ва Халқаро жамоат бирлашмалари, унинг бўлинмалари, филиаллари, жумҳурият ва вилоятлараро жамоат бирлаш-

малари Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг, Бош Давлат солиқ бошқармасининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қонунлари билан ваколат берилган бошқа идоралари ва мансабдор шахсларнинг тақдимига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди чиқарган қарорга мувофиқ тугатилиши, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жамоат бирлашмасини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилинмаслиги кўрсатилган.

Қонуннинг мана шу қоидалари ҳам судлар сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритишини алоҳида таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасида ва 1994 йил 5 майдаги "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасида таъкидланишича, судьялар депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина депутатликка номзод этиб рўйхатга олинадилар. Бу қоида судьянинг Маҳаллий давлат органларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига судьялик фаолиятини бажариш вақтида депутат бўлиб сайланишига ва шу органлар ишида бевосита қатнашишига, уларнинг топшириқларини бажарувчи бўлиб қолишликларига йўл қўймайди.

Конституциянинг 107-моддасида ва Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 1-моддасида кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикасининг суд тизими 5 йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий хўжалик суди, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоят хўжалик судларидан иборат бўлиб, уларнинг барчаси ўз иш фаолиятларини мустақил амалга оширадилар.

Бинобарин, ана шу қонуний судлардан ташқари, бошқа бирон-бир маҳкама судлов ишини амалга оширишига ёки фавқулодда судлар тузилишига йўл қўйилмайди.

Суд ҳокимияти ўз ваколатларига тегишли барча ишларни мустақил юритар экан, Конституциянинг 112-моддасида ва "Суд тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасида қайд қилинганидек, тегишли суд тизимига сайланган (тайинланган) судьялар ўз фаолиятини қонунда белгиланган тартибда яққа, халқ маслаҳатчиларининг иштирокидаги ҳайъатда ва судьяларнинг ҳайъатида амалга оширадилар.

Конституциянинг шарҳланаётган 106-моддасида ва "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасида белгиланганидек суд ҳокимиятининг мустақиллиги, судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунилари принциплари асосида амалга оширилади. Конституцияни 112-моддасида қайд қилинишича, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралаштишга йўл қўйилмайди ва бундай аралаштиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1959 йилдаги Жиноят кодекси 157-1 ва 194-5-моддаларида тергов қилишга ва суд ишларини ҳал этишга аралаштиш учун жиноий жавобгарлик белгиланиб, бу жиноятни содир этган шахсга нисбатан 2 йил муддатгача ахлоқ тузатиш иши ёки 3 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаш кўзда тутилган бўлса, 1995 йил 1 апрелдан амалга киритилган Жиноят кодексига, ўша икки модда бирлаштирилиб, у "Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштириш" деган жиноят тури билан номланган 236-модда бўлиб, у икки қисмдан иборатдир. Шу модданинг 1-қисми мансабдор бўлмаган шахсларга алоқадор бўлиб, жазо туридан ахлоқ тузатиш ишини юқори муддати 2 йилдан 3 йилгача қилиб кўтарилди, 2-қисм эса тергов ва суд ишларига қай йўсинда бўлмасин аралашган мансабдор шахсларга алоқадор бўлиб, айбдор 6 ойгача муддатга қамоқ жазоси ёки муайян мансабни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этиб, 3 йилдан 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланиши кўрсатилди.

Суд ҳокимиятини мустақиллиги судларнинг ва суд тизимларида одил судловни амалга ошираётган судьяларнинг раисликларида чиқарилган суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг сўзсиз бажарилиши, уларни бажаришдан бўйин товлаганлик, судларнинг (судьяларнинг) обрўларига путур етказувчи хатти-ҳаракатлар учун жавобгарликни ва бошқа таъсир чораларини тегишли қонунларда белгиланган билан ҳам таъминланган.

Масалан, 1995 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 180-моддасида судга ҳурматсизлик қилиш, 181-моддасида суднинг хусусий ажрими (қарори) бўйича чоралар кўрмаслик, 182-моддасида халқ маслаҳатчисининг судга боришига тўсқинлик қилиш учун маъмурий жавобгарлик, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 1 апрелдан амалга киритилган Жиноят кодексининг 232-моддасида суд қарорини қасдан бажармаслик учун, шунингдек Кодекснинг бошқа био неча моддаларида судьянинг ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етказганлик, унинг қадр-қиммати ерга урганлик ва бошқа жиноятлар учун кучайтирилган жавобгарлик белгилангандир.

Суд ҳоқимиятининг мустақиллигини таъминловчи омиллардан яна бири Конституциянинг 112-моддасида кўрсатилган судьяларнинг дахлсизлиги принципи ва "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 2-бобида белгиланган бошқа асосий кафолатлардир.

Юқорида келтирилган асосларнинг барчаси суд ҳоқимияти ушбу Конституцияда яна ҳам юқори поғонага кўтарилганидан далолат беради.

107-модда

Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва ҳўжалик судларидан иборат.

Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

Бу моддада Ўзбекистон Республикасидаги суд тизимининг моҳияти, уларнинг ташкил топиш принциплари очиқ берилган. Конституцияда уларнинг сайланиш ва тайинланиш тартиби билан кафолатланган судьяларнинг мустақиллигидан иборат асосий принцип мустаҳкамланган.

Судьяларнинг ҳар қандай маҳаллий таъсирлардан холилиги ва уларга мустақиллик принципи таъминланганлиги фақат амалдаги Конституция ва қонунга бўйсунishi муҳим аҳамиятга эгадир. Шундай қилиб, вилоятларда фақат ҳокимлар ва судьяларгина Президент томонидан тайинланадилар.

Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонунда судларнинг ташкил топиши ва фаолият тартиби, барча судлар мақомининг умумий принциплари билан бирга одил судлов фақат судлар томонидан амалга оширилиши, суд актлари ва бошқаларнинг мажбурийлиги Ўзбекистон Республикасининг ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят судлари таркибининг, Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Президиумларининг ваколатлари белгиланган.

Бундан ташқари, умумий процессуал нормалар билан бирга, судларнинг фаолияти 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик кодекси ва Республиканинг процессуал кодексларини тасдиқлаган махсус Қонун билан тартибга солинади.

108 - модда

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Конституциявий суд сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан — Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасининг вакилидан иборат таркибда сайланади.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва ҳақ тўланадиган бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас.

Конституциявий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсунанадилар.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикасида конституциявий назоратнинг олий суд органи ҳисобланади. Конституциявий суднинг ваколати, унинг тузилиш ва фаолият тартиби, Конституциянинг 108-моддасига мувофиқ, қонун билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суд тўғрисидаги Қонуни 1995 йил 30 августда қабул қилинган. Конституциявий суднинг ваколатига қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар қабул қилган ҳужжатларнинг Конституцияга мослиги тўғрисидаги ишларни кўриш киради. Суд ҳокимиятларидан. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Олий ҳўжалик судининг ҳужжатлари Конституциявий суд томонидан кўрилмайди.

Конституциявий суд Ўзбекистон Президенти ва Олий Мажлис томонидан тузилади. Президент Конституциявий суднинг судьялари лавозимларига тайинладиган номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этади.

Сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари бўлган, юсак маънавий фазилатли ва зарур малакали Ўзбекистон Республикаси фуқароси Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин.

Конституциявий суд унинг Раиси, Раис ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикасидан вакил бўлган судьяни ҳам киритган ҳолда Конституциявий суднинг беш аъзосидан иборат таркибда сайланади.

Конституциявий суднинг ҳар бир судьяси якка тартибда сайланади. Ўзбекистон Республикаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган шахс сайланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди суд таркибидан камида тўрт киши сайланган тақдирда ўз фаолиятини бошлашга ҳақлидир.

Ўзбекистон Конституциясининг 107-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди 5 йилга сайланади ва доимий ҳаракат қилувчи орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Раиси, Раиснинг ўринбосари ва аъзоси вазифаларини бажариш билан бир вақтда депутатлик мандатига эга бўлиши, сиёсий партия аъзоси бўлиши, ҳаракатларда иштирок этиши, ҳақ тўланадиган бирон-бир бошқа лавозимни эгаллаши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилигисиз, сессиялар ўртасидаги даврда эса Олий Мажлис Кенгашининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши, ушлаб келтирилиши ёки маъмурий жазо чораларида дучор этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьясига нисбатан жиноий иш, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик юзасидан иш юритиш фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьясининг тураржойига ёки хизмат хонасига, шахсий транспортга ёки фойдаланишига бериб қўйилган транспортга кириш, судьянинг ўзини шахсан кўриқдан ўтказиш ёки тинтиш Бош прокурорнинг ижозатисиз амалга оширилиши мумкин эмас.

Конституциявий суд ва унинг судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсундилар.

Конституциявий суднинг судьялари ҳал қилув қарорлари қабул қилиб, амалий мақсадларга мувофиқликни кўзлаш, сиёсий майллардан ва бошқа ташқи таъсирлардан холи бўлган ўз ҳуқуқий нуқтаи назарларини ифода этадилар.

Конституциявий суднинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 236-моддасига мувофиқ, жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

109-модда

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди:

1) қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, Ҳукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларининг ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

Шу модда билан Конституциявий суднинг ваколатлари аниқ белгилаб берилган. Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, ҳукумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномалари ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди.

Конституциявий суд Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ҳамда қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради. Бунда Конституциявий суд мутлақо ҳуқуқ масалаларини ҳал қилади.

Конституциявий судга мурожаат қилиши мумкин бўлган субъектлар рўйхати қонун билан чегараланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси номидан Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий органи, Олий Мажлиснинг депутатлари гуруҳи (камида 50 киши), Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик судининг Раиси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг кўриб чиқиши учун масала киритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Масала Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг камида тўрт судьяси ташаббуси билан Конституциявий суд томонидан ҳам киритилиши мумкин.

Конституциявий суд Конституция қондаларига шарҳ берадиган ягона органдир. Бундай шарҳ расмий бўлиб, барча давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари учун мажбурийдир.

Конституциявий суд Конституция ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан унинг ваколатига киритилган бошқа ишларни ҳам кўради.

Конституциявий суднинг талаблари унинг ҳал қилув қарорларида ёки бошқа шаклда ифодаланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҳал қилув қарори матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Конституциявий суднинг ҳал қилув қарорлари қатъий ва уларнинг устидан шикоятга ўрин йўқ. Қонун Конституциявий суднинг ҳал қилув қарорини ўз ташаббуси билан қайта кўриб чиқиши имкониятини назарда тутди;

башарти ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтда Конституциявий судга номаълум бўлган янги аҳамиятли ҳолатлар маълум бўлиб қолса, шунингдек ҳал қилув қарори қабул қилиш асос қилиб олинган Конституциявий норма ўзгартирилган бўлса, ҳал қилув қарори қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Конституциявий суднинг давлатлараро шартноманинг конституциявийлиги тўғрисидаги ишларни моҳиятан кўриш натижасида қабул қилинган якуний тўхтами қарор деб аталади. Конституциявий суднинг қарорлари Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади.

Бошқа ҳолларда Конституциявий суднинг якуний қарори хулоса деб аталади.

Конституциявий суднинг қарори очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Судья бетараф қолишга ёки овоз беришда иштирок этмай қолишга ҳақли эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҳал қилув қарори мажлисда иштирок этаётган судьяларнинг кўпчилиги ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Овозлар тенг берилган бўлиб чиқса, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Конституциявий суднинг ҳал қилув қарори ёки хулосасига рози бўлмаган судья ўз фикрини

ёзма баён этиб, уни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди баённомасига илова қилишга ҳуқуқлидир.

Конституциявий суднинг давлатлараро шартномалар, қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг Конституцияга тўла ёки қисман мос келмаслигини аниқловчи қарори ёки хулосаси уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилишини, шунингдек Конституцияга мос эмас деб топилган ҳужжатга асосланган бошқа норматив актларнинг амал қилишини ҳам бекор қилади.

Судларнинг ва ҳуқуқни қўлланувчи бошқа органларнинг Конституцияга мос эмас деб топилган ҳужжатларга асосланган қарорлари ижро этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди аниқлаган Ўзбекистон Конституцияси бузилишларини бартараф этишга, шунингдек норматив ва бошқа ҳуқуқий актлар, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини тақдим этишга, кўрилаётган масалалар юзасидан тушунтиришлар, маслаҳатлар беришга ва мутахассислар фикрини баён этишга оид Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди талаблари қаратилган барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Конституциявий суд мажлисларини тайёрлаш, масалаларни Конституциявий суд мажлисида кўриш, мажлис ўтказиш тартиби, судьялар ўртасида ишни тақсимлаш тамойиллари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ходимларига қўйиладиган талаблар, иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ва шунга ўхшаш масалалар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан қабул қилинадиган "Иш тартиби"да белгилаб қўйилади.

110-модда

Ўзбекистон Республикаси Олий суди — фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Республиканинг барча ҳудудида бажарилиши мажбурий.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди — Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, шаҳар ва туман судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Конституциянинг ушбу моддасида кўрсатилган қоида "Судлар тўғрисида"ги Қонунда, ҳаракатдаги Гражданлик-

процессуал кодексларида, 1995 йил 1 апрелидан амалга киритилган Жиноят-процессуал кодексида кенг ёритилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди биринчи инстанция суди сифатида ўта мураккаб ва муҳим ҳамда Республика аҳамиятига молик бўлган фуқаролик ишларини, жиноят ишларини кўриб чиқишга, алоҳида ҳолларда қуйи судлардан лозим топилган фуқаролик ва жиноят ишни олиб, ўзи биринчи инстанция суди сифатида кўришга ва мазмунан ҳал қилишга ҳақли.

"Суд тўғрисида"ги Қонун талабига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ва жиноят ишларини уч нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 1 апрелдан амалга киритилган янги Жиноят-процессуал кодексининг талаби бўйича, Олий суд томонидан биринчи инстанция сифатида кўрилиб, у бўйича чиқарилган ҳукм ёки ажрим устидан ваколатли процесс иштирокчилари кассация (хусусий) тартибда протест ва шикоятлар келтиришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг биринчи инстанция сифатида кўрган жиноят иши бўйича чиқарган қарорлари устидан келтирилган протест ва шикоятлар Ўзбекистон Олий судининг Раёсатида, кассация тартибда кўрилади. Ишни кўришда ишни биринчи инстанциясида кўрилишида қатнашмаган Раёсатнинг 5 нафар аъзосидан кам бўлмаган судьялар таркиби кўришга ҳақлидир.

Олий суднинг биринчи инстанция суди сифатида кўриб жиноят иши бўйича чиқарган қарори устидан протест (шикоят) келтирилмаган бўлса, муддат ўтгандан сўнг, агар протест (шикоят) келтирилган бўлса, иш Раёсатда кўрилиб, тегишли қарор эълон қилинган вақтдан бошлаб кучга киради.

Олий суднинг судлов ҳайъатлари биринчи инстанция суди сифатида қонунда кўрсатилган айрим мураккаб ишларни кўриш билан бирга ишларни кассация ва назорат тартибда кўриб чиқиш ва қонунийлигини таъминлаш ваколатларининг асосини ташкил қилади. Кассация ва назорат тартибда ҳам ишларни Олий суднинг уч кишидан иборат судьялари таркиби кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатида Олий суд ҳайъатларининг биринчи инстанция бўйича чиқарган қонуний кучга кирган ҳукмлари ва ажримлари

устидан, шунингдек Олий суд ҳайъатларининг кассация ва назорат тартибида чиқарган ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишлар назорат тартибида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми Олий суд Раёсатининг қарорлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни назорат тартибида кўриб чиқади.

Янги ЖПКни талаби бўйича Олий суд Пленумида ишларнинг кўрилишида барча судьялар протестни қаноатлантириш ёки рад этишга овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Шунингдек, ЖПК талаби бўйича фақат Олий суд Пленуми муайян иш бўйича ўзининг олдинги чиқарган қарорини қайта кўриш ҳуқуқига эгадир. Олдин қабул қилинган Олий суд Пленуми қарори устидан фақат Олий суд Раиси протест келтириши мумкин. Олий суд Раёсати қарорлари устидан Пленумга протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар эса Пленум қарори устидан протест билдиришни Олий суд Раисидан илтимос қилишлари ва бунинг учун етарли асослар келтиришлари мумкин. Бу илтимосномалар Олий суд Раиси учун мажбурий эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида республика аҳамиятига молик бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни мазмунидан келиб чиқилган ҳолатда, Олий суднинг судьяси якка тартибда кўриб чиқади ва тегишли қарор чиқаради. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича қуйи судларнинг тегишли босқичлари бўйича судьяларнинг чиқарган қарорлари устидан билдирилган шикоят ва протестлар Олий суд Раиси ёки унинг ўринбосарлари тайин этган судья томонидан кўриб чиқилади ва унинг қарори билан шикоят (протест) қаноатлантирилади ёки оқибатсиз қолдирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди қабул қилган процессуал ҳужжатларни барча корхоналар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари ва муассасалар, бирлашмалар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир. Олий суднинг ҳужжатларини бажармаслик, Конституциянинг 106-моддасига берилган шарҳда кўрсатилганидек, шахсни жиноий жавобгарлигига сабабчи бўлади, чунки қонуний кучга кирган суд ҳужжати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган Қонунлар кучига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 110-моддасининг талаби бўйича, Ўзбекистон Республикасининг барча қўйи судларининг судлов фаолияти устидан назоратни фақат Ўзбекистон Республика Олий суди олиб боради. Бинобарин, судларнинг судлов фаолиятлари устидан бошқа бирон-бир органнинг назорат олиб бориши мумкин эмас. Конституцияда ифодаланган бу қоида суд ҳокимияти — давлат ҳокимияти тизимига кирувчи мустақил ҳокимият эканлигини алоҳида таъкидлайди.

111-модда

Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлик ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Суд ҳокимияти, хўжалик низоларини ҳал қилишни амалга ошириш йўли билан Конституцияда кафолатланган иқтисодий фаолият эркинлиги, тадбиркорлик, тенг ҳуқуқлилик ва барча мулк шаклларининг ҳуқуқий ҳимоясига бевосита алоқадордир.

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий ислоҳот давлат арбитражини янги хўжалик суди тизими билан алмаштиришни тақозо этди. Конституция хўжалик судини суд ҳокимиятини амалга оширувчи умумий судлар қатори одил судлов органи сифатида мустақкамлайди. Хўжалик суди ўзидан аввалги давлат арбитражидан фарқли равишда баҳслашувчи субъектларнинг фаолиятларига аралашмаган ҳолда, судда иш кўришнинг мустақиллик, баҳслашув, ошкоралик ва миллий тил принциплари асосида одил судловни амалга оширади.

Конституция ва "Судлар тўғрисида"ги қонунда белгиланганидек хўжалик судларини ташкил этиш асослари умумий судлар билан бир хилдир. Хўжалик судининг фаолият принциплари ҳамда хўжалик низоларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартибининг ўзи гражданлик про-

цесси билан жуда ўхшашдир. Хўжалик судлари ҳам умумий судлар каби суд ҳоқимиятини гражданлик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш йўли билан амалга оширадilar. Бироқ хўжалик суди ҳал қиладиган низолар иқтисод доирасида, тадбиркорлик фаолияти жараёнида вужудга келади. Қоидага кўра бундай низолардаги томонлар мулк субъекти бўлиб, уларнинг фаолиятлари товар ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатишга ҳамда фойда ёки даромад олишга қаратилган бўлади. Шунинг учун ҳам бу хил низолар хўжалик низолари деб номланиб, улар умумий судлар қатори, махсус хўжалик судлари ҳам мавжуд бўлишини тақозо этади.

Шарҳланаётган ушбу модда хўжалик судларининг ваколат доирасининг чегара мезонини ўзида ифодалайди. Бундай чегара мезонига низонинг субъектив таркиби ва унинг вужудга келиш доираси киритилади.

Хўжалик судларига корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шу жумладан колхозлар, якка ҳамда қўшма корхоналар, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг турли хил мулк шаклига асосланган халқаро бирлашмалари (Хўжалик-процессуал кодексининг 2-моддаси бузилганда ёки низом ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун) мурожаат қиладилар.

Шунингдек, хўжалик судлари тадбиркор гражданлар иштирокида ҳам низоларни ҳал қиладилар. Бунда давлат рўйхатидан ўтиш йўли билан тадбиркор мақомини олган гражданлар назарда тутилади. Бундай мақом мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилган гувоҳнома ҳисобланади.

Хўжалик судлари иқтисодий доирада ва уларни бошқарув жараёнида келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқадилар. Бу икки турдаги низолар: гражданлик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган мулкий низолар ва бошқарув доирасидаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолардан иборат.

Гражданлик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш, ижро этиш ва тўхтатишда вужудга келадиган низолар, мулк тўғрисидаги ва бошқа хил низолар ташкил этади. Бошқарув доирасидаги низолар орасида бошқарув органларининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, корхоналарни ташкил этиш, қайта тузиш ва

тугатиш тўғрисидаги қарорларини ноқонуний деб тан олинган низоларни; солиқлар, иқтисодий санкциялар сифатида ноқонуний ҳисобдан чиқарилган маблағларни қайтариб олиш тўғрисидаги низолар ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Олий хўжалик суди унинг тизимига кирувчи Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди ва вилоятларнинг хўжалик судларини бошқаради ҳамда улар устидан назорат олиб боради ("Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 42-моддаси).

Олий хўжалик суди ўз ваколати доирасида қуйидаги низоларни ҳал қилади:

1) турли давлатлар ва Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ҳудудида бўлган томонлар ўртасида 100 миллиондан ортиқ суммадаги хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор бўлиши натижасида келиб чиқадиган низоларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонуний актларига мувофиқ ҳал қилиниши бошқа органларга тегишли бўлганларидан ташқари, бошқа асослар бўйича қиммати 5 миллиондан ошиқ бўлган даъволар бўйича шартномаларни ижро этиш тўғрисидаги;

2) Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув органларининг қонунчиликка мувофиқ келмайдиган ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи норматив характерга эга бўлмаган актларни (тўла ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги;

3) Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув органлари ва бошқа республика органлари томонидан норматив характерга эга бўлмаган ва қонунчиликка мос келмайдиган ҳужжатлар чиқарганларида ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузишга қаратилган ёки мазкур органлар ўз вазифаларини тегишли даражада бажармаганликлари оқибатида кўрган зарарларини ундириш тўғрисидаги;

4) республика бошқарув органлари ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низоларни;

5) Ўзбекистон Республикаси қонуний актлари, давлатларaro битимлар ва халқаро шартномаларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини қўллаш билан боғлиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси хўжалик суди ихтиёрига берилган бошқа низоларни кўриб чиқади.

Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси хўжалик судининг ваколат доирасидаги низоларни ўз қарамоғига

қабул қилиб олади ва ҳар қандай низои ҳал қилиб беради, шунингдек хўжалик судларига Хўжалик-процессуал кодексининг 12-моддасининг 1-бандида белгиланган қимматдан юқори ёки паст суммадаги низоларни ўз қарамоғига олиб, мазмунан кўриб чиқиши тўғрисида умумий топшириқ бериши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикасининг ва вилоятларнинг хўжалик судлари уларга тегишли барча низоларни ва Олий хўжалик судига тегишли бўлган низолардан ташқари (Хўжалик-процессуал кодексининг 13-моддаси) 1000 сўмдан ортиқ мулкый характердаги низоларни ҳал қиладилар.

112-модда

Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Олий суд ва Олий хўжалик суди раислари ва аъзолари Олий Мажлиснинг депутати бўлолмайдилар.

Судьялар, шу жумладан туман судьялари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин.

Давлат ўз фаолиятида ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойилларига асосланади ва судларнинг ҳам фаолияти ушбу тамойилларга мансубдир. Суд соҳасида қонунийлик тамойили ўзига хос кўринишда ифодаланади, яъни: одил судловни амалга оширишда бу тамойил судьяларнинг мустақиллик тамойили билан бирлашган ҳолда олиб борилади ва улар ҳукм чиқаришда ҳаракатда бўлган қонун талабларига, ўзларининг ҳуқуқий онги ва ички маслағига асосланиб иш кўрадилар.

Судьяларнинг мустақил бўлиш талаби суд ҳайъатига оид бўлган муносабатларда (судьялар ўртасида бўлган

тенг ҳуқуқлиликини ҳисобга олиб), жиноят жараёнининг бошқа қатнашчилари билан бўлган муносабатларда, суднинг бошқа муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар билан бўлган муносабатларда ўз аксини топади.

Қонунчилигимизда ушбу тамойилни амалга оширишнинг бутун бир кафолатлари тизими жорий этилган. Уларнинг энг асосийлари Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунида, ЖПК ва ФПКда қайд этилган.

На давлат, на бошқа бирор ташкилот, муассаса, мансабдор шахс ва фуқаро судга ишни қандай ҳал қилиши тўғрисидаги тавсия ва кўрсатмаларни беришга ҳақли эмас. "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 67-моддасида судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш тубандагилар асосида тайин этилган: Судьяларни сайлаш, тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартиби билан; судьяларнинг дахлсизлиги билан; одил судловнинг олиб борилишидаги жараён билан; қарор чиқаришда судьяларнинг пинҳона маслаҳатлашуви ва уни ошкор этилишининг ман қилиниши билан; судга ҳурматсизлик ёки суднинг муайян ишларни ҳал қилишга аралашиш ҳамда судьяларнинг шахсий дахлсизлигини бузганлиги учун жавобгарликка тортилиш билан; судьяларнинг давлат ҳисобидан моддий ва ижтимоий жиҳатдан таъминланиши билан ва уларнинг юқори мақомига эга бўлган ҳуқуқий савиясига яраша имтиёзларнинг борлиги билан кафолатланади.

Судьянинг мустақиллиги ўзгаларнинг суд ишларига аралашганлиги учун уларни жиноий жаобгарликка тортиши, судья маслаҳатчисини қўрқитиш ёки уларни ҳақоратлаш жиноий жавобгарлик ҳисобланиши кабилар билан кафолатланади.

Давлат идоралари ва бошқа муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьянинг мустақиллигини ҳурмат қилишлари, унинг мустақиллигини бузмаслик талабларига тўла риоя этишлари керак.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида очиқ-ойдин қайд этилганки, Олий суд ва Олий ҳўжалик судининг раислари ва аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари сифатида сайланиш ҳуқуқига эга эмасдирлар, судьялар бўлса, жумладан гуман судьялари сиёсий фирқа ва ҳаракатларнинг аъзолари сифатида ўша фирқа ва ташкилотларда иш ҳақи

оладиган лавозимларни эгаллашлари ва ишлашлари мумкин эмас. Бундай ҳолада судьяларнинг фаолиятига бирор фирқа ёки сиёсий ҳаракатнинг таъсир эта олмаслик шароитини яратади. Натижада, кўриладиган барча ишлар бўйича турли ҳаракат ва фирқаларнинг таъсирида ғайриқонуний қарор чиқариш ҳоллари бартараф этилади. Бундан ташқари, қонун судьянинг қўлида кўрилаётган ёки кўрилган ишлар бўйича уни бирон бир шахсга ёки муассасага тушунтиришлар беришдан озод этади. Оммавий ахборот воситалари эса ўзларининг ахборотларида кўрилаётган муайян иш тафсилотларини ва ушбу ишнинг судлов натижаларини олдиндан овоза этиш ҳуқуқига эгамасдирлар.

Судьянинг мустақиллигини таъминлаш мақсадларида маълум кафолатлар ишлаб чиқилган, уларнинг бири судьянинг шахсий дахлсизлиги. Дахлсизлик — судьяга ғайриқонуний таъсир этишдан сақлайди, одил судловни амалга ошираётганида унинг ҳуқуқларини чеклашга имкон бермайди. Ушбу талаб халқаро ҳуқуқий маромларга мос келади.

"Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 70-моддасига биноан судьянинг шахси дахлсиздир. Бу талаб унинг тураржойи, хизмат хонаси, у томонидан ишлатиладиган транспорт, алоқа воситалари, унинг хат-хабарларига, буюм ва ҳужжатларига тааллуқлидир. Қонунда унинг шахсий хавфсизлигини сақлаш чоралари ҳам кўрсатилиб ўтилган.

"Судлар тўғрисида"ги Қонун судьянинг ваколатларини тўхтатиш ва бекор қилиш вазиятларини қайд қилган, шунингдек уларни жиноий жавобгарликка тортишнинг ўзига хос тартибини (70—74 м.) ҳамда уларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолларини қайд этган (ихтисослик раёсатлар томонидан).

Судья ваколат муддати тугамасдан олдин ҳам лавозимдан озод этилиши мумкин, бу ҳол қўйидаги вазиятларда вужудга келади: судья ўзининг қасамини бузганда; унинг лавозимдан озод этиш тўғрисидаги ёзма аризаси ҳисобга олинганда; судьяларнинг ихтисослик раёсати томонидан судьяга нисбатан қилинган огоҳлантиришлар ва бошқа чораларга қарамасдан унинг судьялик фаолиятига тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатларни давом эттирган тақдирда; суд томонидан судьянинг лаёқатсизлиги тан олинганда (масалан, руҳий касаллик сабабли соғлиғини йўқотганлигига асосан);

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотганлиги сабабидан судьяга нисбатан айблов ҳукмининг кучга кириши туфайли, шунингдек, судья саломатлигининг ҳолати ва бошқа узрли сабабларга кўра давомли муддат жараёнида судья вазифасини бажаролмаслиги аён бўлганда лавозимидан муддатидан илгари озод қилинади.

113-модда

Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Судларда фуқаролик ва жиноят ишларини ошкора муҳокама қилиш тамойили барча жиноят ва фуқаролик ишига тааллуқлидир. Мазкур тамойил фуқаролик ёки жиноят ишларида тараф сифатида иштирок этмаган фуқаролар учун у ёки бу суд ишини суд томонидан муҳокама қилиш пайтида иштирок қилиш имкониятини таъминлаб беради. Суд жараёни судда иштирок этаётган фуқароларга ҳамда судланувчининг ўзига тарбиявий жиҳатдан таъсир қилади.

Ёпиқ суд муҳокамасида ишларни кўриш зарурий ҳолатларда ва қонунга асосланган равишда ўтказилади. Масалан, ЖПКнинг 19-моддасига биноан агарда суд муҳокамасида давлат сирларини ошкора қилиш хавфи мавжуд бўлса ёки жиноят иши жинсий жиноят билан алоқадор бўлса, бундай ишлар ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилинади.

Ёпиқ суд мажлисига суднинг ажримига кўра 18 ёшга етмаган шахслар таклиф қилинмайди. Бошқа ишлар бўйича, агарда уларга асосан фуқароларнинг шахсий ҳаётини ошкора қилувчи ёки уларнинг кадр-қимматини камситувчи ҳолларда ёки жабрланувчи, гувоҳ ва ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг, уларнинг оила аъзоларининг шахсий ҳавфсизлигини таъминлашга дахлдор ҳолларда суд муҳокамалари ёпиқ суд мажлисида ўтказилади.

Ишнинг ҳолатига қараб суд муҳокамасининг барча жараёни ёки унинг маълум қисми ёпиқ бўлиши мумкин.

Суд жабрланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари ва бошқа шахсларга ёпиқ суд муҳокамасида иштирок

қилиш имкониятини яратиши мумкин, лекин уларни даставвал суд мажлисида кўриладиган маълумотларни ошкора этмаслик борасидаги жавобгарлиги тўғрисида огоҳлантиради. Бундан ташқари, суд алоҳида шахсларни очиқ суд муҳокамасида залда бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этиши мумкин, агар уларнинг иштироки суд муҳокамасини ўтказиш ишига зид бўладиган бўлса ёки тартиб-интизомни сақлаш масаласини ҳал қилишга ёрдам берса.

Жиноят ишларини муҳокама қилганда суд залида овоз ёзилган фонограмма, тасвирга туширилган суратлар, видеога ёки кинога олинган тасмаларни кўриб чиқиш масаласи фақат суднинг раиси томонидангина ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг ФПК бўйича барча судларда ишларни муҳокама қилиш очиқ равишда ўтказилади ва агарда бирон бир иш давлат сирлари ёки тижорат сирларини ҳимоя қилиш масалаларига зид бўлса, бундай ишлар ёпиқ суд мажлисида ўтказилади. Бундан ташқари, ёпиқ суд мажлиси суднинг ажримига асосан ўтказилади, агарда ишда иштирок этаётган шахсларнинг шахсий ҳаётидан маълумотлар келтириш зарурати туғилганда ёки фарзандликка олиш ҳолатини, ёхуд хат-хабарлар мазмунини ошкора қилмаслик мақсадларида иш ёпиқ мажлисда кўрилиши лозим.

Процессуал қонунчиликда қайд этилишича шахсий хат-хабарлар билан алмашув, телеграф орқали хат-хабарлар билан алмашув суд муҳокамасида айнан шу хабарларни юборган ва хат-хабарларни олган шахслар рухсатига асосан ошкора қилиниши лозим.

Бундай рухсат олинмаган тақдирда суд уларни ёпиқ суд мажлисида ўрганиши керак бўлади.

Ёпиқ суд мажлисида фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқиш суд юритиш қондаларининг барча талабларига риоя қилишни тақозо этади. Суднинг ҳукми ёки қарори барча ҳолатларда очиқ суд мажлисида эълон қилинади.

Суд фаолиятининг ошкоралигини ошириш масалаларида судлар оммавий ахборот воситаларининг ходимларига хабар қилиши, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаларига маълум қилишлари мумкин. Ўз навбатида ошкора суд мажлисларини бевосита қорхона, муассаса ва ташкилотларда ўтказишга ҳам ҳақлидир.

Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Бу талаб Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг давлат тизими ҳокимиятни урта йўналишда тақсимланиш тамойилига асосланган, яъни ҳокимият урта йўналишга бўлинади: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига. Бунинг асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси намоён бўлади (11-модда).

"Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 65-моддасида шундай қайд этилган: судлар (судьялар) фуқаро ва мансабдор шахслардан ўзларининг одил судлов билан боғлиқ бўлган фармойишларининг бажарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар, давлат, жамоат, илмий ва ахборот марказларидан маълумотномаларни талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат тузилмалари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар бошқа юридик ва жисмоний шахслар судьянинг одил судлов билан боғлиқ барча талаб ва фармойишларини бажаришга мажбурдирлар.

Судьянинг талабига биноан барча ахборотлар, ҳужжатлар, уларнинг нусхалари одил судловни амалга ошириш мақсадларида бепул тақдим этилиши лозим. Судьянинг талабини қондирмаслик қонунда кўрсатилган жавобгарликка олиб келади.

Жиноят-процессуал, фуқаровий-процессуал ва маъмурий қонунчилик судларнинг қарорларини амалга ошириш тартибини қайд этган нормаларга эга. Масалан, ЎзР ЖПКсининг 497, 528, 529, 530, 531-моддаларига асосан суднинг ҳукми, ажрими, қарорининг кучга кириш, уларни бажариш масалаларининг қандай ҳал этилишини қайд этади.

ЎзР ЖПКнинг 299-моддаси давлат идоралари, ўзини-ўзи бошқариш тузилмалари, жамоат ташкилотлари, жамоалар ва мансабдор шахсларга суд томонидан юборилган жиноятнинг сабаблари ва шароитларини бартараф этиш масалаларига дахлдор хусусий ажрим ва қарорларни олганидан сўнг бир ой муддат ичида бундай шароитлар ва сабабларни бартараф этиш мажбуриятини юклайди.

Агарда бундай талаблар амалга ошмаса у ҳолда корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарлари қонунда кўзда тутилган жавобгарликка тортиладилар.

Фуқаролик-процессуал қонунчилик ҳам суд чиқарган қарорларни амалга ошириш масалаларини ҳал этиш тўғрисидаги қоидаларни қайд этган. Масалан, ЎзР ФПКнинг 225-моддасида суд чиқарган қарорларнинг ҳуқуқий кучга кириши; 226-моддада бўлса қарорларнинг бажарилиши; 227-моддада зудлик билан бажарилиши; 230-моддада эса ҳукми бажаришни таъминлаш тартиблари қайд этилган. 372-моддада суд ва бошқа органлар, мансабдор шахсларнинг бажарилиши лозим бўлган қарорлари тўғрисидаги қоидалар қайд этилган. Ушбу моддаларда маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар дахлдор ишлар бўйича чиқарилган қарорларга ҳам эътибор берилган.

115-модда

Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Судларда иш юритиш жараёнида юритиладиган тил тўғрисидаги конституцион тамойил "Судлар тўғрисида" Қонун, фуқаролик-процессуал ва жиноят-процессуал қонунчилигимизда қайд этилган ва Конституцияда акс этган судларда иш юритиш бўйича қўлланиладиган тил тўғрисидаги қоидаларни янада ривожлантириб бир қатор қўшимча ва аниқлаштирмаларга эга. Масалан, ЖПКнинг 20-моддасига асосан иш юритиладиган тилни билмайдиган ёки етарли даражада тушунмайдиган процесс иштирокчиларига ўз она тилида ёки ўзи билладиган бошқа тилда оғзаки ёки ёзма арз қилиш, кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, илтимоснома ва шикоятлар билан мурожаат қилиш, судда сўзлаш ҳуқуқи таъминланади. Бундай ҳолларда, шунингдек иш материаллари билан танишиш вақтида процесс иштирокчилари қонунда белгиланган тартибда таржимон хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Айбланувчига, судланувчига ёки муҳокама (процесс)да иштирок этувчи бошқа шахсларга тақдим этилиши лозим бўлган тергов ва суд ҳужжатлари уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиниб берилиши лозим.

Фуқаровий-процессуал қонунчилик ҳам судларда юри-тиладиган тилни билмайдиган шахсларни қуйидаги ҳуқуқлар билан таъминлайди: улар иш материаллари билан тўлиқ равишда танишиб чиқишга, ўз тилида иш бўйича кўрсатув ва тушунтиришлар беришга, судда бе-восита иштирок этиб сўзлашга, аризаларни ва илтимос-номаларни ўзининг она тилида тақдим этишга, шунингдек таржимон ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд ҳужжатлари, агарда тегишли шахслар ишда иш-тирок этаётган бўлсалар, уларнинг она тилига таржима қилинган ҳолда ёки улар билган тилга таржима қилини-ши лозим (ФПКнинг 18-моддаси). Судларда миллий тилни юритиш масаласини шундай ҳал қилиш судда иштирок этаётган барча шахслар учун тушунарли бўлади, бошқа томондан бўлса, айбланувчи, жабрланувчи ва процесснинг тилни билмайдиган бошқа иштирокчиларига тегишли ҳаракатларда иштирок этиш, ўзларининг ҳуқуқларини амалга ошириб, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини яратиб беради. Ушбу тамойилнинг бузилиши иш бўйича қабул қилинган суд қарорини бекор қилинишига олиб келади.

Ишда ҳимоячи сифатида адвокатлар ҳайъатининг аъзо-лари, ҳимоячи сифатида қатнашиш учун махсус рухсат-номага эга шахслар; жамоат бирлашмаларининг ўз аъзо-ларининг ишлари бўйича вакиллари қатнашишлари мум-кин. Терговчининг қарори ва суд ажрими бўйича судланувчининг, айбланувчининг, гумон қилинувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари, шунингдек бошқа шахслар ҳимоячи сифатида иштирок этишига йўл қўйилиши мумкин.

Ҳимоячининг ишда иштирок этишига фуқарога айб эълон қилинган вақтдан бошлаб ёки у гумон қилинувчи деб ишга жалб қилинганлиги тўғрисидаги қарор ёхуд ҳибсга олинганлиги тўғрисидаги баён эълон қилинган пайтдан бошлаб рухсат этилади (ЖПКнинг 49-моддаси).

Жиноят-процессуал қонунида ҳимоячини таклиф этиш (ЖПКнинг 50-моддаси), ҳимоячининг иштирок этиши шарт бўлган ҳоллар (ЖПКнинг 51-моддаси), ҳимоячидан

воз кечиш (ЖПКнинг 52-моддаси) ва ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган (ЖПКнинг 53-моддаси). Ҳимоячи ўзининг процессуал ҳуқуқларидан фойдаланиб айбланувчи (гумон қилинувчи)нинг ҳимоя қилиш масаласини қонуний восита ва услублар асосида олиб боради, айбномани рад қилади, ўзининг далиллари ва сабабларини келтиради, айбномани воқеликка тўғри эмаслигини тасдиқлаш мақсадларида ёки айбланувчи (гумон қилинувчи)нинг айбини юмшатиш мақсадларида, унинг ҳуқуқ ва ҳаққоний манфаатларини ҳимоя қилади.

Шунинг учун ҳимоя бу — айбланувчи ва унинг ҳимоячисига мансуб бўлган фаолият бўлиб, айбланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлашга қаратилган.

Қонуннинг талабига биноан иш бўйича мавжуд бўлган барча ҳоллар ҳар томонлама, муфассал, тўлиқ ва холис текширилиши лозим, шунинг учун терговчидан дастлабки терговни ўтказганда фақат айбланувчини қораловчи ва унинг айбини оғирлаштирувчи ҳолларнигина эмас, балки унинг айбини юмшатувчи ва оқловчи ҳолларни ҳам аниқлаш талаб қилинади. Демак, терговчининг фаолиятида ҳимоя йўналиши ҳам бўлади. Шундай қилиб, жиноят процессида мавжуд бўлган ҳимоя айбнома ва ҳимоя қилиш ҳаракатларини ўз ичига олиб, айбномани рад этиш, яъни уни тўла ёки қисман рад этишдан иборат бўлади.

Суд, прокурор, терговчи айбланувчи (гумон қилинувчи) учун унга қўйилган айбнома бўйича қонунда кўрсатилган ҳимоя воситалари ва усулларини, уларнинг шахсий, мулкӣ ҳуқуқларини жиноят процессининг ҳар қандай босқичида таъминлаб бериш мажбуриятига эга бўладилар.

Фуқароларни корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга профессионал жиҳатдан ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг муҳим кафолати сифатида Ўзбекистон Республикасининг адвокатураси хизмат қилади. Бу муассаса Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисидаги Қонун"ига асосан фаолият кўрсатади.

Ташкилий жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг адвокатураси раёсатлар ҳайъатларига бўлинган (вилоят, Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъатининг раёсати ва Қорақалпоғистон адвокатларининг ҳайъати) ва юридик маслаҳатхоналарига (консультацияларга) бўлинади.

Адвокатура тўғрисидаги Низомда адвокатлар ҳайъатининг фаолият кўриш тартиби, юридик маслаҳатхоналарнинг ташкилий ва фаолият кўриш тартиби, адвокатлар ҳайъатида аъзо бўлиш қоидалари, адвокатларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг иш учун маош олиш тартиби қайд этилган.

Адвокатлар ўзларининг вазифаларини бажарганда, асосан, қуйидаги ҳуқуқий ёрдамни кўрсатадилар:

— қонунчилик бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, оғзаки ёки ёзма маълумотларни берадилар;

— ҳуқуқий таърифга эга бўлган аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузадилар;

— судда, хўжалик судида ва бошқа давлат органларида вакил сифатида фуқаролик ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш жараёнларида иштирок этадилар;

— дастлабки терговда ва судда жиноят ишларини муҳокама қилишда ҳимоячи сифатида, жабрланувчиларнинг вакиллари сифатида, фуқаролик даъвогар, фуқаролик жавобгарларнинг вакиллари сифатида иштирок этадилар.

Адвокатлар фуқаро ва ташкилотларга бошқа ҳуқуқий ёрдамни ҳам кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Конституциянинг мазкур моддасида "Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган халқаро пакт талаблари ўз аксини топган. Пактнинг 2- ва 14-моддаларида таъкидланганидек, ҳар бир шахс ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан фойдаланиши, ўз хоҳиши билан ҳимоячи ёллаши ва у билан танҳо мулоқотда бўлиши қонун билан таъминланмоғи даркор.

116-модда

Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

Ҳимоя айбланувчи шахснинг айбсизлигини аниқлаш ёки унинг айбини юмшатиш мақсадларида айбини

воқеликка тўғри бўлмаслигини тасдиқлаб бериш мақсадларида ўтказиладиган процессуал ҳаракатларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Ҳимоя айбни қўйиш ҳаракати билан мувозий равишда ривожланиб боради. Айбни қўйиш бор бўлса, демак ҳимоя қилиш ҳаракатлари мавжуд бўлади. Жиноят процессида айбланувчига қонунда кўзда тутилган восита ва услублар орқали унга қўйилган айбга қарши ҳимоя қилиш шароитлари яратилади ва бундай шароитлар унинг шахсий ва мулкый ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига қаратилган бўлиши лозим.

Ҳимоя бу процессуал функция бўлиб, айбланувчининг ҳимоя қилиниши ҳуқуқини амалга оширишга қаратилган. Ушбу вазифа авваламбор айбланувчининг ўзи томонидан амалга оширилади. Айбланувчи сифатида жавобгарликка тортилган шахс ўзига қўйилган айбномага қарши бир қатор ҳуқуқлар билан таъминланади. Масалан, ЎзР ЖПКсининг 46-моддасига асосан айбланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга: ўзининг нимада айбланаётганлигини билиш; ўзига қўйилган айб юзасидан ва ишнинг бошқа барча ҳолатлари бўйича кўрсатув ва тушунтириш бериш, ўз она тили ва таржимон хизматидан фойдаланиш, ҳимоячига эга бўлиш ва у билан холи учрашиш, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни шахсан ўзи амалга ошириш, илтимоснома ва раддиялар бериш, далиллар тақдим қилиш, терговчи ёки суриштирувчининг рухсати билан тергов тугаганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ва ундан керакли маълумотларни ёзиб олиш, терговчи ёки прокурор томонидан ишнинг тамом бўлишига норозилик билдириш ва суд муҳокамаси ўтказишни талаб қилиш; биринчи босқич судининг мажлисида, суднинг рухсати билан эса, кассация ва назорат инстанциялари суд мажлисларида иштирок этиш, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш, суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш, иш бўйича келтирилган раддиялар, кассация шикоятлари ҳақида хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эга. Судланувчи охириги сўз билан чиқиш ҳуқуқига эгадир.

Гумон қилинувчи ҳам кенг ҳуқуқларга эга бўлиб айбланувчига берилган ҳуқуқлар қаторида ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуқига эгадир ва унинг ҳимоячиси шахсни гумон қилинувчи сифатида ишга жалб қилиш қарорига ёки

ушбу шахсни ушлаб олиш тўғрисидаги қайдномага асосан ишда иштирок қилиш ҳуқуқига эга бўлади (ЖПКнинг 47, 46-моддалари).

Айбланувчи (гумон қилинувчи)нинг ҳуқуқлари ичида ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуқи энг муҳим ўринни эгаллайди. Бу айбланувчининг (гумон қилинувчининг) процессуал ҳуқуқларидан бири бўлиб қолмай, балки айни пайтда муҳим бир процессуал кафолатидир, негаки ҳимоячининг фаолияти бевосита ҳимоя қилишга қаратилган.

Ҳимоячи — гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, суриштирувчининг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга оширишга ҳамда уларга керакли юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.

XXIII боб

САЙЛОВ ТИЗИМИ

117-модда

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

Моддада фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ҳамда Олий Мажлисни, халқ депутатлари Кенгашларининг бутун тизимини ташкил этишнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг асосий демократик принциплари мустаҳкамланган. Модда фуқароларнинг асосий сиёсий ҳуқуқи — давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқининг моҳиятини очиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайлов тизимига махсус боб бағишланганлигининг боиси шундаки, Олий Мажлисни, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларини ташкил этиш принциплари ҳамда фуқароларнинг сайловда қатнашиш ҳуқуқи ҳокимият вакиллик органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни шакллантиришнинг муҳим демократик асосига тааллуқли бўлибгина қолмай, айти вақтда Ўзбекистонда халқ ҳокимиятини амалга ошириш, давлатнинг ўзини ташкил этишнинг ҳам муҳим демократик асосидир.

Ҳокимият вакиллик органларига сайлов халқнинг ўзига тегишли давлат ҳокимиятини бевосита амалга оширишнинг кенг тарқалган шакли бўлиб, айти вақтда халқ сайловлар йўли билан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи олий органларга, барча даражадаги Кенгашларга ана шу ҳокимиятни амалга ошириш ваколатларини беради.

Фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришдаги иштироки Ўзбекистон Конституциясининг 7-моддасида мустаҳкамлаб берилган бўлиб, республика Президенти сайлови, Олий Мажлисга, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов, ўзини-ўзи бошқариш органлари сайлови тўғрисидаги қонунлар фуқароларнинг ҳокимият вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни таъминловчи керакли юридик кафолатлар ва тартибларни қамраб олиши лозим.

Сайлаш ҳуқуқи фуқароларнинг мазкур органларни шакллантириш масалаларини ҳал этишда қатнашиш имкониятини қамраб олади. Кўп партиялилик шароитида сайловчи муайян сиёсий партиянинг дастурини, вакиллик ҳокимияти маҳаллий органларининг фаолиятини маъқул деб топар экан, бу билан қонунчилик ҳамда олий мансабдор шахслар фаолиятининг йўналишини белгилаб қўяди.

Сайланиш ҳуқуқи номзод бўлмиш шахснинг сайловчилар томонидан эътироф этиладиган керакли касбий ва

ахлоқий фазилатларга эга бўлиши билан боғлиқ бўлиб, ҳокимият вакиллик органлари ва фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқаруви таркибида фаолият олиб бориш имкониятини англатади.

Сайлов тизими ҳокимият органларида аҳолининг барча қатламлари кенг қўламда вакилликка эга бўлишини, сайловга тайёргарлик жараёнида жамоат фикрини ҳар тарафлама аниқлашни, Кенгашларнинг вазифаларини, депутатликка номзодларнинг амалий ва шахсий фазилатларини муҳокама этишни, халқ оммасининг овоз беришдагина эмас, балки бутун сайлов кампаниясида бевосита иштирок этишини таъминловчи, демократик принципларга асосланади.

Сайловлар "умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан" ўтказилади.

Умумий сайлов ҳуқуқи мамлакатимизнинг 18 ёшга тўлган барча фуқаролари, қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларни истисно этганда, сайлаш ҳуқуқига эга эканлигини англатади. Қонун фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, мазкур жойда яшаш вақти, машғулотининг тури ва хусусиятига қараб уларнинг сайлов ҳуқуқларини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклашни ман этади.

Ёшга тааллуқли мезон сайлов тизимидаги ягона мезондир. Қонун ҳужжатларимизда бошқа ҳеч қандай мезонлар (ўтроқлик, саводхонлик ва ҳоказо) йўқ. Мамлакатимиз катта ёшли аҳолисининг барчаси фаол сайлов ҳуқуқига, яъни сайлаш ҳуқуқига юридик жиҳатдан эга бўлибгина қолмай, балки амалда овоз беришда ҳам иштирок этадилар.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунга кўра, мазкур Кенгашларга 21 ёшдан эътиборан депутат бўлиш мумкин. Мамлакат вакиллик ҳокимияти олий органи — Олий Мажлис умумдавлат аҳамиятига молик энг масъулиятли қарорлар қабул қиладиган бўлгани учун ҳам Конституция (77-модда) бу органга сайланиш ҳуқуқини 25 ёшга тўлган фуқароларга беради, мамлакат Президентлигига Ўзбекистон Республикасининг 35 ёшдан кичик бўлмаган фуқароси сайланиши мумкин (Конституциянинг 90-моддаси).

Сайловчилар рўйхатига сайлов кунига қадар ёки сайлов кунини 18 ёшга тўлган ҳамда мазкур Кенгаш ҳудудида рўйхат тузилаётган пайтга қадар муқим ёки вақтинча яшаб турган барча фуқаролар киритилади.

Барча фуқароларга сайловчилар рўйхатлари билан танишиш ва улар тўғри тузилганлигини текшириш ҳуқуқи берилади. Бунда рўйхатга кирмай қолганлик, нотўғри киритилганлик ёки сайловчилар рўйхатидан чиқариб ташланганлик устидан, шунингдек сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва бошқа маълумотларини кўрсатишда рўйхатда йўл қўйилган ноаниқликлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи қонунда ҳар бир фуқаро учун кафолатланган.

Шундай қилиб, қонунлар умумий сайлов ҳуқуқини ҳар тарафлама ва изчил кафолатлайди.

Тенг сайлов ҳуқуқи қуйидагиларни англатади: ҳар бир сайловчи бир овозга эга; сайловда ҳамма тенг асосларда қатнашади; аёллар ва эркаклар тенг сайлов ҳуқуқларига эга; ҳарбий хизматчилар бошқа барча фуқаролар билан тенг равишда сайлов ҳуқуқларидан фойдаланадилар; бир сайловчининг овози бошқа сайловчининг овози билан тенг; ҳеч ким сайловда бошқа шахсларга нисбатан бирон-бир афзалликка эга эмас.

Сайлов ҳуқуқининг тенглиги ҳар бир сайловчи овоз бериш учун фақат битта рўйхатга киритилиши ҳамда шахсан овоз бериши (қонунда бошқа шахслар учун ишонч қоғозига кўра, уларнинг ҳужжатларини кўрсатиш билан, шахсий илтимосига асосан овоз бериши назарда тутилмаган) билан таъминланади. Сайлов бюллетенлари шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганидан кейингина берилади; бунда сайловчилар рўйхатига тегишли белги қўйилади ва бу билан такрорий овоз бериш истисно этилади. Сайловда барча сайловчиларнинг тенг асосда қатнашуви сайлов округларини уларда яшовчи фуқаролар сонига тенг қилиб ташкил этилиши билан ҳам таъминланади, чунки ҳар бир округдан битта депутат сайланади. Бу билан амалда бир округдаги сайловчи овози бошқа округдаги сайловчи овозига амалий равишда тенг бўлишига эришилади.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи ҳокимият вакиллик органларига сайлов тўғридан-тўғри ўтказилишини англатади: беистисно барча Кенгашларнинг депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар. Тўғридан-

тўғри сайлов ҳуқуқи депутатлар билан сайловчиларнинг янада яқинроқ, кундалик алоқалари учун, Кенгашларнинг ва депутатларнинг фаолиятини сайловчилар янада яхшироқ назорат этиши учун, шунингдек вакиллик тизимининг демократик асосларидан бири — депутатларнинг бевосита сайловчилар томонидан чақириб олинишини амалга ошириш учун керакли шарт-шароитни яратиб беради.

Сайловларда овоз беришнинг яширинлиги таъминланади. Сайлов участкасидаги овоз бериш биносида сайлов бюллетенларини тўлдириш учун албатта алоҳида хона ёки кабина бўлади. Кабинада овоз бераётган шахсдан бошқа бирор кимсанинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Бюллетенни мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирмаган шахсни кабинага таклиф этишга ҳақлидир. Сайлов бюллетенида сайловчининг фамилияси, яширин овоз бериш таомилини бузувчи бирон-бир рақам, белги ёки бошқа ёзув бўлмайди.

Овоз беришнинг яширинлиги яна шу билан кафолатланадиги, овоз бериш бошланишидан олдин сайлов қутилари текшириб чиқилади ҳамда комиссиянинг барча аъзолари ҳозирлигида участка комиссияси раиси томонидан пломбаланади ёки муҳрланади.

Модданинг 3-қисми унинг 1-қисмида қайд этилган ҳуқуқий чеклашларнинг асосларини белгилайди. Фуқаронинг суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилиши унинг руҳий касаллиги билан боғлиқ бўлади. Бу ҳол эса унинг сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини истисно этади. Суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган фуқаролар модданинг 1-қисмида қайд этилган ҳуқуқлардан жазонинг ўзига хос жиҳатлари туфайли фойдалана олмайдилар. Шахснинг жамиятдан яккалаб қўйилганлиги у жамият ишларини бошқаришда иштирок этишдан ажратилишини тақозо этади.

Модданинг 4-қисмида баён этилган қоида барча даражадаги Кенгашларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳамда қонун чиқарувчи олий ҳокимиятнинг бевосита сайловчилар билан ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлашга асосланади. Қуйи Кенгаш депутати айни бир вақтда Олий Мажлис депутати бўлар экан, у Олий Мажлисида фақат ўз сайловчиларининг эмас, балки вилоят, туман ёки шаҳар миқёсидаги вакиллик ҳокимиятининг номидан ҳам иш

кўради. Шу тариқа узвий алоқа: Олий Мажлис — вилоят, туман, шаҳар Кенгаши — сайловчи алоқаси ҳам кучаяди. Депутат Олий Мажлис сессиясида қатнашар экан, унинг қарорларини ўз сайловчиларига ҳамда қуйи Кенгаш депутатларига тўлароқ ва чуқурроқ етказишга ҳаракат қилади. Муайян шахснинг бир вақтнинг ўзида иккита Кенгаш депутати этиб сайланиш имконияти фуқаронинг лаёқати, унинг шахсий фазилатлари, республика аҳолиси ўртасидаги обрў-эътибори ва қанчалик таниқли эканлигига ҳам асосланади.

XXIV боб

ПРОКУРАТУРА

118-модда

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларнинг устунлигини сўзсиз тан олинишини ҳамда норматив-ҳуқуқий актларнинг Конституция нормалари ва тамойилларига мос келишини таъминлаш барча давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ ҳаракат қилишларини талаб этади.

Қонунларга риоя этишни уларнинг ижросини узлуксиз текширмасдан, назоратсиз қолдиришни тасаввур этиб бўлмайди.

Шарҳланаётган ушбу модда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар сиймосида прокуратура органлари зиммасига юклайди.

Прокурор назорати — бу Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат назорати органлари, ҳокимлар, кимга бўйсунушидан, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар муассаса-

лар, корхоналар ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш, ҳар қандай қонун бузилиши, унинг сабаблари ва шарт-шароитларига ўз вақтида барҳам бериш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ҳамда айбдорларни белгиланган тартибда қонуний жавобгарликка тортиш йўли билан давлат номидан амалга ошириладиган фаолиятдир.

Прокуратуранинг фаолияти қонун устунлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ тартиботини мустаҳкамлашга, мазкур Конституцияда мустаҳкамланган инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек давлат мустақиллигини, ижтимоий-давлат тузумини, сиёсий ва иқтисодий тизимни, миллий гуруҳлар ва ҳудудий тузилмаларни ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган.

Прокуратура органлари ўз фаолиятларини қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширадилар:

— инсон ва фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат олиб бориш;

— барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари, давлат назорат органлари, ҳокимлар, муассасалар, корхона ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиш;

— жиноятчиликка қарши курашувчи идораларнинг қонунларни ижро этишларини назорат қилиш ва уларнинг қонунларни қўлланишга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

— судларда жиноий ишларнинг кўриб чиқишида давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини қараб чиқишда иштирок этиш, қонунга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

— ушланганларни сақлаш, дастлабки қамоқ, суд тайинлаган жазо ва мажбурий характердаги бошқа чораларни ўташ жойларида қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш;

— Қуролли Кучларда қонунларга риоя этилишини назорат қилиш;

— жиноятлар юзасидан тергов олиб бориш, жиноят содир этган шахсларни жинойий жавобгарликка тортиш;

— қонунчиликни такомиллаштириш ва қонунларни тарғиб қилишда қатнашиш.

Аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат амалга ошириладиган қонун деганда — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари назарда тутилади. Бу ўринда "Қонун" тушунчаси кенгроқ маънода қўлланилади.

Прокурорлик назоратининг объекти: — вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоа бирлашмалари, мансабдор шахслар томонидан чиқарилаётган актларнинг; мансабдор шахсларнинг ёзув шаклида бўлмаслиги мумкин бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари (масалан, фуқароларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўрмаслик), фуқаролар ҳаракатларининг қонунийлиги.

Қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат субъектлари — Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколати Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудига, барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, барча мансабдор шахслар ҳамда фуқароларга нисбатан татбиқ этилади. Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар прокурорлари, шунингдек Ҳарбий ва Транспорт прокурорлари ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қиладилар.

Прокурорлар ўз ваколатларини амалга оширишлари учун Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа қонунлари инъом этган назорат вазифаларини самарали ҳал қилишга тўла имконият туғдирадиган зарур ҳуқуқий воситаларга эгалар. Бу воситалар (озгина истиснолардан ташқари) барча даражадаги прокурорлар учун ягона бўлиб, улардан ҳар бир прокурор ўз ҳуқуқи доирасида қўлланадилар.

Прокурорнинг ўзи аниқлаган қонунбузарлик ҳолларини, қонун бузишларнинг сабабларини ва унга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш, ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, ревизия ва текшириш ўтказиш, мутахассис ажратиш тўғрисидаги, прокуратурага келиш ва қонун бузилганлиги хусусида тушун-

тириш бериш ҳақидаги талабларини бажариш шундай талаб юборилган барча идоралар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий. Прокурорнинг талаблари ва қарорлари устидан шикоят қилиниши ана шу талаблар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб қололмайди.

Прокурор талабларини тўла бажаришнинг мажбурийлиги ва прокурорнинг ўз ваколатларини монеликсиз амалга ошириши қонун билан кафолатланган. Прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва прокурор талабларини бажармаслик Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 197-моддасига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

119-модда

Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Прокурори Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи томонидан тайинланади.

Вилоятларнинг прокурорлари, туман ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси Прокурорининг, вилоят, туман ва шаҳар прокурорларининг ваколат муддати — беш йил.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари қуйи прокурорлар юқори турган прокурорларга бўйсунган ягона марказлаштирилган тизимни ташкил этади.

Прокуратура тизими Ўзбекистон Республикаси миқёсида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунувчи прокуратура органлари йиғиндисидан иборат бўлиб, қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни таъминлаш билан боғлиқ умумий функцияни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимини Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар, туманлараро ва бошқа ҳудудий прокуратуралари ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тизимига, шунингдек транс-

порт, ҳарбий, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа ихтисослаштирилган прокуратуралар киради.

Тошкент шаҳар прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари Ҳарбий прокуратураси ва Ўзбекистон Транспорт прокуратураси Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига бўйсунган ҳолда мустақил бирликларга ажратилган бўлиб, вилоят прокуратураси ҳуқуқига эгалар.

Прокуратуранинг ягона ва марказлаштирилганлиги прокурор тизимининг барча давлат бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунларини аниқ ва бир хилда ижро этишлари устидан назоратни марказдан Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида ягона қонунчилик ўрнатиш вазифаларига мос келадиган тўғри йўналиш асосида амалга оширишни таъминлайди. Прокуратуранинг бирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бошқараётган барча прокуратура органларининг ташкилий ва фаолият кўрсатиш принципларининг ягоналигида ифодаланadi. Прокуратуранинг ягоналик принципи унинг олдида қонунни муҳофаза қилишдек ягона вазифа мавжудлиги билан белгиланади. Прокуратуранинг ҳар қандай тармоғи — тумандан то республикагача — қонунларни давлат номидан муҳофаза қилишга қаратилган фаолиятни амалга оширади. Прокуратура органларининг ягоналигига кўра юқори турган прокурор қўйи прокурорга унинг ҳар қандай қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида кўрсатма бериш, ўзига бўйсунувчи прокурорлар ваколатларини ўзига олиш ҳуқуқига эга.

Прокуратуранинг марказлаштирилганлиги шунда ифодаланadiки, қўйи прокурорлар юқориларга, барча прокурорлар эса — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунadiлар. Прокуратура органларининг марказлаштирилганлиги прокурор назоратининг бирлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, республиканинг барча ҳудудида ягона қонунчиликни таъминлашнинг зарурлигидан келиб чиқади, бусиз ягона марказдан туриб раҳбарликни таъминлаш мумкин эмас. Прокуратура тизимида бошқарув тизимидаги тик чизиқ бўйича — марказга, шунинг каби ётиқ чизиқ бўйича — маҳаллий органларга бўйсунидан иборат "икки" томонлама бўйсунуш ҳолати мавжуд эмас.

Прокуратура органларининг марказлашган ягона тизимини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиб, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошқаради. Бош прокурор Президент ва Олий Мажлис олдида ҳисоб бериб туради.

Бош прокурор Республика прокуратура органлари устидан раҳбарлик қилиб туради ва улар фаолияти устидан назорат олиб бориш борасида республикадаги барча прокурор ходимлар учун мажбурий бўлган буйруқлар, кўрсатмалар, қўлланмалар чиқаради. Бош прокурорнинг тергов ишлари масаласи бўйича берган кўрсатмалари республикадаги барча тергов органлари учун мажбурийдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг Олий вакилик органи томонидан тайинланади ва улар олдида ҳисоб беради.

Вилоят прокурорлари, Тошкент шаҳар прокурори, буларга тенглаштирилган прокурорлар (Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ҳарбий прокурори ва Ўзбекистон Транспорт прокурори) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланадилар ҳамда унга бўйсундилар ва унинг олдида ҳисоб берадилар.

Шаҳар, туманларнинг прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар (ҳарбий қўшин прокурори, ҳарбий гарнизонлар, транспорт прокурорлари ва ихтисослаштирилган прокуратураларнинг прокурорлари) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланиб, ўзидан юқори прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсундилар ҳамда улар олдида ҳисоб берадилар. Қўйи прокурорларнинг бевосита Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланиши уларнинг маҳаллий таъсирлардан мустақиллигининг муҳим кафолатларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ва барча қўйи прокурорларнинг ваколат муддати — беш йил. Барча прокурорларга ягона ваколат муддати белгиланганлиги уларнинг ҳаммасига ягона давлат-ҳуқуқий вазифаси — қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижроси устидан назорат олиб боришни таъминлаш юклатилганлигига мос келади.

Барча прокурорлар учун конституциявий даражада беш йиллик ваколат муддати белгиланиши, уларга қонун билан юклатилган бурчларини муваффақиятли бажаришда зарур бўлган мустаҳкам иродали ва барқарор фикрли бўлишлари учун қулай шароит яратади, шунингдек про-

курор кадрларнинг мунтазам янгиланиб туриш воситаси ҳисобланиб, маҳаллийчиликка қарши курашда муҳим аҳамият касб этади.

Прокурорлар шу лавозимдаги муддатлари тугагач, янги муддатга ҳам тайинланишлари мумкин. Прокурорлар янги конституциявий муддатга тайинланишларидан аввал, қоидага кўра, улар бошчилик қилган прокуратуралардаги ишлари текшириб кўрилади. Бунда прокурорларнинг — ташаббускорлик, қатъиятлик, ҳуқуқ-тартибот бузилишининг ҳар қандай турига қарши курашда мурасасизликлари каби шахсий сифатларига алоҳида эътибор берилади.

Прокурорлар эгаллаб турган лавозимларидан муддатидан аввал озод этилишлари ҳам мумкин. Бунга қўйидаги ҳоллар сабаб бўлади: хизмати бўйича кўтарилиш, бошқа ишга ўтиш, соғлиғи бўйича, шунингдек ўз хизмат вазифасини тегишли даражада бажармаганда ёки прокурор деган юксак номга доғ туширувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш.

Конституциявий муддати тугаши бўйича ёки муддати тугамасдан лавозимдан озод этиш қўйидаги тартибда амалга оширилади: Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан озод этилиб, кейин Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади; Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий органи томонидан озод этилади; вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ва уларга тенглаштирилган жойларнинг прокурорлари лавозимларидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан озод этиладилар.

120 - модда

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар.

Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.

Прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

Прокуратуранинг ташкилий фаолиятидаги муҳим хусусияти унинг ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари маҳаллий органлар ва мансабдор шахслардан мустақиллигидир.

Прокуратуранинг фаолияти фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси назоратида бўлиб, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, уларнинг вакиллари, шунингдек мансабдор шахслар прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорат қилиш, жиноят ишларини тергов қилиш, шикоят, ариза ва хабарларни текшириб кўриш ҳамда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш каби фаолиятларига аралашувлари ман қилинади.

Прокуратура органлари қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижросини назорат қилиш бўйича фаолиятларини ҳар қандай маҳаллий тафовутлар ҳамда маҳаллий ва идоравий таъсирларга қарамай амалга оширадilar.

Прокуратуранинг мустақиллиги прокуратура органларининг ташкилий тузилиши, улардаги бўйсунуш ва ҳисоб бериш тартиби амалга оширилиши билан таъминланади. Ҳар бир прокурор ўз фаолиятида мустақил бўлиб, ўз вазифасини бажаришда қонунларга ва уларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан чиқарилган буйруқлар, қўлланмалар ва курсатмаларга амал қилади. Бу принцип прокурорни унинг қонун бузилишига доир муайян масалаларни кўриб чиқиш фаолиятига бирорта маҳаллий органнинг аралашидан муҳофаза қилади, уни қонунчиликни қатъий ва изчил қўриқлашга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида қонунчиликнинг бир хилда тушунилишини таъминлашга йўллантиради.

Прокурорга қандай шаклда бўлмасин унинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига ёки ўз фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қилиш, унинг дахлсизлигига таъвоуз қилиш, шунингдек прокурорнинг ва терговчининг рухсатсиз текшириш ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 236, 239-моддаларига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Прокуратура органларининг мустақиллиги айти бир вақтда қонунчиликни мустақамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ташкилий тадбирларни улар

давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда амалга оширишлари лозимлигини назарда тутди.

Прокуратура органлари партиядан холи қилинган ва уларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ташкилий тузилмаларини тузишга йўл қўйилмайди. Прокурор-тергов ходимлари ўз фаолияти даврларида сиёсий мақсадни кўзлаган сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда белгиланган. Мазкур Қонунда: прокурор назоратининг мақсади ва вазифалари; прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари; прокуратуранинг ташкилий ва фаолият принциплари; прокурорларнинг назоратни амалга ошириш ва қонун бузилишларга прокурорлик таъсир кўрсатиш ҳуқуқий воситалари ҳамда прокуратура тизимида, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, уларнинг касб малакаларини ошириш билан боғлиқ масалалар аниқ белгилаб берилган.

Прокуратура идораларининг: суриштирув ва дастлабки тергов идоралари томонидан қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиш; судларда ишларнинг кўриб чиқилишида прокурорларнинг ваколатлари; ушланганларни сақлаб туриш, дастлабки қамоқ, суд тайинлаган жазо ва мажбурий характердаги бошқа чораларни ўташ жойларида қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятлари жиноят-процессуал, хўжалик-процессуал, гражданлик-процессуал қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонуний ҳужжатлари билан тартибга солинади.

121 - модда

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари

ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади.

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин.

Шарҳланаётган модда республика ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари тузишни ман этади.

Ўзбекистон Республикасида Жиноят-процессуал қонунга мувофиқ жиноятчиликка қарши курашга қаратилган фаолият фақат давлат идоралари — қонунда рўйхати белгиланган суриштирув ва дастлабки тергов идоралари, шунингдек шу идоралар хизматида бўлган суриштирувчилар ва терговчилар томонидан амалга оширилади.

Қуйидагилар суриштирув идоралари ҳисобланади: 1) милиция; 2) ҳарбий қисм, қўшилмалар командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртлари бошлиқлари — уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича; 3) миллий хавфсизлик хизмати органлари — қонунга кўра уларнинг иш юритишига берилган ишлар бўйича; 4) тарбия колонияси, жазони ижро этиш колонияси ва тергов ҳибсхоналарининг бошлиқлари — шу муассаса ходимларининг хизматни ўташга оид белгиланган тартибга қарши жиноятлари тўғрисидаги ишлар, шунингдек ушбу муассаса ҳудудида содир этилган бошқа жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича; 5) ёнғинни назорат қилиш давлат органлари — ёнғинлар тўғрисидаги ва ёнғинга қарши қондаларни бузганлик ҳақидаги жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича; 6) чегарани қўриқлаш органлари — давлат чегарасини жинояткорона бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича; 7) олис сафарда бўлган денгиз кемасининг капитанлари; 8) давлат солиқ қўмитаси органлари — солиқ қонунларини бузиш, контрабанда тўғрисидаги ишлар бўйича.

Жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки терговни прокуратура терговчилари, ички ишлар органлари-

нинг терговчилари, миллий хавфсизлик хизмати терговчилари олиб борадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал қонуни суриштирув ва дастлабки тергов органларига жиноятларни топиш, олдини олиш, тўхтатиш ва очиш, жиноятнинг барча ҳолатларини тез, холисона, тўла ва ҳар томонлама текшириш, унинг келиб чиқиш сабабларини ҳамда ёрдам берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этадиган чоралар кўриш вазифасини юклайди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (216-модда) тақиқланган жамоат бирлашмаларини ташкил этиш, уларда иштирок этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жиноятларни очиш ва олдини олишда жамоатчиликнинг иштироки жиноятчиликка қарши муваффақиятли кураш олиб бориш шарт-шароитларидан биридир. Шу муносабат билан жиноят-процессуал қонун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар жиноят содир этилган ҳолатларни белгилаб олиш, айбдорни қидириш ва фош этиш, адолатли ҳукм чиқариш, шунингдек жиноятнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлашда жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишлари мумкинлигини назарда тутати.

Қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни қўриқлашда жамоат бирлашмалари билан фуқаролар иштирокининг шакл ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал ва бошқа қонунларида қатъий белгилаб қўйилган.

XXV боб

МОЛИЯ ВА КРЕДИТ

122-модда

Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимига эга. Ўзбекистоннинг давлат бюджети республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат.

Ўзбекистон Республикасида пул тизими — бу республикада пул муомаласини режа асосида ташкил қилишдаги форма ва методларни ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиш демакдир. Бу ўз ичига пул бирлигини, ҳар хил

турдаги давлат пул белгиларини, муомалага пул чиқариш тартиби ва уни таъминлаш кабиларни олади. Муомалага пул чиқаришлик учун Республика ўзининг захира олтинларига эга бўлмоғи керак. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ўзининг захира олтинига ва унга тенглаштирилган маҳсулотларига эга. Корхона ва ташкилотлар билан пул муомаласи ўзаро ҳисоб-китоблар орқали, яъни молия ва кредит тизими орқали, пул операциялари эса банклар орқали ўзаро ҳисоб-китоб қилиш шаклида олиб борилади. Нақд пул билан ойлик иш ҳақи, пенсия, нафақа, жамоа хўжалиги аъзоларига тўланадиган маош шаклида ва фуқаролар томонидан қилинадиган кундалик харажатлар (ҳар хил товарларни сотиб олиш, хизматлар учун пул тўлаш, солиқларни тўлаш) йўли билан амалга оширилади.

Аниқ иқтисодий вазиятни ва ягона "рубль" минтақаси шароитида МДҲ мамлакатларида пулнинг қадрсизланиши юксак даражада эканлигини эътиборга олиб, бизнинг республикамизда 1992 йилдан буён индексация воситаси қўлланиб келинди. Бунинг маъноси шуки, иш ҳақининг, пенсиялар, стипендияларнинг энг оз миқдорини вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилди ва меҳнат ҳақи миқдорлари ошириб борилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А.Каримовнинг 1994 йил 16 июнда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида"ги Фармониға мувофиқ, 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — "СЎМ" муомалага киритилди.

Миллий валюта — "СЎМ" Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 1,3,5,10,25,50,100 "СЎМ" бўлган банк қоғоз пуллари ва 1,3,5,10,20,50 "тийин" бўлган металл тангалар ҳолида нақд пул муомаласига чиқарилди.

Бюджет уч хил тушунчага эга:

- а) иқтисодий тушунча;
- б) моддий тушунча;
- в) ҳуқуқий тушунча.

Иқтисодий тушунча бу миллий даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида ҳосил бўлган пул маблағлари фонди деган маънони англатади.

Моддий тушунча деб Ўзбекистон Республикасининг умумий пул маблағлари фонди тушунчасига айтилади ва

ҳуқуқий тушунча деганда Ўзбекистон Республикаси пул маблағлари фондини ташкил қилиш ва ишлатишдаги молиявий режа тушунилади. Ўзбекистон Республикаси бюджети 2 қисмдан иборат:

- 1) даромадлар;
- 2) харажатлар.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодийнинг самарали амал қилишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига ва даромадларнинг иқтисодий хусусиятларига қараб, Ўзбекистон давлат бюджети даромадлари бир неча гуруҳга бўлинади:

1) давлат корхоналари ва ташкилотлари, бирлашмаларидан келиб тушадиган даромад; 2) жамоат ва кооператив ташкилотлардан келиб тушадиган даромад; 3) аҳолидан бюджетга келиб тушадиган даромад.

Ўзбекистон Республикаси бюджетининг харажатлар қисми республика олдида турган асосий вазифаларга қараб белгиланади.

Ҳозирги кундаги асосий вазифа бозор муносабатларига ўтишдаги тадбирларни амалга оширишдан иборатдир. Харажатлар ичида республика халқининг фаровонлиги учун ажратилган харажат алоҳида ўринни эгаллайди. Ўзбекистон давлат бюджети Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республика бюджети ва маҳаллий бюджетни ўз ичига олади. Ҳар қайси бюджет мустақил равишда республика бюджетини республика Олий Мажлиси томонидан Қорақалпоғистон республика бюджети Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси томонидан, вилоятлар бюджети, вилоят ҳокимият органлари томонидан, шаҳар ва туман бюджетлари эса шаҳар ва туман ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинади. Қабул қилинган бюджет бир йил муддатга, 6 ой муддатга ёки йилнинг бир чораги учун қабул қилиниши ва шу муддат давомида амал қилиши мумкин. Масалан, 1993 йил республика бюджети ҳар чорак учун алоҳида-алоҳида қабул қилинди.

123 - модда

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли.

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими қуйидагича:
1) корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар тўлайдиган солиқ;

2) Ўзбекистон фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тўлайдиган солиқ;

3) Маҳаллий солиқ ва йиғимлар.

Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар қуйидаги солиқни тўлайди:

1. Корхоналар фойдасига солинадиган солиқ;

2. Қўшиладиган қиймат учун солиқ;

3. Акция солиғи;

4. Корхоналарнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

5. Республикадан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган хом ашё ресурслари ва маҳсулотларга солинадиган солиқ.

Ўзбекистон фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар эса, даромад солиғини тўлайди.

Маҳаллий солиқ ва йиғимларга қуйидагилар киради:

а) жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ;

б) ер солиғи;

в) курорт минтақасида ишлаб чиқариш объектларини қуришга солинадиган солиқ;

г) реклама солиғи;

д) автомобиль воситалари, мураккаб ҳисоблаш ва рўзгор техникасини қайта сотганлик учун солинадиган солиқ;

е) транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ;

ж) курорт йиғими;

з) савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқини берувчи йиғим;

и) вино-арақ маҳсулотлари билан савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома йиғими;

к) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун олинадиган йиғим;

л) автотранспортлар сақланадиган жойдан фойдаланганлик учун йиғим;

м) отчопарларда ўтказилган пойгадаги ютуқ учун йиғим;

н) биржалардаги олди-сотди битимларидан ундириладиган йиғимлар;

о) кино ва телесуратга олишларни ўтказиш ҳуқуқини берувчи йиғимлар;

п) аҳоли манзилгоҳлари ҳудудини супуриб-сидириш учун йиғим;

р) қимматли қоғозларни муомалага чиқариш тадбири ўтказганлик учун йиғимлар;

с) ит эгаларидан олинадиган йиғим.

Солиқ тўловларининг суммаси Ўзбекистон Республикаси бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига вилоятлар, Тошкент шаҳри бюджетига ва бошқа маҳаллий бюджетларга ҳар йили келаси молиявий йил учун бюджет тасдиқланаётганда белгиланадиган нормативлар бўйича ўтказилади.

124-модда

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини Республика Марказий банки бошқаради.

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимига қуйидагилар киради:

1) Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки;

2) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унга тобе бўлган муассасалар;

3) Республика акцияли-тижорат саноат-қурилиш банки;

4) Республика акцияли-тижорат агросаноат банки;

5) Ўзбекистон Республикаси меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредитлар бериш давлат-тижорат банки;

6) Пай-акция асосида, шунингдек чет эл капитали иштирокида тузилган тижорат банклари, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналари;

7) Кооператив ва хусусий банклар.

Тижорат-кооператив ва хусусий банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа банклар билан ўзаро муносабатларини шартнома асосига қурадилар. Ҳар бир банкнинг вазифалари банклар томонидан ишлаб чиқиладиган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рўйхатидан ўтказиладиган ўз уставлари билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси банкларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан бошқа республикаларда кредит муассасалари, банк филиаллари очиш ҳуқуқи берилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл

банкларининг филиаллари ва ваколатхоналари, шунингдек чет эл капитали иштирокидаги банклар очишга рухсат бериш ҳуқуқига эгадир.

Банклар ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш мақсадида уюшмалар, ассоциациялар, холдинг компаниялари ва ўзга хил ташкилотлар тузишлари мумкин.

XXVI боб

МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИК

125-модда

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.

Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг мудофааси давлат мустақиллигини, ҳудудий яхлитликни, республика манфаатлари ҳимоя қилинишини ва аҳолининг тинч ҳаёт кечиршини таъминлашга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ижтимоӣ-ҳуқуқий тадбирлар мажмуидан иборатдир.

Мудофаанинг мақсадларига Ўзбекистон Республикасига қарши четдан қилинадиган ҳужумнинг олдини олиш ва ҳар қандай тажовуз қилиниши мумкин бўлган шароитда қуролли ҳимояланишни уюшган ҳолатда қўллашнинг барча зарур шарт-шароитини яратиш орқали эришилади.

Ўзбекистон Республикасини мудофаа қилиш Қуролли Кучларнинг, иқтисодиётнинг, аҳолининг, ҳудуднинг Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринасига мувофиқ тажовузни даф этишга доим тайёрлигига асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси Қуролли Кучлар тузилишида мудофааланиш кифоя қиларли даражада бўлиши қонунга амал қилади ва Ўзбекистон Республикаси:

— урушни халқаро муаммоларни ҳал этишнинг усули сифатида тан олмаслигидан;

— бетарафлик йўлини тутишга интилишдан ва ядро қуролларини яқинлаштирмаслик, ядро қуролларини жой-

лаштирмаслик, ишлаб чиқармаслик, сотиб олмаслик қондасига риоя этишга ҳаракат қилишдан;

— биронта ҳам давлатга ҳудудий масалада даъво қилмаслигидан ва биронта ҳам халқни душман деб билмасликдан;

— башарти ўзи тажовуз объекти бўлиб қолмаган тақдирда бирон-бир давлатга қарши жанговар ҳаракатларни биринчи бўлиб бошламасликдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг мудофаасини ташкил этиш:

— ҳарбий сиёсатни, ҳарбий доктринани ишлаб чиқишни ва ҳарбий фанни ривожлантиришни;

— тажовузларнинг олдини олиш юзасидан халқаро майдонда тегишли тадбирларни амалга оширишни, хавфсизликни жамоа бўлиб амалга ошириладиган тадбирларини ишлаб чиқишда қатнашиш имкониятларини;

— давлат чегараларини қўриқлашни;

— ҳарбий-техника сиёсатини, ҳарбий-иқтисодий тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни ва Қуролли Кучларни қурол-яроғ, ҳарбий-техника билан, ҳарбий-техника ашёлари, озиқ-овқат ҳамда бошқа моддий-техника воситалари билан тўла-тўқис таъминлаб туришни;

— халқ хўжалигини, давлат идораларини, бошқарув тизимини сафарбарликка тайёрлашни;

— аҳолини ва республика ҳудудини мудофаага тайёрлашни;

— Қуролли Кучларнинг керакли тузилмаларини ҳозирлаш, тайёргарлик даражасини кучайтириш ҳамда зарур таркибини ва миқдорини таъминлаш, уларнинг жанговарлик қобилияти, жанговар ва сафарбарлик тайёргарлиги Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган ҳарбий ифвогарликларнинг пайини қирқишни ва тажовузларни даф этишни таъминлайдиган даражада бўлишини;

— мудофаа ва ҳарбий қурилишга доир масалаларни қонун йўли билан тартибга солиб боришни ўз ичига олади.

Мудофаа масалалари Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўз ваколатлари асосида ҳал қилинади.

Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда

қабул қилинган "Мудофаа тўғрисида"ги Қонунига биноан амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992, 10-сон, 398-модда).

126-модда

Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари республика манфаатларини, аҳолининг тинч турмушини, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун барпо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари:

- қонуннинг устунлиги;
- марказлашган раҳбарлик ва яккабошчилик;
- доимий жанговар тайёргарлик ва сафарбарликка шайлик;
- фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбурияти;
- умумий хавфсизлик тизимини яратиш;
- ҳарбий интизомга риоя этиш;
- партиядан холилик;
- ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланишини таъмин этиш асосида қурилади ва ўз фаолиятини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий-Ҳаво кучлари, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, махсус ва Миллий Гвардия қўшинларидан иборат.

Уруш бўлган тақдирда Қуролли Кучлар ўз вазифаларини Миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари билан, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари билан ҳамкорликда бажарадилар.

Қуролли Кучларни жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси ҳудудий чегараларини ва ҳаво чегараларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашдек стратегик режалар асосида белгиланади ва ҳарбий доктрина талабларига, стратегик ва оператив режалар асосида, шунингдек қўшинларни сафарбар этиб жойлаштириш режасига мувофиқ амалга оширилади.

Қуролли Кучларни тузиш "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ амалга оширилади (Ўзбекистон

Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992, 10-сон, 401-модда).

Қуролли Кучларни тузиш — ҳарбий хизматга шу ҳудуддан ва ҳудуд ташқарисидан чақиритишни уйғун ҳолда бажариш орқали амалга оширилади.

Қуролли Кучларни моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш давлат томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги, республика Қуролли Кучларининг давлат бошқарув идораси ҳисобланади ва Қуролли Кучларнинг ҳолати ҳамда уларни янада ривожлантириш учун, жанговар тайёргарлиги ва ҳарбий интизоми учун тўла жавобгардир (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992, 8-сон, 304-модда).

КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ

127-модда

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилади.

Шароит тақозо этса, ҳар қандай қонун ёки Конституция мароми ўзгартирилиши мумкин. Абадиятга мўлжалланган маромларнинг ўзи йўқ. Аммо давлат, халқ, фуқаролар ҳуқуқий маромларнинг барқарор бўлишидан манфаатдордирлар. Барқарор ҳуқуқий тартиб-қоида мустаҳкам ҳуқуқий соғлом онгни шакллантиради. Конституция маромлари асосий қонунлар таркибига кирганлиги учун уларни ўзгартириш, янгилаш оддий қонунларни ўзгартириш ёки янгилашдан қисман фарқ қилади. Бу жаҳон тажрибасида қабул қилинган қоида. Мисол учун Россия Федерацияси Конституциясига тузатиш ёки янгилик киритиладиган бўлса, бу ҳақда таклифни фақат Президент, Федерация Кенгаши, Давлат Думаси, ҳукумат, Россия Федерацияси Субъектларининг қонун чиқарувчи (ваколатли) органлари ва Федерация Кенгаши ёки Давлат Думаси депутатларидан камида бешдан бир қисми киритиши мумкин. Испания конституцияси бўйича бош кортесларнинг иккала палатасида ҳам депутатларнинг бешдан уч қисмидан кўпроғи овоз берса конституцияга ўзгариш киритилиши мумкин.

Оддий қонунларнинг қабул қилиниши учун Олий Мажлис депутатларининг кўпчилик овози талаб этилади. Конституцияга ўзгартириш киритиш учун Олий Мажлис жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик томонидан берилган овоз билан қабул қилиниши шарт.

128-модда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конс-

титущияга ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисидаги кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин. Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин.

Ўтмишда Конституцияга жуда кўп ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилар эди. Конституцияга ўзгартириш киритилмаган деярли бирор-бир сессия ҳам йўқ эди десак бўлади. Депутатлар кўзини очиб юмгунча конституцияга ўзгартириш киритилган бўлар эди. Бу аҳвол Конституция ва қонунларнинг барқарорлигига путур етказар эди, ҳуқуқий онгнинг шаклланишига зарар келтирар эди, конституция ва қонунларга нисбатан бўлган ишонч ва ҳурматни сусайтирарди. Қонунларга тез ўзгарувчан қоида деб қаралар эди. Конституциявий маромларнинг обрўйини кўтаришни, уларнинг барқарорлигини мустаҳкамлашни мақсад қилиб Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ушбу 128-модда киритилди.

Бу модданинг олдинги кўринишида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар тўғрисида қонун қабул қилиниши мумкин" дейилган эди. Президентимиз И. Каримов тузатишлар тўғрисида дейилган сўзлардан кейин ўз қўллари билан "кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда..."деган сўзларни қўшиб моддага янада чуқурроқ мазмун бахш этдилар.

МУНДАРИЖА

Кириш	5
Муқаддима	25

Биринчи бўлим

АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР

I боб (1—6-моддалар). Давлат суверенитети	30
II боб (7—14-моддалар). Халқ ҳокимиятчилиги	39
III боб (15—16-моддалар). Конституция ва қонуннинг устунлиги	45
IV боб (17-модда). Ташқи сиёсат	47

Иккинчи бўлим

ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

V боб (18—20-моддалар). Умумий қоидалар	51
VI боб (21—23-моддалар). Фуқаролик	55
VII боб (24—31-моддалар). Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар	67
VIII боб (32—35-моддалар). Сиёсий ҳуқуқлар	94
IX боб (36—42-моддалар). Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар	104
X боб (43—46-моддалар). Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари	122
XI боб (47—52-моддалар). Фуқароларнинг бурчлари	129

Учинчи бўлим

ЖАМИЯТ ВА ШАХС

XII боб (53—55-моддалар). Жамиятнинг иқтисодий негизлари	154
XIII боб (56—62-моддалар). Жамоат бирлашмалари	158
XIV боб (63—66-моддалар). Оила	168
XV боб (67-модда). Оммавий ахборот воситалари	175

Тўртинчи бўлим

МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ВА ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ

XVI боб (68—69-моддалар). Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши	177
XVII боб (70—75-моддалар). Қорақалпоғистон Республикаси	180

Бешинчи бўлим

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

XVIII боб (76—88-моддалар). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси	188
XIX боб (89—97-моддалар). Ўзбекистон Республикасининг Президенти	217

XX боб (98-модда). Вазирлар Маҳкамаси	229
XXI боб (99—105-моддалар). Маҳаллий давлат ҳокимияти асос- лари	235
XXII боб (106—116-моддалар). Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти	250
XXIII боб (117-модда). Сайлов тизими	277
XXIV боб (118—121-моддалар). Прокуратура	282
XXV боб (122—124-моддалар). Молия ва кредит	292
XXVI боб (125—126-моддалар). Мудофаа ва хавфсизлик	297

Олтинчи бўлим

**КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ
ТАРТИБИ**

127—128-моддалар	301
----------------------------	-----

**КОММЕНТАРИЙ
К КОНСТИТУЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон", 700129, Ташкент, Навои, 30.

Бадий муҳаррир *Ҳ. Меҳмонов*
Тех. муҳаррир *С. Собирова*
Мусаҳҳиҳ *Г. Азизова*

Теришга берилди 26.05.95. Босишга рухсат этилди 23.11.95. Формати 84x108¹/₃₂. Гарнитура Таймс. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма листи 15,76. Нашр листи 16,33. Тиражи 5 000.
Баҳоси шартнома асосида. Буюртма №

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Нашр № 79—95.

Оригинал-макет масъулияти чекланган "Ношир" жамияти техникавий ва программий воситалар базасида тайёрланиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат матбуот қўмитасининг ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

